

*Ақид ва  
жамият*

Муҳаммад АЛИ

*Эркин кунлар  
нафаси*



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

Адиб ва жамият

Муҳаммад АЛИ

# ЁРҚИН КУНЛАР НАФАСИ



Очерklar

Публицистик мақолалар

Адабий мақолалар

Суҳбатлар

Хотиралар

494

11844



Чулпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент - 2019

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

А 49

*Масъул муҳаррирлар:*

***Аҳмаджон Мелибоев, Бахтиёр Ҳайдаров***

**Али, Муҳаммад**

А 49 Ёрқин кунлар нафаси [Матн]: очерк ва публицистик мақолалар/М. Али. — Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2019. — 240 б.  
ISBN 978-9943-5384-9-8

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг мазкур «Ёрқин кунлар нафаси» номли янги китобида узгараётган Ўзбекистонда рўй берётган шиддатли қадамлардан илҳомланиб ёзилган очерк ва публицистик асарлар, бугунги кунда долзарб бўлган қардош адабиётлар билан адабий алоқалар, адабиётимизнинг ўтмиши ва бугунги ҳақидаги мулоҳазалар акс этган мақолалардан ташкил топди. Уларнинг ичида Амир Темур, Алишер Навоий, Маҳтумқули, Бердак, Чингиз Айтматов сингари ва бошқа адиблар ижодига бағишланган мақолалар ҳам укўвчини бефарқ қолдирмайди.

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-5384-9-8

© Муҳаммад Али, 2019

© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019



## Келажак бугундан бошланади...

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида янграган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси иштирокчилар томонидан гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди, кўнгилларни беҳад руҳлантириб юборди. Ҳаётий ва ҳаётбахш фикрлар, теран мушоҳадаларга бой бу «Мурожаатнома»ни, бизнинг таъбиримиз билан айтадиган бўлсак, мукаммал битилган мазмунга бой асар, дейишимиз мумкин. Уни ўқиб, халқимизнинг шарафли ҳаётини, жадаллик билан ўзгариб бораётган Ўзбекистоннинг ёрқин қиёфасини тасаввур эта оламиз. «Мурожаатнома» — ўзига хос тарихий ҳужжатдир, бугунимизни ҳам, эртанги кунимизни ҳам белгилаб берадиган миллий дастурдир. У — бугунги ҳаётимизнинг мухтасар қомуси! Ҳа, бу қомус! Унда барча ҳолатлар, таклифлар, йўлланмалар, тавсиялар, даъватлар содда, каттага ҳам, кичикка ҳам тушунарли тарзда баён этиб берилган. Буни қайта-қайта ўқимоқ, мағзини чақмоқ керак! «Мурожаатнома»ни алоҳида китоб ҳолида куп нусхада нашр этиб халққа тарқатмоқ лозим, токи у ҳар бир ватандошимиз ёнида бўлсин.

«Мурожаатнома»ни — халқ дардини, унинг бир фидойи ўғлонининг куюнчак туйғуларини ифода этишнинг, шунингдек, инсоний муносабатларнинг ўзига хос, мутлақо янгича усули, десак адашмаймиз. Мурожаатнома, бу мактуб эмас, унга қайта жавоб бўлар ё бўлмас, баъзан кутилмайди ҳам, баённома ё арзи ҳол ҳам эмас. Мурожаатнома — бу халқ билан

юзма-юз мулоқотнинг самарали энг яқин йўли, оҳанрабои бор самимий суҳбат тарзида кечади ва юракларга тез етиб боради.

Диққат қилинг: унда кутарилган мавзулар нечоғлик ранг-баранг, худди бир-бирига боғлиқ эмасдек туюлади, аслида уларни бир нарса — **халқ ҳаёти қаттиқ бирлаштириб, бир ипга тизиб туради**. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш, партиялар рақобатини таъминлаш, Тошкент — Урганч — Хива тезюрар туристик поездини йўлга қўйиш, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта қуриб чиқиш, Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш, халқаро андозаларга жавоб бера оладиган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, вилоятлар ўртасидаги йўл-патрул постларининг эскича жойлашуви (ўзимиз ҳам кўп марта ана шу постларда интиқ кутиб қолиб азиятлар чекканмиз, яширишнинг ҳожати йўқ), давлат хизмати ҳақидаги қонун ишлаб чиқиш, темир йўлларни электрлаштириш, Тошкент шаҳрида Сергели ва Юнусобод метро йўналишлари, пойтахтимиз атрофидаги ҳалқа йўл бўйлаб ҳаракат қиладиган ер усти метроси қуриш, ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш... ва ҳоказо.

Булар «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланган 2018 йилда амалга ошириладиган ишларнинг бир қисми холос... Бари, бари муҳим, бари сиз билан менга тегишли, азиз ватандош!

Ватанимизда ривожланиш, янгиланиш сари шундай қутлуғ қадамлар қўйилмоқдаки, уларнинг ҳар бири ҳақида гапирилса, тилга «Ҳали бунақаси бўлмаган эди!» каби ҳайратдан бошқа сўз келмайди.

Ҳисоблаб қарасак, ўтган бир йил ичида мамлакатимизда 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмида савдо ва

сармоявий шартномалар имзоланди (биз бир вақтлар 4 млрд. АҚШ долларидан иборат инвестиция киритилди, деб қувониб юрганимиз эсимда).

Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли бинолар барпо этилди. Уларга одамлар кўчиб кирдилар.

Ўзбек миллий кураши Осий уйинлари дастуридан жой олди. Энди «ҳалол», «фирром», «чала», «ёнбош» сўзларимиз дунё ареналарида жаранглайди.

«Мурожаатнома»да Президентимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё — бош устивор йўналиш эканини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу борада қилинган ишлар, қўшнилар билан борди-келдиларнинг йўлга қўйилиши каби савоб ишлар халқимизни бағоят хушнуд этмоқда. Чиндан ҳам, қўшнинг тинч — сен тинч, шундай бўлса, бу Ҳаққа ҳам ёқади, халққа ҳам, дейишади донишмандлар. Хусусан, Туркменистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди, Қозоғистон билан ана шундай ҳамкорликни яна ҳам чуқурлаштириш ниятида бир неча муҳим ҳужжатларга имзо чекилди, Тожикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустақамланмоқда, чунончи, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди. **«Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, — деди Президентимиз, — Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди».**

«Мурожаатнома»нинг қамрови кенг. Ватанимизда ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий тадқиқот марказлари ташкил этилиши таҳсинларга сазовор ҳодисалардир. Президентимиз бош-қош бўлиб, давлатимиз томонидан, ислом (мусулмончиликда инсонлар учрашганда биринчи бўлиб тилга олинган «ассалом» сўзининг маъноси «тинчлик» экани-

га эътибор берайлик!) динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб берадиган башариятни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, тинчлик йўлида бирлашишга даъват этгувчи теран маъноли фикр ва ғояларини ёқлаб чиқаётгани Ватанимизнинг халқаро нуфузини оширишга холис хизмат қилмоқда. Булар, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизга жуда зарур.

«Мурожаатнома»ни тинглар эканман, айрим иқтибосларни ён дафтарчамга ёзиб қўйган эдим. Мана улар:

**«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак». Бу ғоя ҳаётимизнинг бош мезонига айланди.**

**«Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак! Бу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим».**

**«Эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш...»**

**«Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак!»**

**«Келажак бугундан бошланади».**

**«Инновация – бу келажак дегани».**

**«Қонуннинг бирдан бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт!»**

**«Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-таомиллар ҳамон сақланиб қолмоқда».**

**«Аэрокосмик технологияларни сунъий йўлдош орқали иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларига жорий этишга, афсуски, биз етарлича эътибор бермадик...»**

Мурожаатнома»да маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳаларига тегишли ўн иккита ҳужжат имзолангани, хусусан, Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси барпо қилингани ҳам эътироф этилди.

2017 йил 23 декабрь — биз ёзувчилар учун унутилмас тарихий кун бўлиб қолади. Шу куни муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Адиблар хиёбони билан танишиш мақсадида мазкур масканга ташриф буюрди. **«Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, — деди Президент бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувда. — Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез равнақ топади».**

Юртбошимиз янги бино хоналарини, музейни кўздан кечирди, бинони ободонлаштириш борасида зарур тавсиялар берди, кутубхонани кўрар экан, Ёзувчилар уюшмаси кутубхонаси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида онлайн ҳамкорлик алоқаси ўрнатилиши зарурлигини таъкидлади. Қалам аҳли учун қандай имконият яратилади! Шу ерда ўтириб Америкадаги китобни ўқиш мумкин! Бу ерда мушоиралар, учрашувлар, маҳорат мактаблари иш олиб боради, янгидан янги асарлар туғилади, ёзилади...

Хиёбонда қўйилган (улар ўнта) машҳур адиблар ҳайкалларини назардан ўтказар экан, Президентимиз



уларни ободонлаштиришга катта аҳамият бериш лозимлигини уқтирди. Ҳайкалларни жойлаштиришда боғнинг ичида муҳташам ҳайкали қад кўтарган улуғ устоз Низомиддин Мир Алишер Навоийга нисбатан эҳтиром ва эъзоз-икром акс этмоғи лозим. Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкаллари атрофида аъло навли ўриклар кўчатлари ўтқазилиши керак, токи ўриклар гуллаб турсин, Ойбек ҳайкалини наъматак гуллари ўраб олса мақбул бўларди...

Президентимиз сўзларини тинглар эканман, беихтиёр хаёлимда улуғ Навоий таваллуд топган ва яшган Ҳирот шаҳри жонланди. Шаҳарда Алишер Навоийнинг муҳташам Унсия (дўстлар уйи) боғи жойлашган эди, унда шоир яшайдиган хонадон, бой кутубхона, толиби илмлар билим оладиган ва турадиган иморатлар, шогирдлар бўлмалари, мулозимлар хоналари мавжуд эди. Бу ерда тез-тез мушоиралар, зиё аҳли учрашувлари, мунозаралар бўлиб турар, олимлар ўз асарларини ёзар эдилар. Бу ерга кўп бор табаррук зот Абдурахмон Жомий қадами етган, муаррих Мирхонд шу ерда, шоир кутубхонасида ўтириб (Навоий унга алоҳида хона ажратиб берган эди) ўзининг машҳур «Равзат ус-сафо» асарини ёзган, Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарини шу боғда қоғозга туширган эди. Бу масканга мамлакат подшоси муҳтарам Ҳусайн Бойқаро ташриф буюрар, дўсти улуғ Алишер билан замон ва шеърият ҳақида мубоҳасалар қуради. «Хамса», «Ҳазоин ул-маоний» каби дурдоналар шу ерда яратилган, Ҳусайн Бойқаро девони шу ерда пишиб, мақомига етган...

Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбонининг, ёки бошқача таърифласам, бизнинг «Унсия» мизнинг барпо этилишида чуқур рамзий маъно бор. Хиёбон тимсолида, аввало, улуғ боболар руҳини ёд этиш ҳамда улардан мадад олиш, авлодлар силсиласининг мустаҳкамлиги, халқимизнинг улуғ ниятлари, орзуларига собит садоқат каби ва яна бошқа кўп эзгу туйғулар

мужассам! Бу мустақил Ўзбекистонда азалий қадриятлар ҳеч қачон нутилмаслигига, руҳлар ҳамиша порлоқ бўлишига, келажак авлодлар томонидан мудом эъзозланажасига ёрқин мисолдир.

Ижодкорларга муҳтарам Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бунчалар эътибор, ғамхўрликни таърифлаш учун сўз йўқ... Миннатдорлик билдириш учун эса сўз етмайди... Фақат, беадад шукр, деймиз.

Давлатимиз раҳбари депутатлар, сенаторлар фаолияти ҳақида гапирар экан, уларга қарата: **«Яна бир бор айтаман, уйғониш керак»**, — дедилар қатъийлик билан. Бу сўзлар, шу залда утирган менга, биз ижодкорларга қараб айтилганга ўхшаб кетди... Чиндан ҳам, биз қачон уйғонамиз? Ўз қобилимизга ўраламай, кўзимизни каттароқ очиб, муҳтарам Юртбошимиздан оламга кенг қарашни ўрганайлик, назар солайлик. Халқимиз олдидаги қарзимизни узишга дадил чоғланайлик. Бу ҳақ гап. Ижодкорлар зиммасида ижоддан ташқари ижтимоий юк борлигини ҳам эсдан чиқармайлик.

«Мурожаатнома»да шундай сўзлар бор: **«Янги фикр, янги ғояга суянган давлат ютади»**. Кенгроқ айтсак, халқ ютади, миллат ютади, келажак авлодлар ютади.

2017 йил 23 декабрь.





## Амир Темур ва Алишер Навоий

*Миллий ғоя ҳақида ўйлар*

Амир Темур ва Алишер Навоий.

Тарихимизда бу икки сиймонинг аҳамияти нечоғлик улкан экани исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Агар миллатимизни тарих ва замон осмонида парвоз этиб бораётган толмас ва учқур бургутга қиёс қилсак, бу икки сиймони унинг икки қудратли қаноти, дейишимиз ўринли бўлади. Бири давлат тузишдан мақсади мол-дунё орттириш эмас, балки улкан давлат тузиб, адолат туғини билад кутариш, миллат доврўғини, Ватан шухратини дунёга ёйиш эди, иккинчиси, сўз қўшини билан дунёни забт айлади, туркий оламни якқалам этди, «Анинг забтиға бир девон юбордим», деб наъра тортди...

«Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хокиётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади», — деб ёзганди Биринчи Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Бу сўзлар, худди Соҳибқирон Амир Темур ва Алишер Навоий ҳақида айтилгандек, шундай инсонлар шаънига мадҳиядек таассурот қолдиради.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини тўлиқ ёритиб берган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Темурбекнинг қисман болалик давлари ҳам таърифланган, унда тахминан 9–12 ёшлардаги Темурбекнинг болалик орзулари, тутумлари ҳақида сўз юритилади. «(Темурбекнинг) сўнг ҳадди тамйиз ва

ақлда етқонда ҳаракат ва қилиғидин (ақли тўлишиб борган сари унинг ҳаракатлари-ю тутумларидан) **салтанат иши андин зоҳир бўлур эрди... подшоҳлик ва шахриёрлик тариқаси кун киби йаруқ кўри-нур эрди...**<sup>1</sup> (Таъкид бизники — М.А.) Бу ёш Темурбекнинг кўнглида давлат тузиш (мамлакатда эса ягона давлат йўқ...) фикри туғилган пайтлар, мустақил давлат тузиш умиди ва орзуси эндигина куртак отаётган паллалар... миллий ғояга айланиб бораётган улуғ ниятлар... Ўша пайтдаёқ Темурбекнинг ҳали бўлажак салтанат иши, подшоҳлик ва шахриёрлик тариқа(маслаги)сига интилиши кундай ёруғ намоён бўлар эди, дейди муаррих.

Қадимдан ўзбек болалари орасида «пошшо-вазир» ўйини жуда машҳур. Темурбек доим ана шундай ўйинни уюштиради, у «пошшо» бўлади, бошқа болалар ҳар хил «мансаб»ларни эгаллайдилар.<sup>2</sup> Бу болалик давридаги ниятларнинг болаларча гўзал содда ифодаси. Бошқача айтсак, Темурбек кўнглида уйғониб, мустақкам жой ола бошлаган **МИЛЛИЙ ҒОЯ** эди... Бу улуғ ғоя Темурбекка узоқ йиллар бир лаҳза ҳам тинчлик бермади, он сайин, соат сайин, кун сайин ўса борди. У пароканда юртни бирлаштириб, мўғуллар зулмида қолган она Ватанида мустақил давлат тузишни ўйларди, қайсар амирлар бошини қовуштириш, бир мақсадга йўналтириш йўлларини излашдан толмасди.

Дунё мамлакатлари тарихидан маълумки, миллий давлат қуришга бел боғлаган ҳар қайси халқ, қавм катта мақсадлардан келиб чиқадиган миллий ғояни ўзига байроқ қилиб олади. Амир Темур бобомиз, худди ана шу жараённи ўз бошидан кечирган эди.

Муаррих Низомиддин Шомий ўз «Зафарнома»сида шундай ҳикоя қилади.

<sup>1</sup> *Шарафигдин Али Яздий*. «Зафарнома». — Т.:, 1997. 13-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 13-бет.

Милодий 1367 йил. Мамлакатда икки нуфузли амир — ўттиз бир ёшли Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида иззат-икром, обрў-эътибор борасида мухолифат юзага келади. Кунлардан бир кун Темурбек ўз лашкари билан Бойсун мавзеида эканида, Амир Ҳусайн фитна қўзғатиш, орада низо чиқариш, шунинг билан бесаранжомлик туғдириш, ванимини кучсизлантириш ниятида Малик ва Абдуллоҳ деган одамларини юборгани сезилиб қолади...<sup>1</sup> Темурбекнинг йигитлари Соҳибқиронга дарҳол уларни тутиш лозимлигини маслаҳат берадилар. Соҳибқирон бунга рози бўлмайди ва шундай дейди: «Бу фикр тўғри эмас, чунки **бу кунлар давлатимизнинг бошланғич кунларидир...** (Демак, мустақил давлат тузиш ғояси ўша пайтларда пишиб етилган, шаклланиб бўлган.) Агар биз уларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб қоладилар ва биз томонга келишдан иккиланишга тушадилар. Қайси бир подшоҳ (демак, Соҳибқирон кейин барпо этилажак улкан *давлатнинг* куртаклари намоён давлатни тузган, чунки ўзини подшоҳ сифатида талқин этмоқда) ўз ишини ғаддорлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга озор бериш ва ҳалок қилишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб қарорсизликка юз тутади...»<sup>2</sup> Бундан кейинги сўзлар давлат тузилганлигини ва унинг қандай йўсинда қурилатганлигини яна ҳам яққол кўрсатади: «**Биз ўз салтанатимизни одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш асосига қураётганлигимиз сабабли уларни юпантириб, хотиржам қиламиз...**» Амир Темурнинг юрт бошига келишига ҳали тўрт йил вақт бор бўлса ҳам, «давлатимиз», «салтанатимиз» деб комил ишонч билан гапиришлари кишини ҳайратга солади. Бошқа бир жойда эса, истиқлолимиз баҳоридида турибмиз, деган сўзларни келтиради. Буларни ўқиб,

<sup>1</sup> *Низомиддин Шомий*. «Зафарнома». — Т.: 1996. 55-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 55-бет.

беҳад фахру ифтихор туйғуларига берилиб кетганинг-ни билмай қоласан...

Демак, салтанат одамлар (халқ)га эътибор бериш, уларни ҳимоя қилиш, юпантириш, хотиржам қилиш билан шуғулланади. Мана, салтанат ва миллий ғоя нимадан иборат!

Кейинчалик *одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш* — каби сўзлар Соҳибқирон салтанатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди, дейиш мумкин. Бу бугунги кун ўқувчисини, — аслида ҳамма замонлар ўқувчиларини ҳам! — ҳайратга солмай илжи йўқ. Соҳибқироннинг узоқни кўзлаб олиб борган **сиёсати, теран ақли, катта арбоблик салоҳияти** шу ерда очиқ намоён бўлади. Бу буюк давлат арбобининг қарашлари эди.

«Темур тузуклари»дан олинган мазкур сўзларга эътибор беринг: «Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг **халққа жабр-зулм еткизганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим...**»<sup>1</sup>. Бу сўзлар салтанат гуриллаб турган вақтларда қоғозга туширилган.

Амир Темурнинг эл-юртни, улус-халқни, инсонни ўйлайдиган фуқаропарвар ҳукмдор эканини яна бир воқеадан ҳам билса бўлади. Соҳибқирон Ҳиндистон сафаридан қайтаётиб, Сиволик тоғига яқин манзилгоҳда тўхтади. Воқеа 1399 йил 13 январь куни рўй беради. Соҳибқироннинг жияни Амир Сулаймоншоҳ бир неча нуфузли амирлар билан ҳукмдор ҳузурига келади ва шундай мурожаат қилади: «Агар Олий ҳазрат лашкаргоҳ томонга қайтсалар ва сув ёқасида монандсиз вужудлари ниҳолига ором бериб нашъу намо бағишласалар, биз бандалари эса у муфсид (фасодчилар, яъни душманлар — М.А.) томонига чопқин қилсак тўғри иш бўлар эди».<sup>2</sup> Соҳибқи-

<sup>1</sup> «Темур тузуклари» — Т.:, 2005. 65-бет.

<sup>2</sup> Низомиггин Шомий. «Зафарнома». — Т.:, 1996. 261-бет.

роннинг амирларга жавоби амирларнигина эмас, Низомиддин Шомийнинг ўзини ҳам ҳайратга солади. «Амир Соҳибқирон уларга шундай подшоҳона жавоб бердики, — деб ёзади муаррих, — уни кўз қорачиги билан кўз оқига ёзилса арзигуликдир!»<sup>1</sup> Амир Темур жавоби бундай бўлган эди: «Ғазот қилишда бир қанча фойда бордир, аввалан дунёда яхши ном қолдирилади, охираат учун эса ҳисобсиз савобга сазовор бўлинади. Шу билан бирга бунга қўшимча равишда мол ҳосил қилиш ва ғанимат олишдан иборат дунёвий манфаатлар ҳам бордир. Сизлар бу фойдаларни ўзингиз учун назарда тутасиз, мен эса бу саодатга етишишни ўзим учун исташ билан барча лашкарнинг мискинларини назарда тутаман, уларнинг мингани улови йўқ, пиёда қолганлари кўп... Ўзгаларнинг, қўл остимдаги кишиларнинг ғамини ейиш ва уларнинг осойиши учун ранжу меҳнат тортиш кичининг ўзига роҳатни ихтиёр этиш, фароғат қилишдан кўра яхшироқдир».

Биз бу ерда ҳақиқий Амир Темур тимсолини кўра-миз! *Кишилар ғамини ейиш саодатга етишиш демакдир*, Амир Темур фикрича:

*Одами эрсанг, демагил одами,  
Анингким йўқ халқ ғамидин ғами, —*

дейди Соҳибқирон фикрини айнан такрорлаб Алишер Навоий.

Соҳибқирон умрининг сўнгги кунларида ўз фарзандларига шундай васият қилган эди: «Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулоғингизга тунгизлар ва *раъойо* (халқ маъносида) *ва фуқаро-ю мискин ҳолатидин ғофил бўлмағайсиз... Нечукким мен ағлу эҳсон била оламни обод этибмен...*»<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Юқоридаги китоб. Ҷша бет.

<sup>2</sup> *Шарафиддин Али Язғий*. «Зафарнома, — Т.:, 1997. 296—297-бетлар.

Соҳибқирон Амир Темур миллий ғоя асосида узоқ йиллар заҳмат чекиб, мустақил **Турон салтанати-ни** (Амир Темур юртимизни шундай атаганлар, ўзларини **султон** деб ёздирганлар) йўқдан барпо этди ва уни дунёларга танитди. Машҳур Култегин битигида айтилганидек: **«оз халқни кўпайтирди, камбағал халқни бой қилди, элни бир-бирига дўст қилди».**

*Давлат тузиш ва салтанат ишини юритиш, эл бирлиги, руҳ бирлигига эришиш;*

*«Куч адолатга» шиориغا ҳамиша амал қилиш;*

*Одамларга эътибор бериш, уларни ҳимоя қилиш, хотиржам этиш ва юпантириш;*

*Халққа жабр-зулм етказганларни эшитганда... чора кўриш;*

*Кишилар ғамини ейиш ва улар осойиши учун ранжу меҳнат тортиш кишининг ўзига фароғат тилаш, фароғат қилишдан кўра яхшироқлигини англаш;*

*Раъёйо(халқ маъносига) ва фуқаро-ю мискин ҳолатидин ғофил бўлмаслик..*

Булар шунчаки сўзлар эмас, балки мустақил давлат тузган буюк давлат арбоби суянган, амалга оширган ўзига хос миллий ғоянинг муҳим боблари эди.

Энди эътибор беринг: *«Биз одамлар(халқ) манфати нимани истаса — шунга қиламиз», «Халқимиз эртакка эмас, келажакка эмас, бугун яхши яшашни истайди!»* — бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзлари. Бу Соҳибқирон назарда тутган «одамларга эътибор бериш»га, «кишилар ғамини ейиш»га ёрқин мисолдир! Давлатимизнинг икки раҳбари — бири олти юз йиллар аввал, бири — бугун айтган сўзлари бир-бирига қондошу жондош, ҳамоннинг эканини кўряписми? Уларни бир **миллий ғоя** урилмас занжир бўлиб боғлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қўйидаги даъватлари ёдга келади: «Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда амроҳингиз ва дастурингиз бўлсин!» деган чуқур



маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.»

Амир Темур тузган Мустақил давлатнинг вазифалари, ёки, бошқача айтсак, дастури нималардан иборат эканига бир назар ташлайлик.

Амир Темур юртни бирлаштириш билан шуғулланди, ягона Турон юртини тиклади. Обод этишга киришди, улкан бунёдкорлик ишларини олиб борди, турли хил бино-иморатлар қурди, йўллар солди, жаннатмисол боғлар барпо қилди.

Давлат хавфсизлигини сақлаш, турли хил ташқи таҳдидларнинг олдини олиш, бартараф этишга кўп вақтини сарфлади. Жета, Дашти Қипчоқ томонлардан қилинадиган қўққис босқинлар Амир Темурни доим ҳушёр туришга мажбур қилар эди. Шунини айтиш керакки, босқинчилар юртда Амир Темур йўқлигини пойлашиб, бостириб келар, кейин дарҳол ортга қайтардилар. Ҳеч қайси душман Амир Темур билан юзма-юз жангга киришга журъат қилолмас, тенг келолмаслигини билиб, «вақтида қочиб қолмоқ ҳам зафардур» деган мақол этагини тутиб, майдондан жуфтакни ростлардилар.

Амир Темур ўз давлатини дунёга танитиш зарурлиги, бу йўлда жаҳон мамлакатлари билан алоқаларни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга эканини чуқур англаб етган давлат арбобидир. Бу ўша давр инсоний тафаккур тараққиётини белгилаб берадиган, замондан ўзиб кетган тушунча, зўр омидир. Шарқ ҳукмдорлари ичида Амир Темур биринчи бўлиб дунё, хусусан, Европа мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишни йўлга қўйди, ўзаро ҳурмат доирасида савдони ривожлантиришга, тенг ҳуқуқларда ҳамкорлик қилишга чорлади. Амир Темур фикрича, чинакам мустақил давлат, олий ҳукмдор фақат ўз мамлакатигина эмас, балки жаҳон тақдири учун ҳам масъулдир. Соҳибқирон элчиларининг дипломатик миссия билан Европа мамлакатларига бориши, Англия, Кас-

тилия (Испания), Франция, Хитой ва бошқа мамлакатлар элчиларининг Самарқандга келиши ўз замонасининг жуда катта воқеаларидандир.


Буларнинг бари Соҳибқирон кўнглида болалиқда янроқ ёзган мустақил давлат тузиш орзулари, кейинчалик **миллий ғояга** асос бўлган ниятлари эди. Мустақил Турон салтанатини тузиш билан Амир Темур бу **муътабар ва қутлуғ миллий ғояни** рўёбга чиқарди, сиёсий томондан тамал тошини қўйиб, мустақамлаб берди, она юртини дунёга кўз-кўз қилди.

\* \* \*

Миллий ғоянинг иккинчи қаноти бўлган маърифат, маънавиятни жаҳоний даражага кўтариш эса гениал ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий зиммасига тушди. Алишер Навоий Амир Темур замони, Темурийлар даври фарзанди сифатида, Амир Темур кўтариб чиққан миллий ғоя шабадаларидан баҳраманд бўлган, шундай об-ҳавода ғояга етган оламшумул сиймо эди.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ижоди, фаолияти халқ ва Ватанга, инсоният ва маънавиятга сидқидилдан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси дир.

Инсон — буюк, коинотнинг тожи. Инсон зоти қалбининг қанчалар буюклигини, шуурининг тонг ўфқидай тиниқлигини, ақлининг нодирлигини, зеҳнининг уткирлигини, тафаккурининг мусаффолигини, заковатининг теранлигини, салоҳиятининг олмосдай серқирраллигини, истеъдодининг бебаҳолигини, муҳаббатининг ҳаётбахшлигини, туйғуларининг шаффоқлигини, орзуларининг бесарҳадлигини, хаёлларининг учқурлигини, ёруғ ниятларининг олижаноблигини бир шахсда мужассамлигини кўрмоқчи бўлганлар, улуғ бобомиз Алишер Навоийга — оламшумул сиймога мурожаат қилмоқлари, унга юз бурмоқлари керак.



Алишер Навоий адабиётга кириб келган паллалар юрт нотинч, миллатнинг руҳи суниқ, бир пайтлар жаҳонга доврўқ солган Турон салтанати энди йўқ, унинг ўрнида тож-тахт талашган Темурийзодалар бўлтак-бўлтак юртни эгаллаш пайида бир-бирлари билан саваш қуришади. Сал олдинроқ бундай низо-ларга барҳам бериб турган қудратли Шохрух Мирзо ҳам оламдан утганди...

Табиийки, адабиёт ва санъат, маънавият ривожини ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Эл-улус бесаранжом, ёш Алишерлар оиласи ҳам юзлаб оилалар қатори ўз юр-тидан Ироққа паноҳ излаб кетган, сарсон-саргардон-ликда... Адабиёт пароканда, шоирлар, аҳли қалам ўрта-сида робиталар ҳам йўқ даражада, борлари ҳам узил-ган ўзаро ижодий учрашувлар, мубоҳасалар бўлиб турмайди, бўлса ҳам кам, анқога шафе. Эски ўзбек тилига камситишлар билан қарашлар кучайган, бу тилда катта адабиёт яратиб бўлмайди, деган овозалар атрофни тутган. Адабиётга ҳам, бутун жонивор-жон-зот, майса-ғиёҳларни ўзига қаратган, баҳраманд эт-ган бир қуёш керак эди. Ўзбек адабиёти карвонбошига муҳтож эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, тақдир, қисмат Алишер Навоийни ана шундай карвонбо-шига, миллат маънавиятининг чароғбонига айлан-тирди!

Навоий ёшлик чоғиданоқ ўзининг оловли ғазал-лари билан кекса-ёш барчани ҳайратга сола бошла-ди. (Лутфий билан бўлган ҳодисани эсланг!) У ҳар сўзидан ўт чақнаётган, фикр машъали ловуллаб ёна-ётган фавқуллодда истеъдод соҳиби эди! Унинг қала-мигина нурли бўлиб қолмай, балки, ўзининг сўзи би-лан айтганда, «**ўзи поку, дили поку, сўзи пок**» зот эди. Унда ҳам, Амир Темур каби, одамларни ўз атрофига жалб қила олиш, бошини қовуштириш, бир-лаштириш салоҳияти кучли эди. Унинг вужудидан нур ёғилиб турар, табиийки, ҳамма нурга интиларди. Номи донг таратиб бораётган шоир ўз ижоди ҳақида хаёл

сурар экан: «Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзум мартабаси авждан қуйи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан унга ерни ёқтирмагай», деб ёзганди.

Бугун ҳаёти ва фаолиятини халқнинг осойишталиги, маънавий камоли, умуман, Инсоннинг бахтсодати учун курашга бағишлаган Навоий Ҳиротда, умуман, мамлакатда замонасининг илғор фикрли кишиларини, олимлар, муסיқашунос санъаткорлар, меъморлар, хаттотлар, шоирлардан иборат илм ва санъат аҳлини ўз атрофига жамлаб, юртни обод этиш ишларига йўллади. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида ижод қилишга даъват этди, шоирлар, тарихчиларни катта асарлар яратишга илҳомлантирди, уларга шароитлар яратиб, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдамлар берди. Муҳими, бу йўлда энг аввало ўзи намуна бўлди, турли жанрларда асарлар ёзди, адабиётимизни бемисл бойитди.

Навоий халқ оғзаки ижоди, ўзбек классик адабиёти, жаҳон адабиёти намуналарини чуқур ўқиб-ўрганиб чиқди, уларни синтез қила олди ва катта бадий хулосалар чиқарди. Унинг ғазалари тасаввуф руҳи билан суғорилган (бу умумшарқ шеъриятига хос хислат), айна пайтда у мажозий(инсоний) ишқни ҳам кўкларга кўтариб мадҳ этди.

Навоий — ишқ-муҳаббат куйчиси. Кези келганда шуни айтиш керакки, ўзбек шеъриятида инсон дари ва ҳасратларини, ўз севгилисига талпинишларини, ҳижрон азобу уқубутларини Навоийдан ўтказиб йўдалаган шоирни топиш қийин.

Юқоридаги фикрга қайтсак, содда қилиб айтганда, сўфий шоирлар осмоний (ҳақ-худога бағишланган) туйғуларни тараннум этсалар, Навоий ҳам осмоний, ҳам заминий туйғулар билан ўз ижодини нурлантира олган, уларни бир-бирига эш қилиб юборган, осмон билан ерни бирлаштирган қудратли шеърят яратган улуғ шоир эди. Шу сабабдан, шоир асарла-

рини ўқиб, ҳар бир ўқувчи ўзига керакли осмоний маънони ҳам уқади, осмоний шавққа мафтун бўлади, заминий маънодан ҳам юксак маънавий озиқ олади, заминий завқдан ҳам ҳузур қилади...

Шоир шеърят мавзу доирасини ниҳоятда кенгайтиришга эришди, шоир ғазалларида, дostonларида севги ва садоқат, ватанга ва халққа муҳаббат, вафо ва дўстлик, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироби, инсоф ва адолат, маърифат ва саховат, одоб ва тавозе, ҳалоллик ва тўғрилиқ мотивлари куйланади. Шоир лирикаси ҳаёт таронаси ва инсон мадҳиясидир.

Навоийнинг ижоди бамисли ҳаёт қомуси. Унда ҳаётнинг ҳар бир жиҳати, ҳар бир соҳасига муносабатни кўриш мумкин. Шоир болалар ўйинидан то шоҳларнинг сиёсати-ю, кичик маиший ҳаётий деталлардан то табиат ҳодисаларига қадар барчасига диққатни қаратади.

У умумбашарий ғояларни ранг-баранг мавзуларда ёниб куйлаган шоир ва мутафаккирдир. Шоир бир ғазалида бу ҳақда ғурур билан шундай сатрлар иншо этади:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил,  
сориғ, яшил...*

Алишер Навоий жонажон адабиётини жонини фидо қилар даражада севди, унинг ҳамма жанрлардаги асарларга эга бўлиши, бирон бир жиҳатдан бошқа адабиётлар олдида камситилиб қолмаслиги ташвишини чеқди.

Бошқа шоир, тарихчиларни шундай асарлар ёзишга ундади, рағбатлантирди, иложи бўлмаганда ўзи зарур мавзуларда адабиётимизни бойитадиган, тулдирадиган асарлар ёзди. Чунончи, ҳали ҳануз адабиётимизда, нафақат бизда, балки бошқа туркий адабиётларда ҳам «Хамса» яратилмаганди. Замон эса адабиёт олдига «Хамса» яратиш вазифасини қўймоқда

эди. Ўзбек китобхонларининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжи, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг тараққиёти ҳамда истиқболи шуни тақозо этарди. Бундай мураккаб ва масъулиятли ишга Навоий «лаббай!» деб жавоб берди. У «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ёзди:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасиға панжа урмоқ...*

Назмда катта тажриба тўплаган, лириканинг созилашган бебаҳо созини жаранглатиб, хушнаво оҳангларга жаҳонни тулдирган шоир дадил ишга киришди: ўттиз ойда (1482 – 1485) ҳар бири бир олам бўлган «**Ҳайрат ул-аброр**», «**Фарҳод ва Ширин**», «**Лайли ва Мажнун**», «**Сабъаи сайёр**», «**Садди Искандарий**» номли беш достондан иборат жаҳон адабиёти дурдонасига айланган «Хамса» дунёга келади! Мисли кўрилмаган жасорат, муъжиза!

«Ҳайрат ул-аброр»даги ифода этилган теран фалсафа, «Фарҳод ва Ширин»даги вафо, садоқат, мардлик ва жасорат, «Лайли ва Мажнун»даги нафис ишқ тасвирлари, «Сабъаи сайёр»даги ишқий-саргузашт, қаҳрамонлик, «Садди Искандарий»даги одил подшо мотивлари, уларга қўшимча равишда «Лисон ут-тайр»даги имон, эътиқод, маънавият муаммолари бугун ҳам башариятни комиллик сари даъват этмоқда.

Шоир шоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро таважжуҳи билан лирик асарларини жамлаб ҳали адабиётимизда мавжуд бўлмаган — тўрт жилддан иборат «Хазойин ул-маоний» куллийетини тузади! Бу адабиётимизда мутлақо янги ҳодиса эди!

Навоий шоир бўлиш билан бирга ўз даврининг улўф олими, мутафаккири ҳам эди. Навоийсиз бу давр фани ва маданияти тараққиётини тасаввур этиш қийин. Унинг илмий-филологик, насрий, тарихий асарлари мавжуд, адабиётшунослик, тилшуносликни бошлаб берган рисоалари, хотиралари, мактублари

бор. Қуйидаги, таъбир жойиз бўлса, адабиётимизни тўлдирадиган асарлар зарурат ва эҳтиёж юзасидан яратилганини айтиб ўтиш керак. Адабиётимизда тасаввуфга бағишланган асарга эҳтиёж сезиларди («Лисон ут-тайр» достони яратилди), XV аср ўзбек бадий насрининг энг ёрқин намуналаридан бири «Маҳбуб ул-қулуб» дунёга келди.

Адабиётшунослик соҳасида кўзга кўринарли асарларимиз йўқ эди — шоир учта асар — «Мажолис ун-нафоис» (унда 359 замондош шоир ижоди ва фаолияти ҳақида сўз юритилади, ижодлари ҳақида фикрлар билдирилади, асарларидан мисоллар келтирилади), адабиёт назариясига доир асар бўлган, аруз вазнидан баҳс қилган «Мезон ул-авзон», муаммо жанрига бағишланган «Муфрадот» рисоалари ёзилди.

Шеърятни янги поғонага кўтариш баробарида улўф шоир она тилининг жаҳондаги бой тиллардан бири эканини исботлаш йўлида кўп қайғурди, жон қўйдирди.

Натижада ўзбек адабий тили равнақи учун олиб борган кўп йиллик курашини ва адабий тил ва адабиёт соҳасидаги бой тажрибаларидан келиб чиқиб, тилшунослик фанининг нодир асарига айланган «Муҳокамат ул-луғатайн»ни яратди. Гарчи шоир ўзининг нодир асарлари билан ўзбек тилининг буюк имкониятларга эга эканини исбот этган эса-да, бу билан чекланмай, уни **илмий асослаб беришни** ҳам лозим топди.

Шоир фикрича, кишининг кўнгли — дарё, сўз — дур, сўзловчи ғаввосдир. У маънони бирламчи, шаклни иккиламчи, деб ҳисоблайди, маънога сўзнинг жони, деб баҳо беради.

«Насойим ул-муҳаббат» асарида форс мутасаввуфлари қатори турк мутасаввуфлари ҳақида ҳам сўз кетади. «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи ҳукамо ва анбиё» рисоалари ҳам адабиётимизда янгилик сифатида қабул қилиниши жоиз. «Муншаот», «Вақфия»

адабиётимизда пайдо бўлган янги асарлардир. Юқорида айтганимиздек, бундай йўналишларда асарлар бўлмагани учун шоир илмий-бадий рисолаларни яратишга ўзида эҳтиёж сезди...

Чунки у она адабиётини қалби тепиб турган **тўлақонли** адабиёт бўлишини, жаҳон адабиёти майдонидан қисиниб қолмаслигини дил-дилдан истарди.

Навоийнинг қарийб барча асарларига нисбатан, у адабиётимизда **илк бор** яратилди, дея оламиз. Унинг ҳар бир асари, ғазаллари, дostonлари, маснавийлари, рисолалари новаторона иншо этилди, ўзбек адабиётида янгилик сифатида жаранглади.

Қудратли давлатга эга миллат маънавият жиҳатидан ҳам қудратли бўлмоғи керак. Алишер Навоий бу ҳикматни англаб етди, шу важдан бутун кучини, салоҳиятини ана шунга бағишлади.

У Соҳибқирон бошлаб берган, элимизни, юртимизни, миллатимизни шарафловчи **миллий ғояни** рўёбга чиқарди — маънавиятимизни юксалтирди, юртимизни оламга кўз-кўз қилди.

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!*

Бу шоир ижодининг туб моҳиятини англатадиган башоратомиз айтилган сўзлардир. Ҳа, миллий ғояни баланд тутган шоир навосиз улусининг навобахши бўлди: миллатнинг маънавиятини кўкларга кўтарди.

\* \* \*

Бугунги кунда миллий ғоямизни камолга етказган икки буюк сиймо Ватанимиз осмонида заволсиз порлоқ юлдузлар мисоли чарақлаб турибди.

Маърифатли халқгина ўз бағрида Амир Темур ва Алишер Навоий каби буюк инсонларни вояга етиштира олади.





---



---

## «MAN – СИЗ УЧУН»

Очерк

Кунлардан бир кун, хизматга борар эдим. Тошкент кўчаларида нима кўп, рекламалар кўп. Ҳамиша уларни кузатиб бораман. Кўзим катта юк машинаси сурати солинган рекламага тушди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди: «MAN – СИЗ УЧУН». Ҳикматга айланган бу сўзлар кўнглимга ўтириб қолди. Албатта, бу заводни бориб кўраман, деган ният қилгандим ўшанда.

Оллоҳга шукрки, мамлакатимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Истиқлолимиз туфайли ўзимиз эккан дарахт соясидан ўзимиз баҳраманд бўлмоқдамиз, меваси ўзимизга насиб этмоқда. Ҳар қадамда ўзгаришлар, янгиликлар, ободончиликлар... Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган зукко сиёсати туфайли Ўзбекистонимизнинг халқаро мартабаси ортгандан-ортиб бормоқда.

Ҳали бунақаси бўлмаган эди, деб бемалол айта оламиз. Буни жумла жаҳон кўриб, тан бериб турибди. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб аталган 2018 йилнинг тарихимизда ёрқин йиллардан бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти масъул котиби, шоир Тошпўлат Ўрхун билан иккимиз, қўлимизда дафтар, заводга келганимизда вақт чошгоҳга яқинлашиб қолганди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшма корхонаси Самарқанддан ўн уч километр масофада Жомбой шаҳрида жойлашган эди. Бизни заводнинг мада-

ний-маърифий ишлари бўйича мутасаддиси Аъзам Исоқов кутиб олди. Аъзам Исоқов, асли жомбойлик, жуда дилкаш, одамохун, суҳбати ширин бир инсон экан. Зериктирмайди. Бирпасда эски танишлардай бўлиб кетдик.

— Бу ерлар дастлаб ўрмон хўжалигига қараган, — дейди Аъзам Исоқов. — Умумий майдони 45 гектар, заводнинг ишлаб чиқариш майдони 26 ярим гектарни ташкил қилади.

Завод ҳовлисининг этакларидаги сайхонликда чиройли бўлиб қатор тизилиб турган янги «тандирдан узилган» MAN машиналарини демаса, бу жой завод эмас, кўпроқ дам олиш зонасига ўхшаб кетади. Биз атрофга қараб қолдик. Ҳамма томон ораста, боғ... Дарвоқе, шундоқ завод биносининг ёни ва орти 5 гектардан иборат олмазор, 1 гектар гилос боғи яшнаб турибди, нарироқда 1 гектар иссиқхонада помидор, бодринг экилган. Уларга қўлинг дард кўрмагур меҳнатсевар йигит Сувонқул Долиев боғбонлик қилар экан.

— Кейинги етти-саккиз йил ичида бўлди-да бу ўзгаришлар, — изоҳ берди Аъзам Исоқов. — Мана завод биноси ҳам, ҳов анови дилерлик ва сервис маркази биноси ҳам, мана бу боғ ҳам, бари яқинда пайдо бўлди.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Шавкат Мирзиёев имзо чеккан 2009 йил 7 августдаги 224-қарори асосида Жомбойда «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти билан Германиянинг машҳур MAN корхонаси ҳамкорлигида қўшма корхона очилди. Корхона ўз биноси қурилгунча Самарқанд автомобиль заводида бир цехни ижарага олиб иш бошлади.

Шу йилнинг ўзида, яъни 2009 йил 4 сентябрь куни қўшма корхонанинг биринчи машинаси «MAN»

тамғаси билан «СамАвто»да конвейердан чикди! Бу улкан ишларнинг бошланиши эди. Ҳозир бу илк машина қайноқ кунларни эслатиб, катта қутлуғ йўлнинг бошланишидан намуна сифатида заводнинг кўрғазмалар залида савлат тукиб турибди.

Шу ерда MAN корхонаси ва умуман унинг тарихи ҳақида бир неча сўз айтишга эҳтиёж туғилади. Немис машинасозлик компанияси юк автомашиналари, автобус ва двигателлар ишлаб чиқарадиган, жаҳонда тан олинган энг нуфузли, ўз анъаналарига эга корхона ҳисобланади.

У 1758 йилда ташкил топган, номи «Maschinenfabrik Augsburg-Nürnberg AG» деб юритиларди. Корхонанинг штаб-хонаси Мюнхен шаҳрида жойлашган. Компанияда ҳозир 54 000 га яқин одам меҳнат қилади.

Дунёдаги энг зўр двигателни яратган, XX аср ифтихори ҳисобланган машҳур немис инженери ва ихтироچиси Рудольф Дизель айнан шу Аугсберг заводида ишлаган ва ҳамкорлик қилган эди.

1893 – 1897 йилларда узоқ йиллик машаққатли изланишлардан кейин Рудольф Дизель лойиҳаси бўйича Аугсберг заводида ўт олдирадиган свечалари йўқ (свечасиз), янгича ички ёниш двигатели ишлаб чиқилди. У кейинчалик «Дизель двигатели» деган номда машҳур бўлиб кетди.

Двигатель бензин талаб қилмасди, балки унинг ўрнига анчагина арзон ҳисобланган ёқилғи (кейин уни «дизель мойи» деб атадилар) билан юрарди. Янги двигателнинг ўт олдириш тизими содда бўлиб, ишлатишга жуда қулай эди. Ихтиро 1898 йилги Мюнхен кўрғазмасида намоёниш этилди ва шуҳрати бутун жаҳонга ёйилди. Уша биринчи двигатель ҳозир нодир экспонат сифатида Аугсберг машинасозлик музейига қўйилган.

MAN – Maschinenfabrik Augsburg-Nürnberg AG (Аугсберг-Нюрнберг акциядорлик жамияти машина

(фабрикаси) — 1986 йилда икки штат бирлашиб, MAN ташкил бўлди. Юк машина двигатели Нюрнбергда ишланади, бир мотор(лот. — ҳаракатга келтиргувчи)ни бир уста тайёрлайди.

MAN га қарашли қўшма корхоналар жаҳонда бешта бўлиб, улар Ҳиндистон, Бразилия, Австрия, Польша ва Ўзбекистонда (Жомбойда) жойлашган.

Маҳсулотнинг ишончли, янгиликка бойлиги, ҳаракатчанлик, жўшқинлик, аниқликка эга бўлиши, иқтисодий арзонлиги, хавфсизлиги... Булар MAN заводи ходимлари шиорига айланган. Кенгроқ гапирадиган бўлсак, мижоз ишончини қозониш, янгиликка интилиш самаралари, ҳаракатчанлик — машинанинг тезкор ва кучли бўлишига эришиш, концерн доирасида бошқа қўшма корхоналар билан янги-янги ғоялар алмашиш, маълумотлардан бохабар бўлиш, олға интилиш... интилиш... интилиш...

— Ҳақиқат муқояса қилинганда аён бўлади, — дейди сенатор, завод бош директори Ё. Қабулниязов. — Ҳаммамизнинг эсимизда: илгарилари тўртта, бешта автомашина қиладиган ишни ҳозирда битта MAN автомобилнинг ўзи қойиллатиб бажаряпти... Аввалги автомашиналар билан ҳозирги автоуловлар орасида фарқ катта. Бари замонга мос-да, замон эса шиддатли...

Ҳақиқатда ҳам шундай.

Корхонада жараён қизғин паллага кирди. 2011 йил 22 декабрда қўшма корхонанинг дилерлик ва хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади. Ярим йилдан кейин эса 2012 йил 30 июль куни кўздан кутилган қувончли ҳодиса рўй берди: Жомбойда MAN автомобиллари-ни йиғувчи заводнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанада Германиядан, Тошкентдан, Самарқанддан ҳурматли меҳмонлар ташриф буюришди. Байрам бўлиб кетди! 2013 йил 16 майда мингинчи автомобиль завод конвейеридан чиққани заводда ишнинг

жадал суръатлар билан олиб борилаётганининг яққол исботи бўлди.

2016 йил 22 декабрда корхона залида Самарқандда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари кўрғазмаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев корхонага ташриф буюрди, завод цехлари, бу ердаги иш жараёни билан қизиқди, муносиб йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берди.

Бу завод аҳлини руҳлантириб келмоқда ва янги зафарларга ундамоқда.

\* \* \*

Жиндай тарихга назар ташлаймиз: 1996 йилнинг 19 июли Андижон вилоятидаги Асака автомобиль заводи тантанали очилган кун сифатида Ўзбекистоннинг ривожланиш тарихига кирди. Ўтган давр мобайнида Ватанимиз автомобиль саноати енгил ва оғир юк автомобиллари учун бутловчи қисмларгина эмас, балки турли хил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш учун ҳам тизимдаги корхоналарга кенг имкониятлар яратиб берди.

Қанчадан қанча маҳаллийлаштирилиш йўлида хос корхоналар очилди. Автомобилларга техник ва сервис (хизмат) кўрсатиш марказлари ташкил қилиниб, неча-неча юзлаб ишчи ўринлари яратилди, яратилмоқда.

— «JV MAN Auto-Uzbekistan» автомобиллари мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради. — дейди бош директор ўринбосари Отабек Нарзуллаев. — Маҳсулотлар халқаро бозор стандартлари талабига жавоб бермоғи керак. Корхонада шу сабабдан сифат самарадорлиги, биринчи ўринда сифат юксак мезон қилиб олинган.

Корхонанинг техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандиси, касаба уюшмаси раиси Маҳмуд Аҳмедов суҳбатга қўшилади:

— Заводимиз зўр, ҳозир тўртта цех ишлаб турибди. Юк машинасини ишлаб чиқариш йиғув цехи, автобус ишлаб чиқариш цехи, юк машиналари кабинасини ишлаб чиқариш цехи, юк машинаси кабиналарини йиғув цехи. Ҳаммаси ёнма-ён. Бу ерда сотув ва сервис маркази ҳам иш бошлаб юборган.

— Марказий Осиёда ягона! — сўз қўшади Аъзам Исоқов гурурланиб.

— Тўғри, атроф мамлакатларда бундай завод борлигини эшитмаганман. — тасдиқлайди Тошпўлат Ўрхун.

— Энг муҳими, машиналаримиз газда ишлашга мосланган, иқтисодий арзон, бир машина бемалол бир миллион километр юра олади ва ўз хизматини ҳалол адо этади... Европада машиналар дизель мойида юради. Бизда эса газда, — дейди Отабек Нарзуллаев.

Жомбойда ҳозир 16 тонна юк ташийдиган автомашиналардан бошлаб, яримтиркамалар, тиркамалар, махсус техник автомобиллар, халқ хўжалигида зарур бўлган тез ёрдам, ёнғин, ахлат ташийдиган машиналар, юқори қаватларга бетон қоришмасини узатиб беравчи автомашиналар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, ахлат ташишга мосланган машиналар «Махсус-транс» ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари жонига оро кирмоқда, юртимизнинг кўплаб майдон ва хиёбонларини, кўчалари ва маҳалларини озода тутиш борасида ҳолис хизмат қилмоқда. 50 тонна юкка мўлжалланган машиналар ҳам бор.

Ҳисоблаб кўргандим, заводда ҳозир 56 хил машина чиқар экан. Бир пайтлар Ўзбекистонда миҳ ҳам ишлаб чиқарилмас эди! Бунга ҳайратланмай бўладими! Буларни паҳлавон машиналар, баҳодир машиналар, полвон машиналар, дегим келади. Эсимда, болалигимизда қишлоғимиз атрофларида экскаватор зах сувларни қочириш учун чуқур зовурлар қазирди. Катта-кичик уни «полвон» деб атарди, «Полвон келди!», «Полвон келди!» деб югуриб юрардик. Мана,

ҳақиқий полвон машиналар, бу — MAN машиналари экан!

Ростдан ҳам, ҳозир MAN машиналари халқ ҳужалигида беминнат дастёрлик вазифасини бажармоқда, улар энг яқин ва оқибатли кумакчилар, элнинг оғирини енгил қиладиган чинакам «полвон»лардир.

\* \* \*

Юк машинасини ишлаб чиқариш цехига борганимизда қизгин иш жараёнини кузатдик. Улкан ёғоч ромга солинган двигателни (у шу ҳолда Германиядан келади) рамага ўтқазадилар, маҳкамлайдилар, сўнг кабинани қўндириб барча қисмларни жой-жойга қўядилар.

Шу хилда ҳар куни 12—15 машина йиғилади. Битта машина тўрт минг деталдан иборат, унинг ҳар бирига қўл тегиши керак...

Гоҳо рақамлар сўзлардан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни айтиб беради. Мана қаранг: завод 2010 йилда 480 машина, 2011 да 658 та, 2012 да 1017 та, 2013 да 1201 та, 2014 да 1205 та машина ишлаб чиқарди. Эътибор беринг: рақамларда динамик ўсиш бор. Шу кунгача заводда 5000 дан ортиқ турли кўринишдаги машиналар ишлаб чиқарилиб ўз эгаларига етказилди. Ҳозир мамлакатда 9 дилерлик ва сервис марказлари ишлаб турибди, яна 5 та шундай марказлар очилиши кутилмоқда.

— Заводимиз ҳар йили 3 минг машина ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди Бош директор, — Кўрсаткични йилига икки сменада иш ташкил қилиб 8 минг донага чиқариш ниятидамиз. Мақсад — самарали изланишлар олиб бориб, халқ обрў-эътиборини қозониш, миллатнинг корига яраб, мамлакат тараққиётининг олға силжишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

— Бутловчи қисмларни ўзимизда чиқариш, яъни маҳаллийлаштириш жараёни қандай кечмоқда?

— Энг катта ниятимиз маҳаллийлаштиришга эришиш. Чунки қисмлар узоқдан келса харажат кўпаяди, таннарх ошиб кетади. — тушунтиради Ё. Қабул-ниязов. — Кабина — машинанинг муҳим қисми, «бош»и дегандек. Ниҳоят, ҳозир кабиналар ўзимизда чиқарила бошланди...

Бош директор «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшма корхонасининг «MAN Truck&Bus AG» корхонаси ёрдамида катта юк ташувчи машиналар кабиначини ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилгани, йилга 3 минг донадан кабина ўзимизда ишлаб чиқарилажаги ҳақида гапириб берди.

— Қандай қилиб чиқарилади? — сўрайди Тошпўлат Ўрхун.

— Қолипланган металл кабиналар Хитойнинг «SINOTRUK & EXPORT CO., LTD» компаниясидан келтирилади ва заводда тўлиқ пайвандлаб чиқилади. Кейин кабина бўяш учун «СамАвто» заводига юборилади. Бўёқдан кейин, Германиядан келтирилган зарур деталь-қисмлар билан биргаликда йиғув жараёни бошланади... Келажакда ҳамма бутловчи қисмлар, худо хоҳласа, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Бунинг учун янгидан-янги заводлар қурилади, кўп ишчи ўринлар яратилади. Иккинчи томондан, иқтисодий арзонликка эришилади.

Ҳозирча кўп қисмлар Германия, Чехия ва Россиядан келтирилади, бу ерда йиғилади. Бир юк машина-миз нархи бозорда 550 миллион сўм туради. Машиналаримизни Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Афғонистонга экспорт қилмоқдамиз. Бозор тобора кенгайиб бормоқда. Бозор талаби жуда қаттиқ ва беандиша...

Мана, 2017 йилдан заводимизда чиройли, хушбичим MAN автобусларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўтган йили 50 дона чиқардик, бу йил Тошкент шаҳридан яна 80 та автобусга буюртма олдик. Уч эшиклик, 60 ўринлик, зиналари қулай, газда юра-



ди, кондиционерли, дизель моторли. Яшил рангли автобусимизга кўзингиз тушгандир...

— Ҳа, ҳа, кўрдим. Жуда хушбичим, чиройли. Тошкент кўчаларини тўлдириб юришибди. — дедим мен.

\* \* \*

Цехни айланиб юрар эканмиз, ишчи ходимлар билан қизгин суҳбат бошланиб кетди:

— Корхонамизда 350 киши ишлаётган бўлса, шундан 150 таси ёшлардир, — дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи завод бошланғич ташкилоти етакчиси Беҳзод Яқубов. У асли Хоразмдан, 2012 йилда Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтида менежмент соҳаси бўйича диплом ёқлади. Шу йили заводга ишга кирди. — Ёшларимизга яхши шароитлар қилинган, ўқийман деганига имкон яратилади, малака оширишга турли семинарларга юборилади. Мана яқинда бир гуруҳ мутахассисларимиз Тошкентдаги Турин политехника университетида бўлган семинарда иштирок этиб қайтдилар. Рамазон Бахтиёров Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежини 2012 йилда битириб заводга ишга кирганди, яқинда уй олди, уйнинг 56 миллион сўм ҳисобда дастлабки тўловини завод тўлаб берди. Кабина ишлаб чиқариш цехи менежери Фахриддин Тўрақулов ҳам намунали уй сотиб олганда, унга завод дастлабки тўлов — 50 миллион сўм ўтказиб берди. Мисоллар кўп.

Завод касаба уюшмаси раиси, ёшлар устози Маҳмуд Аҳмедов сўзга қўшилди:

— Давлатимизда ишлаб чиқаришдаги асосий куч сифатида ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани яхши самаралар бермоқда. Ёшлар — бақувват қанотимиз. Заводда бунга яққол кўришингиз мумкин. Автомобиль саноати соҳасида малакали ва етук кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш масаласи давлат даражасига кўтарилгани маълум. Тошкент шаҳрида

Турин политехника университети, Андижон машинасозлик институти, Асака, Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежлари, Жомбой транспорт коллежи фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ушбу масканларда ёшларга халқаро стандартлар бўйича таълим берилаётгани айтиб келинган. Жомбойдаги заводда ишлаётган ёшлар ҳар йили ўз билим ва малакаларини ошириш учун Германия, Россия (Подольск, Калуга), Эстония, Малайзия давлатларига юборилдилар. Улар у ерларда тажрибалар ўрганиб, маҳсулотларнинг идентификацияси, илмий текшириш ўтказувчи, назорат ўтказувчи, намунали қабул қилувчи, сертификатловчи, таққословчи, муддатли синовлардан ўтиб қайтадилар.

Даврадаги ёшларга назар соламан. Бари чакқон, бақувват, пишиқ, босиқ йигитлар. Барчасининг кўзларида ўт чакнайди. Бу нарса ўз қилаётган ишидан мамнун инсонларда бўлади. 2014 йил Тошкентдаги Турин университети машинасозлик технологияси факультетини битириб қайтган, заводда «Янги лойиҳаларни тадбиқ қилиш гуруҳи»нинг етакчи муҳандис-технологи Фарҳод Маматкаримов... Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтини қизил диплом билан битирган, Беруний стипендиати, кабина ишлаб чиқариш цехида устабоши бўлиб ишлаётган, 2016 йилда «Шухрат медали» билан мукофотланган ўттиз олти ёшли Шерзод Исматов... Самарқандда ўқиган, олий маълумотли, йиғув цехи менежери, ўттиз тўрт ёшли Абдумалик Абдувоҳидов... Абдумалик болалигидан ўйинчоқ машиналарни тузатишни яхши кўради. У — оператор-дастурчи, автомобилнинг электрон-бошқарув қурилмасини дастурлаштириш билан шуғулланади...

Кабина ишлаб чиқариш цехи менежери, завод очи-лишидан бери ишлаб келаётган Ф. Тўрақулов гуруҳ-ланиб дейди:

— Ҳаммамизнинг ниятимиз ва ҳаракатимиз — ўзбек миллатининг салоҳиятини, унинг ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга кўрсата олишдан иборат.

— Ниятингиз холислиги учун раҳмат сизга! — дедик биз.

Корхонада янги лойиҳалар устида тинимсиз иш кетаётганини кўриб қувонасан киши. Мамлакатимизда туризм ва ички туризмни ривожлантириш бўйича катта қадамлар ташланмоқда. Бу бежиз эмас. Бир мутахассис арбоб билан суҳбатлашиб қолганимда, у, дунёда Ўзбекистон сингари ҳам географик жойлашиши, ҳам осори-атиқалари, тарихи, ҳам кўҳна шаҳарлари, табиати билан туризмни ривожлантириш имкониятларига бой мамлакат кам, агар туризм яхши йўлга қўйилса, ундан келган даромаднинг ўзи бутун юртни боқади, туризмдан келган даромад — Аллоҳнинг инъоми, деган эди. Шу сабабдан, замон ва бозор эҳтиёжига қараб, бу йил охиригача шаҳарлараро қатнайдиغان чиройли ва шинам, ҳамма қулайликларга эга, бадастир, кондиционерли, жаҳоний андозаларга тўла жавоб бера оладиган 45 ўриндиқли туристик автобуслар ишлаб чиқара бошланади. Шу кунларда автобуснинг дастлабки партияси йиғув жараёнида. Транспортнинг барча соҳаларида зарур бўлган мукамал тайёрланган енгил, ўртача автомобиллар, оғир юкларни ташишга мослашган юк машиналарини ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда.

— Заводда иш кунлари беш кун қилиб белгиланган. — дейди Аъзам Исоқов. — Ишчилар корхона ҳисобидан ҳар куни тушлик билан таъминланади. Кейинги икки йил ичида 100 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилди. Ишчиларимиз Пастдарғом, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой, Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳридан қатнаб ишлашади. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун ҳар куни 8 та автобус хизмат қилади, ишга олиб келади, уйга элиб қўяди.

— Маданий-маърифий ишлар қандай йўсинда олиб борилади? — деб сўрайман.

— Энг аввало ходимларимиз, асосан, ёшлар ўртасида китобхонликни авж олганлигини айтмоқчидим, — мамнун дейди Аъзам Исоқов. — Бу яхши. Ўтган йили китобхонлик бўйича кўрик-танлов ўтказдик, даъвогарлар кўп чиқди, голибларга нодир китоблардан совғалар қилдик. Бу йил ҳам режамизда «Ўқилган китоб — бойлик» номли кўрик-танлов белгиланмиз. Ҳар йили Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ҳаётига бағишланган кечалар ўтказилади, чунончи, шу йил 5—6 апрель кунлари «Соҳибқирон Амир Темурнинг Марказий Осиё мамлакатлари ривожигаги ўрни тўғрисида» қизгин савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Ишда илғорларни бой тарихимиз ва маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлар ташкил этиш, ижодкорлар, раҳбарлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш, «Фаол ёшлар», «Маънавият ва маърифат бурчаги», «Ҳаракатлар стратегияси» стендларини ташкил этишни режалаштирганмиз. «Интернетдан иллат эмас, ҳикмат излайлик мавзусида» амалий машғулотимиз ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда...

\* \* \*

Жомбой қадимдан Ватанимизнинг эътиборли масканларидан ҳисобланган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Соҳибқирон Амир Темур мўғул босқинчиларига қарши жанглар олиб бориш учун ўз кўшинларини кўп марта бу ердан олиб ўтган.

Шайбонийхон 1502 йилда Зарафшоннинг Жомбойдан ўтувчи қисмида етти равоқли мустаҳкам кўприк қурдирган. Буюк ўзбек маърифатпарвари ва адиби Маҳмудхўжа Бехбудий ташаббуси билан 1911 йилда Жомбойда янги усулда мактаб очилган...

Мана энди Жомбой бугун жаҳон билан бўйлашмоқда, унда ишлаб чиқарилган машиналар жаҳон йўларида елиб юрибди. Уларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамға ярақлаб туради.

Юқорида «MAN — СИЗ УЧУН» деган реклама ҳақида гапириб, уни ҳикматга ўхшатган эдим. Уни энди тушуниб етгандайман. Аслини олганда, уни бундай ўқишимиз лозим: «MAN — БИЗ УЧУН!»

Ҳа, ҳа, MAN халқимиз учун, биз учун хизмат қилади!

*Тошкент — Самарқанд — Тошкент. 2018 йил, май.*





## Навоий номини улуғлаган шаҳар

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири номи билан аталган, Маликчўл мўъжизаси ҳисобланадиган обод ва мухташам Навоий шаҳрининг равон кўчалари, чиройли андозада бўй чўзган осмонўпар биноларини ойнаи жаҳон тасвирларида, газета-журналлар саҳифаларида илк бор кўрганимда, ҳавас билан қараб, бу қайси шаҳар экан, деб юрганим эсимда...

Ҳа, бу мўъжиза шаҳар! Шаҳарда энергетика, кимё, қончилик (олтин ва бошқа кўп маъданлар қазиб олиш), қурилиш материаллари, пахта тозалаш, металлургия, олиқ-овқат, минерал ўғитлар, ип ва ипак газламалар саноати корхоналари мавжуд. Юлдузлар туркумидай жамланган, мустақил Ватан фаровонлиги йўлида хизмат қилишга йўналтирилган, жаҳоний андозаларга жавоб бера оладиган қудратли корхоналар номларига кўз югуртиришнинг ўзи кўнгилда ифтихор туйғусини уйғотади.

Бир эътибор беринг: Навоий қон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Электркимё», Навоий иссиқлик электр станцияси, «Навоийазот» очиқ акционерлик жамияти... Ҳали бу ҳаммаси эмас.

Уларнинг ичида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Санақулов бошчилик қилаётган Навоий қон-металлургия комбинатини алоҳида нуфузга эга десак, муболаға бўлмайди.

Комбинатда олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, каолин, кумуш, мармар маҳсулотлари, фосфоритлар қазиб олинади, сульфат кис-

лота, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари, машинасозлик ҳамда маиший техника ашёлари ишлаб чиқарилади. Юқорида зикр этилган маъданлар захиралари ва истиқболли рудалар жиҳатидан Ўзбекистоннинг дунёда етакчи ўринни эгаллашини таъкидлаб ўтиш лозим. Комбинат мутахассислари маъдан топиш учун қидирув-разведка ишларини олиб борадилар.

Бу ерда маъданни қазиб олиш, қайта ишлашдан то уран оксиди ва чала оксиди, тоза, соф олтин олишгача бўлган замонавий технологияга асосланган тугал, тўла жараён амалга оширилади. Республиканинг турли вилоятларида корхонанинг кон бошқармалари ва улар ёнида бунёд этилган Учқудук, Зарафшон, Навоий, Нуробод, Зафаробод, Заркент, Маржонбулоқ, Красногорск каби шаҳарлар шодаси ҳамда бошқа саноат, маданий-маиший муассасалари борлигидан комбинат фаолияти кўламининг қанчалар кенглигини кўриш мумкин.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Бу қарор чиндан ҳам мамлакатимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга Навоий шаҳрига ва машҳур комбинатга бўлган катта эътиборнинг ёрқин намунасидир. Қарор бутун мамлакат аҳлини беҳад қувонтириб юборди.

Халқимиз — бунёдкор халқ. Бу олий фазилат аждодларимизнинг қон-қонидан бизларга ўтиб келган. Ўзбек қураман дейди, бузишни асло ўйламайди.

Бунга Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлиги яққол мисолдир. Унинг қурган шаҳарлари (Шоҳрухия, Байлақон; Самарқанд атрофида барпо этган Дамашқ, Шероз, Султония, Бағдод, Миср ва ҳ.к. шаҳарчалари), иморатлари, мадрасалари, боғлари оламга машҳур. Тўйбоши шаҳар номига қўйилган Ҳазрат

Алишер Навоийнинг ўзлари-чи? Улуф шоирнинг бунёд этган мадраса ва масжидлари, иморатлари, боғлари тарихимизни безаб турибди. Бу анъана давом этмоқда, давом этаверади.

Анча йиллар муқаддам, 1958 йил 22 сентябрь ойда Ўзбекистон ҳукумати фармони билан Бухоро вилоятидаги Кармана (шаҳар типигаги посёлка) райони Навоий райони деб атала бошланди ва Навоий шаҳрига асос солинди. Ўзбекистон харитасида «Навоий» сўзи пайдо бўлди.

Бу улуф шоирга ҳурмат ва юксак эҳтиром белгиси эди. Ва худди шу йили Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилди.

Чиндан ҳам, бу комбинат ўхшаши йўқ, тенги топилмас улкан аҳил оила. Шимолий кон бошқармаси, Марказий кон бошқармаси, Жанубий кон бошқармаси, 5-кон бошқармаси, «Қимматбаҳо металллар ва уран геологияси» бошқармаси... Бошқармалар кўп. Ҳар бири комбинатнинг қон томири, десак адашмаймиз.

Бу ерда кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Ходимлар сони 60 мингдан ошиб кетди, 47 миллат вакиллари меҳнат қилади, уларнинг орасида фан докторлари ва фан номзодлари бор. Мустақиллик йиллари комбинатда 24 мингдан ортиқ ишчи ўринлари ташкил этилди.

Комбинатда 5 та тиббий-санитар қисмлар, 18 та мактабгача болалар муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, пансионат, профилакториялар, спорт мажмуалари, маданият муассасалари мавжуд. Зарафшон шаҳридаги 3-сонли тиббий-санитария қисми базасида замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган «Она ва бола» минтақавий скрининг маркази ишлаб турибди...

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда комбинатда замонавий технологиялар билан яхши жиҳозланган бир неча корхоналар барпо қилинди. Чунон-



чи, 3-гидрометаллургия заводида сульфидли маъданларни бактериал оксидлаш усули технологияси муваффақиятли йўлга қўйилди, Марказий кон бошқармасида олтинни уюмда ишқорлаш цехи ва «Мурун-тов» конида эмульсион портловчи моддалар заводи, Жанубий кон бошқармасида 4-гидрометаллургия заводи, «Мурун-тов» конида эса қуввати бўйича жаҳонда ягона бўлган Тик-қия конвейери ишга туширилди.

Саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон олтин ишлаб чиқарувчи давлатларнинг биринчи ўнталигига кирди, жадал ривожланаётган давлатга айланди.

Мамнун бўладиган жойи, Ватанимиз улкан олтин конларига эга бўлибгина қолмасдан, балки энг тоза ва юксак сифатли олтин ишлаб чиқармоқда. «999.9» (!) пробали Қизилқум қуймалари жаҳон бозорларида озод Ўзбекистоннинг ишонч ёрлиғига айланмоқда. Мурун-тов олтини — мустақил Ўзбекистоннинг фари, ифтихоридир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган дастур бўйича, умумий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ эвазига 27 та инвестициявий лойиҳа устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Хусусан, «Ауминзо-Амантой кони негизида 5-гидрометаллургия заводи барпо этилади, «Мурун-тов» кони бешинчи навбати ишга туширилади, «Кўкпата» ва «Довгистов» конларида муҳим лойиҳалар амалга оширилади.

Буларнинг бари сув келса симириб, тош келса кемириб, саҳронинг иссиғи демай, совуғи демай юксак шижоат намуналарини кўрсатаётган қадрли баланд ўтюрракли кончиларимизнинг муборак тўйга катта меҳнат тўғралари билан келаётганларини кўрсатиб турибди. Кам бўлмангиз, азизлар, деймиз!

\* \* \*

Навоий шаҳрида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишини ҳайратга солади. Фариштали шаҳарнинг буюк бунёдкор шоир ва мутафаккир номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бу ерда инсон боласининг ақли етмайдиган бир илоҳий сир бор, албатта...

Шаҳар аҳолиси икки юз мингга бориб қолди, унда ўттиз саккиз миллат вакиллари яшайди, ўттиз маҳалла бор, 2 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатади. Фарбий томон — саноат зонасида «Навоийазот», конметаллургия комбинати жойлашган, яқинда бу ерда эркин иқтисодий зона бўлими иш бошлади. Тўртта ички саноат зоналари мавжуд: Тинчлик, Спутник, 36-зона... Шарқий томон — аҳоли яшайдиган жойлар, «Меъмор», «Мурувват» маҳаллаларида тураржойлар барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— «Навоий-сити»ни лойиҳалаш, қуриш ишлари бошлаб юборилди, — дейди шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров. — бунинг учун 42 гектар ер ажратилди. Завод, комбинатларимиз, бошқа идоралар шу ерга кўчарди. Кичик саноат зоналарига катта аҳамият бермоқдамиз.

Саноат корхоналари сони 546 та. Қўшма корхоналар 26 та. Ривожланиш кўрсаткичларимиз тобора яхшиланиб бормоқда. 9 ой учун бюджетга 569 233,10 млн. сўм туширилди. 10 ой давомида 66 лойиҳани ишга туширишга эришилди. Янги иш ўринлари яратилди асосий вазифалардан бири. Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида 4826 та иш ўринлари яратилди. Келаси йил — 1405 та иш ўрни барпо этиш режалаштирилган, ҳаёт доим режаларга ўзгартиришлар киритиб туради, иш ўринлари кўпайиб бораверади, албатта.

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар 251 тага етди. Шундан кичик бизнесга қаратилгани

220 та, умуман, хўжалик юригувчи субъектлар сони 3184 тани ташкил этади.

Навоий шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан умумий қиймати 1180,7 млрд. сўм бўлган ўрта ва йирик лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди, ишга тушириш асносида 2783 та иш ўрни яратилиши белгилаб олинди. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига қиймати 107,1 млрд. сўмлик 77 лойиҳа ишга туширилиб, 693 та янги иш ўринлари яратилди. Жараён қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги қарори асосида шаҳарда амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси билан қизиқдим. «Навоийазот» АЖ негизида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини қуриш лойиҳаси (қиймати 1 702 451,0 минг АҚШ доллари бўлиб, бунинг ичида, корхонанинг ўз маблағлари, ҳуқуқий кафолат остида хориж инвестицияси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари мавжуд) прогноз бўйича 90,1 фоизга ижро этилган. Шунингдек «Навоийазот» корхонасида яна поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш ҳамда азот кислотасини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари устида ҳам иш тўхтагани йўқ.

Ўйлаб қоласан киши. Бу йил шаҳарда анчагина иш ўрни яратилибди, яна яратилаётир. Битта иш ўрни яратишни ўйланг. Бир иш ўрни яратилса, демак, бир оиланинг қора қозони қайнайди, болаларнинг қорни тўқ, усти бут, ота-онанинг кўнгли равшан бўлади, ҳаётдан, дунёдан мамнунлик ҳиссини туяди... Чиндан ҳам, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, халқимиз эртага эмас, бугун яхши ҳаёт кечиришни истайди.

\* \* \*

Давлатимиз раҳбарининг қатта эътибори ва ғам-хўрлиги натижасида мамлакатимизда халқ соғлигини

яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимлари мутлақо янги тарзда ишлаб чиқилмоқда. Айтиш керакки, бу ўзининг ҳаётбахш самараларини бермоқда. Буни Навоий шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қурувчи тадбиркор Фахриддин Хирожев саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган «VAGUS» МЧЖ даволаш диагностика маркази, бир сменада 100-амбулатор қатновга ва 5 ўринли стационар (ётиб даволаниш)га мўлжалланган. «Асака» банки ажратган 2 миллиард сўм кредит асосида марказнинг янги биноси қурилгандан кейин, яхши шароитлар вужудга келди. Ҳозир 50 ўринли стационар, катта ва кичик жарроҳлик заллари, 3 ўринли реанимация бўлими ишлаб турибди.

Қандай шифокорлар ишлашини сўраб-суриштиргандим, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Терапевт, кардиолог, кардиоревматолог, гастроэнтеролог, гинеколог, отоларинголог, рентгенолог, невропатолог... Яна кўп. Бундай мутахассис-врачларнинг кўплари, одатда, пойтахт шифохоналарида бўларди, энди вилоятларда ҳам ноёб шифо усулларидан фойдаланиб, даволаш жараёнлари олиб борилмоқда. Яна бир қувонарли жойи, марказ хорижий шифокорлар, хусусан, Ҳиндистон врачлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини боғлашга, уларни таклиф қилиб, халқимиз соғлиғини сақлашда хорижий бой тажрибаларга суяниб фаолият олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Натижада ҳинд врачлари билан келишиб муолажалар ўтказишмоқда.

2012 йил 9 октябрь кунидан бошлаб шаҳарда «ESHMUROD DENTA SHIFO MASKANI» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Янги инновацион технологиялар олиб келинди. Шифо масканининг обрўйи эл-халқ ўртасида ортгандан ортиб бормоқда. Бу ерда Навоий вилоятидан бошқа Бухоро, Самарқанд вилоятлари, Тожикистон, Қозоғистон респуб-

ликаларидан келган беморларни ҳам кўриш мумкин. Кам таъминланган, I—II гуруҳ ногиронларига имтиёзлар берилиши белгилаб қўйилган. Бўлимлар кўп. Жарроҳлик бўлими 12 нафар беморга мўлжалланган.

Ҳозиргача 800 га яқин бемор жарроҳлик йўли билан шифо топди. Келажақда шу ерда 100 ўринли жарроҳлик маркази очилиши кўзда тутилмоқда.

Навоий шаҳрида жойлашган вилоят кўп тармоқли марказий шифохонасида, бош врач Э. Аҳмедов бошчилигида жуда савобли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда шифохона томонидан Япониянинг машҳур «Жайка» компаниясидан 6 млн. долларга қимматбаҳо замонавий тиббий жиҳозлар сотиб олиб келинди.

Уларнинг ичида энг сўнгги рақамли юқори сифатли рентген аппарати, ЭКГ ва яна бошқа зарур жиҳозлар бор. Ҳозир бу ерда мураккаб бўлган юрак муолажалари ҳам амалга оширилмоқда.

\* \* \*

Шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Умрзоқ Муродуллаев билан шифохоналарни кўриб бўлгач, «Обод маҳалла» дастурига киритилган «Тинчлик» маҳалласига йўл олдик. Йўл-йўлаккай қизғин бунёдкорлик манзаралари намоён бўлиб борарди.

Ҳамма ҳаракатда, жим турган одам йўқ. Шаҳар гўё эрта-индин катта тўй бўладиган хонадонни эслатар, бу боққан кишига қандайдир кўтаринки руҳ бағишларди.

«Тинчлик» маҳалласида иш қизғин экан. Катта йўлнинг ёнига қулай йўлка қилинган, ёшлар меҳнат гузари(бу каттагина тикланаётган бино, ичида барча маиший хизмат хоналари бўлиши мўлжалланган) олдидан бир неча оқсоқоллар суҳбатлашиб туришган

экан. Улар билан кўришдик. Барчасининг кайфияти яхши, юрт обод бўлмоқда ахир. Шундоқ ёнимизда барпо этилган амфитеатр диққатимизни ўзига тортди. Безак ишлари олиб борилмоқда экан. Бу ерда концертлар, кўнгилочар томошалар бўлади ҳали, байрам тантаналари ўтказилади.

Дўконлар ишга тушиб кетибди. Аҳолини сув, электр билан таъминлаш, инфраструктурани йўлга қўйиш, ижтимоий соҳани тўлиқ таъмирдан чиқариш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Йўлнинг нариги томонида янги таъмирдан чиққан 9-мактабнинг муҳташам биноси қўр тўккан. Кўриб, ўзимнинг мактабда ўқиган йилларим эсимга тушди, биз бундай кошонада эмас, чет бир қишлоқда бостирмада ўқиган эдик... Буларнинг бари ёшларимизнинг бахти.

Шу томонга юрамиз. 405 та ўқувчи билим олади бу мактабда, 38 ўқитувчи сабоқ беради.

— Мен сизни яна бир мактабга олиб бораман, — дейди Умрзоқ Муродуллаев. — Хурсанд бўласиз. Ажойиб мактаб!

— Жуда соз!

Шаҳардаги 11-мактабга келганимизда бизларни мактаб директори ўринбосарлари Ислон Рўзиев ва Сайёра Неъматовалар кутиб олишди. Жуда катта мактаб экан. 1—11 синфларда 2312 нафар бола билим олади. 75 та синфга эга. 193 нафар ўқитувчи дарс беради.

Уларнинг ичида 51 нафар халқ таълими аълочиси бор, география ўқитувчиси Р. Абдиев эса «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Мактабда тиббиёт, иқтисод, техника, ҳуқуқ йўналишлари бўйича таълим берилади. 2011 йилдан бери 5—8 синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган анъанавий республика билимлар беллашувида мактаб ўқувчилари ҳар йили фақат 1-ўринни эгаллаб келдилар! Ўқувчилар ичида фан олимпиадалари ғолибла-

ри кўп. Ажойиб мактаб эканини шунда тушундим. Мактабнинг катта залида ўтган учрашувда эса бунга яна гувоҳ бўлдим. Зални тўлдирган ўғил-қизлар барчаси кўзлари ёниб, қизиқиш билан сўзларга қулоқ солишар, саволлар беришарди. Уларга боқиб: «Ҳа, ёшларимиз олов, кўз тегмасин!» — деб юборасан беихтиёр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларига асосан, Навоий шаҳридаги янгидан қурилган 19-умумтаълим мактаби (бу «Меъмор» маҳалласида) базасида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиётига ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Ишга қизғин ҳозирлик кўрилди.

Вилоят «Дўстлик байроғи» газетасида (2018 йил 4 май) даставвал қуйидаги эълон берилди: «Ўқитувчилар ишга таклиф этилади! Навоий шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактаби Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиётига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бўлганлиги муносабати билан олий ва 1-тоифали она тили ва адабиёт ҳамда бошланғич таълим ўқитувчиларини танлов асосида ишга таклиф қилади. Аризалар 1-июнгача қабул қилинади. Танлов жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтади».

Аризалар кўп тушди, танлов комиссияси талаблари ҳам қаттиқ эди: ўқитувчи она тилни мукамал эгаллаган, тил тарихидан хабардор, мураббийлик иқтидори яққол кўриниб турган, ўз ишининг фидойиси бўлиши лозим; адабиёт ўқитувчиси эса ўзбек адабиёти тарихини чуқур ўрганган, замонавий ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини ўқиб борадиган, ижод сирларидан хабардор, билими теран педагог бўлиши керак...

Мактаб директори Ж. Вафоқулов бундай деди:

— Бу қарор она тилимиз ва адабиётимизга бўлган катта эътиборнинг ёрқин намунаси, бизнинг мак-

табимиз учун эса катта шараф бўлди, айти пайтда катта масъулиятдир, буни юракдан ҳис этамиз. Мактабимизда 1060 нафар бола ўқийди. 67 та ўқитувчимиз бор. Биринчи синф ўқувчиларидан танлаб олинган тил-адабиётга мойил болалардан ҳар бирида ўттизтадан иккита 2-синф ташкил этилди. Бу синфларда дарслар алоҳида дастур асосида ўтказилади.

Шаҳарда педагогика институти қошида ва кончилик институти қошида лицейлар ишлаб турибди. 6 та коллежда ҳам ўқув жараёнлари қизғин. 744 ўқувчи таълим оладиган тиббиёт коллежининг номи йироқларга ҳам маълум: унга бошқа мамлакатлардан ҳам болалар келиб сабоқ олишни яхши кўрадилар. Яқинда шаҳарда юридик коллежи ҳам очилди.

\* \* \*

Бир пайтлар кичикина разъезд бўлган чўлнинг пучмоғида, бутунги кунда эса бўстонга айланган шаҳарда икки олий ўқув юрти — педагогика ва кончилик институтлари (уларда жами ўн мингга яқин талаба сабоқ олади), мактаблар, лицейлар гуркираб ишлаб турибди.

Учта — электромеханика, кон иши ва кимёвий металлургия факультетларига эга кончилик институтида ўтган учрашув, айниқса, қизиқарли бўлди. Адиблар келганини кўриб залга йиғилган талабалар шу заминнинг болалари, уни ардоқлаб, парваришлаб, овирини енгил қиладиган, унинг учун хизматга шай турадиган, Навоий номини шарафлаган шаҳарнинг паҳлавон ва меҳрибон фарзандлари эди! Шаддод фарзандларни кўриб алланечук кўнгилларимиз сув ичди, ичимизда ғурур ҳиссидан роҳатландик.

Қизилқум нега қизил, деб ўйланар эдим. Аслида, унинг бағрида яширинган асил маъданлар тупроққа ҳам ранг бериб турар экан. Одатда, келажак, хусусан, шаҳарнинг келажаги ҳақида сўрашни яхши кўра-



миз. Аммо Навоийда буни бировдан сўраб ўтирмадим. Чунки ўзи, ҳамма нарса аён эди. Ёшлари ўтюррак, катталари оловқалб бўлган Навоий шахрининг келажаги порлоқ! Унинг келажаги — бу Ўзбекистон келажаги! Бу келажак эса буюк бўлади!

Улуғ ўзбек шоири ва адиби устоз Ойбек ўзининг 1934 йилда ёзган «Ўзбекистон» шеърида ғурур билан: «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди» сатрини келтирган, олтин тупроқли Ватанимизни ана шундай шарафлаган эди. Ҳар бир ўзбекнинг қалбида муҳрланган то ҳануз жаранг бериб турган бу сўзлар айнан Навоий замини ҳақида айтилгандай туюлади.

*Навоий — Тошкент  
2018 йил 28 октябрь.*





## Адабиётга ғамхўрлик

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов адабиёт аҳли, маънавият аҳлини бағоят қадрлар, ҳамиша уларга ёрдам кўрсатишга, қўллаб-қувватлашга шай турар эди. Ёзувчилар билан учрашганда, улардан қандай китоб ёзаётганини, китобнинг қачон битишини, қачон чиқишини сўраб-суриштирарди. Ёзувчиларимизнинг асарларини мунтазам ўқир, умуман, адабиётимиз ҳолатидан яхши хабардор эди.

У Алишер Навоийни улуғлаб шундай деганди: «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони-дир».

Биринчи Президентимиз мустақилликнинг асосий вазифаси «ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш» экаклигини шиор қилиб чиқди, тарихимизни янгитдан ўрганишга, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурга бўлган муносабатни тубдан кўриб чиқишга чақирди. Соҳибқирон шахсига бир ёқлама ёндашиш адолатсизлик эканини таъкидлади. «Амир Темурни англаш — ўзлимизни англаш демақдир» сўзлари жаҳон узра мағрур жаранглади.

Буюк бобомизга нисбатан ҳақиқат тикланиши, Амир Темур сиймоси — буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда сифатида ўрганилиши кераклиги масаласи кун тартибига қўйилди. 1996 йил Ўзбекистонда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Те-

мур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов катта нутқ сўзлади...

Яқинда Москвада чиқадиган машҳур «Аргументи и факти» ҳафталик газетаси ўз саҳифаларида тарихда биринчи марта Соҳибқирон ҳақида «**Амир Темур: узнать и оценить**» номли, ижобий мақола эълон қилди, унда одатдагидек «Тамерлан» эмас, балки Соҳибқироннинг она юртида қабул қилингандек «**Амир Темур**» деб тўғри ёзилди, реформатор дея аталди, тарих олдидаги хизматлари адолатли баҳоланди.

Соҳибқирон таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб Европада Лейден шаҳрида катта илмий-амалий анжуман ўтказилганлиги ҳам ана шу йўлдаги қутлуғ қадамлардан ҳисобланиши керак.

Биринчи Президентнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» (2009) номли рисоласида Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича муҳим амалий таклиф ва хулосалар олға сурилди.

2010 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бозор иқтисодиёти замонида ҳамма нарса маблағга бориб тақалади, ижодий уюшманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш энг долзарб масалалардан бўлиб қолади. Мазкур қарорда туб моҳияти билан айна ана шу муаммони ечишга қаратилган, яъни уюшма тасарруфидаги кўчмас мулкни бошқариш, фонд маблағларини Низомда кўрсатилган вазифаларни бажаришга йўналтириш кўзда тутилган эди.

Шу ерда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида 2018 йил 5 апрелда имзо чеккан Қарори, Уюшма тарихида кескин

буррилиш ясаган, бевосита унинг фаолиятига бағишланган биринчи давлат ҳужжатига айланди. Уни Президентимиз томонидан ижод аҳлига кўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрлик намунаси деб айта оламиз. Унинг устига, саксон уч йилдан бери ўз биносига эга бўлмаган Уюшмага уч қаватли муҳташам кошона қуриб берилганини ҳар қандай таҳсинлардан ҳам олтинқ деймиз ва ташаккурлар айтамыз. Мазкур Қарорда бағоят муҳим масалалар ҳақида сўз боради, чунончи, катта истеъдод эгалари ва граждандлик позициясига эга бўлган кекса авлод вакиллариининг ижодий салоҳиятини қадрлаш, режали суратда уларнинг ёшлар билан учрашувларини ташкил қилиш, ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш; Уюшма аъзоларининг моддий ва маънавий, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун ҳар томонлама шароит яратиш бериш, маънақватли ижодий меҳнатни адолатли баҳолаш; Уюшманиннг обрў-эътибори ва юксак мақомини муносиб сақлаш, унинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ушбу ташкилотга аъзоликка қабул қилиш бўйича замонавий ва таъсирчан мезонларни белгилаш; дунё адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиш; ўзбек тилидаги интернет адабиётини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; мумтоз адабиётимизни, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва таркибий қисмига айлантириш ва ҳоказо...

Кўрдингизми, ижод аҳли олдига қўйилган вазифалар нақадар шарафли, нақадар мураккаб! Улар, шубҳасиз, барча ижод аҳлини янгидан-янги ижодий жасоратларга ундайди ва уларга жўшқин илҳом ба-

ғишлайди. Бу ҳаётбахш қарор бугун адабиётимиз равнақи йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Биринчи Президентимиз адабиётимиз ривожини ўйлаганда, худди ана шуларни орзу қилар эди. У ўз суҳбатларидан бирида: «Алишер Навоий меросини маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш адабиёт аҳлининг вазифаси», — деган эди.

Бу — қутлуғ вазифа. Буни ҳар биримиз жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Ҳар биримиз, улуғ шоир ижодини ўқиб-ўрганишимиз, у ҳақда ёзишимиз, учрашувларда тарғиб этишимиз, интернет орқали жаҳонга тарғиб қилишга жиддий киришишимиз керак.

2016 йилда Германия (Берлин)да Алишер Навоий ижодига бағишланган, Европада биринчи бор ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда таниқли навоийшунос олимлар Шухрат Сирожиддинов, Афтондил Эркинов ва каминага унда иштирок этиш, маърузалар ўқиш насиб этди. Ана шундай анжуман Қозовистоннинг Остона шаҳрида мамлакатдаги ўзбек этномаданий маркази (раиси Шерзод Пўлатов) ташаббуси билан ўтказилганини таъкидлаш ўринли. Навоий шаҳрида эса «Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий халқаро илмий конференцияга асос солинди.

2016 йилнинг май ойида «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Фармонда айтилганидек, она тилимиз — ўзбек тили қадимий ва бой тил бўлиб, унинг милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар таъсирида шакллангани мавжуд илмий манбалар асосида исботланган.

Ёзувчининг қуроли — тил, сўз. У сўздан бинолар «ясайди», шаҳарлар «қуради», боғлар «барпо этади», дунёларни «чаманга айлантиради», қандайки манзара бўлмасин, уни сўз воситасида яратади. Натижада она тилнинг бутун гўзаллиги намоён бўлади. Она тил — ижодкорнинг борлиғи, унинг суянган тоғи, ижод майдонини яратиб берган буюк қудрат.

Шу ваддан ҳам ўзбек тили ва адабиётини ри-ножлантиришга қаратилган ҳар бир қадам ижодкор килбини нурлантиради, унга кўтаринки рух бағиш-лайди.

Ҳа, бугунги кунда мухтарам Президентимиз ва давлатимиз томонидан биз ижод аҳли учун барча-барча шароитлар муҳайё қилиб қўйилди. Энди фақат илганишимиз, ижод қилишимиз, Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрликка муносиб асарлар яратиш-га қаттиқ бел боғлашимиз лозим, азизлар!

2018 йил, май.





## Хотира — муқаддас, қадрият — улуғ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони матбуотда эълон қилинди. Қарор ва фармон ҳаётийлиги, мантиқан теранлиги, савобларга йўғрилганлиги, қадриятларимизга жонкуярлик руҳида ёндашилганлиги, катта эътибор ва ҳурмат туйғулари гупириб турганлиги, халққа ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатишнинг ёрқин намунаси эканлиги билан яққол ажралиб туради.

Чиндан ҳам, қарорда таъкидланганидек, ўзбек халқи азалдан ўз юртини босқинчи душманлардан ҳимоя қилиб келган, юрт учун жон олиб жон берган.

Бу йўлда фидойилик кўрсатган, она Ватан эркинлиги, озодлиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонлари — асил фарзандларини ҳамиша бошида тутган, қалбида сақлаган, эъзозлаган, эъзозлаб келмоқда. Бу — ҳеч қачон унутилмайдиган анъана, ҳақиқат.

Беадад инсонлар бошига кулфатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши минг-минглаб ватандошларимиз ёстивини қуритди, уларнинг жойлари жаннатдан бўлсин, деймиз.

Аллоҳ асраб, бало-офат дўзахига айланган жанггоҳлардан тўрт кўз тугал омон чиқиб, юрт бағрига қайта олган ватандошларимиз муҳтарам Президен-

гимиз, ҳукуматимиз, элимиз томонидан чинакам идҳрамонлар сифатида эътиборда яшамоқдалар.

Кунни кеча бир дўстим иккимиз Мустақиллик май-донини зиёрат қилдик. Одам гавжум. Ҳар томонда кўкрагига гурур билан «Шараф лентаси» тақиб олган нақсалар, ёшлар кезиб юришибди. Кўриб, кўнглинг-да фахру ифтихор туйғусини сезасан киши. Илгари Георгий лентасини тақиб юрардик, медалининг орқасида шундай сўзлар бўртиб турарди: «За походы в Средней Азии 1853 — 1895 гг». Георгий лентаси Туркистонни босиб олган Чор Россияси ишғолчиларининг рамзи эди. Энди эса кўкрагимизда мустақил Ўзбекистон байроғи рангидаги «Шараф лентаси» яшнаб туради. Бу нечоғлик адолатли!

Дўстим билан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган бир ярим миллиондан ортиқ ўзбек ўғлонлари ва бошқа юртдошларимиз (улардан беш юз мингдан ортиги ҳалок бўлишди) номлари туширилган темир саҳифаларни маънос бир-бир варақладик... Исмлардан кейин саналар келади: 1923 — 1942... 1919 — 1941... 1922 — 1945... Бари ўн тўққиз ёш, йигирма икки ёш, йигирма уч ёш... Инсон умрининг гуркирак палласига эндигина қадам қўйилган дамлар... Буларга боқиб кўнгилар йиғлайди. Умуман даҳшатли урушнинг совуқ шамоли кирмаган хонадон Ўзбекистонда бўлмаса керак...

Чунончи, менинг отам Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли 1941 йилда Иккинчи жаҳон урушида Иккинчи Белоруссия frontiда жанг қилган, у киши — артилериячи-наводкачи эди, етти ой жангларда қатнашиб, офир ярадор бўлган, тўққиз ой ҳарбий госпиталда даволанган, иккинчи гуруҳ ногирони эди. Худди шунга ўхшаш тақдирни Ўзбекистонда ҳар ўн одамдан тўққизи айтиб бериши мумкин. Бу қутлуф қарордан ана шундай ўтиб кетган инсонларнинг бугунги бола-чақалари ҳам миннатдор бўлишига, шуқроналар келтиришига асло шубҳа йўқ.



Халқимизнинг жаҳон аҳли тан берадиган меҳр-муруввати, саховати, олийҳиммат фазилатлари кўп. Бир мисол. Бепоён жанглар кечаётган ўлкалардан юртимизга кўчириб келинган бир миллиондан ортиқ ночор оила ва болалар халқимизнинг меҳридан баҳраманда бўлиб, юртимиздан паноҳ топди. Айтиш мумкинки, битта майиз мингга бўлиб ейилди, ёки бошқача дейилса, халқимиз ўзи емай едирди, киймай кийдирди...

«Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам мардонавор ва салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. — дейилади қарорда. — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етишга, **Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга** (Таъкид бизники — М.А.), тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда».

Қарорни ўқиб, мухтарам Президентимизнинг суҳбатларидан бирида айтган: «Ҳеч ким унутилмайди, ҳеч ким четда қолмайди!» — деган сўзларини эсладим. Айнан шундай. Бу ерда барини эслаб ўтиш ўринли. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдоридан бир йўла пул мукофотини тантанали суратда топшириш, ёлғиз ва кам таъминланган уруш қатнашчилари ва ногиронларига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, ўз истаклари асосида уларни республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юбориш, турар жойи ва уй хўжалиklarини таъмирлаш, Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан кетиб ғалабага ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш учун ўзлари туғилиб ўсган кўчаларга уларнинг номларини бериш, урушда фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хиз-

мат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам бериш, фронт орти меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушуштириш, маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминлаш... Санокни давом эттириш мумкин.

Бу ерда барча ҳаракат ва эътибор Инсон учун, Инсон манфаатлари учун қилинаётгани яққол кўриниб турибди. Офаринлар айтсак арзийди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эртанги кунимизга комил ишонч ва юксак эътиқод билан юргизаётган доно сиёсати, эзгу ишлари жамиятимизни, Ўзбекистонимизни мутлақ янгилашга томон олиб бораётгани жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Ҳа, қадимий янги Ўзбекистон яралмоқда! Мамлакатда барча соҳаларда, олис тарихий қадриятларимиздан тортиб то иқтисод, тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, кино, санъат, адабиёт, тадбиркорлик ва ҳоказо соҳаларгача янгича назар билан қараш, ҳар бир ҳолатга, воқеага, ҳар бир тушунчага ўзининг янгича муносиб баҳосини бериш жараёни кетмоқда. Мана, сўнгги мисоллардан бири — «Шараф лентаси». Бу жуда тўғри йўл.

Зикр этилган қарорда ҳар бир боб, жиҳат, муносабат исломий нуқтаи назардан, яъни инсоний нуқтаи назардан кўриб чиқилган ва тайёрланган. Биз мусулмон давлатимиз, ҳаётга боболаримиздан мерос исломий қадриятлар ва ақидалар кўзи билан назар

ташлаймиз, алҳамдилиллоҳ, мусулмонмиз. Бунга ўзимиз кўнглимизда имон келтирамиз, буни жумла жаҳон ҳам тан олади.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуслари билан Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, калом ва ҳадис мактаблари ташкил этилиши бежиз эмас.

Хотира ва Қадрлаш куни — ўтганларни ёдга олиш, тирикларни қадрлаш куни, бу мотам маросими эмас. Шариатимиз кўрсатмаларига кўра қабрларни зиёрат қилиш суннат амалларга киради. Биз бу кунда ҳамма, мамлакатимизнинг барча қишлоқларида, шаҳарларида, маҳаллаларда қабристонларга бориб, яқин кишиларимиз, хешу ақраболаримиз қабрларини зиёрат қилишимиз, хотирлашимиз, фазилатларидан сўзлашимиз, марҳумларнинг руҳларини шод этмоқ учун Қуръон ўқишимиз, салавоглар туширишимиз лозим.

Демак, қабристонни зиёрат қилиш, ободончилик ишлари олиб бориш, у ерда ётган марҳумларнинг аҳволидан огоҳ бўлиш, ундан ҳар ким ўзига ўтит ва ибрат олиш вазифасини адо этади. Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туришнинг ҳам ўзига яраша низомлари бор. Бугунги кунда айрим ватандошларимиз юртимиздаги баъзи зиёратгоҳларга бориб, у ердаги мақбаралар, ҳатто, дарахтларни муқаддас санаб, уни тавоф қилиш ва унга сифиниш каби ширк амалларни қилаётганлари сир эмас. Тилаклар ижобат бўлади, дея қабристондаги дарахтларга латта боғлаш, қабрлар ёнига шам ёқиш (шам ёқиш — оташпарастиликдан қолган одат), қабр тошларини ўпиш бидъат ва хурфот ҳисобланади.

1975 йилда Тошкентда Иккинчи жаҳон уруши йилларида ишлаган ҳарбий госпиталь ўрнида «Қардошлик мазори» хотира ёдгорлиги барпо этилган. Мажмуада кенг хиёбон бўйлаб собиқ Иттифоқ қаҳрамон

шаҳарлари номлари мраммарга ўйиб ёзилган. Бошидан айтмайлик, бу шаҳарларни эслаш, фикримизча, ҳозир бизга зарур эмас. Шунингдек, бу ерда йигирма еттига ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қахрамонига ёдгорлик тахтачалари ўрнатилган, ҳарбий қабристон мавжуд. Хиёбон «Мотамсаро она» ҳайкалига олиб боради. Албатта, ёдгорликни бугунги кун нуқтаи назаридан таъмирлаш, ободончилик ишларини олиб бориш, Ўзбекистоннинг янги ёдгорлик мажмуига айлантирмоқ мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, ёшларнинг келиб бу жойларни зиёрат этиши айтилиши мумкин. Уларга бу муҳим тарих тинчликнинг дунёдаги энг олий неъмат эканлигини эслатиши ва қалбларида шукроналик туйғуларини уйғотишига хизмат қилади.

Марҳумлар, ётган жойларни зиёрат қилиш халқимизнинг энг эзгу одатларидандир. Соҳибқирон Амир Темур сафарга чиқётганларида ва мамлакатга қайтганларида, албатта, Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилар эдилар. Самарқандга кирганларида аввал Чокардиза (бу ерда Абу Мансур Мотурудий, Шайх Бурҳониддин Марғинович қабрлари бор), кейин Шохизинда мазорларини тавоф этиб, ўтганлар ҳақида дуолар қилиб, хотиржам Кўксаройга йўл олардилар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам мамлакатимизнинг қай бир ерига бормасинлар, — Самарқандда Имом Бухорий, Амир Темур, Имом Каримов мақбаралари, Бухорода — Баҳовуддин Нақшбанд, Шерободда Имом Термизий мазорлари... — даставвал улуғларнинг масканларини зиёрат этадилар, уларнинг руҳларига бағишлаб дуои фотиҳалар қилдилар. Бари бизга ибрат вазифасини ўтайди. Ҳа, хотиранинг муқаддас, кадриятларнинг улуғлигини унутмайлик.

2019 йил 29 апрель.





## «Жондошу содиқ дўст йўлдошинг бўлсин»

Бизнинг омадимиз шундаки, биз ҳозир мутлақо янги замонда, янги сифатларда, янги андозаларда, янги ҳаволарда яшамоқдамиз. Ҳар бир ташлаган қадамимизда янги фикр, янги ғоя пайдо бўлмоқда, ҳар бир кунимиз бир мўъжиза олиб келмоқда. Янги замон одамига айланиб бормоқдамиз. Ҳайратланишдан бўшамай қолдик, десам муболаға бўлмас. Ҳаётимиз, турмушимизда самимийлик, очиқлик, ошкоралик рўй бермоқда.

Айниқса, самимийликни алоҳида таъкидлагим келади. Бу ҳаётий-инсоний тамойилни Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берди — ўтган йилни: «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», — деб атади. Қизгин учрашувлар, тортишувлар, баҳслар, мулоқотлар... Бари, бари халқимизнинг қулфи дилини очмоқда, эртанги кунга ишончини яна ҳам оширмоқда, дунёга янгича назар билан қарашга даъват этмоқда.

Шуни айтиш жоизки, Президентимизнинг кўнгилларни руҳлантирувчи, жўшқин илҳом билан сўзлаган ҳар бир нутқи, халқ билан мулоқоти, турмушимизни, иқтисодимизни яхшилашга қаратилган доно маслаҳатлари, кўрсатмалари, йўл-йўриқлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Дарров қўлингга қалам олиб, нимадир ёзгинг келади. Мен ҳаётимизга бошқача ранг киритган, онларимизни тиниқлаштирган, кўзларимизни нурафшон қилган учта ҳодиса ҳақида фикр юритмоқчиман.

\*\*\*

Чиндан ҳам, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини олам минибари деса арзийди. Унда одатда дунё тақдирига боғлиқ, ёки бошқача айтганда, оламшумул масалалар кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи ўзининг кўлами, теран мулоҳазаларга бойлиги билан ана шундай юксак баҳога муносибдир. Самимий ва ҳаётий чиққан бу сермазмун нутқ ҳаммани тўлқинлантириб юборди.

Унда бугунги глобал дунёда ҳал қилинишини кечиктириб бўлмайдиган, нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунёга тааллуқли ҳаётий муаммолар ҳақида сўз боради.

Ҳа, Ўзбекистон раҳбари олам минбарида туриб, халқимизнинг узоқ тарихига боқиб, зукко ва донишманд боболар анъаналари ҳамда тажрибаларига таяниб, мамлакатнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан дадил борилаётгани ҳақида сўз айтмоқда...

Янги Ўзбекистонни оламга таништирмоқда. Мақтаниш эмас, олам ҳам Ўзбекистон қадамларига ҳайрат билан боқмоқда.

Тасаввур қиламан: 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланганини, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини эшитган ассамблея иштирокчилари (барчаси давлат раҳбарлари) халқ билан алоқа қилишнинг янги йўли кашф этилганини қалбдан туйганларига шубҳа йўқ. «Ишончимиз комилки, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», деган сўзлар кўплар кўнглига шундай йўл тутиш лозим экан, деган ниятни солган бўлса ажаб эмас.

Мамлакатда олиб борилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида гапириб: «**Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**», — дейди Президентимиз.

Бу «**оддий бир ҳақиқат**» тагида жуда кучли ҳаётий мантиқ мужассамдир.

Нутқда, беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйилгандан кейин қабул қилингани ҳақида фикр юритилади. Янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракат дастурига айланган, ривожланиш йўларини аниқ белгилаб берган бу муҳим ҳужжат ҳозир жуда эътиборда, амалда. Унинг асосида мамлакатда барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда, яхши натижалар қўлга киритилмоқда, бу жараён қизғин давом этмоқда. Бу ҳужжатнинг ҳаётий асосга эга эканини, унинг мазмун-моҳияти, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанглиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Нутқда кўтарилган ҳар бир муаммо Ўзбекистонгагина эмас, балки бошқа мамлакатларга ҳам тегишли экани ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

Дарҳақиқат, шундай. Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчликка эришишнинг бирдан-бир йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришлиги, донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақли эканига алоҳида урғу берди.

Айни пайтда, АҚШ Президенти жаноб Дональд Трамп маъмуриятининг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашишга оид даъватини қўллаб-

қувватлашини билдирди. **«Бу жафокаш юртда, — деди Президентимиз, — тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий саъй-ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим».**

Нутқни эшитар эканман, бир нарсага эътибор бердим. Қадимда боболаримиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз фақат ўз салтанатини ўйламастан, балки бошқа мамлакатлар, бутун жаҳон учун ушуниси масъул сезар эди.

Шу сабабдан дунёнинг у четида бўлган давлатларга элчилар юборар, савдогарларни жўнатар, вазиятни билиб турар, ўз навбатида хорижликларни Ватанга таклиф этар, элчиларни қабул қилар эди. Машҳур испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихони эслайлик.

Бу масъулият туйғуси, жавобгарлик ҳиссидан келиб чиқадиган инсоний фазилат. Таъбир жоиз бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида келтирилган дунё ёшлари ҳақидаги куйиниб айтган сўзлари ана шу фазилатни эслатади. Ёшлар тақдири мамлакатимизда доим диққат-эътиборда эканидан хабардормиз.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши бунга ёрқин мисолдир. Дунё ёшларининг турмуш тарзи ва фаолиятини таҳлил қилар экан, Президентимиз ўз хавотирини яширмайди, бугунги кунда экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганига, бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, ер юзида уларнинг 2 миллиард кишини ташкил этишига диққатни қаратади. **«Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ, — дейди Президентимиз. — Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўра-**



**вонлик вояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир».**

Ўзбекистон Президенти шу муносабат билан БМТ Бош ассамблеяси кун тартибига бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш каби муҳим таклиф киритди. Таклиф асносида, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди.

\* \* \*

Нутқнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, Шавкат Мирзиёевнинг муқаддас ислом динимиз ҳақидаги теран фикрлари бўлди: **«Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик — моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз!»** — деган сўзлар янгради олам минбари узра...

Жаҳонда турли экстремистик оқимлар томонидан исломга ҳар хил тамғалар ёпиштирилаётган бир пайтда жаранглаган бундай даъватнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Муҳтарам Президентимиз ўз нутқида ислом динининг бизни эзгуликка, тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишига, Марказий Осиё Уйғониш даври кўплаб ёрқин намояналарининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасига алоҳида эътибор берди.

Амалий ишлар мисолида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот марказини, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш борасида сўз юритди.

Бу марказларни ташкил этиш ҳақидаги Президентимизнинг қарори ўз вақтида бўлганлигини таъкидлаш ўринли. Бунга маънавий ҳаққимиз ҳам бор-да! Имом Бухорий ва ислом маданияти заминида дунёга танилган бошқа алломаларимиз бизларнинг аجدодларимиз, жондош ва қондош боболаримиз, ўзимиз эса уларнинг ворисларимиз. Улуғларни эслаб, эъзозлаб, савоб ишга қўл урамиз, уларнинг руҳларини бағоят шод этамиз, ўзимизни ҳам маънан ва руҳан бақувват сезамиз, ишимиз олға кетади. Бу ўзбек халқининг бахтли ва омадли эканини кўрсатади. Биз бундай изланишларни яна ҳам давом эттиришимиз керак.

Шу маънода, Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтган **«Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик»** мавзусидаги юқори даражали халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммолар муҳокама қилингани еншида мамнуният туйғусини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини маҳкам сақлаган, очиқ мулоқотга ҳамиша тайёр, янгиланаётган Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаётганини, келажакни кўзлаб зукколик билан фаолият юритиб келаётган муносиб Раҳбари борлигини дунёга ёрқин намойиш этди.

\* \* \*

Давлатимиз раҳбари мазкур нутқда Ўзбекистоннинг олиб бораётган ташқи сиёсатига кенг тўхталди. **«Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда, — дейилади нутқда. — Бу ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жой-**

лашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир».

Халқимизнинг «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган доно мақоли бор. Эътибор беринг: аввал қўшнинг тинч бўлиши керак, ўшанда сен тинч бўласан. Халқимиз ўзидан аввал қўшнисини ўйлайди, унинг кўнглини олишга тиришади. Бу ота-боболардан мерос. Изчил олиб борилаётган бундай сиёсат ўз самараларини бермоқда.

Хусусан, Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатлари билан оқилона мураса асосида чин дўстона, яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилди, ўзаро сиёсий ишонч мунтазам ошиб бормоқда. Бир йил ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари Президентлари етти марта учрашганларига бир эътибор берайлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан шу йил 9—10 март кунлари ҳақли равишда тарихий деб баҳоланган давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлди.

Ўзбек ва тожик халқлари Марказий Осиё замида қадимдан дўст-қардош, оға-ини, ака-ука, биродар мақомида яшаб келишмоқда. Тарихда бу икки халқ орасида сўз қочди, бесаранжомлик юзага келди, деган бирон бир ҳодиса рўй бермаган. Уларни икки тилли бир халқ, мазҳаби бир, тўй-азаси бир, қиз олгану қиз берган, бири бирига мезбону меҳмон дейишади.

Уларнинг буюк дўстлиги намунаси — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий дўстлиги. Яна ўзбек шоири Фафур Фулом отасининг исми форс-тожикча — Фулом, тожик шоири Мирзо Турсунзода отасининг

номи — Турсун, ўзбекчадир. Икки улуғ шоир бири-бири билан қалин дўст эдилар.

Президентимиз сафари кўтаринки руҳда ўтди. Президентлар ўзаро алоқаларни икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида биргаликда ишлашга тайёр эканини алоҳида таъкидладилар.

Президентлар икки давлат ўртасида дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Ғалаба — Амузанг — Хошодди темир йўл қатнови очилди, Тошкент билан Душанбе ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди, чегаралар делимитация қилинди, Душанбедаги кўркем боғлардан бири Алишер Навоий номи билан аталди, Тошкентнинг Сергели туманида қурилаётган метро беватларидан бирига Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода номи берилди, Самарқанд шаҳрида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ҳайкал очилди, ҳар икки мамлакатда икки халқ маданиятлари кунлари ўтказилди. Шу йил 16 мартдан бошлаб Тожикистон фуқаролари визасиз бир ой муддатга Ўзбекистонга эмин-эркин келиб кетиш имконига эга бўлдилар...

**«Ушбу тарихий ташриф доирасида — деди Шавкат Мирзиёев оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда. — Ўзбекистон билан Тожикистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа устувор соҳалардаги муносабатларини мустаҳкамлашга доир долзарб масаларни муҳокама қилдик. Эришилган келишувлар нафақат халқларимиз, балки бутун минтақа учун улкан аҳамиятга эга.»**

\*\*\*

Шу йил 15 март кuni юз берган тарихий воқеа бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона

шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўзаро мулоқотда, Шавкат Миромоновичга мурожаат қилиб бундай деди: «Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви **минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги ҳамкорлигида** муҳим ўрин тутади... Ўзбекистонда олиб бораётган оқилона сиёсатингиз бугун бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда».

Бу Президентимизга, Ўзбекистонга берилган юксак эътирофдир. Президентимиз Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини 2019 йил Наврўз арафасида Тошкентда ўтказишга таклиф этди.

Маслаҳат учрашувида, Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий майдон эканига алоҳида урғу берилди. Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари халқлари кўп минг йиллик қардошлик ва яхши қўшнилик ришталари билан боғланган. Уларни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар-қадриятлар бирлаштириб туради.

Жаҳон цивилизациясининг кўҳна ўчоқларидан ҳисобланадиган Марказий Осиёда дунё тамаддуни ривожига улкан таъсир кўрсатган нодир маданият ва тараққиёт мавжуддир, бу минтақамиз мамлакатларининг умумий келажаги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашда пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

Учрашувда муҳокама этилган масалалар минтақанинг ҳали ишга солинмаган ноёб имкониятлар ва улкан салоҳиятга эга экани, бу ерда тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш — мазкур давлатлар тўлиқ эриша оладиган муштарак муваффақият гарови эканидан далолат бермоқда. Ҳамкорликдаги

ишларнинг амалий самараси сифатида бир мисол келтирамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлашига кўра, мамлакатларимиз ўртасида чегаралар ва йўллар очилгани туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоизга арзонлашгани кузатилмоқда. Бу танланган йўл оқилона эканининг ҳаётий исботидир.

Қозоғистон Республикаси 2018 йилни «Ўзбекистон йили» деб эълон қилди. Худди шундай, 2019 йил Ўзбекистонда «Қозоғистон йили» деб белгиланди. Бу халқлар, давлатлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқаларнинг мутлақо янгича йўлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев Остонада сўзлаган нутқида буюк Абайнинг қуйидаги сатрларини келтиргани бежиз эмас:

*Эй инсон, ор-номус дилдошинг бўлсин,  
Боболар ҳикмати қўлдошинг бўлсин.  
Мол-дунё, шон-шухрат — барчаси бекор,  
Жондошу содиқ дўст йўлдошинг бўлсин.*

Бугун Тошкентда Абай ҳайкали қад ростлаб турибди. Алишер Навоий ҳайкалининг Остонада қўйилгани, Ўзбекистонда Абай ижодини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг қабул қилиниши халқларимиз ўртасидаги эзгу ниятлар ва улуғ мақсадларнинг муштараклигига яна бир мисолдир.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни биринчи даражали «Дўстлик» ордени билан мукофотлади. Бу қутлуғ қадамлар қозоқ эли ва Қозоғистон давлатининг ўзбек халқига ҳурмати, юртимизга юксак эҳтироми рамзидир.

«Биз — қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар гўзал Марказий Осиёда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари биргаликда тинч-тотув, дўст-иноқ бўлиб яшашимиз тақдирнинг ўзи томонидан белгилаб берилгандир, — деди Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистонда «Ўзбекистон йили» очилишига бағишланган тантанали маросимидаги сўзлаган нутқида. — Ҳайлайманки, тобора мустақамланиб бораётган самимий муносабатларимиздан буюк аждоқларимизнинг руҳлари шод бўлади».

Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

2018 йил 22 март.



---



## Замонамиз қаҳрамони

Очерк

Мен Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланадиган, ном қозонган, мамлакатимизда эса, шундай корхоналарнинг карвонбошиси, Сирдарё Иссиқлик электр станцияси фаолияти билан танишиш, яна ҳам аниқроғи, шу станциянинг бош директори, мамлакатимизнинг машҳур энергетикларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати аъзоси Мирзаҳмад Шаимов билан учрашгани, бу ажойиб инсон ҳақида, насиб этса, бир очерк ёзгани Ширин шахрига йўл олдим. Карвонбоши деганининг сабаби, станция бир йилда 17 млрд. киловатт электр қуввати ишлаб чиқаради, бу Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган 51 млрд. киловатт электр токнинг учдан бирини ташкил қилади. Бошқача айтсак, бу Ўзбекистонда пориллаб ёниб турган ҳар уч лампочканинг биттаси Сирдарё ИЭСига тегишлидир, дегани бўлади.

Биз Ширин шахрига етгач, катта дарвозадан бир ям-яшил боққа кирдик. Соя-салқинли боғ ниҳоятда ораста, шинам кўринар эди.

Мен ҳамроҳларим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари шоира Ҳаётхон Ортиқбоева билан адиба Норинисо Қосимоваларга қарадим:

— Бу ер курортми ё санаторийми? Бизларга иссиқлик электр станцияси керак эди, шекилли... Адашмадикми?

Улар кулишди:



— Йўқ, адашганимиз йўқ, устоз! Бу жой худди ўша биз излаб келаётган Сирдарё Иссиқлик электр станцияси ҳовлиси! — деди Ҳаётхон.

Куни кечагина мамлакат шаҳарлари қаторида эътироф этилган Ширин шаҳри тарихи 1943—1948 йилларда қурилган Фарҳод ГЭСи билан боғлиқ. Бугунги кунда катта саноат марказига айланган (унда машинасозлик заводи, энергетика техникуми, мактаблар, маиший хизмат корхоналари, ГЭС, ИЭС, маданият ва истироҳат боғи, бозор мавжуд) Ширин шаҳри ана шу ГЭС қурувчилари учун бунёд этилган.

Ўйласам, бу ерларга келмаганимга кўп йиллар бўлган экан. Болалигимда катталарга эргашиб кўп келиб турардим. Чунки биз, узоқмас, Сирдарёнинг нариги томонида. Бекобод туманининг Жумабозор деган қишлоғида яшардик, ўша ердаги мактабни битирганман. Менга бу жойлар ўша пайтлардаёқ худди эртакка ўхшаб туюларди. Гўё бу ерда қаҳрамонлар истиқомат қиладилар. Яна бир томони, Иккинчи жаҳон урушидан қайтган ногирон отам Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли, худди шу ерда Фарҳод ГЭСи қурилишида умумхалқ ҳашарида иштирок этган эди... Завқланиб кўп бу ҳақда гапириб берганлари эсимда. Эртакка ўхшайди, деганим, аввало Фарҳод номи билан боғлиқ, қолаверса Ширин ҳам шу ерда... Улар ёнма-ён умргузаронлик қилишмоқда... Ўша Фарҳод қазиган ариқ — канал ҳам, ана, айқириб оқиб ётибди...

\* \* \*

Мирзаҳмад Шаимов билан аввал кўришмаганман. Хаёлимда, у киши чинакамига паҳлавонлардан бўлсалар керак, норғул, чорпаҳил, салобатли... деб ўйлайман. Бу ерда яшайдиган одамлар ҳаммаси ҳам шундоқ бўлсалар керак, дейман-да. У кишининг ҳаётига оид айрим маълумотлар билан танишганимда ҳам кўрдим: Мирзаҳмад ака, у ёқда-бу ёқда эмас, айти

Фарҳод ГЭСга яқин қишлоқда, Тошкент — Андижон тоғир йўли бўйида 1953 йилда туғилган экан... Ахир, қахрамонлар эртакка ўхшаган жойларда дунёга келадилар-да...

Мирзаҳмад ака жуда камтарин, камсуқум, мулоқим, оққўнгил дилкаш бир инсон экан. Ҳаёт синовларида қайнаб-пишган, чайир ва кучли инсон. Биринчи марта кўришиб турган эсак-да, оз фурсатда худди кўп йиллардан бери танишлардай бўлиб кетдик. Агар қарашлар тўғри келиб қолса, инсонлар шундай ҳолатни бошдан кечирадилар.

Мирзаҳмад ака билан яқиндан танишиб, шундай кулосага келдимки, каминага юртимиздаги энг бахтли инсонлардан бири билан учрашиш насиб этибди! Мирзаҳмад ака ҳозир 66 ёшда, ёнида рафиқалари Ойсафар опа, беш фарзандлари — тўрт ўғил, бир қиз ўсиб вояга етишди, набиралар ҳам боболар атрофида парвона. Бахтлиликнинг энг юксак чўққиси: Мирзаҳмад аканинг падари бузруквори тўқсон икки ёшли Исмат ҳожи бобо, қутлуғ ёшдаги муҳтарама волидаси Обида момолар уларнинг ёнларида, фарзандлардан мамнун, қўллари дуода, кексалик гаштини суриб яшамокдалар! Мирзаҳмад ака қутлуғ замонда табаррук ота-оналари хизматини қилиб асло чарчашмайди, савоб кетидан савоб оқиб келади... Бундай бахтнинг баҳоси йўқ бўлса керак! Баҳоси — фақат шукроналик, Аллоҳга беадад шукр қилмоқдир!

Мирзаҳмад болалиқдаги хотираларни эслайди. Шундоқ кўз олдида, ҳар куни кечагина мол боқиб юрган далада ажойиб Сирдарё ИЭС барпо этила бошланди... Унда ишласам, деган орзу унга тинчлик бермай қўйди. Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент техника университети)га ўқишга отланган, айна пайтда, оила аҳволини ўйлаб борсамми, борсамми деб иккиланаётган, — у оилада бош фарзанд ахир, отанинг ўнг қўли, агар у бирон ёққа йиқилса энг аввал ўнг қўл ёрдамга келади! Отаси, ўшанда эл-

лик ёшли Исмат ака — Мирзаҳмаднинг бошини силади: «Ўғлим, яхши ўқиш керак, бизнинг боримизда ўқиб ол, оилани ўйлама, тирикчилигимиз ўтади, қийналмаймиз, ахир онанг иккимиз ишлаймиз-ку! Ҳозир ота-онадан болаларга мерос, бу илм олиш, ўқиш-дир».

Фаройиби шундаки, ўзим ҳам 1960 йил Москвага ўқишга йўл олганимда, отам менга ҳам (мен ҳам оилада бош фарзандман) худди Исмат ота айтгандай сўзларни айтган, ҳозир ота-онадан фарзандга қоладиган мерос — бу илмдир, бизнинг давримизда ўқиб олинг, деган эди! Мен бу ҳайратимни Мирзаҳмад акага айтганимда, у ҳа, оталарнинг нияtlари ҳамиша эзгу бўлар экан-да, деб жавоб берди.

Исмат ота ўғлига, мана шу ГРЭСда ишлашинг лозим, деб тайинлаган эди ўшанда. Ўғил буни кўнглига туғиб қўйди.

\* \* \*

Мактабдан сўнг, олий ўқув юртини битириб муҳандис дипломини олгач, Мирзаҳмад узоқ куну тун тер тўкиб, изланиб мисқоллаб олинган билимини энди амалда синаб кўриш фурсатлари келганини чуқур ҳис қилди.

Йигирма икки ёшли йигит ишни Фарҳод ГЭСда муҳандисликдан бошлади, Янгиер техникумида ўқитувчилик қилди. Бу орада ердан бош кўтариб чиққан паҳлавондай бўй кўрсатган ҳамманинг ҳавасини келтирган, ҳайратини оширган Сирдарё ИЭСи биринчи энергоблок ишга тушиб, юртга довруқ солди. Энергоблок 300 минг киловатт электр қуввати ишлаб чиқаради!

Бу нарса Мирзаҳмаднинг шу ерга ўтиб ишлаш иштиёғини баттар оловлантирди, отасининг сўзлари унинг эсида эди. У 1976 йилда станциянинг технология жараёнларини автоматлаштириш цехига оддий ишчи — электр чилангари бўлиб ишга кирди.

Шу тариқа Мирзахмад Шаимовнинг келажакда шон-шарафга йўғрилган қизғин меҳнат фаолияти бошланиб кетди. Албатта у, пайтлар келиб, 2012 йилда етук энергетик сифатида «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлишини билмасди, бу ҳақда ўйламасди ҳам. Унинг билгани — ота-онанинг насиҳатларини ёдда тутиш, ҳалол меҳнат қилиш, ўз хизматига виждон билан ёндашиш, ҳар бир қадамида инсофни унутмаслик, тин билмаслик, изланишдан тўхтамаслик, ҳар қандай ҳолатда ҳам вазминликни, сабр-тоқатни қўлдан чиқармаслик, чин маънода Инсон бўлиш, сидқидилдан ишлаш, ишлаш ва яна ишлашдан иборат эди. Билимдон ва изланувчан йигит дарҳол раҳбарларнинг ҳам, жамоанинг ҳам, халқнинг ҳам назарига тушди. У оддий ишчиликдан станциянинг бошқарув пультага навбатчи ва смена бошлиғи бўлди. Кўп ўтмай Автоматика цехи бошлиғи муовини вазифасига кўтарилди. Автоматика Мирзахмаднинг жони-дили эканини назарда тутсақ, бу вазифа унга жуда пором келганини англаш қийин эмас.

Кейин станциянинг Газ тақсимлаб бериш пунктида муҳандис ва бошлиқ, Автоматика цехи бошлиғи, Нссиқлик автоматикаси ва ўлчовлари цехи раҳбари (бу ерда 180 дан ортиқ ходим меҳнат қиларди), 1998 йилда эса Сирдарё ИЭС ининг бош муҳандиси ўринбосари вазифасига тайинланди. Бу вазифада ун йил меҳнат қилди. 2008 йилга келиб Ўзбекистон энергия мустақиллигига эришган эди. Кейин Мирзахмадга станция бош муҳандиси вазифаси топширилди.

Электротехника ускуналарини эксплуатация қилиш, уларнинг ҳимоя воситаларидан фойдаланиш Мирзахмаднинг асосий соҳаси эди. Бу соҳани олий ўқув юртида ўқиётганида чуқур эгаллашга ҳаракат қилди. Генераторлар, двигателлар, юқори кучланиш-ли коммутация аппаратлари, электрон ҳисоб маши-

налари, трансформаторлар, буғ ва гидротрубиналар, подстанцияларни чуқур ўрганди, уларнинг тузилиши, ясалиши, ишлаши, ҳолатлари, турфа «нозиклик»лари ва майда-чуйдаларигача, уни қаттиқ қизиқтирар эди. Бошқача айтганда, уларнинг «ичига кириб чиқди», барини ўз кўзи билан кўрди. Сир-синоатлардан ҳайратларга тушди.

Ҳа, электр энергия — бу ўзи бир мўъжиза экан! Бу саноат эмас, балки санъат дегулик нозик касб эди, у Мирзаҳмадни бутунлай ўзига ром қилди. Санкт-Петербург шаҳрига тажриба ўташ учун борганда, у ерда металлургия заводи ва машҳур «Электросила» заводида бўлди, буғ турбиналарининг, юқорида айтганимиздек, қандай ясалиши ва синовдан ўтказилишини обдан кузатди, кўп нарсаларни зеҳнига жойлади...

Электрик соҳасида мутахассис, иссиқлик техникаси ва механика қонунлари бўйича кўп тажрибаларга эга бўлди. Энергоблокларнинг назорат ўлчов асбоблари, автоматикаси, бошқарув ҳамда ҳимоя тизимларида кабелларни монтаж қилиш, лойиҳалаш, керакли асбобларни танлаш, созлаш ишлари... Булар станцияда Мирзаҳмад акасиз бажарилмайдиган бўлиб қолди.

Шу сабабдан унинг обрў-эътибори жамоа ичидан орта борди, катталар маслаҳат оладиган, ёшлар эса суянадиган билимдон мураббийга айланди.

2013 йилда Мирзаҳмад Шаимов Сирдарё Иссиқлик электр станцияси Бош директори этиб тайинланди.

\* \* \*

Сирдарё Иссиқлик электр станциясининг қуввати тобора кучайиб борди. Станция Тошкент, Фарғона водийси, Сурхон воҳасигача электр энергияси етказиб беради. Ўнта энергоблок мавжуд, сўнгги энергоблок 1981 йилда ишга туширилди. 5–10-энергоблок-

ларни бунёд этишда Мирзаҳмад Шаимовнинг хизматлари катталигини ҳамма эътироф этади.

— «Қулдек ишлаш керак, беқдек яшаш керак!» — онамнинг бу сўzlари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, — дейди Мирзаҳмад ака. — Бу ҳаётимнинг шиорига айлانган. Унга доим амал қиламан. Кам бўлганим йўқ. Мактабда Абдуқаюм Исломов деган жуда фидойи инсон математика ўқитувчим эди. Ундан бағоят миннатдорман, у менда математика фанига бўлган катта меҳрини уйғота олди! Математикага жуда қизиқиб кетдим. Ажойиб фан экан! Устозимнинг берган сабақлари кейин менга жуда асқотди.

Айниқса, Абдуқаюм Исломовнинг бир куни дарсда биз — ўқувчиларга айтган сўzlари ҳамон эсимда турибди: «Математика — бизнинг она фанимиз, тушундингизми? — деган эди у. — Шуни билиб қўйинглар! Уни Муҳаммад ал-Хоразмий бобомиз яратганлар, алгебра ул зотнинг асаридан туғилган, «алгоритм» сўзи унинг исмидан олинган! У ҳаётнинг мазмуни! Шу сабабдан бу фанни билмасак уят бўлади!»

Ростдан ҳам, бу сўzlар Мирзаҳмаднинг кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолди. Уйга берилган вазифаларни бажаришга киришганда, ишни доим математика фанидан бошлар эди. Қийин масалаларни англаш, ўқиб зимнига етиш, ечгандан кейинги қувонч унга роҳат, ҳузур бағишлар, бутун чарчоқларини ёзиб юборарди.

Сирдарё ГРЭСи — узоқ йиллар Ўзбекистонга раҳбарлик қилган таниқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг вояси, орзуси эди. Унинг ҳаракатлари билан қурилиш 1966 йил кузда бошланган. Тап-тақир ерда.

1972 йилда биринчи энергоблок ишга тушди. 1981 йилда станция қурилиши ниҳоясига етди — жами 10 та энергоблок қуриб битказилди. Ҳар бир блок ишга тушганда давлат раҳбари албатта бу ерга келар, бунёдкорларни табриклаб кетар эди. Ҳозир станция-

да минглаб одамлар меҳнат қилади. Бир ҳисоботда кўрдим: станция ҳар куни ўртача 2,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарар экан.

Мирзаҳмад ака мени станциянинг бош иморатига таклиф қилди. Мана улкан иморатда кезиб юрибмиз. Беш қават баландлигида, узунлиги олти юз метрлар чиқадиган маҳобатли бино, бамисли дарёдай чўзилган, унда юқорида айтилган ўнта энергоблок жойлашган, гувилаб ишлаб турибди, ҳарорат кучли, штурмга тушган денгиз шовқинини ёдга солади. Тасаввур учун айтай: бамисли тоғ қояларини (асбоб-ускуналар жуда-жуда йирик, уларнинг оғирлиги тонналар билан ўлчанади) олиб келиб бино ичига зичлаб жойлаштириб қўйилгандай... Ўзимча фикр қилдимки, энергоблок — ИЭС юраги экан! «Энергоблок № 1» ... «Энергоблок № 5» ... «Энергоблок № 10» ... Уларни ишга туширишда озгина бўлса ҳам хатога йўл қўйилмаслиги керак. «Носозлик» деган сўз нурчиларнинг луғатида йўқ! Бу ерда — масъулият ва яна масъулият! Ниҳоятда хушёрлик талаб этилади. Ишни секундлар ҳал қилади, барчаси автоматлар орқали бажарилади. Ўн энергоблок бўлса уни бошқарув пульти орқали 5—6 киши томонидан бошқарилади холос!

Биз «дарё»нинг ўнг қирғоғида юриб боряпмиз. Пастда ишлаётган йигитлар бари — қора кўзлар, чарх уриб ишлаб юришибди.

— Қозон-трубина цехлари, буғ генератори, қозон автоматикаси... Бу иборалар бизлар учун жуда муҳим саналади, — дейди Мирзаҳмад ака. — Ҳар бир энергоблокда соатига 900—1000 тонна сув ва буғ тўхтовсиз айланиб туради. Ҳар бир энергоблок баландлиги 40 метрдан ошадиган 2 тадан қозонга эга. Қозоннинг вазифаси — босими 240 кг/см<sup>2</sup> ва ҳарорати 545 цельсий бўлган буғни соатига 960 тонна миқдорда етказиб беришдан иборат, бунда 35 тоннагача ёқилғи сарфланади. Қизиқ факт: шу палла ўт ёниш ядросида ҳарорат 2000 даражадан ошади!

Булар мен учун дабдурустдан ақл чамалай олмай-  
диган ҳодисалар эди...

\* \* \*

Суҳбатимиз давомида Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг корхона фаолиятига  
ҳамиша катта эътибор бериб келаётганлари ҳақида  
сўз кетди.

— Ҳали 2013 йилда Сирдарё ИЭС 1 ва 2 энерго-  
блокларини модернизация қилингани ҳақида суҳбат-  
лашдик-ку, — деди Мирзаҳмад ака. — 2012 йилда  
Шавкат Миромонович Бош вазир мақомида эканла-  
рида, мазкур модернизация учун 57 миллион АҚШ  
доллари миқдоридида маблағ ажратиб бердилар.  
2016 йилда корхонамизга ташриф буюрганларида, мух-  
тарам Президентимиз энергетикларнинг турмуш-  
ҳаёти билан қизиқдилар, модернизация қилишни да-  
вом эттириш, янги ИЭС қуриш бобида қимматли йўл-  
йўриқ ва кўрсатмалар бердилар.

— Модернизация ўзи бир сўз-ку, аммо мазмуни,  
юки катта шекилли? Бир тушунтириб беринг. —  
сўрайман Мирзаҳмад акадан.

— Ҳа, бир сўз, — деди у кулиб. — Мазмуни, айт-  
ганингиздай оламча бор...

Айримларини айтиб ўтай. Бу ерда тўртта нарса  
муҳим: турбина, генератор, буғ ишлаб берадиган қозон  
ва ёрдамчи ускуналар. Биринчидан, турбина бўйича,  
юқори босимли цилиндрнинг ротор ва диафрагма-  
ларини модернизация қилинган янги тоифасига ал-  
маштириш. Уларнинг зичланиш зонасини ороста-  
лаш, модернизация қилиш. Бу иш ўрта ва паст  
босимли цилиндрларда ҳам амалга оширилади. Шу-  
нингдек, подшипникларнинг янги модификациясини  
жорий этиш зарур. Генератор бўйича статор билан  
роторни тўлиқ реконструкция қилинади. Қозон  
бўйича юқори ва паст босимли буғ қувурларини, ре-  
генератив ҳаво қиздиргичлари янгиланади... Модер-



низация ишлари Санкт-Петербургдаги «Электросила», Германиянинг SIEMENS корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилиб келинмоқда.

— Бир воқеада устознинг қилган фидокорона меҳнатлари ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дейди Иссиқлик автоматикаси ва ўлчаш цехининг бошлиғи Бекмирза Раҳмонқулов. — 1997 йили 5-энергоблок атрофидаги реле шкафлари остки қисмида ёнғин туфайли жуда кўплаб кабель линиялари куйиб кетди... Жуда хавфли ҳодиса. Биз цех усталари саросимага тушиб қолдик, уни тиклашга кетадиган вақту қилиниши лозим бўлган улкан иш ҳажмини ўйлаб юрагимиз орқага тортиб кетар эди.

Лекин раҳбаримиз М. Шаимов ўта совуққонлик билан ҳис-ҳаяжонга берилмай, тезликда ишни ташкил қилдилар, бир кеча ухламасдан тузиб чиққан режалари асосида иш олиб бориб, қисқа муддатда вазифани муваффақиятли адо этдик...

Бекмирза Раҳмонқулов ёш кадрлардан чиққан цех бошлиғи. Унга ўхшаган ёшлар кўп. Ёш кадрларни етук мутахассисларга айлантириш ишлари корхонада изчил тизимга эга. Коллеж бор, Ширин энергетика техникуми, станция қошида ўқув маркази, кадрларни тайёрлаш маркази ишлаб турибди...

— Миллий кадрлар хусусида бизда, умуман олганда, ҳамма соҳаларда ҳам тақчиллик қаттиқ сезилиши ҳаммамизга маълум, — дейди Мирзахмад ака. — Ёшларимиз жуда тиришқоқ, бошқалардан кам бўлмасликка интилишади ва шундоқ эканликларини исбот этишади ҳам. 1995 йиллардан бошлаб бу соҳада ўзгаришлар қилишга эришдик. Ёшларимиз аста-аста масъулиятли лавозимларни эгаллай бошлашди. Бундан жуда қувонаман. Айниқса, жонкуярлик билан ўз билимларини оширган, ўзларига талабчан масъулиятни чуқур ҳис этадиган қуйидаги ходимларимизни — энергетикаларимизни айтиб ўтгим келади. Булар: А. Хайруллаев, К. Алияров, Б. Садиев, М. Содиқов,

Д. Атаев, С. Рўзиев, Б. Раҳмонқулов, И. Султонов, Ф. Холназаров, Ф. Хўжақулов... Бари ўзимизнинг кадрларимиз. Улар кўп.

Мирзаҳмад ака чиндан ҳам кадрлар масаласига жиддий эътибор бериб келади. Чунончи, Ширин энергетика касб-ҳунар коллежига доим ҳомийлик ёрдами кўрсатади, таълим сифатини назорат қилиб боради, битирув имтиҳонлари таниқли энергетиклар раҳбарлигида ўтишини таъминлайди.

Станция қошида барпо этилган ўқув маркази қизини фаляят олиб бормоқда. Бу ерда яхши ўрганиш учун энергоблок (энергоблок эмас, улкан қоя тош деп!) макетини яратишда, барча жиҳозларнинг макет усулида ўрнатилишида ва унда мунтазам ўқув курслари ташкил этилишида устоз Мирзаҳмад Шаимовнинг хизматлари беқиёс.

— Ҳа, — деди Мирзаҳмад ака. — Биз ўзбеклар станцияда аста-секинлик билан юқори лавозимларни эгаллай бошладик, бошқарув пульталарини қўлимизга ола бошладик...

Бир нарса менинг диққатимни қаттиқ ўзига тортди. Мамлакатимиздаги барча корхоналарда илгари русумда бўлган бир неча юзлаб, минглаб ишлаб чиқариш, лавозим йўриқномалари бошқа тилда ёзиб келинган.

Бу маълум нарса. Сирдарё ИЭСи ҳам бундан мустасно эмас эди. Мирзаҳмад ака идоранинг низомларини қайта кўриб чиқиш, мустақил юрт шаъни ва замон талаблари асосида стандартларга мослаштириш, янгиларини яратиш ишларини ўзига долзарб вазифа деб ҳисоблади. Ҳар бир раҳбар шундай бўлмоғи керак.

У ҳужжатларни она тилимиз — ўзбек тилига ўтиришда жонбозлик кўрсатди, ҳамма бўлимларнинг масъул ходимлари билан алоҳида иш олиб борди, барчасига бош-қош бўлди. Йўриқномалардаги ҳар бир гапга, жумлага техник, илмий, бадий жиҳатдан ёнда-

шиб, уларни таржима қилишда катта жонбозлик кўрсатди.

Жамоада ота касбини давом этдираётган фарзандлар ва набиралар шодаси, ёки энергетиклар сулолалари пайдо бўлгани қувончли ҳодисадир. Чунки оталар бошлаган ишни фарзандлар давом эттириши халқимизнинг яхши урф-одати ҳисобланади. Дарвоқе, мен ана шундай нефтчилар сулолаларидан бирини яхши биламан.

Чимёнлик нефтчи уста (мастер) Мухтор Сайдахмедовнинг ўғиллари ва набиралари ана шундайлар сирасига киради. Кекса нефтчи Мухтор ота, унинг ўғли Шамшиддин Сайдахмедов, унинг набираси Нуриддин... Мана, нефтчиларимизнинг турли авлод вакиллари мисоллар.

Улар ўз соҳаларида турли раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар. Энди энергетиклар сулолаларидан айримларини айтиб ўтай: Исроил Мирзахолов, электромонтёр эди, унинг беш ўғли барчаси ота касбини танлади. Жоназар Холназаров энерготизимда Фарҳод ГЭСда (1947—1975 йиллари)тракторчи бўлиб ишлаган: олти фарзандидан тўрттаси — энергетик бўлиб етишди. Бешта ака-ука Шариповлар ва Ёрибековлар — Мазбут, Турғун, Шоди, Ҳамид ва Саидбойлар бошқа бир сулолани ташкил қилишади. Улар турли вазифаларда, касбларда меҳнат қилишмоқда. Авлодлар иши давом этмоқда.

\* \* \*

Сирдарё Иссиқлик электр станциясида ишлар ҳамишагидек қизғин кетмоқда. Барча энергоблоклар аста-секин модернизациядан чиқарилмоқда. Иш жараёнини автоматлаштириш яна ҳам ривожлантирилиб, юксак тақомилига етказилмоқда. Сирдарё ИЭС ёнида янги 4 энергоблоқдан иборат умумий қуввати 2400 мегаватт кучга эга ИЭС қурилишига киришилмоқда. Қиёс учун: биргина Сирдарё вилоятини таъ-

мишлан учун 250 мегаватт электр қуввати кифоя қилади. Станция битгач, 2000 одамга янги иш ўринлари yaratилади.

Вундай эзгу ишлар бошида Сирдарё Иссиқлик электр станцияси Бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис сенати аъзоси ҳақиқатда паҳлавон инсон Мирзахмад Шаимов турибди.

Ҳа, ҳар ким ҳам ўз ҳалол меҳнатидан топади. Замоноамиз қаҳрамони Мирзахмад Шаимов — ана шу содда ҳақиқатни теран англаб етган, маҳкам тутган ўзбекнинг фидойи фарзандидир.

*Тошкент — Гулистон — Ширин*

*2019 йил 16 июнь.*





## Самарқанд конференциясидан кейинги ўйлар

Ёзувчининг ёнида ҳамиша ён дафтарча бўлади. Менда ҳам шундай, кейин керак бўлар деб, йўл-йўлаккай таассуротларни, топилма сўзлар, қизиқ ҳодисалар, нодир фактларни тушириб юраман. Тошкентда-лигимдаёқ ён дафтарчамга қуйидаги сўзларни ёзиб қўйдим: «Самарқанд шаҳри. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция. 14—17 май кунлари дунёнинг 50 га яқин давлатларидан олимлар ташриф буюрадилар...»

Конференцияда қатнашиш учун Самарқандга келганимдан кейин эса, ён дафтарчам қўлимдан тушмай қолди...

Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг инсоният тамадуни, илм-фан ва маънавий тараққиёт хазинасига қўшган ҳиссаси гоёта беназирдир, камол топаётган ёш авлодни инсониятнинг буюк сиймолари яратган илм-фан ва юксак маданият дурдоналаридан баҳраманд этишнинг аҳамияти эса ўлчаб бўлмас даражада беқиёсдир.

Шу маънода, Биринчи Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 14—17 май кунлари Самарқандда халқаро илмий конференциянинг ўтказилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мақсад, Ватанимиз ва жаҳон жамоатчилигини буюк аждодларимизнинг дунё тамадуни ривожигаги монанди йўқ фаолиятлари билан кенг таништиришдан иборат. Зеро, турли халқаро илмий марказлар ва жаҳоннинг маш-

хур етакчи олимларини бобокалонларимизнинг бебаҳо илмий кашфиётларини батафсил ўрганишга жалб этиш, дунёга кўз-кўз қилиш, кадр-қимматларини эъзозлаш, муҳими, халқимизнинг бу бемисл илмий-маданий меросини замонавий фанларни ривожлантириш ҳамда ёшларни нодир илм ва буюк интеллектуал тафаккур соҳибларини қадрлаш руҳида тарбиялаш бағоят муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темур давлат маснадига ўлтирар экан, ўзи туғилиб ўсган Кешни эмас, балки Самарқандни салтанат пойтахти қилиб белгиланига тўғибор берайлик. Она юрти келажagini ўйлаган буюк давлат арбобининг одил қарори шундай бўлган эди. Чунки Самарқанд, аввало, юртнинг маркази, жуда кўп йўлларнинг кесишган жойи, чорраҳаси. Қисқача қилиб айтганда, ҳамма йўллар шу шаҳардан ўтарди. Турон салтанатининг пойтахти бўлгандан кейин эса, унинг рутбаси яна ҳам юксакларга кўтарилди. Шаҳарнинг кейинги тақдири, унинг Амир Темур ва теурийлар даврида нечоғли гуллаб-яшнагани бутун жаҳонга маълум.

АҚШ, Франция, Япония, Буюк Британия, Польша, Ҳиндистон, Бельгия, Хитой, Голландия, Жанубий Корея, Россия, Озарбайжон, Миср, Германия каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган олимлар шаҳарни кезар эканлар, бугунги кунда Самарқанднинг янада гўзаллашганини кўриб, бениҳоя ҳайратга тушдилар.

Амир Темур пойтахти бўлган шаҳарнинг фаровон манзаралари, ўрта асрлар Шарқ меъморлик санъати ёдгорликларига уйғун ҳолда қурилган тахтиравон кўчалар, замонавий меъморий иншоотлар кўнгилни мафтун қилар даражада сеҳрли ва файзиёб эди. Уларга боққан меҳмонларнинг ўз таҳсину тасанноларини ифода қилишга сўз топиша олмаётганлари кўзларидаги ҳайратларидан кўриниб турарди.

Биринчи Президентимиз ушбу конференцияда буюк тарихимиздан фахрланиш туйғуси гупириб турган нутқ ирод этди. Унда шу қадимий юрт алломалари бўлган бобокалонларимизнинг илмий мероси, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссалари чуқур таҳлил этиб берилди.

Буюк мутафаккирларнинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ҳақида айтилган кенг қамровли сўзлар анжуман қатнашчилари юрагига бориб етди. Ҳа, юракдан айтилган сўз юракка етиб боради. Нутқдаги: **«Бу улуғ зотларнинг илм-фан соҳасига баҳшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз!»** — деган сўзлар иштирок этаётган барча олимларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Анжуманда гулдурос қарсақлар янгради. Бу сўзларни ён дафтарчамга ёзиб қўйдим, чунки улар ҳамиша такрорлаб туришимиз керак бўлган мўътабар сўзлар эди.

Нутқда таъкидланган: «XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри», — деган сўзларини ён дафтарчамнинг кўзга кўринадиган ерига ёзиб қўйдим. Бутун бир аср йўналиши белгилаб берилган бу сўзлар мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ахир, ўзингиз ўйланг: ҳозиргидек нотинч дунёда, не-не мамлакатларда одамлар бир парча нонни қандай топсам экан, эртага тирликчилик қандай бўлар экан, деган ташвиш билан банд бўлиб турган бир пайтда, бизнинг юртимизда шунга фурсату рағбат топиб, ўтмишда ўтган машҳур аллома боболаримиз ҳаётини ва илмий асарларини ўрганиш борасида халқаро анжуман ташкил этилиши ва унинг айнан Самарқандда ўтиши кишини лол қолдиради. Чиндан ҳам, бундай мавзудаги конференция дунёда кам-кам бўладиган анжуман эди.

ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Хуберт Гизен ҳам ўз нутқида: «Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган афсонавий шаҳар» Самарқанднинг дунё аҳамиятига молик шаҳар эканини айтиб: «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» деб ном олган мазкур халқаро конференцияни ўтказиш учун бундан ҳам яхшироқ жойни танлашни тасаввур қилиб бўлмаса керак», — деб таъкидлади. Чиндан ҳам, илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик марказига айланган, маънавий ва маърифат ўчоғи бўлиб келгани халқаро миқёсларда кўп бор эътироф этилган Самарқанднинг шундай нуфузли анжуман ўтказишга тўла маънавий ҳуқуқи бор эди.

Ён дафтарчамда бельгиялик олим Юль Янссеннинг қуйидаги сўzlари пайдо бўлди. У маърузасида шундай деди: «Ўзбекистон Абу Райҳон ал-Беруний ва Абу Али ибн Синодек алломалари билан фахрланиши керак, чунки улар шу тупроқда туғилганлар ва шу заминда билим олиб, аллома бўлиб танилдилар».

Яна ён дафтарчамдан, хитойлик профессор Ши Юнли сўзи: «Халқингизнинг бой илмий-маданий меросга эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим... Юксак маданиятли ўзбек халқининг ўтмишини, илмий меросини тадқиқ қилиш, чуқур ўрганиш тарафдориман...»

Тагин ён дафтарчамдан бир парча келтирмай иложим йўқ. Ҳиндистонлик профессор Мансура Ҳайдар сўзларига қулоқ тутайлик: «Давлат раҳбарларининг илмий анжуманларда ҳар жиҳатдан пухта асосланган маъруза билан сўзга чиқиши ноёб ҳодиса. Нутқда нафақат Осиё ёки Шарқ, балки бутун дунё учун ўта муҳим масалаларни ўртага ташлади. У ҳам бўлса — ўтмиш алломалари меросини чуқур ўрганиш орқали илмий изланишларни янги босқичга кўтариш, айти пайтда, улардан замонавий тараққиёт ва юксак маъ-



навият йўлида фойдаланишдир. Таъкидлайманки, сизнинг ўтмишингиз шонли, аждодларингиз мероси беназир, бугунги ҳаётингиз қадри улуғ...»

Ушбу анжуманда иштирок этган мамлакатимиз олимларидан, сизлар бу анжумандан ўзларингиз учун қандай янгилик олдингизлар, деб сўрадим. «Хорижлик олимлар Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ҳақида биз ҳали билмаган маълумотларни ҳам олиб келдилар», деб жавоб беришди улар. Анжуманнинг шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилган йиғилишларида Абу Райҳон ал-Берунийнинг Колумбдан олдин Америка қитъасини очганлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилди ва юртимиз алломаларининг илмий меросига, унинг бугунги цивилизация ривожига даги ўрни ва аҳамиятига катта баҳо берилди.

Халқаро конференцияда Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари етук қомусий олимлар ва шунингдек, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа буюк бадий сўз усталарининг илмий мероси таҳлиliga алоҳида аҳамият қаратилди.

Ватанимиз ва хорижлик етакчи олимларнинг ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий фаолиятига доир маърузаларида IX – XI ва XIV – XV асрларда Марказий Осиёда бўй кўрсатган илмий-маданий Ренессанснинг ўзига хос хусусиятлари фоятда кенг қамраб олинди.

IX – XI ва XIV – XV асрларда Марказий Осиёда, юртимизда икки бор Шарқ Ренессанси ҳодисаси юз бергани ҳақида ўйлар эканман, мустақилликка эришган, келажаги буюк давлат, интеллектуал тафаккур соҳиблари Ватани Ўзбекистонда ҳозир илмий-маданий **Ренессанснинг учинчи босқичи** рўй бераётганидан кўнглим фараҳларга тўлади. Ҳа, эртанги кундан умидимиз катта! Келажакка ёруғ юз билан боқамиз. Ҳа, биз ҳозир юксак кўтарилиш паллаларидамиз,

руҳий парвоздамиз, зеро мамлакатимизда таълим-тарбияга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бу борда Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати ичида **бешинчи** ўринни эгаллаб турибди!

Ялпи мажлисдан сўнг анжуман аҳли ўрта асрлар Шарқ алломаларининг аниқ фанларга доир ишлари, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия каби замонавий фанларни шакллантириш ва ривожлантиришда, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби табиий фанларни чуқурлаштириш борасидаги фаолиятлари, олим ва мутафаккирларнинг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳасидаги илмий мероси каби мавзуларда иш олиб борди.

Олдинда қилинадиган ишлар кўп эди: жаҳоннинг нуфузли илмий марказлари ва кутубхоналарида сақланаётган ёзма ёдгорликлар, қўлёзма асарларнинг каталоглари ва библиографик маълумотномалар яратиш ҳамда мазкур меросни ишончли сақлаш ва рақамлаш, кенг жамоатчиликнинг интернет ресурслари орқали қўлёзма манбалар билан танишишини таъминлаш, қўлёзмаларнинг жаҳон тилларидаги илмий шарҳланган таржималарини тайёрлаш, буюк мутафаккир ва алломаларимиз ҳақида жаҳоннинг етакчи телеканаллари билан ҳамкорликда ҳужжатли фильмлар яратишга доир лойиҳалар ишлаб чиқиш, маърузалар матни, анжуман иштирокчиларининг чиқишлари, шунингдек, конференциянинг яқунловчи ҳужжатларини ўз ичига оладиган тўпلام чоп этиш... Буларнинг бари бизнинг боболаримиз илмий меросига бағишланганидан Аллоҳга шукроналар келтирамиз, бемисл қувонамиз.

Самарқанднинг муҳташам Расмий қабуллар саройи гавжум бўлиб кетди. Дунёнинг турли томонларидан келган олимлар шўъбалар йиғилишларидан чиқиб, баҳсу мунозараларни фойеларда давом этти-

рар эдилар. Ён дафтарчамда эса ёзувлар кўпайиб борарди.

Самарқанддаги ушбу нуфузли анжуман мустақил Ўзбекистонимизни жаҳонга тарғиб этишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди десак, тўла ҳақлимиз. Фахрланиб, ўз-ўзингдан шеър айтиб юборганингни ҳам билмай қоласан киши.

*Агар тўрт аллома бўлса дунёда,  
Шухрати ҳаволаб юрган самога,  
Буни айтмасам ҳам ҳамма биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!*

*Агар тўрт шоирга тан берса олам,  
Шундоқ мартабага эришса калом,  
Буни айтмасам ҳам, ҳамма биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!*

*Дунёда от сурди не-не саркарда,  
Манаман дегани бўлса агарда,  
Буни айтмасам, башар биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!*

*Замонлар ўтадир санаб ҳар онин,  
Буюк давлат бўлгай Ўзбекистоним!  
Ўшанда боболар, Аллоҳ биладир:  
Ватаннинг қалбида мудом бўладир!*





## **Инсонга меҳр керак, эътибор керак**

Соғлом ва баркамол, гўзал авлодни тарбиялаб ўстириш, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан уларни етук инсонлар сифатида вояга етказиб, эл-юрт хизматига қўшиш иши давлатимиз сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айлангани кишини бағоят мамнун этади. Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг қаттиқ ижтимоий ҳимояга олингани, таълим ва тарбиянинг умумэтироф этилган қоидалар ҳамда миллий кадриятларимизга муносиб тарзда олиб борилаётгани, худди шундай қаровчиси йўқ қарияларга гамхўрликлар кўрсатилаётгани олқишларга сазовор савоб ишлардандир.

Шу маънода мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, шунингдек, «Саховат» интернат уйлари (ҳозир мамлакатда 12 та шундай уйлар фаолият кўрсатмоқда)га катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизнинг турли вилоятларига борганда мен албатта шундай масканларни сўраб-суриштираман, зиёрат қиламан, учрашувларда иштирок этаман. Кейин инсон ҳаётининг, тақдирининг чигал ва мураккабликлари ҳақида ҳаёлларга бериламан. Инсонга меҳр керак, эътибор керак, деган қадим, ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаётий ҳикмат ёдимга келаверади...

Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун «Болалар шаҳарчалари» тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш

ҳақида»ги 104-сонли қарорига асосан ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Болалар шаҳарчаси Ер майдони 5,5 га ни ташкил қилади.

Ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитиш ҳамда боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши яқинда 23 йиллиги нишонланадиган Ўзбекистон Конституциясида ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқий асос сифатида мустақамлаб қўйилган.

Замонавийчасига барпо этилган Болалар шаҳарчаси жуда обод, гавжум, кўркем бинолари билан дарҳол диққатни ўзига тортади. Бу сўлим шаҳарчани Андижон кўркига кўрк бўлиб қўшилди, деб айтиш мумкин. Болалар шаҳарчаси боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқининг ҳаётдаги амалий ёрқин ифодасидир.

Шаҳарчада оила-оила бўлиб яшашади. Дастлаб 10 оилада 61 нафар бола тарбияланган бўлса, (ҳар оила бир бинода яшайди, унинг 7 та боласи бўлади) ҳозирги кунга келиб 13 та оилада 93 нафар бола тарбия олмакда. 24 нафари чин ва ижтимоий етим, 48 нафари ярим етим, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганларнинг фарзандлари 12 нафарни ташкил қилади, ногиронларнинг фарзандлари 5 та, озодликдан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари 3 та ва 1 нафар кам таъминланган оила фарзандидир. Тарбияланувчиларнинг 39 нафари қиз болалардан иборат. Уларга 13 нафар тарбиячи-она ва 7 нафар тарбиячи-холалар тарбия беришмоқда.

Жами тарбияланувчиларнинг 25 нафари 3–6 ёшгача, 42 нафари 7–10 ёшгача ва 26 нафари 11–15 ёшгача бўлган болаларни ташкил қилади.

Болалар турли жойларда ўқишади. Чунончи, 2 нафар бола Асака туманидаги 25-Ҳарбий ва спортга йўналтирилган мактаб-интернатга қатнайди, 7 таси Марҳамат туманидаги 31-ДИМИДа, 12 нафари Анди-

жон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабида, 58 нафари Андижон шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабида ва 3 нафари Андижон шаҳридаги 68-МТМда таълим-тарбия олади.

Рақамларни шаҳарча ҳақида тасаввур аниқроқ бўлиши учун келтирмоқдамиз.

Тарбиячи оналари етагида чиқиб келаётган болаларни кўриб, беихтиёр улуғ шоир сатрлари ёдингизга тушади:

Чўчима, жигарим,  
 Ўз уйингасан,  
 Бу ерга  
     на ғурбат,  
                     на офат,  
                             на ғам,  
 Бунда бор:  
     ҳарорат,  
                     муҳаббат,  
                             шафқат  
 Ва меҳнат нонини  
     кўрамиз баҳам...

Болалар шаҳарчаси таъминоти давлат бюджети орқали амалга оширилади. Таъминот учун 2014 йилда жами 1270,9 млн. сўм маблағ ажратилган эди.

Болалар шаҳарчасида 20 та замонавий бино ва турар-жойлар, ёпиқ сузиш ҳавзаси, стадион, болалар ўйингоҳлари, 7 спорт тури заллари мавжуд. Барчаси болаларнинг оила шароитида ўсиб улғайишлари, жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб тарбияланишларига қаратилган. Инглиз тили, мусиқа, вокал, хореография, бичиш-тикиш, тўқувчилик, тасвирий санъат ижодий тўғараклари ишлаб турибди, ёзги амфитеатр болалар ихтиёрида. Барчасини айланиб кўриб чиқдим.

— Болаларимиз жуда салоҳиятли, ҳайрон қола-сиз. Голибларимиз кўп! — деб қувонади шаҳарча

директори фидойи аёл Дурдона Мўминова. Ҳа, бундай савоб ишларни фидойи инсонларгина рўёбга чиқаради.

Болалар шаҳарчаси фарзандлари маънавий ва маърифий соҳаларда ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Улар республика, вилоят ҳамда шаҳар миқёсида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловлар ҳамда оммавий байрам тадбирларида фаол қатнашиб келишмоқда.

Болалар шаҳарчасининг тарбияланувчиси, ҳозирда 9-синфда таълим олаётган Мухаббатхон Каримова 2012 йилда санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Шаҳарча ўз иш фаолиятини бошлагандан буён 71 нафар тарбияланувчи 9-синфни тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттиришмоқда.

— Мен сизга айтсам, — мамнун деди Дурдона Мўминова, — Инсонга меҳр керак, эътибор керак экан! Юртимизда бу бош масалага айланган. Икки нафар собиқ тарбияланувчиларимиз бизнинг бағримизда вояга етиб ўз бахтларини топишди — ҳар иккисининг ҳам никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлигининг беғараз ёрдамлари билан тўйлар ўтказилиб, оила қурганларга ҳомийлар томонидан керакли уй-жой жиҳозлари совға қилинди.

\* \* \*

Инсонга энг аввало меҳр керак, эътибор кераклигини Сурхондарё вилоятида ҳам кўрдим ва бунга имон келтирдим.

2010 йилнинг 9-август куни Миллий хавфсизлик хизмати ҳомийлигида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи» Термиз шаҳрида бунёд этилган кўркам ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган муҳташам бинога кўчиб ўтди.

Педагогик жамоанинг асосий мақсади муассасани оила, уй шароитига яқинлаштириш, ўзаро муносабатларда ота-она ва фарзанд, опа-сингил ва ака-ука сифатида мулоқот олиб боришларига эришишдан иборат эди. Яъни болалар ўзларини меҳрибонлик уйида эмас, балки ўз уйларида каби ҳис этсинлар. Олдиндан айтиб қўяқолайлик: жамоа бу мақсадини амалга ошира олибди.

Асосий мақсадни кенгроқ тушунсак, бу «Меҳрибонлик уйи»га қадам босган ҳар бир боланинг руҳиятини англаб етиш, унинг қайғусига шерик бўлиш, қалбига йўл топиш, ички ҳиссиётини, истак-ҳоҳишини аниқлаш, унга меҳр кўрсатиш, келажакка ишонч билан қарашга ундаш, бола ўзини эркин хавфсиз тутиши учун имкон қадар шарт-шароитлар яратиш талаб этилади, деган сўздир.

Жамоа эришган ютуқлар ҳақида ҳамма оғзидан бол томиб гапиради. Арзийди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган МУ SCHOOL яъни «Менинг мактабим» номли иншолар танловида «Меҳрибонлик уйи» фахрли 1-ўринга лойиқ кўрилди.

Шаҳар ва туман умумий ўрта таълим мактаби, мактаб-интернатлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Аждодлар мероси келажак пойдевори» номли кўриктанловда «Меҳрибонлик уйи»нинг «Мозийдан садо» гуруҳи иштирок этиб, шаҳар ва вилоят босқичларида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Байрам бўлиб кетди ўшанда.

Тарбияланувчиларни «Меҳрибонлик уйи»дан кейинги ҳаётга мослашишлари, оилавий турмушга тайёрлаш, касб-ҳунар сирларининг илк босқичлари билан таништириш, фойдали меҳнат билан шуғулланиш каби имкониятларни берувчи «Тикув-бичув», «Пазандачилик», «Авиамоделизм» тўғарақлари ҳаминша гавжум, кутубхона, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устахоналар эшиклари доим очик.



Шу ерда шуни айтиш лозимки, «Меҳрибонлик уйи» раҳбарияти ҳокимликлар билан келишган ҳолда «во-яга етган фарзандлари»ни турар жой билан таъмин-лаш қайғусини ҳам чекадилар. «Меҳрибонлик уйи» директори, фидойи аёл Д.Н. Сувонова шундай дейди:

— Барча нарса инсон учун, дейдилар. Буни айнан бизнинг «Меҳрибонлик уйи» мисолида яққол кўриб турибмиз. Ўтган 2011—2013 йиллар давомида собиқ тарбияланувчиларимиздан 6 киши Тошкент шаҳридан тегишли тартибда уй-жой билан таъминланган бўлсалар, 2014 йилнинг август ойида яна 4 нафар тарбияланувчиларимизга Термиз шаҳридан тегишли тартибда уйлар берилди.

Дарвоқе, Андижон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 4 ноябрдаги қарорига асосан, Болалар шаҳарчасининг 4 нафар «фуқароси»га ҳам белгиланган тартибда турар-жой ажратиб берилган эди. Болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмонан ва маънан соғлом бўлишига хизмат қиладиган тегишли секция ва тўғарақлар ишлаб турибди. Миллий кураш, футбол, теннис, шахмат-шашка, каратэ, турли тренажер майдонлари болаларни ўз бағрига чорлайди.

Ҳаракатлар зое кетаётгани йўқ. Мана бир мисол. 2014 йил 8—9 август кунлари Термиз шаҳар «Сурхон» спорт мажмуасида ўтказилган каратэ бўйича Республика очиқ чемпионатида «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни эгаллади!

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида «Билал Каратэ» спорт клуби чемпионатида «Меҳрибонлик уйи» вакиллари иштирок этиб, 2 та олтин, 3 та кумуш, 1 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Қойил, деб юборасан киши.

«Меҳрибонлик уйи»нинг қизлари «Ораста қизлар» Республика кўрик-танловида ҳам фаол қатнашади, фахрли ўринларни эгаллаб келадилар...

\* \* \*

Ипсонга меҳр керак, эътибор керак.

Яна йўлим Андижонга тушди. Мени Андижон «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйи директори Дурдона Алимова кутиб олди. Андижон медицина институтини битирган, врач экан. Даставвал институтда дарс берган, кейин ўн йил Андижон вилоят тиббий-меҳнат экспертизаси комиссияси раиси бўлиб ишлаган. Олти йилдан буён «Саховат» интернат уйи директори ловозимида ишлаб келмоқда. Оилалик, уч фарзанднинг онаси.

Дурдонахон ҳам бошқа қаҳрамонларимиз каби фидойи аёл экан! Ўзим бунга гувоҳ бўлдим.

— Бизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатлами вакиллари истиқомат қилишади. Ишга келганимда 110 та одам бор эди. Ҳозир 70 нафар аъзо истиқомат қилади, кўпроғи эркаклар, — дейди Д. Алимова. — Интернат уйига мамлакатимизда доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган қариндошлари ёки бошқа шахслар бўлмаган якка-ёлғиз кексалар ҳамда 18 ёшдан бошлаб I—II гуруҳ ногиронлари қабул қилинади. Бизнинг бор ҳаракатимиз одамларимизнинг кўзларига чўккан гам-гинликни кетказишга қаратилган. Уларнинг кўнглини олиш, руҳлантириш, эртанги кунга шукроналик билан қараш, ишонч, умид билан яшашга ундашдан иборат...

«Саховат уйи» майдони тўрт гектарни ташкил қилади. У ҳозир расмана хушманзара боққа айланган. Отахон ва онахонлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам йилдан-йилга яхшиланиб, уларга тиббий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ортиб бормоқда.

Йилига икки марта диспансеризация ўтказилади, натижага кўра муносиб шифохонада даволаш ишлари олиб борилади, муҳтожлар протез-ортопедик бу-

юмлар билан таъминланади. Ёзнинг иссиқ кунларида эса отахон ва онахонларни табиат қўйнига Боғишамол, Қорадарё томонларга саёҳатлар уюштирилади.

Режага кўра йил давомида маданий-маиший тадбирлар ўтказилади. Байрам саналари, туғилган кунлар, кўрик-танловлар, саёҳатлар, учрашувлар, театрга бориш, спорт ўйинларида қатнашиш — буларнинг ҳар бири алоҳида байрам! Айниқса, ходимлар ва қариялар ўртасида «Энг чиройли аёл», «Юртни обод қилган кам бўлмас», «Энг ибратли қария», «Йилнинг энг яхши ходими» кўрик-танловлари чинакам серзавқ мусобақага айланиб кетади.

— Рамазон ойи кунларида, — ҳикоя қилади Дурдонахон. — Анъанавий «Меҳр қолур, саховат қолур» хайрия акциясини ўтказдик, ифторлик қилиб, дастурхон ёздик. Савобнинг тагида қолдингизлар, дейишди иштирок этганлар. Хайрия акциямизга соч усталари, визажистлар, косметологларни таклиф этдик, улар соч турмаклаш, хино қўйиш, юз массажи ва пардозлари бўйича ўз маҳоратларини намоён этиб, ҳаммага завқ улашдилар.

Муассаса моддий-техник базасини кучайтириш, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар саховатпеша инсонларнинг бегараз ёрдамлари, ходимларнинг фидокорона меҳнатлари ва кўрсатаётган меҳрлари ўз самарасини бермоқда.

Ҳомийлар томонидан футбол, бадминтон майдонлари, фавворалар қуриб битказиб берилди, 4 та коттеж қурилиш ишлари олиб борилмоқда (ҳар бир шинам коттежда 14 тадан қария истиқомат қилади), «Дамас» автомобили, «ISUZI» автобуси совға қилинди.

Отахон ва онахонларимиз, ногиронларимиз, улар ҳақиқатдан ҳам давлат ҳимоясида эканликларини янада чуқур ҳис қилиб, тинч-осуда ҳаётимизга шукроналар келтиришмоқда.

— Ўтган йили ажойиб ҳодиса рўй берди, — ҳикоя виллади Дурдонахон. — Фарғона «Саховат» уйидан Аҳмедова Нигора билан бизнинг «Саховат»дан Жамолиддин деган йигит бир-бирининг кўнглига йўл топишиб қолибди. Тўй бошлаб юбордик! Оқибатда, ибратли оила туғилди...

Қария Шамсутдин Усмонов «Саховат уйи»га 2004 йилда келган. Боғнинг ўртасида учрашув ўтказаетган вақтимизда унинг нималарнидир қоралаб ўтирганига кўзим тушганди. У менга мактубнома ёзган экан. Мана, табаррук қариянинг дил изҳорини сиз ҳам ўқиб кўринг:

*«Мен 2004 йилдан буён тақдир тақозосига кўра, шу Андижон «Саховат» уйида қариллик гаштини суриб келмоқдаман. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, бизга ўхшаш якка-ёлғиз, ногиронларга ҳукуматимиз ўз эътиборини янада кучайтирди. 2015 йил қарияларни эъзозлаш йили муносабати билан бизгача янги иморатлар қурилмоқда. Ҳозирги шароитимиз аъло даражада, ейиш-ичиш етарли, кийим-кечакка эҳтиёжimiz йўқ. Кўпчилик номидан ҳукуматимизга ва бизнинг раҳбарларимизга минг раҳмат. Қария Ш. Усмонов. 20.08.2015».*

«Саховат»да яшаётган яна бир онахон Татьяна Степановна Потемкина дил изҳорини шундай баён қилган: *«1926 йилда туғилганман, 14 йилдан бери «Саховат» интернат уйида яшайман. Айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Кейинги 5–6 йил ичига бизнинг интернат уйимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Овқатларимиз калорияга бой, кунига 4 марта овқатланамиз. Эрталаб манни каша, сарёғ, колбаса, сир, сосиска, ишқилиб, хилма-хил таомлар тановул қиламиз. Кийим-кечакларимиз ҳам гуд билан танланади, ўзимизга ёқади. Даволашлар замонавий даражада. Врачлар ва ҳамширалар бизга, худди ўз яқинларидай меҳр билан қарашади. 2010 йилда чап кўзимни, 2012 йилда ўнг кўзимни муолажа қилишди.*

*Ҳозир яхши кўраман, ҳаётга боқиб завқлар оламан. 2014 йилда Товоқсой санаторийсига дам олиб келдим. Фамхўрлик қилганлари учун ҳукуматимиздан жуда-жуда миннатдорман.*

*Ёшим 90 га. Бундай парвариш қилиб қараб туришса, ўйлайманки, ҳали узоқ-узоқ йиллар умр кўраман... 2015 йил 20 август».*

Мен ҳали очеркимни давом эттирмақчийдим, ён дафтарим тўлган, ёзиладиган гаплар кўп... Лекин икки қариянинг самимий сўзларидан сўнг бунга эҳтиёж қолмаганини сездим.

Ҳа, инсонга меҳр керак, эътибор керак!

Озод Ўзбекистонда инсон азиз ва муътабардир!

2015



---



## Амир Темур ва унинг саркардалари

Соҳибқирон Амир Темурнинг ёнида ҳамсаф ва унга мухолиф сифатида курашган саркардаларнинг сон-саноғи йўқ.

Лекин кўзга кўринган саркардалар ҳақида машҳур тарихчилар Фиёсиддин Алининг «Ҳиндистон назовоти кундалиги», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли китобларида озми-кўпми маълумотлар келтирилган.

Бевосита саркардалар мавзусига ўтишдан олдин, умуман жангларда кураги ерга тегмаган Соҳибқирон заковатини, Турон салтанатининг ҳарбий салоҳиятини англамоқ учун Амир Темур зукколик билан барпо этган, бошқарган, дунёда енгилиш нима эканлигини билмаган ғолиб ва музаффар Турон лашкари тартиботини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олтин Ўрда хони **Тўхтамишхон (1391, 1395)** ва Усмонлилар императори **Йилдирим Боязид билан (1402)** бўлган замонанинг катта урушларида Турон салтанати лашкари қуйидаги тартибда жанглар олиб борган:

1. **Ҳировулнинг ҳировули** — (илғор қисм, авангард) — олти фавждан иборат;
2. **Катта ҳировул** — (авангард, илғор черик)
3. **Чап қанот қоровули;**
4. **Ўнг қанот қоровули;**
5. **Шиқовул ҳировули** (чап томон — аръергарднинг авангарди) — олти фавждан иборат;

6. **Чоповул ҳировули** (ўнг томон — чавандозлар қўшини) — олти фавждан иборат;
7. **Шиқовул** — (чап қанот аръергарди) — олти қўшиндан иборат;
8. **Чоповул** — (ўнг қанот аръергарди) — олти қўшиндан иборат;
9. **Жавонғор ҳировули** (чап) — олти қўшиндан иборат;
10. **Баронғор ҳировули** (ўнг) — олти қўшиндан иборат;
11. **Қариндошлар лашкари** — олти фавждан иборат;
12. **Амирзодалар** (ўғиллар) лашкари — олти фавждан иборат;
13. **Қалб** — Марказ;
14. **Йигирма саккиз аймақ қўшини** — 28 фавждан ташкил топади.

Булардан ташқари, уруш майдони вазияти, жанг кўлами ва душман аскари чўғи, салмоғи, кучини ҳисобга олган ҳолда «**Ўн икки минг отлиқ лашкар**», «**Қирқ минг отлиқдан иборат ўн тўртта зафарли сипоҳ фавжлари**» сафларига ҳам тартиб берилади ва жангларда қўлланади. Уларнинг ҳар бирида бир неча фавжлардан иборат чақмоққадам **қоровул, ҳировул, жавонғор, баронғор** қўшинлари ҳаракат қилади.

Тасаввуримизни яна ҳам кенгайтириш учун Соҳибқирон Амир Темур тарих майдонига кириб келган вақтда ва ундан кейин узоқ йиллар Турон замини майдонларида от сурган айрим саркарда, қўшин беклари ҳамда арбоблар номларини эслаб ўтиш ўринли. Эътибор беринг: Амир Баён-сулдуз, Амир Кайхусрав, Амир Ҳусайн, Ҳожи-барлос, Улжайту-опардий, Боязид-жалойир, Зиндачашм-опардий, Маҳмудшоҳ Бухорий, Туғлуғ-сулдуз, Баҳром-жалойир, Хизр Ясурий, Тағай Буға-барлос, Шер Баҳром, Сиддиқ-бар-

лос, Менгли Буға, Тамуқа-қавчин, Амир Мусо, Пўлод Буға, Туғлуғ-хўжа, Шингум-баҳодир, Туман-никуда-рий, Амир Муайяд-арлот, Жалолиддин-барлос, Сулаймон-барлос, Шайх Муҳаммад Баён-сулдуз, Амир Сарибуға, Одилшоҳ-жалойир, Тобон-баҳодир, Оқ Буға-баҳодир, Ҳусайн-баҳодир, Малик-баҳодир, Дуррака-баҳодир, Оқ Темур-баҳодир, Маҳмуд Баротхожа, Али Ясурий, Ҳиндушоҳ Қарқара, Аргуншоҳ Бурдалиғий, Шайх Али-баҳодир, Мурод-барлос, Хожа Шайхзода, Муҳаммад Мирак, Шамсиддин Аббос, Сиддик, Тобон, Султон Санжар, Худойдоди Ҳусайний... ва ҳоказо. Шуларнинг ўзи қирқ олтига. Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта.

Амир Темур салтанатида аскар фақатгина аскар эмас, саркарда фақат саркарда эмас эди. Катта майдонларда жанг қилар экан, олдиларидан катта сой, ё ўрмон, ё ўр-чақир чиқиб қолса, аскарлар дарҳол қурувчиларга айланишар, қўлларидаги қурол ўрнига, елкадаги жанг халтасидан болта, теша, арра ва ҳоказо қурилиш анжомларини (улар доим халтада бўлади) олиб ишга тушиб кетишар, сойга кўприк боғлашар (Ҳиндистонда Синд дарёсига, Амударё, Хўжанд дарёларига қисқа муддатда кўприк қурганларидай), чакalakзор ўрмонларда (Мозандаронда бўлгани каби) йўллар очишар эди. Саркарда фақат саркарда эмас, у айни бир пайтнинг ўзида Соҳибқирон ишончини қозонган, давлат арбоби, амир ул-умаро, вазир, юртни бошқара оладиган ҳоким, моҳир дипломат, сўзамол элчи, унинг обрў-эътиборига муносиб салтанатнинг, халқнинг оғирини енгил қиладиган, қайси вазифага қўйилса адо этишга қодир камолга етган инсонлардир. Улар Ватанимиз тарихида беминнат юртга, халққа катта хизмат қилганлари билан қадрли ва эъзозлидирлар.

Ҳиндистон муҳорабасига бораётиб Соҳибқирон йўлда Нағар деган қалъани яна ҳам яхшироқ қуришларини буюради. Юртга қайтаётганда кўрадики, шу



ерда шарқираб ётган «суйи асру зебо ва латиф» ажойиб булоқ қалъадан ташқарида қолиб кетибди. Бундан кўнгли тўлмаган Соҳибқирон, Ватанга шошиб турганига қарамай, дарҳол: *«Қалъани улуғроқ қилсунлар, андоққим, булоғ қалъа ичуда киргай!»* — деб амр этади. Ўзи иш бошида туриб назорат қилади. Уч кун бутун қўшин катта-ю кичик меҳнатга машғул бўлади. Шарафиддин Али Яздий ҳайратга тушиб «Зафарнома»да: Соҳибқирон *«... андоқ жаҳд қилдиким, беклар ўзлари ништ ва балчиқ ташидилар...»* — деб ёзади.

Соҳибқирон ҳаётида қирқ беш йил давомида унинг ёнида турган, унга бефараз, садоқат билан қараган фидойи амирлар ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Бу саркардалар Турон салтанати шон-шуҳрати йўлида ўз жонларини фидо қилишга ҳамиша тайёр турган кишилардир. Уларнинг нияти — юртни обод этиш, ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш ва Ҳазрат Соҳибқиронга сидқидилдан хизмат кўрсатишдан иборат.

Амир Темурнинг энг яқин саркарда сафдошлари таърифига ўтамиз.

**Амир Жоку-барлос** ана шундай садоқатли, оқибатли инсон мақомига эга. Қўрқмас ва ботир жангчи. Унинг тўлиқ исми Жокубек ибн Муборак ибн Тўғон ибн Қодон ибн Шаръа ибн Қарочор нўён (туғ.й.тахм. 1316 — ваф. 1384) — барлос уруғининг ҳурматга сазовор, йирик, нуфузли бекларидан. Амир Темурга хеш-ақрабо бўлади, Соҳибқирон сафдоши ва қайнатаси, яқин кишиси. 1355 йилда Амир Темур унинг қизи Турмиш-оқага уйланган, улардан туғилган ўғил Жаҳонгир Мирзо кейин валиаҳд ҳисобланган эди.

1360 йил охирларида, Темурбекнинг тарих майдонига кириб келган дастлабки йили, Туронлик амирлар ўртасида ўзаро жанглардан бирида йигирма тўрт ёшлик Темурбек қўшини кимнингдир ифвосига учиб, тарқаб, навкарлар душман томонга ўтиб кетади.

Ушанда Темурбек ёнида ёлғиз Жоку-барлосгина садоқат кўрсатиб қолган эди. Бу садоқат умрининг охиригача давом этди.

1362 йилда бир гуруҳ барлослар — Сулаймон-барлос, Жалолиддин-барлос, Ҳиндука-барлос, Сиддиқ-барлос, Мурод-барлос, Тағай Буға-барлос, тойживут умоғидан Мусабек (Амир Мусо)лар Жета ҳукмдориға бўйсунитишни истамай Соҳибқирон Арсафда (Сеистондаги чўл, ҳозирги Афғонистон ва Эрон чегарасида) эканида унинг ҳузурига келдилар. Уларнинг бошларини бириктириб келган ҳам садоқатли дўст Жоку-барлос эди.

1363 йилда Темурбекнинг кишиси 2000 га етди. Душман Жета чериги Кешни босиб олганди, Темурбек уч юз кишини ажратиб, Жоку-барлос ва Сулаймон-барлосларга топшириб ҳарбий сир ишлатишни тайинлади: «Ҳар бир отлиқ икки боғдан шох олиб, отнинг икки ёнига боғласин, ундан кўтарилган чанг-ғубор душман кўнглига қўрқув солади!» Чиндан ҳам, душман жанубдан, Улуғ майдон томондан кўтарилган осмонни қоплаган баҳайбат чанг-ғуборни кўриб ваҳимага тушиб қўрқиб жуфтакни ростлаб қолади...

1364 йилда Темурбек Илёсхожахон бошлиқ Жета чериги билан жанг қилиб музаффарият қозонди. Жоку-барлос ўша жангда катта шижоат кўрсатди. «Лой жанги»да иштирок этди. Шу йили Жоку-барлос катта қўшин бошида Хўжандга жалойир элини забт этмоққа отланди.

Жоку-барлос Ҳирот ҳукмдори Малик Ҳусайн Курт ҳузурига, икки мамлакат ўртасида муҳим аҳду шартни йўлга қўйиш ҳақида музокара қилиш учун элчи мақомида Ҳиротга борди.

Соҳибқирон давлат бошига келганда Жоку-барлосга черик беги унвони берилди (1370). У салтанатнинг илк амир ул-умароси бўлди. 1371 йилда катта қўшин бошида муҳолифатчи жангари Зиндачашмопардийга қарши Шибирғонга жўнади. Сўнг унга

муҳим вазифа топширилди — Қундуз, Боғлон, Кобул сингари бетартиб ва бесаранжом вилоятларга тинчлик индириш учун ҳоким этиб тайинланди.

1376 йилда Соҳибқирон шимолий сарҳадларни муҳофаза қилиш ниятида Урусхонга қарши черик йиғиб жўнашдан олдин Жоку-барлосга пойтахти фирдавсмонанд Самарқандни идора қилишни топширди.

1383 йилда Мозандарон сари отланган Амир Темур Термиз гузарида Амударёга кўприк боғлаб ўтиб, Мурғоб дарёси бўйига етди. Кобулистон ҳокими Жоку-барлос Ҳазратни зиёрат қилиб, муборак дийдорига мушарраф бўлди, музофотдаги вазиятдан батафсил сўйлаб бериб Соҳибқиронни мамнун этди ва унинг ижозати билан Кобулга қайтди. Эътиқоди мустаҳкам бу инсон доим салтанатнинг муҳим топшириқларини адо этарди.

Амир Темурнинг ишончли сафдош ва яқин сирдош дўстларидан бири **Амир Сайфиддин-некуздир** (туғ.й.тахм. 1336 — ваф. 1401). Уни Ҳожи Сайфиддин ҳам дейишади; нукуз (никудар) қавмининг нуфузли вакили. Атоқли лашкарбоши, мунажжим, билимдон, ўта маърифатли, камтар бир киши. Фидойи инсон. Ёшлик йилларидан бошлаб Темурбек билан ҳамиша ҳамқадам, ҳамроҳ. 1363 йилда Хоразм ёқдан қайтаётган Темурбек, катта душман қувиб келаётганини кўриб, Амударёга от солди, унинг хотини Улжой Туркон-оқа ҳам мардона отини дарёга бурди! Ўшанда орқада Амир Сайфиддин, дўстига садоқат кўрсатиб, ҳам Темурбекка, ҳам Улжой-ойимга кўз-қулоқ бўлиб, қўриқлаб, душманлардан ҳимоя қилиб келган эди. Улар соғ-саломат дарёдан ўтиб оладилар.

Амир Сайфиддин Тошкент ёнида Чинос мавзеида юз берган Лой жангида (1365) Темурбек қўшинининг сўл қаноти (жавонғор)да саваш қурган. 1366 йилда катта черик билан Амир Ҳусайнга қарши жангга юбо-

рилган. 1367 йилда Темурбек 243 киши билан Қарши шаҳрини забт этиш учун жангга отланди. Қаршида 12 минг — Темурбек навкаридан қарийб 50 баробар кўп қуролланган аскар йиғилганди. Қарши дарвозаси қаттиқ тамбаланган, берк эди. Соҳибқирон сув тўла тарнов орқали шаҳарга кириб дарвозани ичкаридан очишга эришади. Ва шаҳарни оладилар. Амир Сайфиддин ўша жангда шижоат билан қатнашади ва шаҳарнинг Хузор дарвозасини ишғол этади.

1370 йилнинг 9 апрелида Турон салтанати бошига келган Темурбек Амир Сайфиддинга лашкар амири (амири лашкар) ва тавочи(навкарларни йиғиб, ҳисобини олувчи) мансабини берган. 1371 йилда мамлакат ва раият вазири этиб тайинланган. Ушбу лавозимда у 1375 йилга қадар фаолият юритган. 1372 йилда сафарга чиққан Соҳибқирон уни Самарқандни бошқаришга қўяди. 1376 йилда ҳаж зиёратига жўнади ва Эрон мамлакатларидаги аҳволни ҳам яхши ўрганиб қайтди...

1379 йилда Гурганж остонасида Хоразм волийси Юсуф Сўфи (Хоразм волийси айримлар қутқусига учиб, Амир Темурни яккама-якка жангга чорлаган эди) чақириғига кўра майдонга тушмоқчи бўлганда Амир Сайфиддин Соҳибқирон отининг жиловини маҳкам тутиб йўлга туриб олди: «Бандалар тирик туриб раво эрмаским, сиз урушқали боргайсиз...» Барибир Соҳибқиронни тўхтатишнинг иложи топилмади. У душманни чорлаб, майдонни икки бор айланди ва суронлар остида ғолибона ортига қайтди. Юсуф Сўфи кўнглига қўрқув тушиб, жангга чиқмади.

1380 йилда Амир Сайфиддин Ҳиротга Малик Гиёсиддинга элчи бўлиб борди ва уни Самарқанд қурултойига таклиф этди.

1382 йилда Хуросонга отланган Соҳибқирон Амир Сайфиддинни Калот шаҳрининг энг мустаҳкам машҳур дарвозаси «Дарбанди Арғуншоҳ»ни эгаллашга

жўнатди. 1383 йилда Кеч ва Мекрон (ҳозирги Покистон) йўлини тўсиб олган амир Туман-никударийни инсофга чақиришга элчи бўлиб борди.

1386 йилда Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад-жалоийр Табризга келганди. Соҳибқирон Амир Сайфиддинни бир жамоат йигитларга бош қилиб уни қувиб тутиб келишга, сўнграқ катта черик бошида Боязид қалъасини забт этишга юборди.

Подшо уғруқи (подшо ҳарамии, тегишли мулозим-хизматкорлар, ошпазлар, кийим-кечак, егуликлар, тирикчилик ашёлари, от-арава ва ҳоказо, катта карвон)жангларида подшога ҳамроҳ бўлади. Уни бошқариш жуда ишончли кишиларга топширилади. 1387 йил кузида, товушқон йили, тарих 789 да Соҳибқирон Форс сари йўл олди. Уғруқ Рай билан Сарикқамишда қишни ўтказсин, деган фармон содир бўлди, уни Амир Сайфиддин бошқарди.

1389 йил мартда Тўхтамишхон қўшини бостириб келаётганда, Соҳибқирон Умаршайх Мирзо ва Амир Сайфиддинга: «Хўжанд (Сирдарё)га кўприк солинсун!» — дея фармон қилинди. Кўприк тез фурсатда қуриб битказилди.

1391 йилда Тўхтамишхон урушида Амир Сайфиддин Турон қўшини жавонғорини бошқарди. У мардоналик кўрсатиб, ҳаммадан бурун жангга кирди, қилич тортиб, душманни чопди. Бошқалар уввос солиб ундан кейин жангга отилдилар. Уруш ғалаба билан тугагач, Амир Сайфиддин яна уғруқни бошқарди ва шу йилнинг декабр ойида Тошкентга келтирди. Юриш ўн бир ой давом этди.

1394 йилда Соҳибқирон Гуржистондаги Базтоз вилоятини забт этиш учун Амир Сайфиддинни бир жамоат беклар билан илғор жўнатди. Базтоз забт этилди.

1395 йил Тўхтамишхон жангида — Амир Сайфиддин қанбул (лашкарнинг бир қисми)да эди. Душмanning бир фирқаси унга ҳамла қилди. У дарҳол отдан

тушиб камони дастасига қўл уриб, ванимни мардона тирборон қилди. Душман кўпайишиб борарди. Амир Сайфиддин худога таваккал қилиб, ёвга қарши шундан шиддат билан ташландики, ундан ортигини тасаввур қилиш мумкин эмас! Тоғдай сабот билан саваш қилаётганда Жаҳоншоҳ ибн Жоку иккинчи томондан кириб, душманга мардона ҳамла қилди! Душманлар қочдилар.

1395 йилда Амир Сайфиддин Муҳаммад Султон лашкарига қўшилиб Шерозга отланди, лашкар Хурмузгача (Хинд океани соҳили) бориб қайтди.

1396 йил 18 июль Аланчуқ қалъасини забт этиш Амир Сайфиддинга топширилди.

1397 йилда Амир Сайфиддин валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султонга маслаҳатчи ҳамроҳ бўлиб Мўғулистон сарҳадига жўнади, Ашпара шаҳрида бўлди, Худойдоди Хусайний, Шамсуддин Аббослар ҳам бирга эдилар.

Буларнинг зиммасига Ашпара қалъаси атрофини девор билан мустаҳкамлаш, истеҳкомга айлантириш, хандақлар ёрдамида ихота қилиш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, Тароз ва Сайрам томонларда экинзорлар ташкил қилиб, донлар учун катта омборхоналар қуриш, отларга емлар ғамлаш вазифаси юклатилган (Хитойга юриш тайёргарлиги кўрилаётганди).

Амир Сайфиддин доим Соҳибқирон ёнида жангчи, саркарда, мунажжим, элчи, маслаҳатчи, яқин сирдош дўст бўлиб хизмат қилган фидойи зотдир.

1401 йилда Соҳибқирон Қорабоғда қишлаш учун Нахичевандан чиқиб, Қоравултепа мавзесига етган эди, шу пайт музаффар қўшинга қўшилиш ниятида валиаҳд Муҳаммад Султон лашкарида келаётган Амир Сайфиддиннинг Нишопур шаҳрида тангри раҳмати-га борганини эшитди... Амир Темур қадрдон дўстидан айрилганини билиб, жудолик аламида кўзларидан аччиқ-аччиқ ёшлар тўкиб йиғлаган эди...

Соҳибқирон ҳурматига сазовор бўлган паҳлавон йигитлардан бири садоқат ва ихлос соҳиби **Аббос-баҳодир** (туғ.й.тахм. 1340 — ваф. 1387) кўзга кўринган лашкарбошилар сафидан жой олганди. Уни ўзаро муомалаларда Аббосбек, Аббос баҳодир-қипчоқ деб ҳам аташарди.

Ўлимни писанд қилмайдиган, чаққон, жанговар йигит бўлганини айтадилар. Темурбек уни вазият ҳавосини олиш ниятида турли шаҳар ва вилоятларга жўнатарди. Унинг олиб келган қимматли маълумотлари Темурбекни мулоҳазаларга ундар, озодлик йўлидаги курашда мустаҳкам бўлиш, адашмаслик, ёғий ҳавосини олиш ва тўғри йўлни танлашда катта ёрдам берарди. Унинг Турон юртида кезмаган жойи йўқ эди. 1365 йил «Лой жанги»да жон олиб, жон бериб саваш қурган.

1364 йилда Темурбек Арсаф (Сеистон) мавзеида турганда, Аббос-баҳодирни мамлакатдаги вазиятни чамалаш, мўғуллар аҳволотидан маълумот келтириш учун Тошкентга юборди. Аббос-баҳодир вазифани адо этиб, Тошкентдан Шаҳрисабзга етиб келди, йўл шу ердан ўтарди, уни қариндош-уруғлар кутиб олишди. «Уйингизга келиб қолдингиз, баҳодир, ана, бир қадам, дарҳол кириб, оилангиздан хабар олиб чиқа қолинг!» — деганларида, у: «Ҳазрат Соҳибқирон оиласидан узоқда турган бир пайтда, унинг хизматкори ўз оиласига кириб хабар олиб юриши шаънимизга ярашмайди! Уйга кириб ўлтирмайман, кейин келаман. Соҳибқирон бизнинг маълумотимизга интиқ бўлиб турибдилар, вақтни ўтказмай тезроқ етказайлик, қани йўлимиздан қолмайлик!» — деб кескин жавоб қилди Аббос-баҳодир. Ҳамма унинг садоқатига тан берди.

1370 йил баҳорида Амир Ҳусайн билан бўлган сўнгги ҳал қилувчи савашда Амир Темур лашкарларидан бирига бош бўлиб, мардона жанг қилган. Ғалабадан сўнг «Амири лашкар» (черик беги) ҳарбий унвони билан тақдирланган.

У умрининг охиригача Турон қўшинлари сафида ҳарбий юришларда иштирок этди. Катта тажрибага эга имонли киши бўлгани учун ҳам кўпинча қўшиннинг ўғруқида қолдирилган, билъакс, 1386 йилда юртни ҳимоя қилиш учун сараланган қўшин сафида Самарқандда турганининг ўзи ҳам бунга мисолдир.

1387 йил охирида Туркистонга бостириб кирган Тўхтамишхонга қарши курашда, Ўтторр шаҳри яқинидаги Чукалак мавзеида бўлган жангда кутилмаган душман ўқидан ҳалок бўлган.

**Шайх Нуриддин-баҳодир** — жалойир қавмининг нуфузли вакили Сари Буға-жалойир оиласида таваллуд топган. Амир Темур назарига тушган ёш моҳир саркардалардан бири. У Амир Темур набираси Иброҳим Султон Мирзо ибн Шохрух Мирзонинг устози ва аткаси (отабеги). 1393 йилнинг 27 мартада Шероз яқинида Амир Темур ва Музаффарийлар сулоласи сўнгги ҳукмдори жангари Шох Мансур аскарлари ўртасида кечган жангда ўз лашкари билан қатнашган. Ушбу муҳораба Шох Мансурнинг ҳалокати билан яқунланган, айти пайтда Музаффарийлар сулоласи ҳам тугатилган.

1394 йилнинг қишида Кўҳистонни забт этган. 1395 йилнинг 28 февралда Соҳибқирон Амир Темур бундан тўрт йил аввал Қундузча дарёси бўйидаги жангда енгилган бўлишига қарамай ҳали тавбасига таянмаган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши Дарбанд сари юришга отланди. Терек дарёси бўйида кечган даҳшатли жангда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти кутилмаганда жиддий ҳавф остида қолган. Шу палла ҳайқирганча етиб келган Шайх Нуриддин дарҳол душмандан ўлжа олинган араваларни бир-бирига боғлаб қўрғон қилди ва уларни Соҳибқиронни ҳимоялаш истеҳкомига айлантирди. Бошқа амирларни чорлаб, элик нафар навқари билан найза-ёйларни қўлга олиб, беомон душманни ўққа тутди! Шайх Нуриддин ва



бошқа етиб келган амирларнинг садоқати, жасорати ва матонати туфайли Амир Темур ёв тажовузидан омон қолди. У Сарой-Беркани забт этиш жангларида иштирок этди.

Шайх Нуриддин 1396 йилда Форс вилоятидан ундирилиши лозим бўлган солиқ ишларини изга солиш учун Шерозга юборилди. 1398 йилда Ҳиндистон юришида от сурди. Шу йилнинг 29 сентябрида ўз қўл остидаги лашкари билан Жамула дарёсидаги орол ҳокими Муборакшоҳнинг ўн минг кишилиқ қўшинини тор-мор қилди. 1399 йилнинг 10 январида Ганга дарёси бўйида Амир Темур подшо ўғруқини бошқаришни Шайх Нуриддинга топширди.

Мағриб сари қилинган етти йиллик юришда ҳам Шайх Нуриддин мардлик намуналарини кўрсатган. Шомда Соҳибқирон 1400 йилнинг декабрида Шайх Нуриддин, Севинчакбек ва Шоҳмаликларни ўттиз минг жангчига бош қилиб Дамашқ томон жўнатган. Бағдод фатҳида (1401 йилнинг август ойи) Мироншоҳ Мирзо раҳбарлигидаги қўшинда саркардалардан бири сифатида қатнашган, жасорат кўрсатиб шотунарвонлар ёрдамида биринчи бўлиб шаҳарнинг баланд деворига чиққан ва олқишларга сазовор бўлган.

Шайх Нуриддин Гуржистонда, Румда — Кемоҳ қамалида, Анкурия жангида, Бурсани олишда, мустаҳкам Измир шаҳрини забт этишда фаол қатнашди. Қаерда бўлмасин, у жонбозлик кўрсатиб ҳаракат қилди, Соҳибқирон ишончини оқлашга сидқидилдан тиришиб ҳақли равишда катта обрў-эътибор қозонди.

**Амир Шоҳмалик** (тахм. 1350 — ваф. 1426 й., 21 январь) Соҳибқирон Амир Темур унинг келажакда фавқулодда арбоб, саркарда бўлишини зукколарча ички шуур билан сезиб, меҳр билан тарбиялаган, ўстириб вояга етказган таниқли саркарда ва арбоб. 1391 йилнинг 16 июлида Қундузча дарёси бўйида

Тухтамишхон аскарлари билан кечган жангда кўрсатган бемисл жасорати учун уни тархонлик унвони билан тақдирлаш, айти пайтда унга парвоначи мансабини бериш ҳақида фармон эълон қилди. Озгина илоҳ: тархонлик юксак унвон ҳисобланади (тархон мўғулча: озо, маъносида) бу унвонни олган бахти чошган инсон саройда Амир Соҳибқирон ҳузурига хоҳлаган пайтда кира олиш ҳуқуқига эгадур. Тўққизта гуноҳ қилмагунча, унинг ўзи ва фарзандлари сўроққа тутулмайдур. Тегишли ўлжаси тақсим этилмайду, барча солиқлардан озоду...

Амир Темур уни 1393 йилда валиаҳд Муҳаммад Султон сардорлигида Эроннинг олис Ҳурмуз вилоятини забт қилишга юборган.

1398 йил ёз ойларида Темурбек ҳукмига асосан Ҳиндистонда Эрёб қалъасида масжидлар бунёд этишга тайинланган.

1398 йилнинг қиши бошланишида Ҳиндистондаги Понипат шаҳри яқинида Султон Маҳмудхон билан юз берган жангда қўшиннинг жавонғорини бошқарган, Мират (Мирт) қалъасини қўлга киритган. Олий фармонга кўра, 1401 йилнинг июнь-июль ойида Шоҳрух Мирзо билан бирга ўғруққа бош бўлиб, Табриз томон йўл олган. Амир Темурнинг Мағрибга қилган етти йиллик юришида энг йирик саркардалардан бири сифатида ўта фаоллик кўрсатган.

Румдаги Тартум қалъасини олти кунда фатҳ этган саркардалар сафида ўзининг ҳарбий маҳорати билан ярқ этиб кўзга ташланган. Анкурия жангида қўшин маркази (қўл)нинг илғори (манғлай)дан жой оғаллаган. 1403 йилнинг бошида жануби-ғарбий Онадўлидаги Эгрідир ва Насибин қалъаларини забт этишда матонат намуналарини аён этган. 1403 йилнинг 24 июлида Соҳибқироннинг олий фармонига биноан, Гуржистондаги Картин қалъаси рўпарасида уч минг кишилик қалъани уч кунда бунёд эттирган... Амир Шоҳмалик Соҳибқирон Амир Темурни

ниҳоятда ҳурмат қилар, ўзининг валинеъмати деб билар, бундан бениҳоя фахрланарди.

**Жаҳоншоҳ ибн Жоку** — Соҳибқирон Амир Темурнинг номдор саркардаларидан бири. Жоку-барлоснинг ўғли. 1381 йилда Ҳиротни олган Амир Темур Жаҳоншоҳ ибн Жокуни қўшиннинг илғор қисми (ҳировул, манғлай)га сардор қилиб Сабзаворга юборишни лозим топди.

1383 йилда эса олий раъй уни ўн минг кишига бош қилиб бузғунчи дуғлат амири Қамариддинни тутишга жўнатди. Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокуга шундай ҳукм қилди: «Қамариддин бошига бориб жаҳд қилиб, қўлга туширгайсан!»

1384 йилда Соҳибқирон нотинч шаҳар Қандаҳорга юриш қилди. Бундан олдин Жаҳоншоҳ ибн Жокуга қалъани забт этишни тайинлади. Саркарда бунга аъло даражада адо этди ва қалъа доруғасини асир олиб, Соҳибқиронга юборди... Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокуни кўп мақтади, лутфлар қилди, уни черикка бош қилиб Зобулистон вилоятига қарашли осойишталиги йўқ Калот шаҳрига юборди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку бориб ул шаҳарни мусаххар қилди ва музаффару мансур Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур қошига қайтди...

1384 йилда отаси Жоку-барлос вафот этгандан сўнг Амир Темур ҳукмига кўра, Кобулистон вилояти отасининг мулки эканлиги эътиборга олиниб, меросхўр сифатида унга хос мулк қилиб муҳраб берилди. Соҳибқирон набираси Пир Муҳаммад Мирзонинг энг кўзга кўринган беклари сафида бўй кўрсатган. Қундуз, Бағлон ва Кобул ҳокими лавозимида фаолият олиб борган. Соҳибқироннинг деярли барча ҳарбий юришларида қатнашган, қўлга киритилган ғалабаларга катта ҳисса қўшган.

1395 йилги Тўхтамишхон урушида у Турон қўшинлари амир ул-умароси эди...

**Амир Сулаймоншоҳ** — Амир Довуд-дуғлат билан Соҳибқирон опаси Қутлуғ Туркон-оқанинг ўғли. Атоқли саркарда, улуғ бек. 1389 йилнинг бошида Амир Темурнинг Ўлжой Туркон-оқадан туғилган қизи Султон Бахт-бегимга уйланган.

Эронга қилинган уч йиллик юриш вақтида (1386 — 1388) Аббос-баҳодир билан Турон салтанати бошқарувига масъул этилган, юртдан кўз-қулоқ бўлиб туриш топширилган, Самарқандда қолган. 1389 йилда Туркистон вилояти забтига юборилган. 1390 йилда Жетага жўнатилган йигирма минг кишилик қўшинга сардорлик қилган. 1391 йили Қундузчада Олтин Ўрда лашкари билан Турон қўшини ўртасида юз берган муҳорабада илғор қисм(ҳировул) қўмондони этиб тайинланган.

1397 йилнинг май ойида Хуросон вилояти Шоҳрух Мирзога топширилганда Амир Сулаймоншоҳнинг мирзо мулозаматида бўлиши белгиланган. Ҳиндистон (1398 — 1399), Эрон (1399), Шом (1400), Миср (1401), Гуржистон ва Бағдод (1401) ҳамда Рум вилояти (1402 — 1403)га қилинган ҳарбий юришларнинг фаол қатнашчиси. Анкурия жангида қўшиннинг ўнг қанотини бошқарган, Оқшаҳар ва Қораҳисорни забт этишда қатнашган, Қайсария ва Сивос ерларидан қора татарларни бошқа жойга кўчириш ишига масъул этиб тайинланган.

1404 йилда Эроннинг Рай, Қум ва Кошон вилоятларини ҳамда Нур қалъасини Соҳибқирон набираси Рустам Мирзо билан бирга ишғол этган. Шу йилнинг апрелида Омул ҳокими Искандар Шайхий исёнини бостиришга юборилган. Ихлос ва фидойилик кўрсатгани учун Амир Темур олий фармонига биноан Рай, Рустамдор ва Ферузқўҳ ерлари унга бағишланган...

Амир Темурнинг фарзандлари Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо, набиралари валиаҳд Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Мирзо, Абу Бакр Мирзо, Халил Султон, Рустам Мирзо, Умар


Мирзо, Иброҳим Султон, Искандар Мирзолар ҳам ажойиб саркардалар эдилар, ҳарбий салоҳият уларнинг қонида гупириб турарди.

Юқорида номлари зикр этилган ва этилмаган саркардаларнинг омади, бахти шунда эдики, уларга дунёда тенги йўқ, Абулмузаффар Абулмансур Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон каби жаҳон тарихида кураги ерга тегмаган, енгилмас буюк лашкарбоши билан ҳамнафас яшаб, Буюк жаҳонгирга шогирд бўлишдек шарафли мартаба насиб этган эди.

*2019 йил 10 март.*



---



## Жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаси

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер — Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Истеъдодининг улуғворлиги-ю теранлиги жиҳатидан ҳам, қудратли давлат арбоби сифатида жамиятда тутган юксак мавқеи юзасидан ҳам, жуда кўп шоирлар, олимлар, тарихчилар, ҳунармандларга саховатли бегараз ҳомийлик кўрсатгани жиҳатидан ҳам асло ўхшаши йўқ. Унинг ҳомийлигида кўплаб тарихий асарлар яратилди, чунончи, Мирхонд ва Хондамирлар қаламига мансуб йирик асарларни айтиб ўтамиз. Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий асарларига нодир суратлар ишлаган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод унинг шогирди эди.

Навоийнинг бунёдкорлик фаолиятини айтмайсизми! Тарихчи Хондамир маълумотларига қараганда, Ҳирот шаҳрида ва мамлакатнинг бошқа мавзеларида шоир ўз маблағлари ҳисобидан юздан ортиқ бинолар барпо қилдирди, улар орасида мадрасалар, масжидлар, ҳаммомлар, хонақоҳлар, шифохоналар, бозорлар, тахтиравон йўллар бор.

У бетакрор шоир, доно ҳукмдор Темурий Султон Ҳусайн Бойқаронинг дўсти эди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Алишер Навоий (албатта, қудратли дўсти таважжуҳи, қўллаб-қувватлаши билан) етарли мол-мулк, давлатга эга бўлиб, кўп мадраса, масжидлар, бутун қишлоқларни ўз ичига олган вақф ерлари унинг ихтиёрида эди. Тарихчи Хондамир ўзининг Алишер

Навоий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Мақорим ул-ахлоқ» (Ахлоқнинг гўзаллиги) асарида келтирилишича, шоирнинг ҳар кунги даромади 75 000 динар (олтин ақча)ни, бир кунлик харажат эса 15 000 динарни ташкил этган. Шоир ўз эҳтиёжи учун ўзига бир кишига етарлик бир кунлик маблағ ажратар эди холос. Қолган маблағлар хайр-эҳсон ишларига сарфланарди.

Табиий узвий равишда халқ билан томир-томир боғланиб кетган буюк шоир ва мутафаккир фақат она халқининг орзулари ва ташвишлари билан яшади. Унинг машҳур бўлиб кетган байтини эслайлик:

*Огами эрсанг, демагил огами,  
Аниким, йўқ халқ ғамидин ғами.*

У бутун кучини, борлигини она халқи ғамларини аритишга йўналтирди. Натижада халқнинг, жамиятнинг ҳаёти шоирнинг шахсий ҳаётига айланиб кетди.

Шоир умр мазмунини, ҳаёт завқини, дунё неъматини ю она юртга фарзандлик бахтини шавқ билан ёзилган бебаҳо асарларида, саҳифаларидан нур таралиб турган китобларда тараннум этди. Улуғ дostonларда бўй кўрсатган олижаноб қаҳрамонларнинг нурафшон олами уни ўз қўйнига чорлади, шоир ўша қаҳрамонлари билан ёнма-ён, эркин ва ҳур қадамлар ташлади; Ватанга, она халқига қандай беғараз хизмат қилишининг юксак намунасини кўрсатди, қалби, шижоати, кўнгил орзулари барча-барчасини сўнгги нафасгача бу йўлда нисор айлади.

Умр мазмунини, ўзининг бахтини жонажон ўзбек адабиётининг равнақ топишида, она тилининг барқ уриб яшнашида кўрди.

Қаламининг кучини бир юз эллик йиллик мустамлакачиликдан сўнг улуғ Соҳибқирон Амир Темур тиклаган, жон бахш этган халқ руҳини улуғлашга қаратди. Бу асосий миллий ғоя эди.

Биз бир мақоламизда Амир Темур бу миллий ғояни ёнидан томондан асослаб ҳаётга тадбиқ қилгани, Ватан олдида ўз бурчини адо этгани, маънавий соҳада эса уни мустаҳкамлаш, амалга ошириш Алишер Навоий зиммасига тушгани ҳақида ёзган эдик. Оллоҳга шукрки, шоир буни англаб етди ва уни ҳаётининг асл мақсадига айлантирди, бутун умрини ижодга, яратилганга, том маънода халққа ва Ватанга хизмат қилишга бағишлади. Мўъжиза юз берди! Шоир маънавий жасорат кўрсатди! Бу фидокорликдан анча баланд турадиган шижоатдир. Шоир Ватан ва халқ олдидаги ўз бурчини адо этди: жонажон адабиётини жаҳоний даражага олиб чиқди ва ҳақли равишда Гомер, Низомий, Фирдавсий, Данте, Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин, Бальзак, Толстой сингари жаҳон адабиёти улуғлари қаторидан ўрин олди.

Алишер Навоий шеърини инсонга, ҳаётнинг ёрқин томонларига, гуллаб-яшнаётган оламга, башариётга ўткир муҳаббат туйғуси билан суғорилган. Шоир инсон қалбидаги нозик тебранишларни, ишқий изтиробларни теран илғай олади. Унинг лирик қаҳрамони — қувончи-ю ғамлари, ютуқлари-ю хатолари, парвозлари-ю инқирозлари ҳаммайдон бўлган Инсондир, шу сабабдан унинг шеърини бугунги кунда кўнгилларга руҳ бағишлайди, бу шеърини келажакда ҳам эзгуликни куйлагани, фикр уфқининг теран экани, ўзининг улуғворлиги билан кўнгилларнинг севгани бўлажак.

1485 йилда Навоий «**Ҳайрат ул-аброр**», «**Фарҳод ва Ширин**», «**Лайли ва Мажнун**», «**Сабаъи сайёр**», «**Садди Искандарий**» каби дostonлардан иборат «**Хамса**» мажмуасини ниҳоясига етказди ва Султон жаноби олийларига тақдим этди. Аввал адабиётда илк бор «Хамса» улуғ Низомий Ганжавий томонидан форс тилида яратилган, унга шоирнинг ўттиз йил умри кетган эди. Амир Хусрав Деҳлавий ўз «Хамса»си устида етти йил тер тўқди. Навоий «Маънавий» асари-



да, Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзиш учун ўттиз йил умрини бағишлагани («Ки, си сол бурдам ба Шахнома ранж»)ни айтиб: «Битигаймен ўттиз йилин ўттиз ой!» — деб юборган эди. Бунинг бежиз айтилмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди: она тилимиз, эски ўзбек тилида «Хамса» биринчи марта дунёга келди! Навоий «Хамса» яратилишига чиндан ҳам **ўттиз ойгина** вақт сарфлади! Ақл бовар қилмас ижод ва меҳнат суръати!

Шоир инсон руҳининг юксак пардаларда тараннум этадиган лирик шеърятни баланд чўққиларга кўтаргани — жаҳон адабиётида нодир ҳодисалардан бири бўлган тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний» куллиётини, оламни кенг кўришга, ҳис этишга имкон яратадиган эпик жанрни камолга етказгани — беш дostonдан иборат «Хамса» мажмуасини яратгани билан жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшди. Шоир ижоди ўзбек шоирлари учун бир сарчашма сифатида хизмат қилса, туркий ва бошқа халқлар шоирлари учун олий мактаб вазифасини ўтади ва ўтаб келмоқда.

Алишер Навоий ижодини теран ўрганган йирик рус шарқшунос олими Е.Э. Бертельс (унинг «Лисон-ут-тайр» достони ҳақида ёзган «Навоий ва Аттор» тадқиқоти машҳур) ўзининг «Алишер Навоий» (1948) номли китобида шундай ёзади: «Бизни, Алишер Навоийни идеаллаштирмакдасизлар, деб тез-тез айблаб туришади. Аммо Алишер Навоий шундай зотки, уни идеаллаштирмай илож йўқ!» Бу фикрга қўшилишга тўғри келади.

Шоир ижоди ҳақида Ойбек, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймон, Порсо Шамсиев, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қайюмов, Суюма Ғаниева, Ёқубжон Исҳоқов, Шухрат Сирожиддинов, Иброҳим Ҳаққул каби ўзбек олимлари илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу ерда шоир ижодига меҳр билан ёндошиб, мақолалар ёзган

И.И. Ильминский, В.В. Вельяминов-Зернов, В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, С.Н. Иванов, Н.И. Конрад, М. Белли, Паве де Куртейль, Э. Браун сингари жаҳон олимлари номларини ҳурмат билан эсга оламиз, чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Алишер Навоий (1441–1501) Ҳирот шаҳрида, бир пайтлар Сабзавор шаҳри ҳокими бўлган Фиёсиддин Кичкина-баҳодир оиласида туғилди. Самарқандда кечган таҳсил (1465–1469) йилларидан буруноқ, Навоий катта ёрқин истеъдодли шоир сифатида кенг давраларда ном таратиб улгурган эди. Болалиги давридаёқ у ўн минг сатр шеърни ёд биларди.

1469 йилда кўп ўзаро қирғинбарот урушлардан кейин йигирма бир ёшли серғайрат Темурий Султон Ҳусайн Бойқаро давлат бошига келди. У ўттиз етти йил мамлакатда ҳукмронлик қилди. Мазкур йиллар ўзбек адабиётининг гуллаб-яшнаган олтин даври сифатида тарихга кирди. Бунга шоир, ёрқин ғазаллар муаллифи Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи катта саъй-ҳаракат кўрсатди.

Шоир ва Султон бир-бири билан сирдош, қалин дўст эдилар, бу муносабат бутун умр бўйи давом этди. Уларни бир бодом ичидаги ялакат мағизга ўхшатмоқ жоиз. Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхонд сингари муаррихлар сўзларига қараганда, Алишер Навоийнинг бобокалони билан Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо (1356–1394) кўкалдош (эмикдош) бўлганлар. Умаршайх Мирзо Султон Ҳусайн Мирзонинг бобокалонидир.

Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқарони бирлаштирган нарса буюк шеърят эди, шеърят уларни бир-бирига ошно қилишда, буюк дўстликнинг камол топишида катта роль ўйнади.

Улар болалиқдан бирга ўсиб вояга етдилар. Авваллари уларнинг дўстлиги, ўзаро муносабатлари тарихий фактларни инкор қилган ҳолда, афсуски, бирёқлама талқин этилганини айтиб ўтиш керак. Бу ерда

шоирнинг тадқиқотчиларини, у ҳақда бадиий асарлар ёзган адибларимизни айблашдан мутлоқ йироқман. Бундай ҳолнинг объектив сабаблари бизларга маълум.

Ҳикоя қилишларича, Алишер билан Султон Ҳусайн мактабда ўқиган вақтларида муаллим бир куни уларга бирида бош, иккинчисида қилич тасвирланган иккита сурат кўрсатибди ва дебди: «Ўзингизга ёққанини танлаб, унга ғазал ёзингиз». Султон Ҳусайн дарҳол қиличга ғазал бағишлабди, Алишер иккинчи суратни танлабди.

— Сиз Темурийсиз, — мурожаат қилибди муаллим Султон Ҳусайнга. — Тўғри топибдурлар, қилични маҳкамроқ тутсунлар, зеро султон бўлурлар, катта давлатни бошқарурлар!

Навоийга эса бундай дебди:

— Сатрларингизда илоҳий учқунлар кўрдим, вақтлар келиб улар, иншооллоҳ, алангага айланажаклар ва бутун дунёни олажаклар!..

Султон Ҳусайн садоқатли зукко дўст эди, у доим шоир ижодини кузатар, турмуш тарзини сўраб-суриштириб турарди. Дўстига уч марта юксак давлат мансабларини эгаллаш имконини яратди. У Алишер Навоийнинг фавқулодда ижод соҳиби эканини, унинг шоирона уфқи, кўлами бепоён, парвози эса сарбандлигини биларди. Шоир билан султон, ораларидаги дўстликни кўз қорачиғидек асрардилар, бундан чексиз гурур туярдилар. Бунга Алишер Навоий асарларида ҳам, Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Девон»и ва «Рисола» асарида ҳам келтирилган дил изҳорларини ўқиб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Фавқулодда қувончли ҳодиса: она тилимизда «Хамса» яратиб бергани учун, самимий миннатдорлик маъносида мамлакат султони шоирни ўзининг ясатилган оқ отига минишга таклиф этади ва ўзи етаклаб майдон айланади!.. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади!

Бу улуғ шеърятнинг ҳақиқий тантанаси эди!

Султон Ҳусайн Бойқаро таклифи ва таважжуҳи билан Навоий ўзининг «Ҳазойин ул-маоний» номли тўрт жиддик куллиётини тузишга киришади. Икки дўст куллиётни шундай номлашга қарор қиладилар. Мамлакат султони жаҳон шеърятни мўъжизаси бўлган куллиётнинг ўзига хос масъул муҳарририга айланади. Навоий асарларига муҳаррир бўлиш... унчалар ақлга сиғавермайдиган ҳодиса! Султон Ҳусайн Бойқаро бунинг уддасидан чиқа олди! Навоий куллиётни тузишда ўзининг ғазалларини: *«...ул Ҳазратнинг кимёасар назарига еткурур эрдим»*, — дейди ва Султон Ҳусайннинг ғазалларда сўз ва ифодада «қусур» ёки «бетакаллуфлуқ кўрса» уларга «тағйир (яъни ўзгартириш маъносида) бериш»ини айтади ва шундай ёзади: *«...эллиқ, олтмиш ё юз ғазалға яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султони Соҳибқироннинг фирдавсосо суҳбатигаву сипеҳрфарсо ҳазратига ҳозир қилиб арзға еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларға шафқат юзидин боқиб... ...ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди...»*<sup>1</sup>

Султон Ҳусайн шоирга девонларни қандай шаклда тузиш, бўлимларни девон тузиш қоидаларига асосан номлаш, саҳифалар чиройи (дарвоқе, барини «Ҳазойин ул-маоний» дебочасида шоирнинг ўзи эслаб ўтади) ҳақида кенгашлар беради, Камолиддин Беҳзодга «Хамса»ни безатиш, суратлар чизиш вазифасини топширади...

Шоир ва ҳукмдор шеърят ҳақида тез-тез суҳбат қуришар, бир-бирига янги ғазаллар ўқишар, бир-бирининг ютуғидан баравар қувонишар, мамлакатнинг, она адабиётнинг келажаги ҳақида куйинишар, давлат ишлари хусусида кенгашлар олиб боришарди. Шоир учун саройда бошқа барча унвонлардан

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Биринчи жид. «Ғаройиб ус-сиғар». 16 – 17 бетлар.

баланд турадиган «муқарраби султон» (султоннинг яқин кишиси) номли олижаноб унвон таъсис этилганди.

Алишер Навоий султоннинг доно маслаҳатгўйи эди. Халқнинг ҳурмат-эҳтироми, меҳру муҳаббатига сазовор бўлган шоир давлат ишларида фаол қатнашар, ҳар хил низолар, ўзаро урушларнинг олдини олишда, исёнкор шаҳзодаларни (султоннинг ўн тўрт ўғли бўлган) инсофга чақиришда, хусусан, катта ўғил Бадиуззамон Мирзо билан султонни яраштиришда бош-қош эди.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси катта. Бу, ўзига хос ҳаёт қомуси, уни ҳикматлар уммони, доно фикрлар чамани дейиш мумкин. Шоирнинг афоризмлари жуда ҳаётий: уларнинг кўпи халқ мақолларига айланиб кетган. Эшитиб, бу мақол халқникими, шоирникими, — ажрата олмай ҳам қолади киши.

Умуман, Алишер Навоий классик шеъриятнинг 16 жанрида қалам тебратди, 6 та йирик фалсафий-дидактик, ишқий-романтик дostonлар яратди. Она тилида тўрт девон, форс тилида бир девон («Девони Фоний») тузди.

Шоир насрда ҳам унумли ижод қилди. «Маҳбуб ул-қулуб» (Кўнгилларнинг севгани), «Насойим ул-муҳаббат» (Муҳаббат шаббодалари), «Тарихи ҳукамо ва анбиё» (Шоҳлар ва пайғамбарлар тарихи), «Тарихи мулуки Ажам» (Ажам мамлакатлари тарихи), «Мезон ул-авзон» (Вазнлар ўлчови), «Муҳокамат ул-луғатайн» (Икки тил муҳокамаси), «Вақфия» (Вақф китоби) каби асарлар ўқувчиларга яхши таниш.

Шоирнинг асарлари асрлар давомида моҳир хатотлар томонидан кўчирилиб дунёга тарқатилиб келинган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда литография босмаҳоналари пайдо бўлгач, нашрлар саноғи табиийки кўпайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида шоирнинг ўзбек тилида 15 томлик, рус тилида

10 томлик асарлари босилиб чиқди. 1996 – 1998 йилларда 20 томлик тўла асарлар тўплами амалга оширилди. 2011 йилда ўқувчилар чиройли безакларда нашр қилинган 10 томлик тўла асарлар тўпламини ўқишга муяссар бўдилар.

Алишер Навоийнинг асарлари бутунги кунда жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди билан биргаликда шоирнинг «Хазойин ул-маоний» (сайланма ғазаллар) китобини жаҳоннинг ўн тўрт тилида нашр қилиш лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Рус тилидаги китоб нашрдан чиқиш арафасида, немис тилидаги китоб нашрга тайёрланмоқда. Шуни айтиш лозимки, немис адаби ва таржимони Алфред Курелла ўз вақтида Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан бир парча билан баъзи ғазал ва рубоийларини немис тилига таржима қилган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Алишер Навоий ижоди янгидан ўрганила бошланди. Шоир ижодини кенг ва ҳар тарафлама ўрганишга, тадқиқ қилишга имкониятлар яратилди. Мустамлакачилик даврида шоир асарлари мафкуравий томондан ёндашилиб, тўлиқ нашр этилмас, дostonлардан бутун-бутун боблар ноҳақдан қисқартирилиб юборилар эди. Мисол учун, «Ҳайрат ул-аброр» дostonининг бошида келган шеърининг аъло намунаси бўлган, «Қуръон»нинг биринчи сураси дастлабки каломлари «Бисмиллоҳи раҳмони раҳим»нинг шоирона шарҳи, Ҳақ худо ҳамди, Ҳақ худога тўрт муножот, набиюллоҳга бағишланган бешта наът, жами ўн бир боб қолдирилиб нашр қилиниб келинган. Бошқа дostonларда ҳам ўхшаш манзарани кўрамиз.

Ўзбекистонда барча каттадан-кичик улуғ шоир ва мутафаккир сиймо билан ватандош бўлганидан юрак-юракдан фахрланади. Унинг номида шаҳар, Катта давлат театри, мактаблар, кутубхоналар, кўчалар, метро

бекати бор. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига Алишер Навоий номи берилган.

Бугун жаҳоннинг кўп шаҳарларида (Тошкентда — 1991, Москвада — 2002, Токиода — 2004, Бокуда — 2008) шоирнинг кўркем ҳайкаллари қад ростлаб турибди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистонда янги туғилаётган ҳар ўн чақалоқнинг биттаси Алишер номи билан аталади.

Бу одат асрлардан асрларга ўтаверади. Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

2016





## Маҳтумқули — сўзлар тили туркманнинг

Одатда, халқ ўзининг оташин шоири, ўтли фарзанди ҳақида асрлар давомида мақтаниб гапириб юришни яхши кўради. Бу гаплар авлоддан — авлодга ўтади. Ҳаққоният бора-бора афсонавий тавсифлар остида қолиб кетади, шоирнинг тимсоли, ҳатто илоҳийлаштирилиш даражасигача етади. Буларнинг ҳаммаси фақат эзгу ниятлар баридан тутиб қилинган ҳаракатлардир, яъни халқ ўзининг улуғ фарзандига шукрона келтирмоқда, шукроналик белгиси, холос. Ҳар бир халқ адабиётида ҳам шундоқ шоирлар бор. Насимий, Машраб, Бёрнс, Абай, Шандор Петефи, Тўқтоғул....

Туркман халқининг ардоқли ўғли, донишманд шоир ана шундай афсоналарга кўмилган даҳолардан бири. Унинг ҳаёти ҳам бамисоли аччиқ ва ғурбатли эртақдек кечди. У шоир Давлатмамад-Озодий оила-сида туғилди.

Туғилган йили тахминан 1733 йил деб қабул қилинган. Умуман, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида, маълумотлар жуда кам сақланган. Маълумотларнинг бори ҳам, юқорида айтганимиздек, афсоналарга ўралган. Шу ваздан ҳам бу борада шоирнинг шеърлари жуда катта вазифани бажаради. Шоирнинг ҳаёти — унинг шеърларида! Шоир умри — унинг асарларига сочилган!

Маҳтумқулининг болалиги ҳозирги Туркманистоннинг Қорақалъа тумани ҳудудидаги тоғли манзаравор қишлоқлардан бирида ўтади. У пода боқади, тоғларга чиқади, турли майса — гиёҳлар, ёввойи мева-



лар унинг тийрак зеҳнини ўзига тортади. Бўлажак шоир ўзининг илк шеърларини худди шу ерларда, она табиат қўйнида тўқиган, дейдилар. Албатта, бу шеърлар тақлид мевалари эди, уларда отаси Озодийнинг таъсири яққол сезиларди ва бу нарса табиий эди ҳам.

Маҳтумқулининг отаси — Давлатмамад-Озодий зукко таъбли шоир бўлиб, ўғлининг билимли қилиб ўстириш чораларини қидиради. У илмнинг қадрини биларди, лекин илм олмоқ жуда мушкул эди. Ўғли овулдаги мактабда саводини чиқаради, лекин ҳақиқий илмни отасидан олади. Озодийнинг шинамгина кутубхонаси бор эди.

Бу кутубхонада Алишер Навоий, Низомий, Фирдавсий, Саъдий каби шоирларнинг девонлари, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломаларнинг рисоалари мавжуд эди. Тадқиқотчиларнинг хабар беришларича, бу кутубхонада фалсафа ва тиббиёт, риёзиёт ва илми нужумга оид китоблар ҳам анчагина бўлган.

Шоир ана шу китобларни мутолаа қилади, ҳаёт сирларини ўрганади. Сўнгра у Хивадаги Шерғозихон мадрасасида, Бухоро ва Андижон мадрасаларида таҳсил олади.

Маҳтумқулининг Менгли исми бир гўзал қизга ошиқ бўлгани ҳақида халқ орасида афсоналар юради. Шу аснода Дантенинг Беатричеге, Петрарканинг Лаурага, Адам Мицкевичнинг Марилага, Абайнинг Туғжонга бўлган муҳаббатлари, ривоятларни безаган севги дostonлари ёдимизга тушади. Оҳ, ширин муҳаббат, оҳ, аччиқ тақдир!.. Маҳтумқулининг Менглига муҳаббати ҳам ғурбатли хотира бўлиб қолди, холос.

Яна афсоналарга қулоқ соламиз. Йиллар ўтиб шоир уйланади, икки ўғил кўради. Бироқ бешафқат тақдир икки норасида гўдакни шоир бағридан юлиб олиб кетади. Шоирдан зурёд қолмайди. Жанжалу низо-

лар, ўзаро урушлар натижасида унинг икки укаси ҳам ҳалок бўлади...

Маҳтумқули ижодининг тадқиқотчилари шоирнинг шеърларида учраб турадиган тушкунлик руҳидаги айрим шеърларни, умуман шундоқ кайфиятни, ҳақли равишда юқоридаги мусибатлар, чархи кажрафторнинг шеваси, замонанинг зайлига боғлайдилар.

Лекин шоирнинг улуғлиги шундаки, у ўзининг шахсий ҳаёти қобигини ёриб чиқиб кетади, унинг бир қарашдаги тушкун руҳи халқнинг тақдирига ачишишдан келиб чиқади, бу эса охир-оқибатда тушкунлик деб саналмайди, балки фидойилик ва қаҳрамонликнинг юксак намунасидир.

Маҳтумқули яшаган даврда ёзма адабиёт етарли ривожланмаган эди. Туркман овуллари Қизилқум ичра сочилиб ётарди, китоб эса анқонинг уруғидек кам эди. Ана шундай бир даврда дунёга келган шоир ўқувчилар билан, халқ билан дийдорлашишнинг осон ва қулай йўлини танлади: у халқ қўшиқлари усулида содда, тушунарли қилиб ёза бошлади, қўшиқ услубида ёзилган шеърлар эса тезликда бахшилар томонидан айтиларди, шу йўсинда шеърлар овулдан овулга ўтарди, у дарров халқ кўнглига ўрнашаларди. Халқ дилига ўрнашса, шоирга яна нима керак? Шоир учун бундан ортиқ бахт бўлмайди.

Маҳтумқули ижодининг мундарижаси жуда ҳам бой. У ҳаққоний халқ шоири ва мутафаккири эди. Бундай улуғ шоирлар ўз ижодида Ватан мавзусини, ватанпарварлик мотивларини биринчи ўринга қўяди.

Шоир ўзининг жуда кўп шеърларида туркман қабилаларини бирлашишга ундайди, Ватанни қадрлашга, уни обод қилишга чақиради.

«Эй, аҳли туркман! — деб ҳайқиради шоир бир шеърда. — Агар биз бир бўлсак, бизга Нил билан Қулзум дош бера оладими?! Эй, така, эй ёвмит, эй

гўклан, эй ёзир, — барча-барчангиз бирлашинг, бир оила бўлинг!»

Ўзбек мумтоз шоири Турдийнинг машҳур шеърини эсланг. Унда ҳам худди шундай руҳ ҳоким эди. У ҳам «Тўқсон икки ўзбек» уруғини бирлашишга чақирганди. Бу фуқароликнинг асл кўринишларидан биридир.

Бошқа бир шоир — Н.А. Некрасов кейинроқ:

*Майли шоир бўлмасанг бўлма,  
Сен фуқаро бўлмоқни фарз бил! —*

деб ёзганида, худди ана шундай ватанпарварликни назарда тутган эди.

Маҳтумқули ижодида халқ анъаналаридан келиб чиқиб ёзилган, ахлоқий — насиҳатомуз шеърлар, табиат манзараларини ифодалаган, севги сирларига бағишланган асарлар ҳам кўплаб учрайди. Феодал бир шароитда ёруғ орзулар амалга ошиши мушкул эди, бунга шоирнинг кўзи етарди. Лекин у келажакка ишонди. У ўзининг каломи, қаламининг сеҳри билан халқ ҳаёти фонида адабиётнинг қадрини юксакларга кўтара олди! Халқ тилидаги сўзларни дадиллик билан адабиётга олиб кирди, янги иборалар, маталлар яратди. Унинг шеърлари халқнинг ҳаётига, онги — шуурига сингиб кетди, мана бугун улар фақат туркман халқи ичидагина эмас, балки ўзбек халқи ўртасида ҳам ҳофизлар томонидан меҳр билан куйланиб келинади.

Маҳтумқули 1793 йилда вафот этди. Унинг қабри у севиб куйлаган Сўнгги-Доғ ва Атрек дарёси оралиғида, отаси Давлатмамад-Озодий қабри ёнидадир.

Академик В.В. Бартольд Маҳтумқулини, туғма истеъдод соҳиби, деб атаган эди. Ўрта Осиё тўғрисида ўтган асрда китоб ёзган венгер сайёҳи Г. Вамбери Маҳтумқули ижоди ҳақида тўхталиб, унинг қўшиқларини эшитмоқ ҳар бир туркман кишисининг қалбига қувватдир, деб ёзганди. Туркман мумтоз шоири

Каминанинг ушбу сўзлари бугунги кунда ҳам жуда машҳурдир: «Маҳтумқули, — деган эди у, — шеъринг найкалида ҳосилни йиғиб-териб олди. Бизларга эса унда-бунда тўкилган битта-яримта бошоқ қолди, холос...» Бу жуда ҳам юксак баҳодир.

Маҳтумқули ёшлигида тирикчиликни тебратиш иниятида заргарлик касбини эгаллаган эди, у зар қадрини жуда яхши биларди, бу касбга катта умидлар ҳам боғлагани сир эмас.

Бироқ тақдир тақозоси ўзгача эди — у сўз заргари бўлиб етишди. У зардан эмас, балки сўздан шундай дурри поклар ясадики, улар жаҳон адабиёти тарихида бебадал ва бебаҳодир.



---



---

## Бердақ шоир ҳақида сўз

Қорақалпоқларнинг орзу-армонларини, асрий тилакларини оламга юзма-юз туриб, дадил айта оладиган, букилмас айтар сўзи Бердақ шоирдир.

Қорақалпоқларнинг роҳату азобларини, қувончу изтиробларини, мунгли тўлғанишлари-ю шиддатли долғаларини равшан кўра оладиган ўткир кўрар кўзи Бердақ шоирдир.

*Рост айт, Бердимурод, сўзлама ёлғон,  
Бу гунё — узоқ йўл, отангдан қолғон,  
Юрар бу замонда фақат ақл олғон,  
Яхшилар хизматни қилар халқ учун, —*

деб ёзади шоир «Халқ учун» номли машҳур шеърисида. Шоир рамзий маънода бир йигитга мурожаат этар экан, йигит бўлсанг арслон каби туғилган, ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун, деб уқтиради.

Йигит киши билимдон, ор-номусли бўлмоғи лозим, токи золимларнинг зулмин кўриб халқ учун жони куйиб қийналсин, то ўлгунича халқ учун хизмат этсин. Ана ўшанда мард йигитни халқи севади, кундан-кунга қуввати ортиб суюкли номи ортида қолади...

Бердақнинг бу сўзлари ўзининг замондошигагина эмас, балки ўзига ҳам айтилган сўзлар эди: «Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим, Кўнглимнинг билганин, севганин ёздим, Замон жафосидан сарғайдим, оздим, Келарму деб яхши кунлар халқ учун», — деб нолалар қилди шоир. Беихтиёр улўф Алишер Навоийнинг машҳур байти ёдга тушади:

*Огами эрсанг, гемагил огами,  
Аниким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Ҳа, халқ тақдирини ўйлаш, қайғуриш шоирларнинг изтиробли насибасидир.

Халқ учун куйиб муродига етолмаган, «ўн гулидан бир гули очилмаган» Бердақ шоир, ўзи таъкидлаганидек, машаққатли умр карвонига сорбонлик қилди, ҳаёт даштларида оғишмай умрининг етмиш уч поғонасини босиб ўтди. «Юмилгунча икки кўзим, Ҳечвақт ёшсиз бўлган эмас», дейди шоир. Бу айримларга нолиш бўлиб туюлади, йўқ, бу аччиқ ҳаёт ҳақиқатининг ифодаси, холос.

Эсимда, кўп йиллар муқаддам Ўзбекистонда адабиёт кунлари бўлиб ўтган эди. Биз бир гуруҳ ёзувчилар Орол денгизига йўл олдик, орамизда Москва, Минск, Боку, Тошкент ва Нукус адиблари бор эди. Мўйноқда бўлдик, қуриган денгиз тубида сувсиз кемаларга боқиб, бош эгиб, сўнгсиз хаёлларга берилдик. Улкан изтироб, буюк мусибатни сўз билан ифодалаб бериш қийин, буни ҳар ким ўз кўнглида туюб эзилар эди. Шунда қорақалпоқнинг ўтли шоири Иброҳим Юсупов бундай деди:

— Оролнинг дардини куйлаш учун Бердақдек шоир керак!

Шубҳасиз, Бердақ ҳозир тирик бўлганда қуриб бораётган Орол денгизи муаммолари унинг ижодида бош йўлга айланарди. Лекин ҳар бир авлодга тақдир ўзига хос вазифалар юклайди, зеро, Орол муаммоси биз билан, бизнинг зиммамиздаги бурчдир. Бердақ шоирнинг эса ўз ташвишлари етарли эди, халқ тарихида унга ўзга шарафли вазифа белгиланган эдики, шоир буни катта жасорат билан адо эта олди.

Бердақ шоир яшаган замонда Орол денгизи соҳиллари, Мўйноқ ва унинг атрофидаги овуллар гавжум эди, денгиз Мўйноқни тиниқ сувлари билан ўраб, бамисли «қучоқлаб» турар, балиқ кўп, хуллас, Орол

халқ учун бирдан-бир ҳаёт манбаи эди, қувончини ҳам денгизга айтар эди, дардини ҳам. Бердақ шоир Қарғабой ўғли 1827 йилда ана шу Орол соҳилида, Мўйноққа яқин бўлган овуллардан бирида балиқчи оиласида дунёга келди. Уни Бердимурод деб атадилар, танглайини Орол суви билан кўтардилар. Шоирнинг онаси беланчакни тебратиб, уни эркалатиб: «Бердағим! Бердақ!» — деб суярди. Онаизорнинг қутлуғ сўзи шоир учун тахаллус бўлиб қолди ва бугун уни халқлар, элатлар ана шу номда танийдилар.

Ўн ёшида онасидан, кейинроқ эса отасидан ҳам жудо бўлган Бердақ овул подасини боқар, мактабда сабоқ оларди. Қорақум мадрасасида ўқишни битириш унга насиб этмади, «ғалати» шеърлари учун шоирни ҳайдадилар, бадном қилдилар. Лекин шоир букилиб қолмади.

Қорақалпоқ дашти кенг, овулларнинг ораси бир кунлик, икки кунлик, уч кунлик йўл... Алоқа воситалари эса ниҳоятда содда... Шоир шеърларини нашр этадиган матбуот йўқ, нашриёт йўқ, халққа тарғиб этадиган ойнаи жаҳону радио йўқ... Мана шундай шароитда шоир бўлиб элга танилмоқ чинакам жасорат ва қаҳрамонликдир. Бердақ бу ерда улуғ туркман шоири Маҳтумқули йўлини тутди — қўлига дўмбира олиб, ўз шеърларини эл орасида куйлаб юрадиган бўлди, ягона тўғри йўл ҳам шу эди. Гарчи у эски ўзбек тилини билар, Навоий аъъаналарини пухта эгаллаган эса-да («Навоийдан савод очдим»), — буни шоирнинг «Шажара» достонидан кўриш мумкин, — ўз атрофидаги муҳитни эътиборга олиб, бошқачароқ йўл танлади, асарларини кўпроқ содда халқ тилида яратди. Бу маънода унга Аҳмад Яссавий (айниқса бу «Умрим» шеърида сезилади) ва Машрабнинг, Маҳтумқулининг катта таъсири бўлганлиги кўринади.

Ана шу йўсин Бердақнинг гоҳ ҳажвий, гоҳ лирик руҳдаги ўткир шеърлари қорақалпоқ даштида янграй бошлади, унинг довуғи овулдан овулга ўтди, кўнгил-

ларда паноҳ топди. Энди ҳамма жойда уни «Бердақ шоир», «Бердақ бахши» деб ардоқлашарди. Уни анжуманларга, маъракаларга, тўйларга чорлашар, балиқчилар кулбасига, ўроқчилар чайласига таклиф этишарди. Шоир ўз шеърларида «нуқул ёлғон сўзлаб, ҳануз ўлмаган», шохини олифталарча чиқариб, салла ўрайдиган Нурмурод охун, кўнглини қирқ марта чайиб ювса ҳам оқармайдиган Ўримбету Нуримбет, Жалолу Сулаймон, Мирзаю Эримбет каби халқнинг қонини сўрган ҳаромтомоқ бекларни беаёв ҳажв қилади. Не-не айтган асил сўзларининг нафсиз кетганига ачиниб, калтабин беклар олдида қадри йўқлигидан, «боғловда қолдик қозиқсиз» деб тақдир ўйинларига ҳайрон қолади. Қорақалпоқнинг умри «ёруғсиз» ўтганини, дунё дунё бўлганидан бери одил подшо кўрмаганлигини, аммо кунлар ўтиб бу туманлар тарқалажagini айтиб, шодмон кунлар келажagini орзу қилади:

*Ўлсам сўзим қолар, айтиб ўлайин:  
Тунган кейин кунгуз келур бир замон!*

Шоирнинг тўйларга, анжуманларга бориши ҳар томонлама мақбул иш эди. Аввало, у ўқувчилари билан юзма-юз учрашар, уларнинг кайфиятини илғашга уринар, янги шеърларини синаб, эл назаридан ўтказиб оларди. Сониян, шоирнинг сози унинг бирдан-бир тирикчилик манбаи эди, хотини ва саккизта фарзанди унга қараб туришарди. У қизи Хурлимонни ҳам бахши этиб тарбиялади, Хурлимон — шоирнинг қизи отасининг шеърларини аёллар орасида куйлаб юрарди. Бу ҳам катта жасорат эди.

Ижодкорнинг дунёқараши, ижод кўлами унинг йирик жанрларга муносабатида кўринади. Йирик жанрнинг халқ ҳаётини кенг ёритиб беришда, тарихий воқеаларни ифодалашда катта афзалликлари бор. Қолаверса, ижодкорнинг руҳиятига боғлиқ. Агар у халқ тарихининг ёруғ нуқталарини ёритишни ўз ол-



дига мақсад қилиб қўйса, бу нарса унинг маънавий эҳтиёжидан келиб чиқса, яхши самаралар бериши мумкин.

Шу маънода Бердақ шоир ижоди алоҳида диққатга сазовордир.

Гап шоирнинг қорақалпоқ халқ тарихини ёритишга бағишланган тарихий мавзудаги дostonлари устида боради. Маълумки, Бердақ ўзига замондош демократ шоирлар ичида (Абай билан бирга) дoston жанрида унумли ижод қилганлардан саналади. Бердақнинг «Шажара» дostonида қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши тўғрисида ҳикоя қилинади, «Хоразм» дostonида Хоразм тарихи, сиёсий воқеалар, замоннинг мудҳиш кирдикорлари тасвирланади. «Омонгелди» дostonи XVIII асрда Бухоро амирлигига қарши кўтарилган қўзғолон бошлиғи Омонгелди жасоратига бағишланган. Шоирнинг навбатдаги дostonи ҳам конкрет тарихий воқеага бағишланган.

1855 – 1856 йилларда қорақалпоқлар Хива хони зулмига қарши бош кўтарди. Қўзғолонга Эрназарбий Олакўз бошчилик қилади. Хўжайли ёнида бўлиб ўтган жангда қўзғолончилар енгилдилар. Бердақ шу қўзғолон тарафдори ва маддоҳи эди, у «Эрназарбий» дostonини ана шу озодлик ҳаракатига бағишлайди, халқ қаҳрамонининг ёрқин образини чизади, улуғлайди. Бу шоирнинг фуқаролик позициясини белгилайдиган жиҳатдир ва у таҳсинга лойиқдир.

Шу ўринда Муқимий каби демократ шоиримизнинг Дукчи Эшон бошчилик қилган Андижон қўзғолонига муносабатини қандай изоҳлашни билолмай қоласан киши....

«Аҳмоқ подшо» (1877) дostonи Бердақ ижодида алоҳида ўрин тутаяди. Дostonда балиқчи қизи Гулим, эркпарвар Гулзор ва Анор каби қизларнинг образлари чизилган. Улар «Қирққиз» эпосидаги Гулойим, «Шаҳриёр» даги Анжим, «Маспошшо» даги Ойпарчаларнинг дугоналари, сингилларидир. Гулзор ва Анор

золим подшони тахтдан ағдарадилар, халқ фаровон ҳаётга эришади... Албатта, бу шоирнинг орзуси эди.

*Олтин айтган ҳар бир сўзим,  
Сўзим эмас, у — мен ўзим, —*

дейди шоир «Аҳмоқ подшо» достонида. Дарҳақиқат, Бердақ шеър ва дostonларида ўзини ёзди, ўз умрини куйлади, ўз халқи тарихини созга солди, ғурурланди, алам тортди, қувонди, ўқинди.... Жаҳолатли бир даврда яшашига қарамай, кўнглини бир лаҳза бўлсин ишонч тарк этмади, бу инсон учун қутлуғ фазилатдир, камбағалу қашшоқ яшай туриб, эртанги кунга умид боғламоқ, қаттиқ ишонч қўймоқ ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. «Жамоли бир соат меҳмон кўринган» шоир «Бўлган эмас» шеърисида:

*Тоғдан учган бургут бўлдим,  
Қўнар ерим бўлган эмас, —*

деб ғам тартади.

Йўқ, бу ерда шоир лутф қилмоқда, деб қарамоқ керак. Қорақалпоқ халқи тарихининг чуққиларидан парвоз қилган шеърят бургути бугунги кунда ўзининг қўнар ерини тошгандир. Бу «қўнар ер» қуйиларда эмас, балки юксакларда — кишилар қалбида, халқ юрагидадир.





## Икки буюк дарё мавжлари

Миллатни дунёга танитадиган нарса унинг баланд тоғлари, чуқур дарёлари, уфққача ёйилган саҳроси ёки битмас-туганмас маъдан конлари эмас, балки заковатли ва донишманд халқи, буюк фарзандлари ҳисобланади. Бу маънода, туркий оламнинг икки буюк халқи — ўзбеклар ва озарлар ҳарқанча фахрлансалар арзийди.

Икки халқ адабиёти алоқалари ҳақида гап кетганда сўзни қадим замонлардан, йироқлардан бошлашга тўғри келади.

Низомий Ганжавий(1141—1209) дунё адабиётида хамсачилик мактабига асос солган буюк шоир ва мутафаккирдир. Унинг «Махзан ул-асрор», «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», «Искандарнома» сингари гўзал дostonларидан иборат «Хамса»си бутун Шарқ адабиётига улкан таъсир кўрсатди.

У ҳали шеърий шаклга тушмаган Шарқда машҳур ишқ-муҳаббат афсоналарини, инсон заковатининг кўринишларини моҳирона назмга солиб, шеъриятнинг бебаҳо мулкига айлантирди. Натижада Низомий Ганжавий ижоди жаҳон адабиётининг нодир гултожи бўлиб қолди. «Хамса» Туронда, Ўзбекистонда жуда катта қизиқиш билан ўқилган, ўрганилган, ўрганилмоқда, ўзбек шоирлари учун катта бадий мактаб вазифасини ўтаган, ўтаб келмоқда.

Низомий Ганжавийни ўзбеклар ўзимизнинг шоиримиз дейишади, чунки у буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг маънавий усто-

зидир. Тошкентда шоир ҳайкали қад кўтариб турибди, мамлакатнинг катта олий ўқув юртларидан бирига унинг номи берилган. Айни пайтда озар халқи ҳам Алишер Навоийга эҳтиром кўрсатиб келади, Бокуда шоирга ҳайкал ўрнатилган, ҳайкал пойидан гуллар аримайди.

Алишер Навоий она тилида илк туркий «Хамса»ни яратар экан, Низомий Ганжавийнинг бой тажрибаларидан унумли фойдаланади. «Фарҳод ва Ширин» достонида Низомий Ганжавийни забардаст филга (рамзий маънода, қудратли қалам соҳибига) ўхшатади ва «панжа» сўзини турли рангларда товлантиради: биринчидан, панжага панжа урмоқ — шерлар одати; иккинчидан, панжа урмоқ — бешта маъносида, яъни «Хамса»га «Хамса» билан жавоб бермоқни англатади. Эътибор беринг:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ...*

*Низомий эрди андоқ пили воло,  
Ки чекти ганжу гавҳар пили боло...*

Халқларимиз ўртасида устозлардан ўрганиш, ўзаро ижодий таъсирлар жараёнига назар ташласак ажойиб манзаралар намоён бўлади, адабиётларимизнинг бир-бирига нечоғлик чамбарчас боғланиб, қон-қардош бўлиб кетгани кўнгилларимизни яшнатади.

Низомий Ганжавий ижоди, хусусан, «Хамса»нинг мамлакатимизда жуда машҳурлигига бир-икки мисол келтирмоқчиман. XIV асрда яшаган ўзбек шоири Қутб Хоразмий Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини ўзбек тилига эркин таржима қилади. У ўз таржимасида ғурур билан шундай сатрни келтиради:

*Низомий болидин ҳалво пиширдум...*

Достоннинг 1383–1384 йилларда кўчирилган нусхаси ҳозирда Париж Миллий кутубхонасида сақланади.

Қутб Хоразмийнинг замондоши Ҳайдар Хоразмий эса Низомий Ганжавийнинг бошқа достони «Махзан ул-асрор»га меҳр қўяди ва ўзбек тилида унга жавоб ёзишга қарор қилади. Натижада ўзбек шеъриятида муҳим ҳодисага айланган, тилимизнинг бойлиги ва фасоҳатини намойиш этган Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Шероз ҳокими Искандар Мирзога бағишланган «Гулшан ул-асрор» достони дунёга келади. Достоннинг қўлёзма нусхалари Лондон, Париж, Вена кутубхоналарида, фотонусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Низомий Ганжавий ижодига қизиқиш кейин ҳам сусайгани йўқ. XIX асрда яшаб иждод этган қомусий билимлар соҳиби, улуғ шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам Низомий Ганжавий ижодига мурожаат қилади: у улуғ шоир «Хамса»сининг тўртинчи достони «Ҳафт пайкар»ни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон — Феруз топшириғига кўра, янгича усулда, яъни насрда таржима этади.

Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Ҳафт пайкар» таржимаси дебочасида шундай ёзади: «...*Сайиғ Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон... бу бандгаи ҳақир ва ихлоси таҳмир Муҳаммад Ризо миробал-мутахаллис бил Огаҳийга ҳазрати шайх Низомийнинг «Ҳафт пайкар» отлиғ китобин, Баҳром шоҳнинг ҳолоти-воқеоти қиссаси турур, наср тариқаси бирла таржима қилиб, туркий таснифиға киргузмак хизматин буюрдулар...»<sup>1</sup>.*

Низомий Ганжавий иждод гулшанидан баҳраманд бўлган Алишер Навоий ўз навбатида Озарбайжон ада-

<sup>1</sup> Огаҳий. Асарлар. IV жилд. — Т.: 1977. 7-бет.

биётининг Кишварий, Ҳабибий, Фузулий каби вакиллари устози сифатида шарафланади.

Кишварий Алишер Навоий мактабида таълим олган, буюк шоир анъаналарини давом эттирган улкан сўз санъаткоридир, у ўзининг бетакрор ижоди билан Озарбайжон адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди.

Кишварий бир ғазалида Алишер Навоийга бўлган эҳтиромини бундай баён этади:

*Алишер Навоий ҳимматингдан  
Кишварий аҳли назар бўлди,  
Жаҳон мулкин тутар шеъри,  
назар бўлса Алишер Навоийнинг.*

Алишер Навоий вафот этганда Муҳаммад Фузулий эндигина уч ёшга кирганди. Фузулий устозлар изидан бориб, ўқиб-ўрганишдан тинмади, нодир ғазаллар, «Лайли ва Мажнун», «Бангу Бода», «Сухбатул асмор» (Мевалар суҳбати) каби пурмазмун достонлар яратди, Алишер Навоийнинг улуғ шогирди бўлиб камолга етди.

«Лайли ва Мажнун» достонининг «Соқийнома» бобида:

*Турку арабу ажамга айём,  
Ҳар шоира вермиш эди бир ком...  
Ўлмишди Навоийи сухандон,  
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.  
Сўз гавҳарина назар солонлар,  
Ганжина вериб, гуҳар олонлар...<sup>1</sup> —*

деб ёзади Фузулий буюк устозига ўз ҳурматини изҳор этиб. У «Лайли ва Мажнун» достонини бемисл завқ-шавқ, эҳтирос билан иншо этди. Туйғуларнинг шиддати, эҳтироснинг зўридан шоир Мажнун ва Лайли тилидан ғазаллар ёзади ва бу ғазаллар достон-

<sup>1</sup> Муҳаммад Фузулий. Асарлар. Иккинчи жилд. — Т., 1968. 10-бет.

нинг бадий кучини, оташин сўз таъсирини оширишга хизмат қилади.

Фузулий бой гўзал шеърляти билан Озарбайжон адабиётида юксак мавқега эга бўлган адабий мактаб бунёд этди, ўзига муҳташам ҳайкал қўйди. Унинг ўзбек шеърлятига кўрсатган ҳаётбахш таъсири каттадир. Шунини айтиш жоизки, Муҳаммад Фузулийнинг ёлқинли ғазаллари Ўзбекистонда таржимасиз севиб ўқилади, қизғин фузулийхонликлар бўлиб ўтади. Шоирнинг ғазаллари машҳур хонандалар тарафидан кўшиқ қилиб куйланади.

Самад Вурғуннинг «Озарбайжон» ва Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърлари бир-бирига ҳамоҳанг эканлиги бежиз эмас. Руҳлар яқин, она тупроқ билан фахрланиш туйғулари битта сарчашмадан келаётгандек.

Абдурауф Фитрат ва Ҳусайн Жовид, Ойбек ва Сулаймон Рустам, Расул Ризо ва Ғафур Ғулом, Микоил Мушфиқ ва Усмон Носир, Зулфия ва Марварид Дилбозий, Мирза Иброҳимов ва Комил Яшин, Миртемир ва Бахтиёр Ваҳобзода, Шухрат ва Наби Хазрий, Пиримқул Қодиров ва Анор, Эркин Воҳидов ва Халил Ризо, Абдулла Орипов ва Фикрат Хожа... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Шоир ва драматург, адабиётшунос аллома Мақсуд Шайхзода эса икки халқни бирдек эъзозлаб тараннум этувчи, бирлаштиргувчи сиймо. У икки халқ фарзандидир.

Бугунги кунда жуда кўп озар ёзувчи ва шоирларининг асарлари ўзбек тилида жарангламоқда. Ўз вақтида «Озарбайжон шоирлари» антологияси, Мирза Иброҳимовнинг «Шундай кун келади», Меҳди Ҳусейннинг «Апшерон» романлари ва яна бошқа кўп асарлари ўзбек ўқувчилари тарафидан севиб ўқилганининг гувоҳимиз. 2013 йилда Юнус Ўғузнинг Амир Темур ҳақидаги романи Усмон Қўчқор таржимасида нашр қилинди.

Ўзбек адабиётини Озарбайжонда тарғиб этишда шоир ва таржимон Рамиз Аскарнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У 2011 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» номли нодир асарини озар тилига таржима қилиб нашр эттирди. Ушбу таржимаси учун унга Халқаро Бобур мукофоти берилди. Рамиз Аскар изланишларини давом эттириб, Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг девонларини озар тилига ўтирди.

2009 йилда унинг таржимасида «Эрқдан сўзлар бу тилим» номли XX аср ўзбек шеърияти антологияси босилиб чиқди. Бобохон Муҳаммад Шариф тўплаган бу антологияга эликдан ошиқ ўзбек шоирлари ижодидан намуналар берилган.

2013 йилда Тошкентда XX аср Озарбайжон шеърияти антологияси» дунё юзини кўрди. Ўзбек ўқувчиларига ажойиб тухфа бўлган 214 саҳифали бу китобга олтмишга яқин Озарбайжон шоирлари шеърлари киритилган. «Турон-иқбол» наприёти чиқарган бу китоб тўпловчиси ҳам Бобохон Муҳаммад Шарифдир. Озарбайжон шеъриятини ўзбек тилига таржима қилишда адабиётимизнинг турли авлод вакиллари иштирок этгани қувонардир.

Адабиётларимизнинг ўзаро алоқалари яна ҳам мустақамланиб бораверсин, асарларимизни кўпроқ таржима қилиб, халқимизнинг маънавий мулкига айлантираверайлик.

Ўзбек ва Озар адабиёти — айқириб турган, қирғоқларга сифмай жўшиб, мавж уриб, тўлқинланиб оқаётган икки буюк дарёдир. Улар жаҳон адабиёти уммонига қуйилар экан, ўзларининг эзгу вазифаси миллатни улуғлаш, Ватан шаънини юксакларга кўтариш эканини асло унутмайдилар.







## Пушкин шеърляти

Улуф рус шоири, нафақат шоир, балки адиби, драматурги Александр Сергеевич Пушкиннинг ижоди жаҳон маданиятига қўшилган бебаҳо ҳиссадир. «Бераҳм асримда ҳам Эркинликни куйладим, Ночорларга тиладим шафқат» деб ёзган эди шоир ўзининг «Ҳайкал» номли шеърда.

Пушкин чинакамига рус миллий шоири эди. У ўз асарларида рус ҳаётини, рус характерини моҳирона тасвирлаб берган шоирдир. «Буюк миллий шоир, — деб ёзади В.Г. Белинский ўзининг «Александр Пушкин асарлари» деб номланган мақолаларининг саккизинчисида, — баринни ҳам, мужикни ҳам ўз тилида бирдай гапиртира олишга қодирдир».

Биз шоирнинг қайси бир асарини ўқимайлик, ана шу принципга амал қилинганини, яъни, ҳар бир нарсани ўзидан келиб чиқиб, моҳиятига қараб тасвир этилганини кўрамиз.

Шоир қайси мавзуда ёзмасин, — қадимги юнон адабиёти ва мифологияси заминидами, Кавказ халқлари ҳаёти ҳақидами, ғарбий славянлар қўшиқлари мисолидами, Пугачёв қўзғолони манзаралари тимсолидами, ўзига замондош XIX аср рус ҳаётининг чўнг долғалари тўғрисидами — барча-барчасида шоир кўксиди рус қалби тепиб туради, барча-барча ҳолларда шоир ҳаётининг жон томирини рус юраги билан сезади.

Шунинг учун ҳам биз «Лўлилар» достонида эркин ҳаёт ва тизгинсиз турмушни излаб юрган халқнинг изтиробларини кўрамиз, асарни рус қалби те-

ниб турган буюк шоир ёзганидан, бундай изтироблар рус халқи қалбининг қат-қатларини ҳам титратганганини билиб оламиз. «Кавказ асири»да ҳам, «Боқчасарой фонтани»да ҳам озодлик туйғулари, эҳтирослар курашини тасвирлар экан, рус қалбининг тўқинишлари намоён бўлади. Бошқа мавзуларда, рус ҳаётидан йироқ бўлган турмушлардан сўз очганда ҳам шоирнинг рус ўғлони эканлиги шундоқ билиниб туради, бу эса буюк миллий шоирларнинг қўлидан келадиганини, холос.

Пушкиннинг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этиб келинмоқда. Шоир вафотига 100 йил тўлиши муносабати билан машҳур ўзбек шоир ва адиблари 1936 йилда Тошкент ёнидаги хушманзара Чимён қишлоғида йиғилдилар. Чимён ўзига хос Парнас маконига айланди. Таржимонлар ичида Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир, Уйғун ва бошқа таниқли ижодкорлар бор эди.

Бу ерда шоирнинг жуда кўп шеърлари, насрий асарлари, драмалари, хусусан, «Евгений Онегин» шеърлий романи, «Борис Годунов» драмаси, Белкин қиссалари, «Боқчасарой фонтани», «Кавказ асири» ва бошқа асарлари ўзбек тилига ўтирилди.

Шоир асарларини таржима қилиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Бунда Зулфия, Мамарасул Бобоев, Иззат Султон, Шухрат, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Одил Раҳимий, Қодир Мирмуҳамедов, Маъруф Ҳаким сингари ижодкорлар номини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Улуғ шоирнинг ижодини ҳар бир авлод ўзича кашф этади, ўқийди, ўрганadi. Бу табиий ҳол. Айни пайтда уни таржима қилишга, давр ва замон руҳидан келиб чиқиб ёндашишга ҳаракат қилади.

Ҳозир адабиётимизга назар солсак, бу ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Талантли шоирларимиздан Абдулла Шер, Мирпўлат Мирзо, Минҳожиддин Мирзо,

Ҳумоюн сингари ижодкорлар устозлар тажрибала-рини давом эттириб, улуғ рус шоири шеъриятига мурожаат қилишмоқда, таржимага қўл уришмоқда. Буни қўллаб-қувватлаш керак, қувониш керак.

Ҳар бир шеър, асар ўзи бир олам. Таржимон бу оламга қадам қўйиб, уни «ўзлаштириб, ўзиники қилиб олгач» ижодий ишга киришади. Аввало, асарнинг оҳангини илғаб олади, таржимада ўша оҳанг берил-моғи шарт.

Бу насрдан кўра шеърятда очикроқ кўринади. Лекин насрнинг ҳам ўз оҳанги бор. Таржима — қайта яратиш санъати, санъат бўлганда ҳам санъат-лар санъати.

Таржима назариясида, ҳамма асарни таржима қилиш мумкин эмас ва ҳамма асарни таржима қилиш мумкин, деган қарашлар бор. Буларнинг ҳар иккиси ҳам тўғри. Чунки асарни аслиятдагидек таржима қилишнинг иложи йўқ, бу ерда таржима қилинаёт-ган тил имкониятлари, тилнинг колорити, лексико-ни, ўзига хосликлари алоҳида аҳамиятга эга. Таржи-мада табиий равишда баъзи сўзлар, иборалар тушиб қолади, асар мантиғи, мазмунидан келиб чиқиб маъ-нони тиниқлаштириш учун айрим сўзлар қўшишга тўғри келади. Яна. Сўз таржима қилинмайди, деган тушунча бор. Чунки сўз эмас, асар, асарнинг маъно-мазмун таржима қилинади. Бунда мазмун — бир-ламчи, шакл — иккиламчи. Лекин шакл сақланиши зарур.

Қуръони Карим ўзбекчалаштирилганда маънолар таржимаси деб олиниши бежиз эмас. Ҳозир улуғ ки-тобнинг русча нашрларида ҳам «перевод смыслов» — маънолар таржимаси, деб берилмоқда (*Коран. Пере-вод смыслов и комментарии Иман Валерии Пороховой. Дамаск. 2012*).

Таржимон — қул эмас, у эркин ижодкор. Пуш-киннинг устози, Ҳомернинг «Одиссея», Байроннинг «Шилён тутқуни» асарларини моҳирона таржима

қилган таниқли рус шоири Василий Андревич Жуковский айтганидай, таржимон — муаллифнинг рақиби.

Бу — ижодий мусобақа. Булардан ташқари, таржима, ижодкор учун улкан мактаб. Таржимон бевосита шоир ижодий лабораториясига кириб боради ва ундан маҳорат сирларини ўрганади. Бу унинг ижодига ҳаётбахш таъсир кўрсатади.

Кейинги тўрт-беш йилда вақтли матбуот ва журналларда Пушкиннинг ҳали ўзбек тилига ўтирилмаган янги шеърлари Ҳумоюн таржимасида туркум-туркум ҳолда эълон қилиниши ўқувчилар диққатини ўзига тортди.

Бу шеърлар асосан 1813—1824 йилларда ёзилган, шоирнинг Царское Село лицейида ўқиган даври ва лицейдан кейинги жўшқин йилларни қамраб олади. Ҳумоюн бадиий таржима билан жиддий шуғулланди, таржима сирларини пухта ўрганди, маҳоратини ошириш йўлида қаттиқ тер тўқди.

Натижада у Пушкиннинг 170 дан ортиқ янги бўлган шеърларини ўзбек ўқувчиси учун таржима қилди. Бу — катта меҳнат.

Истеъдодли шоир ва публицист Ҳумоюн шу кунгача ўндан ортиқ шеърый, публицистик ва таржима китобларини эълон қилди. Унинг шеърлари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Таржимон сифатида ҳам фаол. Буюк инглиз шоири П. Б. Шеллинг «Ғарб шамоли» китоби унинг таржимасида чоп этилди.

Ирланд шоири Ж. Жойснинг «Камер мусиқаси», «Донаси бир пенни» шеърый тўпламларини инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига ўтирди ва бу таржималар «Жаҳон адабиёти» журналыда босилди.

Бундан ташқари Жон Милтон, Редьярд Киплинг, Томас Элиот, Константин Бальмонт, Расул Ҳамзатов каби жаҳон адабиёти намояндаларининг айрим асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилди.

Пушкиннинг «Тумор» китобига шеърларни таржима қилиш учун Ҳумоюн беш йил вақт сарфлади, эринмай изланди. Таржималарни ўқиб, унинг улуғ шоир ижодига бўлган ҳурмати чексиз эканини, ҳар бир шеърга авайлаб ёдашганини ҳис қиласиз. Китобга «Лўлилар», «Анжело» дostonлари, «Рицарлар замонидан лавҳалар» драматик асари ҳам киритилган.

Бу йил улуғ рус шоири А.С. Пушкиннинг таваллудига 220 йил тўлади. Мазкур салмоқли «Тумор» китоби қутлуғ санага ва шоирнинг чинакам мухлисларига ажойиб совға бўлишига асло шубҳа йўқ.





## Шеърятимизнинг порлоқ юлдузи

1961 йилда китоб дўкони пештахталарида «Тонг нафаси» номли мўъжазгина шеърый тўплам пайдо бўлди. У тез фурсатдаёқ ўқувчилар орасида тарқалиб, қўлма-қўл бўлиб кетди, китоб жовонларидангина эмас, балки кўнгил қатларидан ҳам жой эгаллади, катталарнинг ҳам, ёшларнинг ҳам севимли китоби бўлиб қолди.

Унинг дунёга келишида рамзий маъно борга ўхшарди. Гап шундаки, 1950 йиллар адабиётимизда маънавий турғунлик ҳукмрон бўлиб, шеърятимиз димиққан бир ҳолатда эди. Унга ҳаво керак эди, янги бир ҳаво! Унга тоза нафас етишмасди! Шундай бир пайтда юқорида зикр этганимиз «Тонг нафаси» босилиб чиқди! Унинг муаллифи шеърятимизга янги нафас олиб кирган ёш шоир Эркин Воҳидов эди.

Ўша йилларда адабиётимизга гуркираган бир авлод кириб келди. Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Охунжон Ҳакимов, Сайёр, Олимжон Холдор, Теша Сайдали, Гулчеҳра Жўраева, Эркин Самандар, Юсуф Шомансур... Эркин Воҳидов ана шу авлоднинг забардаст чинорига айланди.

Шоирнинг илк шеъри ўн тўрт ёшида дунё юзини кўрган эди. «Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади!» деган сатрларни келтиради ўн етти ёшида ёзган бошқа бир шеърида. Ҳа, у шеърят баҳрида тўлиб-тўлиб оқишни орзулади, охир-оқибатда дарё бўлиб, тўлиб-тошиб ижод қилди.

1959 йилда кейинчалик машҳур бўлиб кетган «Пўлат» шеъри дунёга келди:

*«...Лекин олган жаҳонни фақат,  
Перо бўлиб қуйилгач пўлат...»*

Жаҳон (бепоён олам) билан мимитгина перони муқояса қилиш тамомила янгилик эди. Шеърдаги фалсафий мазмунни, шоирнинг ниятини фақат ҳис қилиш, хаёлан тасаввур этиш мумкин, ифодалаш учун эса кўп сўз керак бўларди. Шеърнинг моҳияти ҳам шунда-да.

«Шеър асли дил саволига дилнинг жавобидур...» таъкидлайди шоир «Бағишлов» шеърида. Жавоб самимий бўлгандагина дилга етиб боради. Самимият — шоир шеърларини ўқувчига яқин дарддош, сирдош қилиб қўядиган фазилатдир.

Самимий шоиргина, ўз шеърларига мурожаат қиларкан, уларни ўз фарзандидай, меҳр билан: «Қора-қура полопонларим, Чағир-чуғур қақажонларим, Сержанжал, сертўполонларим» деб эркалайди ва «Кўмганим йўқ сизни зийнатга, Ошно қилдим самимиятга!» дейди («Кузатиш» шеъри). Шоирнинг ўқувчидан яширадиган сири йўқ, аксинча, бор сирасрорини ўқувчи билан баҳам кўради, «ўртада бегона йўқ...»

Соддалик — гўзаллик, етуклик, баркамоллик дегани. Лекин содда ёзиш қийин. Назаримизда, буюкликнинг сири ҳам ўша соддаликда бўлса керак. Эркин Воҳидов шеърларини ўқиганда, улар даставвал гўё қўшиқ бўлиб туғилгандек, кейин қоғозга кўчирилгандек таассурот қолдиради кишида. Бу борада уни устози Ҳамид Олимжонга қиёслаш мумкин. Сўзлар ёзилмайди, саҳфага тушмайди, балки ўз-ўзидан оқиб келади, савт беихтиёр наволарга чулғанади. Гўё шоир созини қўлига олади-ю, ўқувчисига қараб хониш қилади:

*Ўн саккизга кирмаган ким бор,  
Боғингдан гул термаган ким бор?*

Сен ҳақингга ёзиб тўрт сатр,  
Сирдошига аста кўрсатиб,  
Қўшни қизга бермаган ким бор?..  
(«Севги» шеъри)

Яна:

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан,  
Етакласин бизни муҳаббат.  
Ғамларингни чиқар кўнгилдан,  
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,  
Рози кетсин биздан умрбоғ —  
Шодлик учун яралган олам,  
Севмоқ учун берилган ҳаёт..  
(«Ой фонусин кўтарди осмон...» шеъри)

Яна:

Дунё экан..  
Ишқ деган савдо  
Борми фақат менинг бошимда?  
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,  
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?..  
(«Кимни этмас бу кўнгил шайдо» шеъри)

Шеър шундай равон оқади, ўз-ўзидан табиий қу-  
йилиб келади. Бундай хислат шоирнинг қарийб бар-  
ча асарларига хосдир. «Кавказ шеърлари»ни олайлик.  
Ёқимли наводай жаранглаган «Азгануш» шеъри...  
(1963). Уни кўнгил қўшиғи дегулик. Бир ўқишдаёқ  
кўнгилга муҳрланиб қолади. Ёдимда, бу шеърни ёд  
олиб, айтиб юрардик. «Фузулий ҳайкали қошида»  
(1963) шеърятимизда толеи порлоқ нодир шеърлар-  
дан ҳисобланади.

Елар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,  
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.



*Карбало гаштида яёв кезишган  
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз...*

Буюк шоир мунис бир ғазал илҳоми селида ғарқ... Мана, ғазал туғилди, шоир оламга боқиб, уни шавқ билан ўқимоқда... масъуд лаҳзалар... тинглар экан, япроқлар шеър мақомига тебранади, чечаклар маҳлиё бўлиб, бош эгиб туради, боғларга гўзал оқшом чўкади... Шеърда Фузулий ғазаларидан келтирилган сатрлар шоиримизнинг сатрларига табиий равишда уйғун бўлиб, яхлит бир вужуд пайдо қилади — ҳаётбахш шеърят симфониясига айланади.

Шоирнинг «Ёшлик девони» ўтган асрнинг 60-йиллар адабиётида воқеа бўлган эди. Навоий нафаси сезилиб турган куйдай равон дардчил ғазаллар ёшликка хос бўлган чинакам ва асил севгини, тонглардай покиза чинакам инсоний туйғуни баралла тараннум этди. Ғазалларнинг кўпи қўшиқ бўлиб, ҳофизлар томонидан куйланаётгани бежиз эмас. «Ўзбегим» қасидаси эса халқимизнинг ғурурига ғурур қўшди, шоир номини дунёга танитди.

Шоир она юрт манзараларини тасвир этишни хуш кўради. «Ўлка», «Манзара», «Тонг лавҳаси», «Дарё оқшоми» ва бошқа шеърлар бунинг далилидир. Бу юрт кишилари садоқатли, ҳатто дарахтни кўчириб кетсалар ҳам, у «ўз панжасида яшаган еридан бир сиқим тупроқ олиб кетади...» («Садоқат» шеъри) деб ёзади шоир. «Бир томчи ёш», «Учи тугик даструёмол», «Фурсатинг», «Савағич», «Илзахоним», «Дардошлик», «Ўзбек бўлиш осон эмасдир»... каби ва яна кўп етук шеърлар ҳақида тўлқинланмай ёзишнинг иложи йўқ.

Унинг «Тонг нафаси» (1961), «Қўшиқларим сизга» (1962), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Муҳаббат» (1976), «Тирик сайёралар» (1978), «Шарқий қирғоқ» (1982), «Бедорлик» (1985), икки жилдлик сайланма — «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» (1986),

«Шоиру шеър у шуур» (1987), «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» (1992), умрининг сўнгги йилларида ёзган пурҳикмат «Сўз латофати» каби ва бошқа кўп китоблари ҳар бир ўзбек хонадониди бор, десак муболаға бўлмас.

Шоирнинг кўп сатрлари, ибратли иборалари («Қайга борсам бошда дўппим, ғоз юрарман герда-йиб», «Ўн саккизга кирмаган ким бор». «Шеърнинг зўри тўрт сатр..», «Куй авжида узилмасин тор...», «Одамларнинг ўзидан олиб. Одамларга бермоқдир ишим...» ва ҳоказо) ҳикматли сўз, мақол сифатида халқ орасида тарқалиб ёд бўлиб кетгани, бу нурли ижоднинг нақадар халқчил эканини кўрсатади. Унинг шеъри билан айтиладиган қўшиқ жарангламаган кун йўқ.

Шоирнинг дostonлари ҳам шеърларидай содда, равон, дostonчилигимизнинг етук намуналаридан ҳисобланади.

Халқимизнинг оғир фожиали дамларда кўрсатган матонатига бағишланган «Палаткада ёзилган дoston»ни,

*«Зилзиладан кўчган  
Шеърлар парчаси...» —*

деб таърифлайди шоирнинг ўзи. «Нидо» дostonида — «Яраланган бу мажруҳ дунё»нигина эмас, балки озор топган ёш кўнгил дардларига ҳам даво излайди. «Орзу чашмаси» муҳаббат қиссаси бўлса, «Қуёш маскани» она Ватан меҳрига битилган қасидадир.

«Руҳлар исёни», дostonидан олинган ушбу мисраларга эътибор беринг:

*Она ўлкам,  
Бир кун сени  
Озод кўргим келади.  
Истибдоднинг занжирини  
Барбод кўргим келади...*

Бу исёнкор бенгал шоири Назрул Ислон сўзлари... Лекин шоирнинг сўзи тағмаъноли бўлади, буни ўқувчилар яхши англайдилар. Муаллиф бу сўзларни ўз Ватанига қаратиб айтаётганига шубҳа йўқ, чунки унинг Ватани ҳам истибдод занжирида... Бу сўзлар Назрул Ислоннинг, айти вақтда Эркин Воҳидовнинг ҳам дилдан отилган сўзларидир! Устоз оташин бенгал шоири қисмати баҳона ўз дардини тўкиб солмоқда.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, ажойиб сўз санъаткори, 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида дунёга келди. 1960 йилда ТошДУ филология факультетини тугатгач, турли идораларда фаолият кўрсатди.

«Ёш гвардия» нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир (1960 – 1963, 1975 – 1982). Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир, шеърият бўлими мудири вазифаларида ишлади (1963 – 70), шу нашриётга директорлик қилди (1985 – 1987).

Шу йилларда «Ёшлик» журналини ташкил этишда бош-қош бўлди, бош муҳаррирлик лавозимида ишлаб, журнални оёққа қўйди (1982 – 1985). Қаерда ишламасин, адабиётимизнинг поклиги, уни юксак чўққиларга кўтариш гамини чеқди, ўзининг холис меҳнатини аямади.

Эркинликда воҳид, воҳидликда эркин устоз, серқирра истеъдод соҳиби Эркин Воҳидов ниҳоятда бағрикенг, дилкашу дилбар инсон эди, унинг суҳбатлари адабиёт, ижод, маҳорат сирлари, мутолаа мўъжизалари, кашфиётлар ҳақида кечарди.

Ҳар бир суҳбат биз ёшларга бир адабий сабоқ вазифасини ўтарди. У агар Навоийдан бир байт, ё Фузулийдан бир ибора, ё Чўлпондан бир шеър келтирса, бирон бир шеърий кашфиётга тўхталса, бу атай эмас, балки суҳбатнинг моҳиятидан келиб чиқарди. Бир мисол келтирай.

1969 йилда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардик, Эркин ака шеърият бўлими мудири, Миртемир домла, Абдулла Орипов ва камина муҳаррирлар эдик. Бир қўлёзма ўқилса, ё китоб чиқса улар ҳақида қизгин баҳслар бўларди. Бир куни Навоийнинг: «Оқ эрур, лекин қарортур ҳар ненини ранг этса зок» сатридаги «зок» сўзи маъноси мени қагтиқ қизиқтириб қолди. Ўзи оқ бўлса-ю теккан нарсасини қорайтирса... Унинг маъносини узоқ излаб, ниҳоят форс мумтоз шоирларининг таржимони Муинзода домладан сўраб билиб олдик. «Зок» аччиқтошнинг синоними бўлиб, ҳозир ҳам Бухоро томонларда ишлатилар экан.

Устоз ҳазил-мутойибани, юморни ниҳоятда тегин тушунар, шу сабабдан у ўтирган давра ҳамиша хушчақчақ беғубор кулгулар билан безанарди. Ана шу юмор ҳисси шоирнинг ҳажв дафтарига кирган ҳазил-мутойиба мавзуларидаги, Матмуса ҳақидаги (биргина Донишқишлоқда Матмусага ҳайкал қўйилиши ҳақидаги шеърни эслаш кифоя) ичакузди сертабассум шеърларида яққол акс этган.

У шеърларда кучли юморга йўғрилган ҳаётбахш публицистик руҳ уфуриб туради. Шоир шеърияти ҳикматларга, лутфларга, фалсафий мушоҳадаларга бой шеъриятдир.

«Фауст» трагедияси устида Иоганн Вольфганг Гёте элик саккиз йил меҳнат қилган экан. Бир асар устида шунча йил ихлос билан тер тўккан бошқа ижодкорни жаҳон адабиётида учратиш мушкул. Нафақат Германиянинг, балки бутун жаҳон адабиётининг нодир ёдгорлигига айланган бу трагедияни Гётенинг умр китоби дейиш жоиз.

Шоир асар охирида, инсон ҳур ҳаёт учун, эрк учун ҳар кун, ҳар он курашгандагина ҳур ҳаёту эрка муносиб бўлади, дея якуний хулоса ясайди. Шарқ-у Ғарб фалсафаси оҳангларига йўғрилган, ҳамма замонларда ҳам замонавий бўлиб қоладиган нодир мураккаб асар-

ни таржима қилиш осон иш эмас. «Таржимон — рақиб» деган тушунча Пушкиннинг салафи, Байрон асарлари таржимони рус шоири В.А. Жуковскийдан қолган.

Демак, таржимон маълум маънода аслият муаллифига рақиблик қила олиш салоҳиятига эга бўлмоғи керак.

Эркин Воҳидов «Фауст» таржимасига қўл уриб жасорат кўрсатди ва уни ўзбек адабиёти мулкига айлантирди, ўзбек тилининг бой ва гўзал имкониятларини, нафосатини намойиш қилди. Чиндан ҳам, бундай асарни таржима қилиш учун Эркин Воҳидовдай файласуф ва аллома шоир керак эди.

Шиллер, Иқбол, Улфат, Блок, Сергей Есенин, Михаил Светлов, Расул Ҳамзатов сингари шоирлар Эркин Воҳидовнинг гўзал таржималари орқали ўзбек ўқувчиларининг севимли шоирлари бўлиб қолдилар.

Виктор Гюгонинг «Қиролнинг дилхуши» драмаси эса шоир таржимасида театр саҳналарида ижро этилди.

Шоирнинг ўз драмалари ҳам ўқувчилар орасида шуҳрат қозонди. Чунончи, беғубор кулгиларга бой «Олтин девор» (1969) драмаси кўп йиллар Миллий театр саҳнасидан тушмади. «Истанбул фожиаси» (1985) драмасида эса муаллиф глобал воқеалар инсон ҳаётига, ҳаётигагина эмас, балки умумрўҳиятига ҳам қанчалар мудҳиш таъсир этиши, бунинг оқибатида, ҳатто ака-укаларни, жигарларни ҳам бегона қилиб юбориши мумкинлигини ишонарли тасвирлайди.

Эркин Воҳидов бетакрор ва бетимсол ижоди, қолдирган бой мероси билан халқимиз юрагидан жой олди. Шоир ўз асарларида халқ дардини ёниб куйлади, бутун илҳомини, кучини инсон рўҳиятини теран очиб беришга, мураккаб ҳаётини моҳирона тасвирлашга қаратди.

Эркин Воҳидов «Юлдуз» (1964) номли шеърида ўз шеърларининг сарлавҳасини тополмай қолганда, сар-

лавҳа ўрнида юлдуз қўйишини ёзиб, ўша юлдузнинг кеча-ю кундуз порлаб туришини орзу қилган эди:

*Зухро каби чарақлаб турсин*

*Тунлар ўзим*

*Юмганда кўзим.*

*Ҳеч сўнмасин, чарақлаб турсин,*

*Сўнганда ҳам менинг юлдузим...*

Шоир ҳақ. Унинг юлдузи асло сўниш билмайди, шеърятимиз осмонида қалбларга мудом нур улашиб чарақлаб тураверади.





## Юракка Ватан суратини чизиб

Шеърят, бу руҳият парчаларидир, шеър — руҳият деб аталган ўчмас алангадан сачраган учқун, ундан кўнгилга тафту ҳарорат боради, меҳр боради, мадад боради. Шунинг учун ҳам унга талпингувчилар кўп, дил ёрувчилар кўп, ўз дардига малҳам тилагувчилар кўп. Шеър — муқаддас руҳнинг сўздаги шакли. Сўз шоир учун ҳамма нарса ўрнини босади: сўз — ранг, рангларнинг алвон-алвон товланишидир; сўз — ҳолат, ҳолату кайфиятнинг турфа хил кўринишларидир; сўз — ҳис, ҳис-туйғунинг қатламларидаги жунбушлар акс садосидир; сўз — оҳанг, оҳангу рангбаранг садолар инъикосидир; сўз — ишқдир, сўз — шеърдир, сўз — руҳдир, Муқаддас руҳ... Тўлан Низом шу сабабдан ҳам ўз сайланма шеърлар китобини «Муқаддас руҳ» деб атаган эди.

Оламни шеърда кўрмоқ, биз яшаб турган ҳаётни шеърят орқали идрок этмоқ, ва уни оқ қоғоз юзига тўкиб солмоқ учун чиндан ҳам Худо берган салоҳият, истеъдод бўлмоғи керак. Ўн саккиз минг оламдаги беадад махлуқоту мавжудот асло бир-бирига ўхшамаганидек, шоирлар ҳам ҳеч қачон бир-бирларини такрорламайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам — куни ва туни бор, боғи ва тоғи, чамани ва саҳроси бор. Шуниси қизиқ-да.

Истеъдодли қалам соҳиби Тўлан Низом гўзал водийнинг ўғли. Ўғиллик меҳри ва сўз айтиш санъати уни Фарғона куйчисига айлантирди. Шоирнинг олами — бу. Фарғона водийси, унинг танти ва жўмард кишилари, шарқироқ сойлари, чаманга айланаётган

чуллари, олис ва шарафли тарихи, буюк фарзандларнинг фожеий қисмати, бу қисматларнинг ҳали очилмаган қатлари... Шоир Фарғона водийси тимсолида Ўзбекистонни, она Туркистонни, жаҳонни кўради, оламнинг кенглигидан ҳайратга тушади. Шоир гузал водийнинг қоқ марказида яшар экан, ижод заҳматларини чекар экан, оламнинг маркази шу ердир, дегандай бўлади ва бундан ифтихор ҳиссини туяди; зеро, бундай дейиш шоирнинг ҳаққи-ҳуқуқидир. Ифтихор туйғуси шунчаларки, ёр юрган Фарғона йўлларини орзиқиб таърифлаб, «Сулаймон тоғидек кўкўпар» Фарғона чинорларини васф этиб, Фарғона шамолларини ҳам шеърга солади. Фарғона шамолларида «Украина елларининг майинлиги йўқ», у «Кавказ шаббодаларини куйини чалмайди», унинг қаноти ипак эмас, у эсганда «пахтасига ишлайди чанг ичра деҳқонлари»... Лекин юртини севган шоир Фарғона шамолларини — «у — жасорат, у — мардлик!..» дейди.

Тўлан Низом Қувада туғилди, ёшига етар-етмас оиласи ҳозирги Бўзга кўчиб келди. Волидаи муҳтарамаси Ўғилбуви Нормат қизи асли бўзлик, Бешкал қишлоғидан, донгдор пахта теримчиси бўлган. Падари бузруквори Низомиддин Соҳиб ўғли қувалик оддий деҳқон эди. Бўлажак шоир Бешкалдаги етти йиллик мактабни тугатгач, Бўз туман марказидаги 1-мактабда ўқишни давом эттирди. Мактабда у ёшлар сардори эди. 1965 йилда Андижон Давлат педагогика институтини битирди. Кейин мактабларда ўқитувчи, туман ёшлар қўмитасида етакчи, маориф бўлимида мудир, республика Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоятида масъул котиб, Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юрти директори лавозимларида ишлади. Шунинг учун уни педагог шоир дейишга ҳам ҳақдимиз. У — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, унвонига сазовор бўлган.



Тўлан бадий ижод билан жуда эрта шуғуллана бошлаган. Унинг илк шеърлари менинг кўз ўнгимда ёзилган эди, десам муболаға бўлмас. Аллоҳнинг беадад илтифотларидан бири шу бўлдики, Тўлан билан камина — бизлар болалиқдан бирга катта бўлдик, илк ёзган машқларимиздан бирга қувондик, бирга севдик, бирга ёндик. Дўшпидек чет бир қишлоқда биринчи синфдан бир партада бирга ўқиган дўстим халқ шоири унвонига, камина халқ ёзувчиси унвонларига сазовор бўлдик. Шукрлар қиламиз. Тўланнинг биринчи шеъри туман газетаси — «Гулистон»да босилганда, у тўртинчи синфда ўқир эди. Мактабимизда байрам бўлиб кетгани эсимда.

Тўлан болалигиданоқ нозик дидли, китобга чанқоқ бўлиб ўсди. Синфда аълочи ўқувчилардан саналарди, нутқи равон эди, тумандаги турли йиғинларга таклиф қилишиб, доим шеър ўқитишарди. Минбардан кўринар-кўринмас бўлиб шеър ўқир, шеър тугагач гулдурос қарсақлар остида жойига бориб ўтирарди. Ҳамқишлоқлари ўз «шоир»ларига меҳр билан қарашар, шу муштдеккина боладан шунақа шоирона сўзлар чиққанига ҳайратланишарди.

Шоирнинг илк китоби — «Сенинг эртақларинг» 1970 йилда дунё юзини кўрди. Унда ёш шоирнинг самимий туйғулари ифодаланган шеърлар жамланди ва улар бугунги кунда ҳам жаранг бериб турибди. «Ўпич» деган шеърдан олинган ушбу сатрлар бунга мисолдир.

*Илк бўса!*

*Бевош лабларимда таъминг қолмаган,  
Бевош кўзларимда топмайсан меҳринг.*

*Бевошлигинг қурсин!*

*Сендай бевошни*

*Фақат қарғамоқдан тилим толмаган...*

Кейин бирин-кетин «Ифтихор», «Қуёш йўли», «Ой қизлар», «Шеър айтгим келяпти, онажон», «Ан-

дижонда бир қуш бор», «Даҳр боғи», «Чаман ичра», «Интизорлик», «Акс садо», «Муқаддас руҳ», «Ватан сурати», «Ой қизлар»... каби шеърӣй мажмуалари нашр этилди, уч жилдлик «Сайланма» асарлари ўқувчилар қўлига етиб борди.

Шеър — шоир ҳаётининг тавсифи. Бу айниқса, Тўлан Низомга хосдир. У илҳомни олислардан, ўзи кўрмаган, эшитмаган томонлардан изламайди, у «ёнидан оққан сув»нинг қадрига етадиган шоир. Фақат ўзи кўриб, ҳис этган воқеалар, нарсалар, билган одамлар ҳақида қалам тебратади. У шеърнинг ҳолат сурати эканлигини яхши билади. Чиндан ҳам шеър бизга ҳолатни ифода этиб берсин, суратини чизиб берсин. Биз шеърдан жуда катта фикр ҳам кутмаймиз, агар бизга доно фикрлар керак бўлса, улар жаҳоннинг зукко донишмандлари китобларида исталганча топилгуси. Қарийб барча фикрлар айтилган ҳам. Немис шоири ва шеършуноси Иоганнес Бехерда шундай бир мулоҳаза бор эди. Унга кўра, Ҳомернинг «Илиада», «Одиссея» асарларида ҳамма нарса ҳақида ҳам айтиб кетилган, лекин умумий қилиб айтилган, алоҳида-алоҳида айтиш имкони эса ҳали-ҳануз бор... «Алоҳида-алоҳида айтиш» — демак, шоирнинг қаҳрамоннинг бугунги ҳолатини, руҳият ҳолатини чизиб бериш, суратини солиш лозим. Тўлан Низом ижодида ана шундай ҳолат суратини чизишнинг ажойиб намуналари бор:

*Аҳгга гувоҳ — сокин кўчалар,  
Бир севгидан оқин кўчалар...*

«Йиллар ўтди қиё боқмасдан...» деб бошлангувчи шеърдан олинган ушбу икки мисра замирида жигарсўхта ошиқ йигитнинг ҳолати, руҳияти яшириндир. Йигит қизни яхши кўради, қиз ушбу сокин кўчада яшайди, уйи шундоқ кўча бўйида... қиз йигитга учрашиб туришга ваъда айлаган, бунга мана шу сокин кўча гувоҳ... Аммо ваъдасида турмаган ёлғончи қиз

учрашувга чиқмайди, ҳатто кўчада кўринмайди ҳам. Интиқ ошиқ йигит эса қизни кўрармикинман, деган илинжда сокин кўчани кезавериб оқин кўчага айлантириб юборади! Шоир юқоридаги гапларни шеърга солиб ўлтирмайди, балки ҳолатнинг авж нуқтасини айтиш билангина чекланади:

*Бир севгидан оқин кўчалар...*

Қуйидаги тўртликка эътибор беринг. Бу ажойиб тўртликда бор-йўғи саккизта сўз бор, уларнинг ҳам тўрттаси бир хил. Демак, асосан тўрт сўзга қурилган шеър. Шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу кам сўзлар воситасида у ҳолатнинг гўзал суратини чиза олган.

Бу ерда ошиқ билан маъшуқа ўртасидаги бир дostonга арзирлик воқеа-ҳодисани илғаб оламиз. Бағритошлик ва илтижо, қатъият ва умид, илинж... Икки ўртада нима кечди, шоир уларни таърифлаб ўлтирмайди, балки яна ҳолатнинг юқори нуқтасини олади, натижада шеър юксак маҳорат намунасига айланади:

*Дегинг: «Хайр!»*

*Дегим: «Тўхта?..»*

*Дегинг: «Нуқта!»*

*Дегим: «Сабр?..»*

Бу шеърларнинг ёзилганига элик йилдан ошиб кетди. Ижод йўли тахтиравон эмас, чақир-тошли йўл. Заҳматкаш шоир тин билмади, у мақталди, лекин ноҳақдан тошлар ҳам отилди, аммо у бўй бермади, «чеккада улғайган бир бўз боламан», деб қараб турмади, сабот билан изланишда давом этди. «Хайқиригим тегмасин тошга», дея улуғ умидлар баридан тутди. Оқибатда севги-муҳаббат ҳақида самимий шеърлар дунёга келди, улуғ зот Она ҳақида меҳрга лиммо-лим сатрлар яралди. Уларнинг кўпи таниқли хонандалар томонидан қўшиқ қилиб куйланиб келинади. Бу ҳам

шоирнинг, шеърнинг кучини кўрсатадиган жиҳатдир. Мумтоз шоирлар ғазалларига муҳаммаслар боғлади, бу ишни устозларнинг ижод сирларидан баҳраманд бўлиш, ўрганиш учун қилди. Бу ўринда шоирнинг Саъдий, Адиб Собир, Навоий, Фузулий, Бобур, Ҳусайний, Муқимий, Фурқат, Ҳазиний, Ҳабибий каби шоирлар ғазалларига эш қилган муҳаммасларини эслаб ўтиш кифоя.

Тўлан Низом ижодининг бир хусусияти шуки, у халқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаётини қаламга олиш ва уларнинг ҳориган руҳларини шодмон этишни юксак бурч, деб билади.

Бунинг улуғ савоб иш эканини ҳамиша ёдда тутди. Шоир Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан ниҳоятда фахрланади, у ҳақда қалам тебратишни жуда ёқтиради. «Бобур таваллоси» шеъри Бобур ҳақида умуман битилган шеърлар ичида алоҳида ажралиб туради. Бу ерда ҳам воқеа-ҳодиса таърифи берилмайди, балки юқорида айтилганидек, ҳолатнинг сурати чизилади. Биз она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган улуғ ўғлоннинг ўтинчу изтиробларини кўрамиз:

*Дил лиммо-лим сир қани, сирдош қани,  
Бирман деган бир қани, бирдош қани?*

*Қонга тўлдим, шеър қани, шеърдош қани,  
Қайга борай, ер қани, ердош қани?*

*Хунҳор қани, зўр қани, зўрдош қани,  
Менки ўлдим, гўр қани, гўрдош қани?*

*Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани,  
Бошни ёрган ул қани, ул тош қани?*

*Хокисорман, қон қани, қондош қани,  
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?*

Шеърда бир неча янги сўз кашф қилинган: «бирдош», «шеърдош», «зўрдош», «гулдош»...

Тўлан Низом адабиётимизда дoston жанрида салмоқли ишларни амалга ошириб келаётган шоир. У ўттизга яқин ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзига хос дostonлар шодасини яратди, айримларининг жанрини «лирик қисса» деб белгилади. Улар адабиётимизга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Шуни айтиш керакки, ҳали бу дostonлар тўлатўкис ўз баҳосини олиб улгургани йўқ.

Шоирнинг дostonларини тақдир қиссалари деса бўлади. Бевақт кетган умр йўлдоши Ҳикматойга бағишланган «Гиря», шоирлар ҳаётини таърифловчи «Бобур», «Руҳи равоним», «Ботмай қолган ой», «Оқ гул», истиқлолимизни шарафловчи «Ҳумо», «Темир йўл», «Довон», «Пўлат белбоғ» каби дostonлар, шеъриятимизга янгича, ўзига хос оҳанглар бахшида этди, танқидчилигимиз эътирофига сазовор бўлди.

Тўлан Миртемирнинг «Сурат» лирик қиссасини жуда яхши кўради. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ушбу лирик қиссасида қаҳрамоннинг ўз-ўзига дил изҳорини монологлар тарзида бериш йўлидан борган, бирон воқеа ёки сюжетни ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Воқеа-сюжет ўша монологлар замирида, туйғулар қатида пинҳон ётарди.

Тўлан Низом дostonларида ҳам сюжет бўлавермайди, улар гўё турли парчалардан иборат, турли вазнларда ёзилган шеърлардан ташкил топгандек туюлади.

Лекин улар бирлашганларида ажойиб манзарани вужудга келтирадилар.

Бу маънода улар бамисоли мозаик паннога монанд — яқиндан қарасангиз алоҳида-алоҳида бўлак, парчалардан иборат, унинг устига бу парчалар ранглари ҳам турлича.

Лекин узоқдан қарасангиз, парчалар бир-бирини тўлдириб, турли ранглар ҳам бир-бирига қуйилиб кетади, яхлит сурат намоён бўлади.

Буюк ўзбек шоири ва адиби, исми жисмига мос адабиётимизнинг чақноқ юлдузларидан бири — Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаёти, фожиали қисмати ҳақида ҳали кўплаб асарлар битилади, бунга шубҳа йўқ.

Ҳар бир авлод бу ҳақда ўз сўзини айтишга ҳаракат қилади. Назаримда, бизнинг авлод бу хусусида ўз сўзини айта олди.

Бу — Тўлан Низомнинг «Чўлпон» деб номланган ўтли достони. Юқорида айтилганидек, дoston мозаик усулда ёзилган: ҳар бир боб турли вазнларда битилган шеърлар каби, Чўлпон ҳаётида юз берган ҳолатлар суратидан иборат... Тўлан Низом достонида Чўлпон оҳангларидан ўринли фойдаланилади, натижада машҳур шеърлар сатрлари дostonга едириб юборилади.

«Зилзила» бобида Чўлпоннинг болалиги тасвирланар экан. Андижонда юз берган зилзила ҳақида сўз кетади:

*Ер чўкди, дил чўкди, одамлар чўкди,  
Бу қандай қора кун, ўсди мозорлар.  
Дуркун авлодларни тутгайин тўкди,  
Тирикларга қолди ғамлар, озорлар...*

Бу бало-офат тасвири дostonга бежиз киритилмаган. У ўзбек халқи, маданияти, адабиёти осмонидаги ваҳшат қалдироқлари, не-не «авлодларни тутдайин тўккан» 1937 йилнинг даҳшатли «зилзила»лари рамзи сифатида намоён бўлади. Андижон зилзиласида гачирлаб қулаган ҳужрада омон қолган Абдулҳамид болакай, 1937 йил зилзиласида забардаст адиб Чўлпон бўлиб ҳалокатга йўлиқди... Дostonнинг энг мукамал бобларидан «Ўқ овози»даги:

*«Ўзбекистон, шоир ўғлинг —  
Чўлпонингга ким ўқ узди.  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди!...»*

сатрлари отилган ўқдай узоқ вақт қулоқларимиз остида жаранг бериб туради.

Шоир, Чўлпон мавзусига қайтиб, «Чўлпон» драмасини яратди. Драма Андижон, Ўш ва Туркия театрлари саҳналарида муваффақият билан томошабинларга ҳавола қилинди, улуғ шоир таваллудининг юз йиллигига муносиб тўхфалар қаторидан жой олди. «Чўлпон» достони асосида аввалроқ суратга олинган видеофильм эса Ўзбекистон ойнаи жаҳонида мунтазам намойиш этиб келинади.

Тўлан Низом кейинги йилларда узоқ изланишлар олиб бориб, «Сўзга айланган қилич» шеърый романини яратди.

Асар тарихимизнинг ёритилмаган саҳифалари — машҳур муаррих ва арбоб Мирзо Муҳаммад Ҳайдар даври ва ҳаётига бағишланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шоирнинг «Ватан сурати» китобига ёзган сўнг сўзида Тўлан Низом шеъриятига батафсил тўхталгач, дostonлари хусусида шундай дейди: «Уларнинг марказида, — деб ёзади олим, — шоир танлаб олган бирон шахснинг сиймоси туради-да, муаллиф унга нисбатан ўз муносабатини ифодалайди ва шу йўл билан қаҳрамоннинг руҳий портретини чизади. Бу дostonларда ҳам биз инсон ҳаётининг мазмуни, унинг меҳнати, инсон бахти, кураши, ижоди ва айниқса, инсон бахтининг мушкуллиги, инсон ва ижодкор тақдирининг ҳамиша, ҳамма замонларда оғир кечиши ҳақидаги теран ўйлар билан танишамиз...

Бу дostonларнинг яна бир муштарак томони бор — уларнинг барчаси ҳам муваффақиятли чиққан ва юксак бадий фазилатларга эга.

Шунинг учун ҳам улар китобхонлар ўртасида қисқа муддатда ҳурмат ва эътибор қозонди...» Улкан олимимиз фикрига қўшилмай илож йўқ.

Мен Тўлан Низомнинг ҳамиша ўзи-ўзидан қониқмаслик ҳисси билан яшаётганини, тин билмай изла-

ини азобларидан роҳатланиб ҳаёт кечираётганини кузатиб келаман.

У яқинда халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов ҳаётига бағишланган «Шароф ота» лирик қиссасига нуқта қўйди. Айни пайтда «Қишлоқ боласи» деган янги достонини битирди. Ўзининг саксон йиллик тўйини нишонлаётган заҳматкаш шоирнинг болалик дамларини қўмсаши, албатта, табиий бир ҳолдир.

Тўлан Низомнинг халқимиз, адабиётимиз олдидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. У Ўзбекистон халқ шоири, «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шухрати» орденлари соҳиби.

Шоир қайноқ ижод оғушида. Катта ижодий ниятлар уни тинч қўймайди. Ўз шеърларидан бирида у «Мен Ватаним юрагини чизаман», деган сўзларни ёзган эди. Шоир ўз аҳдига қоим, «Соғ қалбини ҳар куни тилиб», ўша қутлуғ ниятда қўлига қалам олади.

Ватан юрагини сўз билан чизмоқ шоирнинг тўқис бахтидир.







## Шоирнинг сози тинмайди

Адабиёт, бадий адабиёт халқнинг руҳий олами-ни, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантира олишга, қаноатлантиришга қодир буюк бир санъат. У инсоннинг касбидан қатъий назар, каттадан-кичик барчага баробар бирдай азиз ҳисобланадиган неъматдир. Зеро, у — кўнгил фани. Кўнгиллар рўшноси ўшандандир.

Мақоламизда оташин ва ёлқинли шоир Муҳаммад Юсуф — ҳар қанча иззат-икром кўрсатилса арзийдиган сўз санъаткори ҳақида сўз боради.

Ўзбекнинг замини бебаҳо ва дунёда ўхшаши топилмас ўлка. Унинг замини пок, ҳавоси тоза, осмони мусаффо, одамлари оқкўнгил, танти. Бу заминда туғилган одамнинг шеър ёзмай иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам, ўзбек халқининг юз бўлмаса ҳам, нақ тўқсон беш фоизи шеър ёзади, қалам тебратади. Бу аксиома. Бу халқнинг Лутфий ва Навоий, Бобур ва Нодира, Машраб ва Огаҳий, Чўлпон ва Ойбек, Фафур Фулом ва Зулфия, Миртемир ва Усмон Носир, Абдулла Ориф ва Эркин Воҳид сингари ҳар бири дунёга татирлик шоирлари бор. Бундай заминда шоир бўлиш осон иш эмас.

Лекин бир ҳикмат ҳам бор: Ўзбекистон замини сеҳрли, фазилатларга бой. У ўз фарзандларига кучқувват бераверади, шижоатлар ато этаверади, кўнгилларга илҳомлар солаверади, шоирлар туғилаверади, ўтли шоирлар етишаверади. Ўтли шоирлар!

Муҳаммад Юсуф ана шундай она Заминини суйган ўтли шоирлардан бири эди. У шу тупроқда туғил-

ди, шу тупроқни севди, шу тупроққа жонини фидо қилди. Андижоннинг танти ва жўмард ўғлонларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз шеърларини куйлаб ёзар эди, унинг шеърлари мусиқадай қуйилиб келар, ҳали сиёҳи қуримай қўшиқ бўлиб кетарди. Қўшиқлари шунчалар самимий ва табиий эдики, ўз-ўзингдан хиргойи қилиб юборганингни билмай қолардинг киши. У чинакам халқ шоири, мустақиллик учун курашган ижодкорлардан биридир. Ўзбек, миллат, Ватан, озодлик, ўзбеклик ғурури, улуғ боболарга во-рислик туйғуси унинг шеърларида гупириб туради. Шеърлар номига эътибор беринг: «Ўзбекистон», «Ўзбек», «Ўзбекнинг аёллари», «Ўзбекмомо», «Ўзбек кизлари», «Ватан», «Ватан мадҳи», «Ватан яғонасан», «Ватанни севинг», «Менинг Ватаним»...

*Зиё оққан мен юрган йўл-йўлакка,  
Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.  
Дунёларни ўрантирган упакка,  
Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман! —*

деб ёзади шоир ғурур билан «Ўзбекман» номли шеърида.

Шоир кам гапирарди, кўпроқ эшитарди, ўз-ўзини бўрттириб кўрсатиш касалидан мутлоқ йироқ, самимий инсон эди, шу сабабдан ҳам ҳамиша шеърият мухлислари унинг атрофида парвона бўлардилар.

Ёдимда қолган бир ҳодисани айтай. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирлари эди чамаси, Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлди. Қорачадан келган бир йигитча минбарга чиқиб, таниқли шоирлар қаторида шеър ўқиди, ўқиди-ю улоқни олиб кетгани билинди! Бу ёш шоир Муҳаммад Юсуф эди, унинг шеъри дўшпага бағишланганди. «Бош қолмади дўшпага лойиқ» сатрини келтирганда, зал олқишларга тўлди. Назокат билан айтилган, чуқур рамзий маънога эга бу шеър ўзбекликни, ўзбекни улуғловчи, ғуруримизни юксакка кўтарувчи тимсол сифатида жаранглаганди. Ҳа, шоир

дўппига лойиқ одамлар бўлишини, шуларнинг сафида шахдам юришни орзу қилди. Ўз шеъридан қиёс келтириб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф халқимизнинг «дўппига лойиқ бош»ларидан — инсонларидан бири бўлиб камолга етди.

Муҳаммад Юсуф шеърятининг энг олий фазилати, фикримча, бу унинг соф ва пок самимиятида мужассамдир. Самимият, халқона руҳ унинг шеърларини жилолантириб, безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Энг яхши фазилатларидан яна бири — лоқайдликдан йироқлик, ҳаётга бефарқ эмаслик. Куйканак кўнгил, аммо йиғлоқилик, қўл қовуштириб тақдирга тан бериб ўлтириш унга ёт. У кўрган, завқланган ёки нафратланган нарсасини дарҳол ифодалашга интилади, қўлига қалам олади. Ижодининг тематикаси ҳам кенг. Шоир Бобораҳим Машраб («Шоҳ Машрабни қучгим келур» — дейди «Менга беринг» шеъриси), Махтумқули, Роберт Бёрнс, Сергей Есенин каби шоирларнинг асарларини севиб ўқирди, ўрганарди. Табиийки, унинг ижодида шундай шоирлар оҳанглари сезилади. Бу мақбул ҳодиса, деб қаралиши керак.

Шоир ижодида бўй чўзиб турган муҳташам образ — бу, албатта, Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Унинг Ватанга муҳаббати жуда ғаройиб... «Ватанни ғаройиб ишқ-ла севаман» — деб ёзган эди рус шоири Михаил Лермонтов. Муҳаммад Юсуф «юрагининг Олампаҳоҳи бўлган» Ватан ҳақида ҳамиша жўшиб ёзади. У том маънода Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат — Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат:

*Дўстлар, оғиз тўлдириб, Ватан —  
Дея олмоқ ўзи бахт экан! —*

дея ҳайқиради «Хур ўлкам» шеърисида. Бу ёруғ оламнинг жаннатлари борлигини, кўплигини айтиб, аммо

Ватандан бўлаги бари миннат эканини таъкидлайди. Бунда теран фалсафа мужассам. Ватан, бу — «той қоқилиб, от бўлгувчи яйловдир», — дейди. «Юртнинг этагини ўпишга (ҳатто! — М.А.) осмон энгашган...», — ганини кўриб ғурурланади шоир. Бу Ватанда «кулги-чида офтоб чиқиб, офтоб ботган» гўзаллар яшайди, — дея шавқу сурурга тўлади шоир қалби. «Зоҳиринг сувдай тиниқ, ботининг зарбулмасал...», — дея васф этади «Ҳайрат» шеърида. «Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш...», — дея мақтанади.

«Изҳори дил» шеърида шундай сатрлар бор:

*Кўҳна тол бешикдан  
Бошланар олам,  
Сенга идгаолар  
Қилмай севаман.  
Бир кун синглим, деб,  
Бир кун онам, —  
Ватан,  
Кимлигингни  
Билмай севаман.*

Шоирнинг Ватанга муҳаббатининг фаройиблиги, худди ана шунда, яъни: «...идгаолар қилмай севаман!» — дейишида! Бу, айниқса, ёшлар учун катта ибрат намунасидир.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг хусусиятларидан бири унинг мавзуни ўйлаб чиқармаслигида, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан олишида кўринади. Шоир учун мавзунинг катта-кичиги йўқ, ҳар қандай мавзуда маҳорат кўрсатиб зарур хулоса чиқара олади. Бир кун уйига қайтаётиб, шоир бир чирқиллаб ётган қарғанинг дарахтда оёғи айри новдага илиниб осилиб қолганини кўради.

Атрофга одамлар йиғилади. Лекин дарахтга чиқиб қушни қутқариб олишга бир ёш бола керак, аммо у топилмайди. Хуллас, қуш ҳолдан тояди, ҳамма уй-уйига кириб кетади... Шоир эрталаб туриб қараса,

қарға жойида йўқ, қузғунлар қушни қутқариб олиб кетишибди!

*Бошга кулфат тушган кунда шеригин  
Ташлаб кетмас экан қузғунлар ҳатто! —*

деган ҳаётий хулоса ясайди шоир, унинг тагида бе-оқибат инсонларга шама борлиги шундоққина кўри-ниб турибди.

«Кўкламойим» деб табиатни эркалайди, ўзини табиатга жуда яқин олади, кейин «Кўкингдан бер бир чимдим...» — дея эркаланиб қўяди ҳам. «Ўзим қўчқор шоирман», — дейди «Оқ қўчқор» шеърида тантилик, чапанилик қилиб. Умуман, шоирнинг «Қарға», «Мунчок», «Қалдирғоч», «Оқ қўчқор», «Чўлоқ турна», «Жайрон», «Эрка кийик» номли бир қатор шеърлари тилзабонсиз жониворларга меҳр, табиатга муҳаббат туйғулари билан суғорилганини кўрамыз.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг яна бир фазилати унинг соддалигидадир. У ўз шеърлари учун ҳар хил шакллар ҳам қидириб юрмайди, халқ қўшиқлари йўлида, гоҳида мураббаа шаклида қалам тебратишни хуш кўради.

Шунда шеърлар қоғозга равон ва содда тушади, маъносини тушуниш ҳам осон кечади. Чунончи, «Ўзбек» шеърида шундай сатрлар бор:

*Ёмон шеър ёзсанг ҳам, бетингдан ўпиб,  
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек...*

Бунда ўзбекнинг кенгфезл, кечиримли, танти ва жўмардлиги жуда чиройли акс этирилган. Ёки «Анджон» номли шеърида шоир ёзади:

*Бобурга илинсанг, менга қовун сўй,  
Чўлпонни соғинсанг, мени қучоқла...*

Мана шу, содда сатрларда оддий сўзлар билан шоир бутун тарихни ифодалаб беришга эришади. Хаёлимиз ўз-ўзидан Анджоннинг фарзандлари тақдирига

кечади, олис тарих йилларига бориб уланади... Бу шоир маҳоратидан хабар беради. Шоир ижодида бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Умуман, шоир шеъриятида халқимизга хос ҳаёт-севарлик, деҳқонча руҳ, тантилиқ, чапанилик, шарқона донишмандлик, соддалиқ, майин лиризм, шўхлик каби хислатлар бир-бирига омухта бўлиб ранго-ранг манзаралар ҳосил қилади.

Мустақиллигимизни баланд пардаларда куйлаган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шарафли умр кечирди. Бугун шоирнинг «Лолақизгалдоқ», «Иқрор», «Муҳаммадқодир», «Мен дардимни кимга айтаман», «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Биз бахтли бўламиз», «Ўзбекман», «Дўппи» сингари ва яна кўп илиги тўқ, мукамал, оҳанрабоси кучли гўзал шеърлари шеъриятимиз саройини безаб турибди.

Ҳикматли шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган «Лолақизгалдоқ» шеърисида шоир:

*Мендан нима қолар,  
Икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
Бир уюм тупроқ... —*

деган сатрларни келтиради.

Йўқ, шоирдан бир уюм тупроқ эмас, катта маънавий хазина, гўзал шеърят, Ватанга садоқат, она халқига ихлос, ҳаётга мангулик муҳаббат қолди...

Кечагина ёнимизда яшаб юриб, бугун тирик тарихга айланган оташин шоир ҳамиша биз билан, халқ билан, Ватани билан бирга, эл ардоғида, ўқувчилар қалбида.

Ҳа, шоирнинг сози тинмайди...



---



---

### «Кўнгиллар ноласи...»

Ўзбек мумтоз шеърляти сирларга тўла бир оламдир, бу оламнинг тагига етдим деган киши хатога йўл қўяди.

Бу бепоён осмонни қучмоққа уриниш билан баробардир. Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим айтилган фикр, яъни хусусий фикр бўлиб қолаверади.

У бизга ёқиши мумкин, ёқмаслиги мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеърлятимиз, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилноқ зарурдир, бу мураккаб, аммо мақбул ишдир.

Алишер Навоий ғазалларида ҳамиша коса, косанинг тагида нимкоса, балки нимкосачалар мавжуд бўлади.

Биз, албатта, ҳоли қудрат илғганимизни илғаймиз. «Кўнгиллар ноласи...» деб бошлангувчи ғазалнинг тепасига шоир: «Чим» ҳарфининг чобукларининг чехра кушойиши «Ғаройиб»дин» деган сўзларни ёзиб қўйган.

Бу ғазалнинг «Ғаройибус сиғар» девонига мансублигини билдиради. Ҳазаж баҳри шуъбасида ёзилган ушбу ғазал жуда кўп фазилатларга эга. У аниқ бир мавзуга бағишланмаган, у ҳаёт ҳақида, умуман... Байтнинг биринчи сатрида айтилган фикрнинг исботи учун иккинчи сатрда бир ажойиб образ келтирилади.

Келтирилган образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбих, ўхшатиш бир — бирига мос, мақбул...

Биринчи байт, матлаъга эътибор беринг:

*Кўнгиллар ноласи зулфунг*

*камандин ногаҳон кўргач,*

*Эрур андоққи,*

*қушлар қичқиршқайлар йилон кўргач.*

Мутаносибликлар: кўнгил — қуш, нола — қичқир-рик, зулф — илон, кўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш кўради, нола аслан ҳам қичқирикдир, зулфнинг эса илонга ўхшашлиги аён.

Мумтоз шеъриятда бир сўз фақат бир маънони билдирмайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида ним-косаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда «кўнгил — қуш» дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, «зулф», тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли беқарор-лик рамзи.

Шу важдан ҳам у илонга ўхшатишмоқда, илон эса ҳамиша беқарордир, ҳамиша ўзгариб туради. «Каманд» — тузоқ, кўнгилларни илинтирувчи тузоқ, банд деганидир. Шуларга кўра, байтдаги «коса» ушбудир: кўнгиллар зулфунг ҳалқасини кўргач, бамисли илон олдида турган қушларнинг қичқирганларидай нола-лар айлайди. Биз иллаган «нимкоса»: Киши бу олам-нинг беқарорлигидан азоб тортади, унинг тузоқла-ридан нола чекади. Иккинчи сатрдаги «қуш», — энди қуш эмас, — одам, қичқирик оҳ, — фарёддир, илон эса бу оламнинг бало-қазолари тимсолидир.

*Кўнгил чокин кўзумда ашки рангин*

*элга фош этди,*

*Балиғ захмини фаҳм айларлар*

*эл дарёда қон кўргач, —*

каби сатрларни ўқиймиз иккинчи байтда. Одатда, ҳар бир байтнинг ўз «умри», ўз «ташвиш»лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштарақлик бирлаштириб туради. Ҳазални таъ-бир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим ке-



лади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоқе, «байт» сўзининг бир маъноси уй ҳам демақдир. Бу ерда ҳам шундоқ.

Ҳажрингда кўнглим чок-чокидан сўкилиб кетди, буни кўзимдан оққан рангин ёшларимдан ҳам билса бўлади — фош этиб турибди. Ахир, дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганини тез фаҳмлаб оладилар.

Кўнгил — балиғ, чок — захм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаш, кўздаги ашк — дарёдаги қон, фош этмоқ — фаҳм айламоқ бир-бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим-ку қонли ёш тўкмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин?

Ахир, ерда сайд (ов қилинган қуш, илвасин ва ҳоказо) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарров англаб оладилар-да.

*Бўёлғон қон аро жон пардаси*

*етгач ғам ҳажринг,*

*Кўнгил боғида баргедурки,*

*ол ўлмиш хазон кўргач...*

...Ғами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғаниб бўлди, боғдаги барг ҳам хазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобиқ (параллел)лар: жон пардаси — барг, ғами ҳажр — хазон фасли, бўялмоқ — ол ўлмоқ, «Кўнгил» сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони етказган захм-жароҳатни кўз ёшларим юваётир, бу, худди болаларнинг қуш уясини кўриб жиш полопонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи — ошён, балолар — қуш болалари (тажнис кўриниши), кўз ёшлар — болалар мутобиқлари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёрқин, тиниқ манзара чизилади: кўнгиллар нақдини талон-торож этмоқ

учун юзларингга бурқаъ (парда) ташлаб олибсан, ҳа-ҳа, қароқчи ҳам карвонга ташланиш олдидан юз-кўзларига ниқоб кийиб олади...

Биринчи сатрдаги мавҳум тасвир иккинчи сатрдаги ажойиб образ билан катта ҳаётий манзара касб этади.

*Юзин зулф ичра то кўрдим,  
ўлиб васлига етмасмен,  
Фалат эрмиш юз урмоқ,  
кеча ўтни ҳар қаён кўргач.*

Шоҳбайтлардан бири! Байтдаги «коса» зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса қай бирига юз уриб борурсен?.. «Нимкоса» тасаввуфга кўра, юз — бу, ҳокими мутлақ, ҳақ таоло тимсоли, зулф — беқарор ўзгарувчан олам, зулмат...

Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмаслигим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ, қўрқинчли ва хатодир, куйдириб кул қилади... Байтда «зулф — кеча» мутобиғи, «юзин — юз урмоқ» аллитерацияси ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундоқдир. Биз турли бир-бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик.

Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайдлар, куз фасли келганда боғлардаги баргларнинг қизара бошлаши, қуш уясидан жиш полопонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган саҳройи қароқчилар, тун-кечада ҳар қаённи тугиб кетган гулхан, оловлар... Ранг-баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда уч-

ратганмиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсирланганмиз. Улар таниш, аммо шоирнинг сеҳрли қалами остида бизга янги бўлиб туюладилар.

Юқоридаги тасвирлардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт қўйнида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида шундоқ хулоса ясайди:

*Эрур чун олам ичра жоҳ  
фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла,  
ўзунгни комрон кўргач.*

....Ўзинг бахт — саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод-мақсадга етишишига саъй-ҳаракат кўргиз, билгилким, бойлик, давлат ўткинчидир (фонийдир), яхши от эса боқийдир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил...

Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, беқарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тағмотида. Ҳазалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Ҳазалга нуқта қўйишдан аввал юқоридаги саккиз байтга кўз югуртирган шоир равон оҳанг, гўзал ташбиҳлар, шеъринг санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб, бир лаҳза ғурурли хаёлга берилади, катта кетади:

*Навоий, хурдаи назмингни  
андоқ айлагинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра  
шоҳи хурдагон кўргач!*

....Эй Навоий, сен шеърингга сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Бу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда — сир, яширин сир: хурда — зар, олтин резалари, хурда-

дон — нозик нарсаларни билгувчи, ўткир заковатли киши маъносида англашилади.

Шоирнинг катта кетганича ҳам бор. Биргина ғазалда етти хил образ ишлатилиб, еттита бир-бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан хуб фойдалана олган улуғ Алишернинг бошидан ҳар қанча зар сочсалар арзийди.



---



---

## Бир сўзнинг ҳар хил ўқилиши

Алишер Навоий асарларини ўқиш, тўғри ўқиш, мазмунини рост англаш матншунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки бир сўз янглиш ўқилса, бутун маъно ўзгариб кетиши маълум нарса.

Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидаги бир байт ҳар гал мени ҳайрон қолдирар эди. Достоннинг 191-бобида шундай байт бор:

*Шеър ҳар синфинки қилдим ибтидо,  
Турк алфози била топти адо...<sup>1</sup>*

Байтдаги «синф» сўзи гўё четдан аралашиб қолгандай туюлади. Шуни айтиш лозимки, улуғ шоирнинг 1996 йилда интернетга жойлаштирилган. «Мукамал асарлар тўплами»да (Ўн иккинчи том. «Лисон ут-тайр») ҳам, 2011 йилда нашр этилган ўн томлик тўла асарлар (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи) тўпламида ҳам байт шу ҳолда келтирилган. Биз сўнгги нашрларни олдиқ холос. Авалгиларида ҳам байтнинг шундоқ ҳолда келганлиги кишида шубҳа уйғотмайди.

«Синф» сўзи арабча, хил, нав, тоифа, бўлинма маъноларида келади. «Шеър синфи» деб қабул қилинса, унинг қандай хили, нави, тоифаси бўлиши мумкин? Умуман, шундай ибора бўлиши мумкинми ўзи? Шу сабабдан ҳам, бу ерда мантиқсизлик рўй бермоқ-

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. — Т.:, 1996. Лисон ут-тайр. 298-бет.

да. «Ҳар» сўзи эса бегонадай ўзини ўнғайсиз сезиб турибди. Иккинчи сатр ҳам («топти адо») улуғ шоирга номуносиб даражада шукуҳсиз...

Юқоридаги байт «Лисон ут-тайр» достонининг насрий баёнида шундай табдил қилинган: «*Шеърнинг қайси бир турида (яъни, синф) асар ёзган бўлсам, улар туркий тилда ниҳоясига етар эди...*»<sup>1</sup> Бу ерда ҳам юқоридагидек ҳол юз бергани кўриниб турибди.

Шундан сўнг, таниқли шарқшунос олим Е.Э. Бертельснинг «Навоий ва Аттор» мақоласини қўлга олдим ва унда мени қизиқтирган саволга жавоб топишга уриндим. Олим Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонларини муқояса қилиб, Навоийнинг асари, гарчи шоирнинг ўзи дoston ҳақида «*Таржума расми била ёзсам варақ*» деган бўлса ҳам, оригинал асар эканлиги, икки асар ўртасида ўхшашликлар камлиги, чунончи, Алишер Навоий ўз достонида 63 та нақл келтириб, шундан 12 тасигина Фаридиддин Атторга тегишлилигини, қолган 51 таси мутлақо янгилигини аниқлайди.

Юқорида келтирганимиз 191-боб 27 байтдан иборат, олим биринчи ва охирги икки байтдан ташқари 24 байтни таҳлил учун олади ва ўз тадқиқотига киритади. Энг муҳими, матнни аслиятда беради ва унга русча тағлама илова қилади. Фойдаланган манбалари Осиё музейида сақланаётган уч қўлёзмадан иборат бўлиб, а 290-сонли қўлёзма тўлиқроқ ва аниқроқ ҳисобланганидан, олим шуни асос қилиб олади.

Юқорида бизни ўйлантирган байт, Е.Э. Бертельсда қуйидаги кўринишга эга эди:

*Шеър санъатин ки қилдим ибтидо,  
Турк алфози била қилдим адо.*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Насрий баён. — Т.:, 1984. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 181-бет.

Бу ерда «синфинки» эмас, балки «санъатин ки» деб ўқилиши лозим экан! «Ҳар» сўзи эса Осиё музейидаги қўлёзмада умуман йўқ... Феъл сўзи биринчи қаторда биринчи шахс мақомида («қилдим») берилса, иккинчида ҳам шунга мос бўлмоғи лозимлиги табиий.

Русча тағлама ҳам буни тасдиқлаб турибди:

*Когда я приступил к искусству стиха,  
Я выполнял (их) турецкими стихами.<sup>1</sup>*

(Е.Э. Бертельс тағламаси)

Яна давом этамиз. Олинган матннинг тўртинчи байти:

*Сафҳа дебосию (?) назм иншосигур,  
Ким тахаллус нозими тамғосигур.*

«Сафҳа дебоси» дейилиши, албатта, ўқувчини таажжубга солади. Бунда мантиқсизлик юзага келган. Дебо — либос, нозик ва нафис нақшлар солиб тўқилган ипак мато... Осиё музейи қўлёзмасида эса бундай битилган:

*Сафҳа зебосию назм иншосигур,  
Ким тахаллус нозими тамғосигур.*

Қиёс қилинг:

Сочинение стихов — разукращенная страница его... (тағлама)

Нашрга таёрловчилар байтларнинг мазмунига синчковлик билан қарасалар, хатони топишлари осон эди-ку, деб ўйлаб қоласан киши.

Шоир олтинчи байтда форсийда ёзган Саъдий, Низомий, Хисрав (Дехлавий), Жомий назмларини шарафларкан, ёзади:

<sup>1</sup> Е.Э. Бертельс. Избранные труды. — М., изд-во «Наука», 1965. Стр. 385

*Форсий назм ичра чун сурдум қалам,  
Назмнинг ҳар санъатин қилдим рақам.*

(Айтиш керакки, «санъатин» сўзи, бу ерда ҳам синфини, деб ўқилган). Бизнинг нашрларда бу байт ўнинчи ўринда берилган, Осиё музейи қўлёзмасида эса еттинчи байт бўлиб турибди. Бу мантиқан тўғри. Шоир, мен форсийда ҳам санъатлар кўргиздим, аммо турк алфозида битганларим ўзгача, дейди:

*Менки турк алфозига айлаб шуруъ,  
Назм топти табъу килкимган фуруф.*

Бизнинг нашрларда «фуруф» (ялтираш, ёруғлик, равшанлик, шуъла, нур) сўзи негадир нурсиз «вуқуъ» (воқе бўлиш) ибораси билан алмаштирилган. 1996 йилги нашрда, (интернетда ҳам) «ихтитом» (тамом, маъносида) сўзи «ихтимом»(?) бўлиб кетган. Аммо шоирнинг 2011 йилда нашр этилган ўн томлик тўла асарлар (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи) тўпламида бу хато тузатилганини, яъни «ихтитом» тарзида берилганини айтиб ўтиш жоиз.

Биз бор-йўғи 24 байтни кўриб чиқдик холос.

Алишер Навоий асарларининг қайта-қайта нашр этилаётгани жуда қувончли ҳодисадир. Лекин қайта нашр этишда нашрга тайёрловчилар, масъул муҳаррирлар ва ноширлар бутун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари, крилл алифбосида босилган китобларни шундоққина кўчириб қўяқолмасдан, асил матнга мурожаат қилиб, синчковлик билан назардан ўтказиб, кейин босмага тавсия этишлари лозим. Зеро, улус бобомиз, Алишер Навоий руҳлари олдида ҳам, ўқувчиларимиз олдида ҳам хижолат бўлиб қолиш мутлақо номуносиб ишдир.







## Француз тарихчисининг Амир Темур ҳақидаги асари

Амир Темур қаламига мансуб «Темур тузуклари» нинг (форсча матндан) француз тилига таржимони Л. Ланглэ мазкур асардан руҳланиб Соҳибқирон ҳаётига бағишлаб «Темур ҳаёти» номли китоб ёзган ва уни 1787 йилда Парижда нашр эттирган эди. Китоб кейинчалик, 1890 йилда Тошкентда рус тилига ўгирилиб «Ака-ука Лорцевлар» босмохонасида чоп қилинди.<sup>1</sup>

Таржимон Н. Суворов китобга «Таржимондан», «Таржимон сўзбошиси» номли унча катта бўлмаган мақолалар ҳамда «Таржимон изоҳи»ни ҳавола этган. Таржимоннинг Амир Темур даврига хийлагина қизиқиши борлиги мақолаларидан, ҳатто Герман Вамберининг «Бухоро тарихи» асаридан Амир Темурга оид бобларни таржима қилиб ушбу китобга қўшиб чиқарганидан ҳам кўриниб турибди.

Китобда Амир Темурнинг портрети берилган, муаллиф Л. Ланглэ фикрича, бу Европада Соҳибқироннинг бирдан-бир ҳақиқий портрети ҳисобланади.

«Темур ҳаёти» китоби содда тилда илмий-оммабоп йўсинда, ҳикоя тарзида ёзилган, ўқувчини зериқтирмайди.

Муаллиф Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини аслиятда ўқиган, ҳамда шу асарнинг Пети де Ла Круа томонидан 1722 йилда француз тилига, Ж. Дарбининг 1723 йилда инглиз тилига қилган тар-

---

<sup>1</sup> Лангле Л. Жизнь Тимура. // Сочинения/ Перевод с французского Н. Суворова. — Т.: Типография Лорцевых. 1890.

жималарини мутолаа қилган. Шунингдек, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1403—1406 йилларда Амир Темур саройига қилган саёҳати хотиралари, Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга бағишланган асари билан танишган. «Темур ҳаёти»да мазкур манбалардан бемалол баҳс юритилгани бизга юқоридагидек хулоса чиқариш ҳуқуқини беради.

Л. Ланглэ ўз китобида асосан Шарафиддин Али Яздий асарига суянади ва тарихчининг ишончли материаллар асосида иш кўрганини мамнуният билан таъкидлаб ўтади.

Рисолада Чингизхон ва Чигатой тарихидан қисқача ҳикоя қилингандан кейин Амир Темур «*Трансоксаниянинг Кеш шаҳри деворларига яқин ерда, Сабзда 1336 йил 7 майда туғилган*»<sup>1</sup> деган сўзларни ўқиймиз. Албатта, бу ерда хатолар бор.

Чунончи, Кеш билан Сабз аслида бир шаҳар, қолаверса, Амир Темурнинг туғилган куни 1336 йил 9 апрел деб аниқланган; муаллиф Амир Темурни она томонидан Чингизхонга боғланади, дейди, аммо бунини изоҳлаб бермайди; Амир Темурнинг набираси валиаҳд Муҳаммад Султонни 19 ёшда вафот этди, деган маълумотни келтиради. Ҳолбуки шаҳзода 27 ёшида бетобланиб оламдан ўтган эди; Мовароуннаҳр одамларини «тартар» (татар), юртни эса «Тартария» (Татария), Олтин Ўрдани «Буюк Тартария» (Татария) деб атайдди. Амир Темурни ҳам «тартар жаҳонгири» сифатида таърифлайди. Бу, албатта, тўғри эмас. Шуниси қизиқки, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридай ишончли манбада бундай гаплар учрамайди.

Умуман олганда, Л. Ланглэ Амир Темур даври воқеалари оқимини тўғри ва холис кузатади, айрим тарихчилар (масалан, Клавихо, Ибн Арабшоҳ) билан ўринли баҳсларга киришади.

<sup>1</sup> Лангле Л. ... Ст р. 3.

Амир Темур ва Йилдирим Боязид муносабатларининг тарихда турлича таърифланишига тўхталар экан, Л. Ланглэ Ибн Арабшоҳга жиддий эътироз билдиради. Унинг жангда асир тушган Боязидни «*қушдек қафасга солдилар*» деган фикрини ҳамда (гўё) Амир Темур базмида асир Султон Боязиднинг хотинлари жориялар ўрнида хизмат қилган, деб ёзганини қабиҳ тухмат, деб ҳисоблайди ва (Фарбда) кўп тарихчилар унинг нотўғри сўзларини кўчириб олиб тарқатиб юбордилар, дея афсусланади. «*Ушбу уйдирмалар жаноб Вольтер (1694–1778, буюк француз ёзувчиси, файласуфи, тарихчиси — М.А.) тарафидан «Миллатларнинг ҳолатлари ва одатлари ҳақида» асарига ҳақли равишда рағ этилган эди*»<sup>1</sup>, деб ёзади Л. Ланглэ.

Вольтер, умуман, Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар тарихидан яхши хабардор файласуф адиб эди. «*Улуғбекнинг буюклиги унинг қилган ишлари билан белгиланади, —* деб ёзади Вольтер. — *У Самарқандда биринчи Фанлар академиясини яратди, Ер куррасини ўрганди, коинот ва юлдузларни кашф этиб, машҳур жагвал тузди...*»<sup>2</sup>

Юқорида номи келтирилган Вольтер асарининг 3-томи (Л. Ланглэ далилни шу манбадан олади) Амир Темур ва Темурийлар ҳукмдорлиги даврлари, Самарқанднинг буюк пойтахтга айланиши, Мовароуннаҳрда олиб борилган сиёсат, Йилдирим Боязид билан бўлган жанглар ва ҳоказоларга бағишланган эди.

Ибн Арабшоҳни танқид қилар экан, Л. Ланглэ Амир Темур ҳақидаги бундай баҳсли нуқталарни фақат бир тарихчи, «Боязидга қарши жангларда ўз қаҳрамонини кузатиб борган ва тарихни ишончли манбалар, далиллар асосида ёзган Шарафиддин Али (Яздий)ги-

<sup>1</sup> Лангле Л. .... Стр. 33.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. — Т.: 2001. 497-бет.

на ҳал қила олади»,<sup>1</sup> — дейди (муаллиф бу ерда Шарафиддин Али Яздийни Амир Темур ҳақида илк «Зафарнома» асарини ёзган тарихчи Низомиддин Шомий билан янглиштирмоқда. Яздий у жангларни кўрмаган — М.А.).

Заҳматкаш француз тарихчиси ва таржимони Л. Ланглэнинг «Темур ҳаёти» китоби Темурнома саҳифаларини безаб турган нодир асарлардан бири бўлиб қолади.



<sup>1</sup> Л. Ланглэ. «Жизнь Тимура». — Т.:, 1890. Стр.33.



## Унутилмас хотиралар

Жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан бири, машҳур адиб ва ёзувчи, давлат арбоби Чингиз Айтматов Ўзбекистонда жуда катта ҳурмат, эъзоз, эътиборга сазовор сиймодир. Адиб таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича мухтарам Президентимизнинг қарори эълон қилингани маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа эканини таъкидлаш жоиз. Бу, умуман, адабиётимиз ривожига ҳаётбахш таъсир этадиган ҳодисадир.

Адиб ижодига бағишлаб кўпдан-кўп учрашувлар, анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Унинг асарлари нашр этилди, этилмоқда. Тошкент кўчаларидан бири унинг номи билан аталди.

Чингиз Айтматов кўп сонли ўзбек ўқувчилари томонидан севиб, ардоқлаб ўқиладиган ёзувчилардан бири. Унинг ҳар янги китоби чиқиши билан тез вақт ичида ўзбек тилига таржима қилинарди ва катта нусхаларда босиб чиқариларди.

Шундай паллаларда кишилар бир-бирлари билан кўришганларида: «Чингиз Айтматовнинг янги китобини ўқидингизми?» деб сўрашарди ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга шошилишарди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, адибнинг қарийб барча романлари, қиссалари ўзбек тилида нашр этилган. Чингиз Айтматов Ўзбекистоннинг ўз ёзувчисидай бўлиб қолган. Унинг асарлари ҳар бир ўзбек хонадонига бор десам, муболаға бўлмас.

Адибнинг ижоди ўзбек мактаби дарсликларига ҳам киритилган, улар ўқувчилар томонидан ўқиб-ўрга-

нилади. Масалан, 11-синф ўқувчилари учун чиқарилган «XX аср ўзбек адабиёти» (Т., 1995) мажмуа-хрестоматиясида «Асрга татигулик кун» романидан манқурт ҳақидаги машҳур парча берилган. Айрим асарлари эса саҳналаштириб ё, республика театрларида томошабинларга тақдим этилган. Бу жараён асло тўхтагани йўқ.

Чингиз Айтматов асарларининг Ўзбекистонда машҳур бўлишида ва ўқувчилар орасида кенг тарқалишида садоқат билан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш таржимон ва олим Асил Рашидовнинг номини алоҳида қайд этишни лозим топаман. Асил Рашидов Чингиз Айтматов ижодининг Ўзбекистондаги фаол таржимони, тарғиботчисигина бўлиб қолмай, унинг тадқиқотчиси ҳамдир. Адибнинг кўп асарлари ана шу таржимон заҳматлари туфайли ўзбек ўқувчилари қўлига етиб борди.

1978 йилда Чингиз Айтматовнинг туғилганига эллик йил тўлиши муносабати билан адибнинг икки жилдан иборат «Сайланма» асарлари босилиб чиқди. Бу нашрга «Жамила», «Алвидо», «Гулсари», «Юзмаюз», «Сарвқомат дилбарим», «Биринчи ўқитувчи», «Оқ кема» сингари ва ўқувчиларга яхши таниш бўлган бошқа асарлар киритилганди. Эсимда бор, икки жиллик олтмиш минг нусхада чоп этилди.

Мен бу пайт Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлар, кўп жиллик ва обуна нашрлар бўлимида мудир эдим. Юқоридаги икки жиллик бизнинг бўлимда тайёрланганди. Ана шу нашрнинг пайдо бўлишида ҳам Асил Рашидовнинг хизмати катта бўлди.

\* \* \*

Чингиз Айтматов Ўзбекистонга тез-тез келиб турарди, ҳар сафар келганда, у, ҳамиша ҳурмат ва эътибор билан кутиб олинар эди. Ўзбекистонда унинг дўстлари кўп. Атоқли ўзбек адиблари Одил Ёқубов,

Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Пирмат Шермухамедов ва бошқа бир қанча ижодкорларнинг Чингиз Айтматов билан борди-келдилари борлигини биламан.

Хусусан, Одил Ёқубов билан яхши дўстлиги ҳақида айтиб ўтмоқ жоиз. Аввало, улар эскидан ҳамсаф, таниш, қолаверса, бир неча йиллар Марказий Осиё халқлари ассамблеясида бирга ишлашган эдилар. Икки адибнинг бир-бирларига хурматлари жуда самимий, ижодларига бўлган муносабатлари ҳам мақтовга сазовор, бошқаларга ибратли. Ибратли жойи шуки, ҳар икки адиб ҳам бир-бирларининг янги асарлари эълон қилиниши биланоқ ўқиб чиқадилар, қувонадилар ва ўз фикрларини бир-бирларига етказадилар, ўртоқлашадилар.

Биргина мисол келтириб ўтаман. 1973 йилда Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» номли тарихий романини ёзди. Роман тез орада машҳур бўлиб кетди, ўқувчиларнинг севимли асарларидан бирига айланди, қўлдан тушмай қолди.

Чингиз Айтматов дўстининг асарини ўқиб чиқиб, унга мактуб йўллади. Ушбу мактуб «Ёшлик» журнаlining 1993 йил 4—5-сонларида эълон қилинган эди. **«Яхши асар ҳақида сўз юритиш қувончлидир, — деб ёзади мактубида Чингиз Айтматов. — Бу юксак ва бениҳоя қимматли асар, ўзининг бадий қиммати билан ҳам эътиборга молик тарихий роман мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси — ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқиб туриб, мен улуғ туркий ғурурни (Таъкид бизники — М.А.) ҳис этдим. Улуғбек бизни ҳамиша оқловчи куч, у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юритишга ҳуқуқ берадиган юксак тажрибавий изтиробимиздир...»**

Чингиз Айтматов ўзбек дўстини катта ва жиддий ижодий муваффақияти билан табриклар экан, ҳар

қандай даврнинг ўз Улуғбеклари бор, деган хулосага келади, Улуғбекнинг машаққатли ва улуғвор фожеаси бошидан кечиргани, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши исён кўтарган шахс эканлигини таъкидлайди. «Зиёли ва ҳақгўй Инсоннинг фожеаси Улуғбек шахси ва тақдирида кечгани»дан ва бу тақдир «Улуғбек хазинаси» романида ишонарли ёритилганидан бағоят таъсирланганини айтади.

\* \* \*

Чингиз Айтматовнинг катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишида, улкан истеъдоди билан ёнма-ён унинг бағрикенг инсонлиги, инсонийлиги, фуқаровий қарши, фуқаролиги ҳам катта аҳамиятга эга. Адибнинг таълим-тарбия, маданият, экологик муҳит, тарих ва адабиёт ҳақида матбуотда эълон қилинган турли мақолалари ҳаминша катта қизиқиш билан ўқиларди.

Мен бевосита Ўзбекистонга алоқадор бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Маълумки, 1985 – 1988 йилларда «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тўқиб чиқарилган фитналар натижасида, Ўзбекистонга ва унинг халқи шаънига ҳар хил бўлмағур гаплар, тухматлар айтила бошланди. Олимларимиз ва зиёлиларимиз бу фожеаларни қатағон деб аташмоқда, бунга қўшилиш керак. Ажабо, марказий матбуотда бирон кун йўқ эдики, Ўзбекистон ҳақида заҳару кесатикларга тўла танқидий мақола босилмаган бўлсин. Кўп бегуноҳ кишилар тухматга учраб, сабаб-бесабаб қамоққа олиндилар. Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида бир илиқ гап айтиш мумкин бўлмай қолди... Улуғ ўзбек шоири Фафур Фулом айтмоқчи: «Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда...» эди.

Шундай бир пайтда, ўзбек халқини ва унинг қадим тарихини яхши билган Чингиз Айтматов жим қараб туролмади, адибнинг виждони меҳнаткаш бир халқ-



қа купша-кундуз қилинган бундай адолатсизликни кўриб изтироблар чекди ва қўлига қалам олди... У «Правда» газетасида (бу газета ўша вақтда катта таъсир кучига эга эди, Ўзбекистонга бағишланган танқидий мақолалар асосан шу ерда босиларди) бир мақола эълон этди. Мақолада Чингиз Айтматов ўзбек халқи шаънига илиқ гаплар айтди, иззат-нафси лат еган халқнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилди. Тарих ҳақида гапирар экан, ажойиб бир муқояса келтириб, тарихда Византия маърифат улашишда Россия учун қандай хизмат қилган бўлса, ўзбек халқи, унинг маданияти ва адабиёти ҳам Марказий Осиё учун ўшандай хизмат кўрсатган эди, деб ёзди! Бу, бир томондан, ўзбек халқи шаънига берилган катта баҳо бўлса, иккинчи томондан адибнинг катта жасорати эди.

1996 йил октябрь ойида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тугган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий анжуманда («Туркистон» саройида бўлиб ўтган эди) Чингиз Айтматов фахру ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошган ажойиб нутқ сўзлади: **«Бу инсон — ҳаммамиз учун умумтурк ватанпарварлигининг ўлчов-мезони эди... Амир Темур — инсон қудрати нечоғлик буюк эканини намойиш қилган тансиқ зотлардан биридир!»** — деди Чингиз Айтматов. Бу кўнгилларни нурлантириб юборди. Адиб ўз нутқида Амир Темурнинг мозийида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлиб келаётгани, улкан идрок соҳиби экани, Туркистон халқларининг бошини қовуштиргувчи ота бўлгани, мустабидлик соясида қолиб келаётган туркийларнинг ақлий-ижодий имкониятларини юзага чиқаргани ва бошқа кўп муҳим жиҳатлар ҳақида фикр юритди. Кейин залга мурожаат қилиб бундай деди:

**«Биз ўзбек қардошларимизга айти мана шу борада (табаррук санани нишонлашда — М.А.) ўз**

миннатдорлигимизни жами туркийзабонлар номи-дан билдирмоқчимиз. Илло, миллий қаҳрамонга бу қадар иззат-икром, миллий қаҳрамон билан бу қадар фахрланишни ҳалигача кўрмаган эдик».

\* \* \*

1990 йилда маъшум Ўш воқеалари юз берди, бутун Ўзбекистонни даҳшат ҳисси қамраб олди... У воқеаларнинг илдизи Ўшдан йироқларда бўлганлиги энди яхши маълум. Бу халқларимизни руҳан эзишга қаратилган, атайлаб уюштирилган «томоша» эди. Ҳеч ким тинч туролмас, ҳар ким қўлидан келганча нимадир қилишга, ўша фожеани оз бўлса ҳам енгиллатишга тиришаётган паллалар... Парвардигор инсонга қайишишлик туйғусини бежиз бермаган. Шунга беадад шукр!

Буни эслашимнинг сабаби бор. Даҳшатли воқеалар юз берган кунлар 1990 йилда Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида дарҳол «Ўшга ёрдам» ташкилоти тузилди, унга машҳур геолог олим, академик Иброҳим Ҳамробоев ва камина ҳамраислар этиб сайландик. Кўп ёзувчиларимиз, зиёлиларимиз, фидойиларимиз билан ҳамкорликда иш олиб борилган эди. Ҳаммаси кўз олдимда турибди.

Ўшдан келган азоб тортиб бесаранжом бўлган халқимизнинг вакиллари ҳолидан хабар олиш, сарсон бўлган болаларни лагерларга жойлаш ва ҳоказо ишлар билан шуғулланишга тўғри келганди ўшанда. Бошга офир кун тушиб турганда, «Нима бўлди?..» деб сўраб келишнинг ўзи юксак инсонийлик белгисидир.

Ватанида шундай фожеалар юз берганида унинг адаби қандай аҳволга тушади экан? Чинакам ёзувчи, қалам соҳиби ўз шахсий ташвишларини унутади, ёзаётган асарини ҳам бир четга суриб қўяди, дарҳол халқнинг дарду изтиробларини ўзига олиб, унга малҳам бўлишга ҳаракат қилади, бўлади ҳам! Чингиз Айтматов ана шундай улуғ адиб эди.

У сафдош дўстлари улуғ адибларимиз Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировлар билан дарҳол Ўшга йўл олдилар, алданиб қолган жабрдийда халқ билан учрашдилар, куйиб-ёндилар. Адибларнинг дардли ва изтиробли сўзлари халқнинг дардига малҳам бўлди, ушук еган кўнгиллар таскин топди.

Ҳа, халқнинг кўнглини кўтаришдан улуғроқ савоб йўқ!

1995 йилнинг октябрь ойида Тошкентда «Туркистон» саройида Туркистон халқлари маданияти анжумани бўлиб ўтди. Камина ҳам иштирок этган эдим. Анжуман «Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси»ни ташкил этишга қарор қилди. Ана шу қутлуғ тадбирни ўтказишда ҳам Чингиз Айтматов бош-қош бўлди. Ва унга ассамблеяга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Одил Ёқубов раис ўринбосари этиб тайинланди...

\* \* \*

Чингиз Айтматов ўз мактабини яратган адибдир. Бу мактабда жаҳондаги жуда кўп ёш адиблар сабоқ олмоқдалар, ижод сирларини ўрганмоқдалар. Ўзбек адиблари ҳам бундан мустасно эмас, улар ҳам Чингиз оғани ўз устозларидан бири сифатида ардоқлайдилар. Алалхусус, мен ўзимни ана шундай ижодкорлар қаторига қўшишга журъат этаман. Мен Чингиз оғадан кўп нарса ўрганиб келаман.

1996 йилда АҚШнинг Миннесота штатида бўлган Чингиз Айтматов иштирок этган халқаро конференцияда Вашингтон университети профессори туркшунос олима Илза Сиртаутас хоним ва каминага ҳам қатнашиш насиб этганди. Кейин Миннесота университетида адиб ижодига бағишланган қизгин анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Бу ижодий учрашув ҳақида «Чингиз оға билан мулоқот» номли мақола ёзиб, ўша ердан Тошкентга юбордим ва у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» га-

ветасида эълон қилинди. Чингиз Айтматов доим ёшларга кўмак беришга тайёр турадиган, уларнинг асарларини ўқиб қувонадиган, ижодлари билан қизиқиб, керак бўлса, йўл-йўриқлар кўрсатадиган устозлардан эди. Менинг тарих билан қизиқишимни билиб, давом эттир, чуқур ўрганиб ёз, деб маслаҳатлар берди ўшанда.

Чингиз Айтматов ижоди ўтган асрнинг эллигинчи йиллар охири — олтмишинчи йиллар бошларида адабиёт оламига Қирғизистон, Турон тоғлари ва даштларининг янги тоза нафасини олиб кирди. Бу дарҳол кенг ўқувчилар оммасининг диққатини ўзига тортди. Унинг асарлари тоталитар бир замонда яшаган кишиларнинг инсондай яшашга ҳаракат қилиши, интилиши, шу йўлдаги ҳам ички, руҳий, ҳам зоҳирий курашлари бадиий ифодасидир. Жаҳон адабиётида кичик одамлар, яъни оддий одамлар ҳақида ёзиш анъанаси бор.

Чингиз Айтматов ижодида ҳам шундай манзарани кўрамиз. Оддий одамлар ҳақида ёзиш мушкул. Уларнинг ярқ этиб турган, саҳифаларни тўлдирадиган қаҳрамонликлари йўқ. Уларнинг қаҳрамонликлари — қалбларида, яъни инсоний фазилатларида, хислатларида мужассам.

Чингиз Айтматов ўз асарларида бутун диққатини худди ана шу қалбни кўрсатиб беришга қаратади, ёзувчи руҳи ва тафаккури билан теран таҳлил этади. Натижада, оддий одамлар, ёзувчининг сеҳрли қалами билан қалбан буюк, чинакам инсонлар даражасига кўтариладилар.

Биргина кўп рамзий маъноларга (қаҳрамонлар исмларига эътибор беринг) эга «Оқ кема» қиссасидаги Мўмин чол билан асарнинг бош қаҳрамони исмсиз бола тақдирини олиб кўрсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Оқ кема — ёрқин келажак тимсоли (юқорида айтганимиздек, ўша келажакка интилаётган боланинг исми йўқ) сифатида тасвирланар экан, унга манзилнинг

узоқлиги, етгунча беомон тақдир сувларига фарқ бўлиши мумкинлиги кўнглингизни сирқиратади. Чингиз Айтматовнинг ижоди шўролар тузумининг инсонлар тақдирига қоришган фожеаларини бадиият воситасида кўрсатиб берган ижоддир.

Эсимда, қисса даставвал «Новый мир» журналида босилган эди, ўшанда асарнинг: «Ты ушел мой мальчик...» («Сен кетдинг, болажоним») сўзлари билан бошлангувчи, асар гоёси қаймоғи берилган хотимаси олиб ташланганди.

Чингиз Айтматов асарларидаги яна бир хусусият улардаги самимиятдир. Самимият, умуман инсон учун муҳим хислат бўлса, бадиий адабиёт учун ниҳоятда зарур фазилатдир.

Агар асар самимий бўлса, ўқувчи уни ўзиники қилиб олади, асар қахрамонларига қўшилишиб кетади, то асар тугагунча ҳамнафас бўлиб улар билан бирга яшайди, қадамма-қадам юради.

Иоганн Вольфганг Гётенинг самимийлик уфуриб турган «Ёш Вартернинг изтироблари» асарини ўқиганлар ичида Вартерга куюниб, ҳатто ўз-ўзини ўлдирганлар ҳам бўлган экан, дейишади... Бу, албатта, асарнинг ўта ҳаётий чиққанлигидан, ўқувчининг уни асар эканлигини унутиб, қаттиқ ишониб қолганлигидандир.

Буни, самимият асарни қанчалар ҳаётий қила олиши мумкинлигига мисол тариқасида келтирдик. Самимият ёзувчи учун жуда қийин бир нарса, фазилат, назаримда. Бунга ўқиб-ўрганиб эришиб бўлмайди, бу табиатан Худодан берилган бўлиши керак... Чингиз Айтматов қиссалари, романлари ана шундай самимият туйғулари билан тўлиб-тошгандир. Улар самимий ва содда. Лекин ана шу самимият ва соддаликлар заминида бутун ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари ётади.

Чингиз Айтматов Одил Ёқубовга «Улуғбек хазинаси» ҳақида мактуб ёзар экан, китобингни ўқиб,

мен улуғ туркий ғурурни ҳис этдим, дейди. Улуғ адибнинг ушбу сўзларини ўзларига қиёс қилиб, мен ҳам, устоз Чингиз Айтматов ижодини ўқиганимда, улуғ туркий ғурурни ҳис этаман, дея оламан.

Чингиз Айтматов Абдулла Қодирий, Чўлпон, Хусайн Жовид, Мухтор Авезов, Ойбек, Яшар Камол, Берди Кербобоев, Мустай Карим сингари турк оламининг сўнмас, чақноқ юдузларидан бири бўлиб қолади.





## Шароф Рашидов туҳфаси

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи, олижаноб инсон Шароф Рашидов билан бўлган бир учрашув ҳеч эсимдан чиқмайди. Воқеа бундан ўттиз беш йил олдин рўй берганди. 1979 йил Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Кўптомлик асарлар таҳририяти мудирини бўлиб ишлаб юрган кезларим. 28 октябрь куни эди. Соат тушдан кейин бешларда хонадаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни қўлимга олдим. Бу ўша пайтда Марказий Комитетда хизмат қиладиган шоир акамиз Барот Бойқобилов экан.

— Муҳаммаджон! — деди Барот ака жарангдор овоз билан салом-алиқдан сўнг. — Эртага эрталаб соат тўққиз яримга ЦеКага учинчи эшик олдига келинг. Кутиб олишади. Сизни Шароф Рашидович қабул қилмоқчилар...

Фавқулодда хабардан ҳайратга тушдим: Шароф Рашидович мени нега қабул қилмоқчи эканлар, деган савол қийнади. Ўша пайтда каттадан-кичик ижодкорлар ўзларининг янги чиққан асарларини арбоб ва адиб юрт оғасига совға қилиш каби эзгу одатни маҳкам тутардилар. Муўтабар бинонинг четидаги бир хонасида дарча бўларди, ҳар ким каттами-кичик ўз китобини дастхат ёзиб шу ерга беминнат топшириб кетиши мумкин эди.

Китоблар муаллифлар томонидан кўнгилдан чиқариб берилар, мақсад ўз ижоди нишонасидан баҳраманд этиш хоҳиши эди, холос. Шунинг ўзи ҳам қалам аҳли учун катта кўнгил мадади хизматини бажарарди.

29 октябрь куни эрталаб айтилган вақтда белгиланган манзилга етиб келдим. Мени бир одам, Шароф Рашидовичнинг ёрдамчиси кутиб олди. Бир оз суҳбатлашгандан сўнг бинонинг олтинчи қаватига кўтарилиб, кенггина қабулхонага кирдик. Бу ерга аввал ҳам бир келгандим. Икки йил аввал бир гуруҳ чет эл ёзувчилари мамлакатга ташриф буюрганда Шароф Рашидов меҳмонлар билан худди шу ерда учрашган, мен меҳмонларни кузатувчилар сафида эдим.

Қабулхонада биздан бошқа яна беш-олти одам ҳам кутиб ўтиришарди. Уларнинг аксарияти мен тенги ёшлар эканлигини кўрдим. Саломлашиб сафга қўшилдик.

Кабинет эшиги ёнида ўрта ёшлардаги котиба аёл ўтирарди, иккинчи ёш котиба қиз қўшни хонада телефонда вилоятлардан пахта маълумотларини суриштирар, бирма-бир рақамларни ёзиб оларди. Шуни айтиш керакки, ўша йили об-ҳаво қийинчиликлари ва бошқа турли табиий сабаблар туфайли юрт далаларида экинлар ривожини мўлжалдан орқада қолган, пахта тайёрлаш аҳволи жуда ночор даражада бўлиб, план бор-йўғи 25 фоизга бажарилганди. Бу, албатта, нафақат раҳбардан то оддий фуқаро кайфиятигача, балки, мамлакатдаги бутун вазиятга ҳам оғир таъсир қиларди.

Бир пайт Шароф Рашидов қабулхонага кириб келди. Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Яқиндан назар қилдим: бу қаддини тик тутиб юрадиган, баланд бўйли, очиқ чехра, нуроний юзли инсон эди. Хиёл табассум билан барчамизга қўл узатиб кўришди, котибалардан ҳол-аҳвол сўраб саломлашди. Кейин ичкарига таклиф қилди. Шароф Рашидов чехрасида пахта плани билан боғлиқ вазият таъсири сезилмасди (балки, сезилмасди).

Биз ёрдамчи билан ичкарига қадам қўйдик.

Катта хонага кирганда кўчага қараган деразаларига яқин жойда мажлислар ўтказиш учун узун стол



қўйилган. Хонанинг чап томонида эса раҳбарнинг катта иш столи кўзга ташланарди. Шароф Рашидович узун стол бошида ўтирарди. У мени ўзининг ўнг томонига биринчи стулга таклиф этди, ёрдамчи эса менинг қаторимда, қўлида қалам-дафтар, узун столнинг охирига ўтирди.

Мен ҳаяжонда кўзларимга ишониб-ишонмай, нима дейишимни ҳам билмай жим ўтирар эдим. Ҳали ҳам таклиф этилганим сабабини яхши билмасдим. Бирдан Шароф Рашидович самимий жилмайди-да, оҳиста сўз бошлади:

— Бундан йигирма икки йил аввал, 1957 йилда биз — СССР Олий Совети Президиуми Раиси К.Е. Ворошилов ва камина<sup>1</sup> Индонезия мамлакатига сафар қилдик. Бали оролига бўлса керак, келганимизда, денгиз соҳилида баландликда саришталанган жойга таклиф қилишар экан: «Сизларга бир мўъжиза кўрсатамиз. Мўъжизамиз бор!» деб бизларга сирли қараб қўйишди.

Ҳақиқатда бир оздан кейин мўъжиза юз берди: бу ерда денгиз суви табиий равишда бир неча метрга кўтарилар ва маълум бир вақтда сув яна ўз ўрнига тушар экан!

Мўъжиза деганлари, сув билан эмас, балки ўша сув кўтарилганда оддий одамлар томонидан қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна» асосида кўрсатиладиган халқ томошаси билан боғлиқ экан!..

Дарҳол ёдимга ўзимнинг таржимамда нашр этилган «Рамаяна» эпосини Шароф Рашидовичга атаб дарчага топширганимни эсладим.

Ўша вақтда Шароф аканинг қўллаб-қувватлаши билан жаҳон адабиётининг нодир асарлари ёш авлод вакиллари томонидан ўзбек тилига таржима қилина бошланган, хусусан, Эркин Воҳидов немис шоири

---

<sup>1</sup> Шароф Рашидов СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосари ҳам эди (*Таҳририят*).

Иоганн Вольфганг Гётенинг «Фауст», Абдулла Оринов италян шоири Данте Алигьерининг «Дўзах» («Илоҳий комедия»дан), мен эса қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»ни ўзбек тилига ўтирган эдик. Бу асарлар нашр этилиб, кенг тарқалган, ўқувчиларнинг яхши баҳосини олиб улгурган эди.

— ...Сув кўтарилиши билан денгиз бўйида сурон ичида томоша бошланиб кетди. — сўзини давом эттирди Шароф Рашидович, — Қувғинда зор-мустар юрган шаҳзода Раманинг (эпоснинг бош қаҳрамони) суюкли қайлиғи соҳибжамол Ситани, ана, дев Равана ўғирлаб узоқ Ланка оролига олиб қочиб кетди!.. Раманинг сафдошлари, баҳодирлар, қўрқмас жангчилар, айиқлар, маймунлар, бургутлар, қушлар — бутун табиат кучлари бирлашиб Ситани ёвуз душман кўлидан қутқаришга киришдилар.

Улар денгиздан сузиб, тоғлардан ошиб ўтдилар, Ланка оролини қамал қилдилар. Оролда беомон жанг бўлади, Рама билан Равана яккама-якка курашга кирадилар, Рама енгиб чиқади, Сита озод бўлади!..

Ана шу паллада... денгиз суви пасая бошлади! Томошани кўриб яйраган халқ энди денгиз бўйига ошиқади. Гап шундаки, сув тушиб кетгач, сув билан юқорига чиқиб қолган катта-кичик балиқлар қуруқда патирлашиб ётишади, пайт пойлаб турган одамлар (бунга улар жуда ўрганиб қолишган!) ёприлиб уларни териб олишади. Денгизнинг тубидан қайнаб чиққан коралл тошлар ҳам чаққонларга «ўлжа» бўлади. Одамлар у тошларни битта ҳам қолдирмай йиғиштириб олиб, янчиб, майдалаб олий навли сементдан ҳам аъло қурилиш материалига айлантиришиб сотишади...

Шароф Рашидович менга табассум билан қарадида, деди:

— Сиз берган «Рамаяна»ни ўқиб, бир-бир ўша кунларни эсладим... Раҳмат. Ҳа, бу тенги йўқ асар.

Ҳиндистоннинг биринчи достони! Уни ёзган деб ҳисобланадиган Валмики эса биринчи шоир деб улуғланади. — Шароф Рашидович жим қолди, бир оздан кейин қўшиб қўйди:

— Ҳиндистонда кўпчилик одамлар саводсиз, аммо сўрасангиз, бу эпосни ҳаммаси ёддан айтиб беради!

Қадим Ҳиндистон, унинг заҳматкаш халқи, гўзал афсоналари Шароф Рашидовичга руҳан яқин эди. Адибнинг «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» каби асарлари айна ўша мавзуларда ёзилган. Шу сабабдан, чамаси, нафақат ҳинд, балки бошқа Осиё халқлари адабиётларига ҳам сарчашма вазифасини бажарган дунё адабиётининг нодир намунаси деб саналадиган «Рамаяна»дай асарнинг ўзбек тилида жаранглашидан қувониб кетган эди.

Кейин Шароф Рашидович асар таржимаси устида қанча меҳнат қилганимни сўради.

— Беш йил тер тўқдим, 1971 йилда бошлаган эдим, — деб жавоб бердим.

Шу палла Шароф Рашидович «Маъқул!» дегандай бош тебратиб қўйди, кейин котибага ким биландир телефонда гаплашмоқчи эканини айтиб, у одамни топишни буюрди ва шу орада менга столнинг олдида турган ям-яшил нуқраваш қутини олиб узатди:

— Яхши иш қилибсиз. Сизга мендан тухфа бўлсин!

— Миннатдорман! — дедим қўлим кўксимда қутичани олиб.

Ташқарига чиққунимгача, қўлимдаги қутичага қарамадим, тухтаб томоша қилиш ноқулай эди. Қутичада шундай русча сўзлар ёзиб қўйилган экан: «Поэту Мухаммаду Али от Шарафа Рашидова, за перевод «Рамаяны». 29 октября 1979 г.». Аста қутини очдим: унда тилло пероли авторучка ярқираб турар эди...

Кейинчалик бу ҳақда адабиётшунос ва таржимон Асил Рашидов ўзининг «Акам ҳақида» китобида эслаб ўтган эди.

Масъул вазифалар билан қаттиқ банд бўлган, атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг кўксига ёзувчи қалби тепарди.

Бу қалб ўз халқининг камолини кўриш, оғирини енгил қилиш, жўшиб-жўшиб васф этиш истаги билан тўлиб-тошарди. Бир суҳбатда, давлат ишлари қўлоёғингизни боғлаб олган, қандай паллаларда ижод билан шуғулланасиз, деган саволга адиб, уйқу ҳисобига ижод қиламиз-да, деб камтарингина жавоб берганини эшитгандим.

1981 – 1982 йилларда Шароф Рашидовнинг ўзбек тилида беш томлик «Асарлар»и айнан бизнинг таҳририятда чоп қилинди. Ҳамма томларни тайёрлашда мен фаол иштирок этдим. Атоқли адибнинг қарийб барча асарларини синчиклаб мутолаа қилиб чиқдим. Беш томлик «Асарлар» аввал рус тилида Москвада дунё юзини кўрган эди.

Асарлар орасида шеърлар, романлар, қисса ва киносценарийлар, публицистик ҳамда адабий-танқидий мақолалар ўрин олганди.

Шароф Рашидов адабиётга шоир сифатида кириб келди.

*Олқиш оқар тилларимдан, илҳомимдир ёш,  
Мақом айлар қўлларимда эркимнинг сози.  
Юрагимда озодликнинг янгроқ овози,  
Эрким қўлда, ғунчаланур эркимнинг ёзи.*

(«Эрким» шеъри)

Бу шеър 1937 йилда ёзилган. Ёш шоир эндигина йигирма ёшга кирган эди. Шундай сарлавҳа қўйиб шеър битмоқ ва унда ўша вақтда ўзи мутлақо мавжуд бўлмаган «эрк», «озодлик» сингари юксак инсоний тансиқ туйғуларни ифода этгувчи сўзларни баралла ишлатмоқ ва бу билан ошкор ғурурланмоқ журъат, жасорат дегулик.

Бунда шоирнинг қалбидан самимий туйғулар отилиб чиққанини кўрамыз:

*Эрк ғунчаси тинмай гул очар,  
Сочларингни силар сабоси —*

сатрларини ўқиймиз «Сингилга» шеърида. Озодлик руҳидаги бошқа бир шеърини эса очикчасига: «Эрк истар кўнгил», — (1939) деб атайди. Шароф Рашидовнинг шеърларида устози Ҳамид Олимжоннинг («Бахтлар водийси» шеърдан олинган «Мустақиллик ишқи билан ёнган далалар кўм-кўк...» сатрини эсланг) тип-тиниқ сойдай равон шеърияти таъсири сезилади. «Чегарачи», «Сув ва нур» дostonлари, «Келинчак» балладаси, «Белград қизи», «Лочинлар», «Она насиҳати» сингари шеърлари ана шундай асарлар жумласидандир.

«Навоийга» (1938) шеъри «шеърят диёрининг қуёши»га бағишланган. «Нур, севги, вафою мардоналикни / Намоён айлади сенинг ашъоринг» сатрларини келтириб, Навоийни мадҳ айлар экан: «Оташ қалбдан чиққан олтин сатрлар / Безади шеърят кошоналарин!» — дея ғурурланади шоир.

Ижодий ниятлар кўлами кенгайиб, аста-аста шоирни наср томон етаклади. У бир неча насрий асарлар ёзди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу асарларда муаллиф муқтадир замонга боқишга мажбур эди, иложсиз адабиётнинг бадийлик мезонларидан кўра ғоявийлик тамойилларига, бошқача айтганда социалистик реализм деган ясама метод талабларига кўпроқ эътибор қаратишига тўғри келди.

Бу, афсуски, асарларнинг бадий қимматига таъсир этмай қолмади. Масалага объектив ёндошилса, бундай ҳолат нафақат Шароф Рашидов, балки умуман ўша давр адабиётимизга баб-баравар тегишли эканини таъкидламоқ керак бўлади.

Шароф Рашидовни том маънода Шарқ куйчиси дея оламиз. Унинг бу мавзуда ёзган асарлари, айтиш мумкинки, адиб ижодини безаган, адабиётимизни

бойитган асарларга айланди. Ҳинд халқ афсоналари асосида ёзилган «Кашмир қўшиғи» (1956) ҳали ҳамон ўз номига муносиб қўшиқдай жаранглаб турибди.

Асар нима ҳақида? Водий бағридаги гўзал Гуллар боғи ҳақидами?.. Ёки: «*Ўйлаган ўйимдан қайтмайди дилим!*» — деб ўз сўзида қатъий турган гўзал Наргиз ҳақидами?.. Асаларилар шоҳи Бамбур тўғрисидами? Наргиз билан Бамбурнинг ишқ-муҳаббати ҳақидами? Баҳорнинг тўнғич гуллари Лола, Атиргул, Наврўзгуллар борасидами? Бўрон, Қуюн, Хоруд сингари ёвуз кучлар ҳақидами?..

Асар ҳаммаси ҳақида... Ҳаёт ҳақида, олам ҳақида... «*Ер билан осмон бирлашур, аммо эзгулик билан ёвузлик, уруш билан тинчлик — ҳеч қачон!*» — дейди Наргиз ёвуз, «*қадами етган жойга жаҳолат уруғини сепадиган «хурпак дўзахи» Бўрон иддаоларига жавобан. Бунини кўриб, «Наргизни қуршаб олган гуллар, дугоналар, қушлар, қумрилар, булбуллар, гиёҳлар маъқуллаб, ғув-ғувлаб, париллаб чапак чала бошладилар...»*

Асарни таърифлаш мушкул, уни фақат ўқимоқ керак, ҳис этмоқ керак, ўқувчи ёзувчининг маҳоратига ҳолисона иқрор бўлади, сўз санъатига тан беради.

Мана, асардан олинган сатрлар, нодир топилмалар, ташбеҳлар, истиоралар, тимсоллар:

«*...Бироқ олма йўқки, гир айланаси бир текисда қирмизи бўлса. Бўстон йўқки, бир чеккаси тоғларга тақалмаган, бирор жойи жарлик билан тилинмаган бўлса. Эзгулик йўқки, атрофида фалокат ўралашиб юрмаган бўлса...»*

«*Севгидан бенасиблар — ҳидсиз гулдирлар,  
Севгидан бенасиб — мевасиз дарахтдирлар».*

«*Симобий кўпиклар сачратиб шарқираб тушади-ган, гиёҳларга ва илк чечакларга ризқ улашган зилол*

сувлар», «Чўққиларида юлдузлар ором олгувчи салобатли тоғлар», «Висолсиз севги — сувсиз гул».

«Тонг шафағи ва қорли чўққилардан андоза олган кўйлаги ҳам, нимчаси ҳам, мўъжаз қалпоқчаси ҳам ол рангда», «Шамшод қомати ҳуснига ярашиқ» Лоланинг «тарам-тарам лаъли ёноқлар»и... Чиройли тимсол! Адиб Наргизнинг дилкаш дугонаси Лола сиймосини ана шундай тиниқ ва мусаффо тасвир этади, ўқувчи қалбига нақшлаб кўяди.

Ушбу ранг-баранг тасвирларга эътибор беринг:

«Атиргул — баҳордан яшнаб кетган офтобрўясига гунчаларини ёзиб юборган, андоми пурвиқор ва махмур...»

«Ўнг билан тушнинг сарҳади упак толасидан ҳам, ўргимчак риштасидан ҳам нозиклашиб кетади...»

Табиат достони, табиат тараннуми, табиат қўшиғига айланган асарнинг якуний хулосаси қуйидаги сатрларда мужассам:

«Ҳаётнинг буюк ҳикмати унинг устуворлигида, унинг боқийлигида, ларза ва офатлардан омон чиқиб, уруғ ва томирлардан янгиланиб муттасил олға интилишида, юксалишидагир...».

Шароф Рашидовнинг улуғ Шарқ шоири Мирзо Абдулқодир Бедил қаламига мансуб «Комде ва Мудан» достони асосида яратилган «Икки дил достони» асари ҳам улуғвор ғояларга суянади — инсонларни бирлашишга, севги ва садоқатни улуғлашга даъват этади. Ширали тил билан ёзилган асарнинг Комде, Мудан, Отуп Чатр (рассом). Қорашоҳ, Тўтиқуш, Танбур(кучли образ даражасига кўтарилган), Бола сингари қаҳрамонлар образлари маҳорат билан яратилганини айтиб ўтиш ўринлидир.

«Икки дил достони» ишқ-муҳаббат, куй, сознинг асло завол топмаслиги, севгининг поклиги, гўзалликнинг манбаи ҳам ишқ-муҳаббатда эканлигини тараннум этувчи асардир.

«Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» асарлари ёрқин поэтик сеҳрга бойлиги билан бошқа санъат вакиллариининг диққатини ҳам ўзига жалб этмай қолмади. Чунончи, «Кашмир қўшиғи» асари асосида талантили композитор Улуғбек Мусаев «Афсоналар воқийси» операсини ёзди.

Машҳур Озарбайжон композитори Ариф Меликов «Икки дил достони» мотивларига суюниб, кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган «Севги афсонаси» балетини яратди. «Кашмир қўшиғи»дан олинган «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?» номли қўшиқ эса ҳозир ҳам радио тўлқинларида жаранглаб, кўнгилларга роҳатбахш этади.

Олтмиш ёшга қадам қўйган адиб «Йўл бошида» мақоласида босиб ўтилган йўлларга назар ташлайди: *«Ўзимнинг таржимаи ҳолимга тегишли бўлган энг муҳим ҳодисаларни хотирамда тиклар эканман, мен, худди қаттиқ ҳаёт мактабини ўтган авлоднинг қаҳрамонлик билан тўлган тарихи саҳифаларини варақлагандай бўламан. Мен жуда йирик сув ҳавзалари, мислсиз даражада улкан гидростанциялар қурилишларини, ўлканинг у чеккасидан бу чеккасигача қазилган ажойиб каналларни, бепоён кимсасиз чўлларни ўзлаштиришларни кузатибгина турмасдан, ўзим ҳам умумхалқ ишида фаол иштирок этдим... Шу маънода тўла ҳуқуқ билан айта оламанки, менинг ёшлигим мамлакатим ва республикамнинг ёшлиги пайтларига тўғри келди..»* (Шароф Рашидов. Асарлар. Беш томлик. Т., 1982. Тўртинчи том. 270-бет).

Шароф Рашидов ўзбекни, она халқини ўйлаш, унга куйиниш туйғулари кўнглида гупириб турган, аммо ошкор қанот ёзишга йўл қўйилмаган бир замонда яшади. Одамлар одам эмас, бир буюм, «винтик» бўлиб



қолган ўша дамларда катта юртни бошқариш осон иш эмасди. У мафкуравий исканжалар орасида бўлганига қарамай, улуғ боболар руҳини кўнглига жо этиб, мадад олиб, ўзбекка хос вазминлик, сабр-чидам, тоғдай тоқат билан мардонавор фаолият юритди. Она халқига фидойи фарзандларча хизмат қилиш унинг бирдан-бир мақсади эди.

«Бўрондан кучли» романида жозибадор қаҳрамон қиз Ойқиз ўзига ўзи дейди: *«Сен, Ойқиз, кураш нима эканлигини яхши биласан! Кураш турли-туман кишилар ва турли-туман фикрларнинг қарама-қарши учрашувигина эмас, балки шу билан бирга тақдирлар жангидирки, фронт линияси бизнинг қалбимиздан ўтади...»*

Шундан қиёс олиб айтиш мумкинки, атоқли давлат арбоби ва истеъдодли адиб, халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов, бир умр ўз элу юрти бахту саодати, фаровонлиги учун кураш чизигини ўз қалбидан ўтказиб яшади.





## Маърифатпарвар олим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзоси Азиз Қаяюмов ўзининг ижодий-илмий салоҳияти билан ҳам, давлат ва жамоат арбоби сифатида олиб борган фаолияти билан ҳам ўзбек адабиёти, маданиятини ривожланишига катта хизмат кўрсатган маърифатпарвар алломаларимиздан бири ҳисобланади. Бундай инсонлар кўпда ҳам туғилавермайди.

Атоқли маърифатпарвар педагог, таржимон, адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қайюмий оиласида туғилиб, кичиклигидан хонадонда юз берадиган кўп маърифий-илмий суҳбатларда — улар Қўқон адабий ҳаётидан бошлаб тарихга, Алишер Навоий, Бобур, Нодирабегим, Муқимий, Фурқат ижодларига бориб уланадиган баҳс-мунозараларга бой бўларди, — ақли тўлишган, қулоғи пишган ёш йигит падари бузруквори изидан боришга аҳд қилди — илмий ишлари учун ўзбек адабиёти ва унинг тарихини тадқиқот этиш йўлини, хусусан, Қўқон адабий муҳити мавзуини танлаб олди. Унинг отаси П. Қайюмий 324 нафар ўзбек шоирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни бирма-бир йиғиб «Тазкираи Қайюмий» китобини ёзган, «Хўқанд тарихи ва адабиёти» асарини яратган эди. Азиз Қаяюмов Махмур, Ҳозик, Ғозий сингари ва бошқа шоирлар ижодини ўрганди, улар ижодини адабий муомалага олиб кирди. Натижада «Қўқон адабий муҳити» асари дунёга келди. 1975 йилда эълон қилинган «Садди Искандарий» тадқиқоти билан олим ўзининг илмий назарини улуғ Алишер Навоий ижодига қарат-

ди. Буни ҳам ўша Пўлатжон Қайюмий хонадониди кечган пурмазмун дилкаш суҳбатлар меваси деб қаралса тўғри бўлади. Кетма-кет «Алишер Навоий» (1976), «Ҳайрат ул-аброр» (1977), «Фарҳод ва Ширин сирлари» (1979), «Ишқ водийси чечаклари» (1985), «Нодир саҳифалар» (1991), «Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд» (1993) китобларини қоғозга туширди, уларда улуғ шоир асарлари ўқувчи учун тушуникли, маърифий-оммабоп тарзда тадқиқ этилди.

Олимнинг илмий-назарий қарашлари кенгайиб борди. Натижада унинг «Беруний ва адабий ижод», «Қадимий обидалар», «Ибн Сино ва Беруний» асарлари дунёга келди. Фафур Фулом, Ойбек, Воҳид Зоҳидов сингари сиймолар ҳақида хотира китоблари нашр этилди. Бу китоблар ўқувчига завқ бериш баробарида билимга ошно қилар эди.

Суҳбати дилкаш соҳиби бўлган Домла ҳамиша юзда табассум билан юрадиган очиқ чеҳрали инсон эди. Каминага кўп учрашувларда домлага ҳамроҳ бўлиш насиб этган. Домланинг суҳбатлари мавзуси — Алишер Навоий эди. У шоир ғазаларидан кўпдан-кўп намуналар ўқир, мазмунини изоҳлаб берар, дostonларидан сўз очар, бундай суҳбатлардан баҳраманд бўлишни жуда истардим, ўзим кўп янгиликларни билиб олардим. Бир воқеа эсимга тушади. Домла вафотларидан бир оз олдин биз Азиз Пўлатович билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, ҳурматли профессор Собир Мирвалиев хонадониди бирга бўлган эдик. Домла ўзининг ўн икки жилдли асарлари нашр этилганини қувониб сўйладилар ўшанда.

Азиз Қаюмов ким ёрдам сўраса унга ҳамиша тайёр турадиган аллома эди. Кимгадир сўзбоши ёзишми, тақризми — барини адо этарди. Бир воқеани айтиб ўтгим келади. 1984 йилда мен Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Бош муҳаррир лавозимида хизмат қилардим. Шу пайтгача бизнинг

мумтоз адабиётимизнинг кўп жилдлик нашрлари амалга оширилмаган, бундай нашр бизнинг орзуимиз эди. Шу маънода бизда «Ўзбек адабиёти бўстони» деган номда ўттиз томдан иборат серияли нашрни амалга ошириш фикри туғилди. Ўттиз томли мумтоз адабиётимиз намуналари китоб жавонларимизни безаб турса қандай яхши!

Шу пайт Азиз Қаюмов Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институти директори бўлиб ишларди. Мен ўттиз томли нашр режаларини олиб маслаҳатга Азиз Қаюмов ҳузурига жўнадим. Домла бу таклифни қўллаб-қувватладилар, серия номи ҳам мақбул бўлди. «Фақат, бир узр бор, — дедим мен, — серияни беш йилда яқунлаш ниятидамиз. Сизлар томонингиздан тайёрланган томларни режаларга киритамиз ва нашр этамиз, аммо... бир нарсага ижозат берасиз: қалам ҳақи тўлай олмаймиз...» «Булар бизларнинг илмий режали ишларимиз, бизга бу китоблар нашр этилишининг ўзи катта мукофот! Биз розимиз ва ҳар қандай ёрдамга тайёрмиз!» — дедилар домла. Таҳрир ҳайъати тузилди, ажойиб қутлуғ эзгу иш бошланиб кетди! Биз ҳам, томларни тайёрловчи олимлар ҳам завқ-шавқ билан ишлар эдик.

«Ўзбек адабиёти бўстони» ўттиз томлигининг биринчиси — «Қадимги ҳикматлар» деб номланди, тасаввур учун биринчи томнинг мундарижаси билан танишиб кўрамыз:

1. Тарихий қиссалар: «Тўмарис», «Зариадр ва Одаида», «Широқ»(нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Т. Ғафуржонова); Тарихий битигларимиз ҳамда «Ўғузнома»(филология фанлари номзоди Н. Раҳмонов ҳозирги ўзбек тилига табдил қилиб, нашрга тайёрлаган); «Девону луғотит-турк»даги шеърий парчалар (28 саҳифа, филология фанлари доктори А. Қаюмов ҳозирги ўзбек тилига ўгириб, нашрга тайёрлаган); «Ҳибатул-ҳақойиқ» филология фанлари номзоди Қозоқбой Маҳмудов, «Қутадғу билиг» эса

филология фанлари номзоди Қ. Каримов томонидан ҳозирги ўзбек тилига ўтирилиб тайёрланган.

Иккинчи том эса «Уч булбул гулшани» деб номланди, унга Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Сайфи Саройининг «Гулистон бит-туркий», Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари жамланди. Тўртинчисига ўнта ишқий дoston, бешинчисига Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Гадоий ғазаллари киритилди ва ҳоказо.

Биринчи том «Қадимги ҳикматлар» 1987 йилда ўттиз минг нусхада босилиб чиқди, оз муддатда тарқалиб кетди! Кейин қолганларига навбат етди...

Бу ҳам маърифатпарвар аллома Азиз Қажумов бош қўшган эзгу ва савоб ишлардан бири бўлиб қолди.





## Ирмоқни оқимга айлантира олган ижодкор

Носир Фозилов адабиётимизда ўз ўрнига эга бўлган, тенгдошлари ичида бўйи-басти яққол кўри-ниб турадиган сўз усталаридан биридир. 1959 йилда эълон қилинган биринчи китоби «Ирмоқ» деб атал-ганди, уч йилдан кейин нашр этилган иккинчи кито-би эса «Оқим» деб номланди. Бу номларда рамзий маъно кўраман: Носир Фозилов ўз ижоди билан ада-биётимиз уммонига ирмоқ бўлиб қуйилди, кейин унинг жўшқин оқимига қўшилиб кетди... Ўнлаб ки-тоблари бугун хонадонларда китоб жавонларини бе-заб турибди.

Носир аканинг ота-онаси деҳқончилик билан шу-ғулланган бўлса-да, бобоси Турсунмуҳаммад Алам Гурбатий тахаллуси билан шеърлар ёзарди, Тошкент-да бир неча китоби нашр ҳам этилган. Бу ҳам Носир аканинг худо берган омади эди, унга шеър, ижод ҳавоси кезиб юрган хонадонда ўсиб улғайиш насиб этди. Ижод қилиш ҳаваси ўша бобосидан ўтган бўлса ажаб эмас.

Носир Фозилов суҳбати ширин, хушчақчақ, ҳазил-мутойибани ёқтирадиган, муҳими, тушунадиган оқибатли меҳмондўст инсон эди. «Битта «шишани» атаб қўйибман-да, қачон келасизлар, мана, кенно-йингиз Муборақхон палов тайёрлайдилар», — қаби-лида таклифлари кўп бўларди.

Биз адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков би-лан (у Носир ака икковлари юртимизнинг бир ёғидан) зиёратга борардик. Шуни айтиш керакки, боргани-мизда «шиша»нинг битта эмаслигига кўп марта гувоҳ

бўлганмиз... Ҳар гал суҳбатларимиз адабиёт ҳақида, янги асарлар хусусида, келажак ниятлар борасида кечарди, ҳазиллашиб кулишардик, қизгин гурунгнинг бир учи, албатта, қозоқ адабиётига бориб уларди.

Бу бежиз эмас. «Носир қозоқ» (Саид Аҳмад ака уни суюб шундай дерди) ижоди қозоқ адабиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи ҳикояси эълон қилинишидан олдин Носир Фозилов 1952 йилда Ш. Ҳусайновнинг «Нурли тош» пьесасини ўзбек тилига ағдарган эди. У кейинчалик қозоқ адабиётининг энг машҳур асарларини ўзбекчага таржима қилди ва адабиётимиз хазинасини бойитди. Таржима унинг ижодига сайқал берган муътабар жанрга айланди.

Ўша асарлар муаллифларини санаб ўтсак, тасаввур яққол тиниқлашади: Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Фабит Мусрепов, Фабиден Мустафин... бари қозоқ адабиётининг чинорлари!

Эсимда бор, 1956 йилда мактабда ўқувчи эканимда, Фабиден Мустафиннинг саноат манзаралари ёрқин акс эттирилган «Қарағанда» номли салмоқли романини Носир Фозилов таржимасида ўқигандим. Ўшанда Носир ака адабиётга энди кириб келаётган ёш ижодкор эди.

Носир Фозилов ёш ижодкорларга ҳамиша этибор берадиган, уларнинг асарларини кузатиб борадиган, керак ёрдамини, маслаҳатини аямайдиган устозлардан эди.

Юқорида мактабда ўқиган давримни бежиз эсламадим. 8-синфда ўқиётган вақтимда бир журналга, «Гулхан» бўлса керак, «Биринчи қор» деган машқимни юборгандим, шунда Носир Фозиловдан жавоб келди.

Жавобда Носир ака машқнинг ютуқ-камчиликлари ҳақида мулоҳазалар билдириб, охирида бундай ёзганди: «Лекин сиз ҳаракат қилсангиз, шеър ёза

олар экансиз». Бу ҳаваскор ижодкорга берилган катта баҳо эди.

Ўйлайманки, жонкуяр адиб, заҳматкаш таржимон, бемалол икки халқнинг боласи деса арзийдиган Носир Фозиловдан шундай мактуб олган ёш ижодкор ёлғиз камина бўлмаса керак... Унинг меҳрибончилигидан баҳраманд бўлган шундай ижодкорлар, шубҳасиз, кўплаб топилади.

2019







## Амир Темурнинг шонли авлодлари

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат*

– Ҳурматли Муҳаммад Али ака, Москвада ўқиган йилларингиз, устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Москва даври сизнинг ёзувчи бўлиб етишишингизда қанчалар аҳамият касб этди?

– Мен қачонлардир Максим Горький томонидан ташкил қилинган машҳур Адабиёт институтида таҳсил олганман. Поэзия бўлимида ўқиганман. Бизнинг семинаримизни истеъдодли ва зукко шоир Сергей Смирнов бошқарарди. Қаттиқ мутолаа билан машғул бўлдим, жаҳон ва рус адабиёти мумтоз адибларининг асарларини ўқидим. Кундалигимда улардан олган таасуротларимни ёзиб борардим. Курсимизда таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказиларди. Ўлжас Сулаймонов, Евгений Евтушенко каби ва бошқа таниқли ижодкорлар ҳам қачонлардир шу ерда талаба бўлганлар, улар билан ҳам доим учрашувлар бўлиб турарди.

Бизда таниқли адабиётшунос олимлар дарс беришарди. Масалан, Геннадий Поспелов. Муҳими, бизнинг муҳитимиз байналминал руҳда эди, институти-мизда дунёнинг кўп мамлакатларидан ёш ижодкорлар таҳсил олишарди.

– Ўзбек ва рус адабиёти вакилларидан қайси адибларнинг таъсири кучли бўлди сизнинг ижодингизда?

– Энг аввало Алишер Навоий номини тилга оланман. Адабиётимиз асосчиси бўлгани учун эмас, бал-

ки жаҳоний буюк шоир ва мутафаккир бўлгани сабабли. Унинг монанди йўқ шеърляти — дурри покдек доно фикрларга тўла, уни англаб етиш учун бир умр камлик қилади. Машҳур рус шарқшунос олими Е.Э. Бертельснинг қуйидаги сўзлари жуда машҳур: «Бизларга, Навоийни идеаллаштиряпсизлар, деб кўп дашном берадилар. Лекин Алишер Навоий шундай бир зотки, уни идеаллаштирамай илож йўқ!» Кейин Абдулхамид Чўлпон номини ҳам эслаб ўтишни истардим.

Рус адабиётига келсак, «олтин аср» шоирлари Пушкин ва Лермонтов ижоди менга яқин, уларни қайта-қайта ўқиб-ўрганибгина қолмай, ҳатто таржима ҳам қиламан.

Эсимда бор, 1983 йилда Михайловское қишлоғида минг одам тўпланган катта майдонда бўлаётган мушоирада дунёнинг ҳамма томонидан келган шоирлар ва меҳмонлар олдида сўзга чиқиб, ҳозир ўқийдиган Пушкин шеърини ўз таржимамда, ўзбек тилида ўқийман, агар бу қайси шеър эканини айта олсангиз беҳад миннатдор бўлардим, дедим. Шеърни ўқишим билан, одамлар таниб: «Ночной зефир!» «Ночной зефир!» деб қичқирдилар. Бағоят мамнун бўлгандим ўшанда.

Севимли шоирларим ичида Сергей Есенин ҳам бор. Ўтли шоир Николай Рубцов билан курсдош эдик, у гитара чалиб, қўшиқ айтарди. Бошқа яна бир курсдошим бетакрор рус шоири Анатолий Пердреев эди. У билан шеърларимизни ўзаро таржима қилардик.

Кўпгина шеърларим унинг таржимасида Москва журнал ва газеталарида эълон қилинган, «Голоса жизни»(1975) китобим Тошкентда босилган. У тез-тез Тошкентга келиб турар, хонадонимда меҳмон бўларди.

Тарихий жанрда қалам тебратаётган адиб сифатида ўзимда жаҳон адабиёти чинорлари Вальтер

Скотт, Виктор Гюго, айниқса, Лев Толстойнинг таъсири катта эканини айтиб ўтаман.

– Сизнинг энг муҳим асарингиз – улуф Темур ҳақидаги роман-эпопея ҳисобланади. Бу мавзунинг замонавий ўзбек адабиёти учун долзарблик касб этаётгани сабаби нимада, деб ўйлайсиз? Асарни ёзишда қандай материаллардан, хусусан, қайси рус илмий ва бадиий материалларидан фойдаландингиз?

– Амир Темур – бизнинг миллий қаҳрамонимиз, давлатчилигимиз асосчиси. Бу ерда гап унинг салтанати кўлами, жаҳон тарихига таъсири (жумладан рус тарихига ҳам) ҳақидагина эмас: у юртимизда буюк давлатга асос солди, жамиятни бирлаштирди. Табиийки, мустақил Ўзбекистон бунёд этилар экан, биз ўз илдизларимизга, сарчашмаларимизга, қадимий анъаналаримизга мурожаат қилмоғимиз заруратдир. Бу янги давлат тузишдаги пойдеворимиз. Халқ ҳаётининг кескин бурилиш йилларида тарихий мазуларга юз буриш табиий ҳодисадир.

1967 йилдаёқ «Гумбаздаги нур» (рус тилига шоир Анатолий Парпара таржима қилган) достонини ёздим, унда мени тўлқинлантирган мавзу ҳақида қалам тебратдим. Албатта, Амир Темур ҳақида тарихий эпопея яратиш учун катта меҳнат қилишга, қаттиқ тер тўкишга тўғри келди. Бу ерда тарихий ўрганилган материалларни англаб етиш, турли халқларга тегишли бўлган қадимги ва ҳозирги манбаларни қиёслаш, ўзлаштириш, хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этди.

Бунинг учун йигирма йил керак бўлди. Асарни ёзишда ўтмиш тарихчилари Ғиёсиддин Алининг «Ҳиндистон ғазовоти кундалиги» (1400 й.), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (1404 й.), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1425 й.), испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг машҳур «Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», ўзимизнинг та-

рихшуносларимиз тадқиқотлари билан бир қаторда машҳур рус шарқшуноси В.В. Бартольд (унинг 9 томлик асарларини олмишинчи йиллардаёқ ўқиб чиққандим), А.Я. Якубовский («Темур. Сиёсий характеристика тажрибаси») ва бошқа олимлар асарлари доим иш столимда бўлди.

Мен эпопеяда келиб чиқиши хонлар авлодидан бўлмаган, оддий бир кешлик амирнинг ўғли, демак халқдан чиққан, оддий Буюк Инсонни кўрсатишга ҳаракат қилдим. Давлат арбоби, «серғайрат бунёдкор» (В.В. Бартольд ибораси), илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда, ислоҳотчи(реформатор) Амир Темур ўша замондаёқ Заминнинг бўлинмас, яхлит эканлигини, одамлар Ерда ягона геополитик маконда яшашларини англаб етган эди. У ўз Ватанини мўғуллар зулмидан озод қилиб, Турон салтанатини барпо қилди ва миссиясини давом эттириб, Европа халоскорига айланди.

Амир Темур моҳир дипломат эди: у Европа қиролликлари ва Яқин Шарқ подшоликлари — Испания, Англия, Франция, Миср, Усмонлилар империяси, Ироқ, Форс ҳукмдорлари ҳузурига элчилар юборар, улар билан ўзаро ёзишмаларни амалга оширарди. Мақсад битта эди: Ер юзида тинчлик ва тотувлик бўлсин. Тарихда бунга ўхшаш феноменни учратиш қийин. У ўзининг «Тузуқлар»ида куч адолатда экани, давлат ишларининг ўндан тўққиз улушини кенгаш (яъни дипломатия, келишув)га, фақат бир улушини қиличга қолдиргани ҳақида ёзади.

«Улуғ салтанат» роман-эпопеясининг эътиборга лойиқ жиҳатларидан бири, унда бадий адабиётда биринчи марта бу Буюк зотнинг оилавий ҳаёти тасвирланишини айтиб ўтаман.

— **Бадий таржима аҳамияти ва унинг аҳволи ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдим. Айтингчи, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарини рус тилига таржима қилиш нечоғлик му-**

## ҳим? Рус адабиётидан ўзбек тилига таржима қилиш учун қандай асарлар танлаб олинади?

— Агар таржиманинг умуман муҳимлиги ва аҳамияти борасида гапириладиган бўлса, балки, бирон янгилик айта олмасам керак. Бу ижодий соҳанинг моҳияти, аҳамияти алақачон англаб етилган, аниқланган, синовлардан ўтган. Таржима бошқа маданиятлар билан ошно қиладиган, бунга яхши имкониятлар яратиб берадиган жанр, ўз табиатидан келиб чиқиб, муносиб шаклда ва усулда ўзга миллат оламига кириб боради. Афсуски, таржима мактабларининг мавқеи тушиб кетганини тан олишимиз жоиз, бу ҳолат янги ташкил бўлаётган барча мамлакатларга тегишлидир. Аввало, эркин икки тиллик соҳаси тораёди, икки тилни баробар биладиган таржимонлар камайиб кетди. Бошқа жиҳат ҳам бор: ўтган асрнинг 90-йилларидан ҳозиргача таржимачилик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш амалга оширилмади, нафақат таржимонлар, балки муаллифларнинг ўзлари ҳам мақтангудек қалам ҳақи олганлари йўқ. Натижада таржима учун асарлар ва муаллифларни танлашда ўзига хос «бартер» усули қўллана бошланди: мен сени таржима қиламан, сен — мени, вассалом. Шунга қарамасдан, таржима ишлари тўхтагани йўқ. Бунда «Жаҳон адабиёти» журнали катта ишларни амалга оширмоқда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таржима кенгаши ишлаб турибди. Бу соҳада, албатта, рус тили алоҳида ўринни эгаллайди, бу воситачи тил орқали асарлар дунёнинг бошқа тилларига таржима қилинмоқда. Яқинда Алишер Навоийнинг рус тилидаги «Сокровищница мыслей» китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Китобга улуғ шоир шеърларининг рус тилига қилинган таржималаридан энг саралари танлаб киритилди. Таржимонлар ичида А. Наумов, Л. Пеньковский, С. Сомова, Е. Аксельрод, Вс. Рождественский, А. Файнберг, С. Липкин, С. Иванов сингари моҳир таржима усталари номлари бор. Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси бу серияни давом эттириш ниятида. «Звезда Востока» журнали мунтазам равишда ўзбек адабиёти намуналарини эълон қилмоқда, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Тоғай Мурод каби ва бошқаларнинг рус ўқувчисига ҳали таниш бўлмаган асарлари таржималари устида иш бормоқда.

– **Россия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи бошланганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Фикрингизча, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий ва адабий алоқаларнинг ривожлантириш учун ҳозир нималар қилиниши керак?**

– Давлатимиз раҳбари олиб бораётган кенг очиқ сиёсат, қўшниларимиз билан алоқаларни янгилаш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни халқаро майдонда кенгроқ намоён этиш, маданий алоқаларимизни фаоллаштиришни тақозо этади. Бунда фаолиятнинг турли кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, 2018 йил Қозоғистонда «Ўзбекистон йили» деб белгиланди, 2019 йилда Ўзбекистонда «Қозоғистон йили» бўлади. Шунга ўхшаш ўзаро маданий алоқалар мамлакатимиз билан Россия ўртасида ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Агар мамлакатларимизда ҳар томонлама маданий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида рус ва ўзбек санъати ва адабиёти декадалари ўтказилса, тарихий меросимизга ва долзарб ҳаётий муаммоларга бағишланган альманахлар чиқарилса, нур устига нур бўлар эди. «Россия ва Ўзбекистон» мавзуида адабий асарлар танлови ҳам ҳар томонлама фойдалидир. Аввало, ўзбек ва рус ўқувчилари қўшниларимиз адабиётида юз бераётган янгиликлардан бохабар бўлади, ўзини қизиқтирган китобларни олиш имкони туғилади, ёзувчилар эса ўзаро мулоқотлар уюштириши лозим, бу келажақда бошқа мамлакатда ўз асарларини нашр этиш имкониятини яратади.

**Николай Ильин суҳбатлашди.**

*«Литературная газета» 2018 йил 4–12 апрель, Москва.*



## Тарих, замон ва ёзувчи масъулияти

*(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан таниқли мунаққид, профессор Йўлдош Солижонов мулоқоти)*

**Йўлдош Солижонов:** Ҳурматли Муҳаммад Али! Суҳбатимизни ҳозирги ўзбек адабиётида тарихий мавзунинг ёритилиши, тарих, замон ва ёзувчи масъулияти ҳақида олиб борсак, дейман. Чунки хабарингиз бор, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов мустақиллик эълон қилинган илк йиллардаёқ Ўзбекистон тарихини ҳолисона ўрганиш, янгича ёндашиш, таҳлил қилиш, аждодларимиз яратган энг яхши анъаналарни давом эттириш, ҳуллас, тарихий хотирасиз келажакни баркамол қилиш қийин эканлигини уқтиргандан кейин бу масала янада долзарблик касб этди. Ҳар биримизнинг тарих олдидаги масъулиятимиз ортди. Шундан келиб чиқиб, бадиий адабиётимизда тарихий мавзунинг ишланиши, ижодкорнинг тарих ва замон олдидаги жавобгарлиги, миллий менталитетнинг сақланиши қай даражада эканлигини аниқлаш ғоят муҳим деб ўйлайман. Мана, мустақилликка эришганимизга ҳам чорак аср бўляпти. Бу муддатда халқимизнинг кўп асрлик тарихини тиклашга, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишга улгурдик. Бироқ ҳали қиладиган ишларимиз ҳам кўп. Нима дедингиз?

**Муҳаммад Али.** Рост, мустақилликка эришганимиздан сўнг, биз ҳамма нарсага янгича назар билан қарай бошладик, ўргандик, изландик, изланмоқдамиз.

Чунончи, кеча Амир Темур ким эди, бугун ким? Имом Бухорийга қандай кўз билан қарардик, бугун қандай қараймиз? Мустамлака даврида нурсиз бўлиб (атай шундай қилинган) кўринган тарихимиз ажойиб манзаралар намоён этди, этиб келмоқда. Эсимга тушди, 1967 йилда ёзилган «Гумбаздаги нур» достонимда шундай сатрлар бор эди:

*Яна келдим, эй Тарих бобо,  
Яна сенга даъво қилурман.  
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво  
Ҳақиқатнинг йўли билурман.*

Лекин, даъво қилишга қўймасдилар. Она тарихимиз ҳақида жуда моҳирлик билан қалам тебратилмаса, ундай асарларга йўл йўқ эди, дарҳол «ўтмиш идеаллаштириляпти» деб айюҳаннос солинар эди. Лекин, Аллоҳга шукр, бу даврлар ортда қолди. Истиклол қуёши тарихимизни қоплаб олган машъум туманларни тарқатиб юборди. Ижод аҳли учун бемисл имконлар очилдики, буни қувонч билан қайд этамиз.

Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, рост айтасиз. Ҳозир тарих ҳақида бемалол ёза олиш, истаган мавзуда қалам тебратиш мумкин. Ҳеч қандай табу йўқ. Тарихнинг берк дарвозалари ланг очилди. Бу истиқлолимизнинг буюк шарофати. Ижодкорлар, улкан хазина олдидан чиқиб қолган сайёҳдай ҳайратга тушдилар. Ҳозир адабиётимизда турли тарихий мавзуларда асарлар ёзишга киришган, илгари тарихий мавзулардан йироқ бўлган ёзувчилар кетма-кет янги китобларини эълон қилишмоқда. Умуман, бу қувончли ҳодиса. Қайдадир айтганман, тарихий мавзуда ижод қилмоқ икки карра ёзувчи бўлмоқ демақдир. Тарих ҳақида ёзиш керак, аммо билиб ёзиш керак. Амир Темур эгачиси Қутлуғ Туркон оқанинг ёш, ўн тўққизда вафот этган қизи Шодимулк оқа билан (мақбараси Шохизинда қабристониди) Амир Темурнинг набираси Халил Султоннинг рафиқаси Шодимулкни бир



шахс деб ўйлаган ёки Амир Темурнинг набираси Султон Ҳусайн Мирзо билан Султон Ҳусайн Бойқаронинг фарқига бормайдиган ижодкорларга ачиниб кетасан киши. Айниқса, тарихий шахслар ҳаётини чуқур ўрганмай қўлга қалам олинганда уларга нотўғри, ноҳўя баҳолар беришдан ёзувчи ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Қолаверса, ҳар бир ёзувчи хоҳ замонавий бўлсин, хоҳ тарихий, бир мавзуга киришар экан, ёки унда ижодий ният туғилар экан, бир лаҳза шу мавзуда қалам тебратишга маънавий ҳаққим, ҳуқуқим борми, деб ўйланмоғи лозим.

**Савол:** Бу фикрингизга тўла қўшиламан. Ёзувчида маънавий ҳуқуқ бўлмоғи керак! Масалан, улуғ ўзбек адиби Ойбекнинг «Навойи» романини ёзишга маънавий ҳуқуқи бор эди, деб ҳисоблайман. У ўзининг буюк мутафаккир ижодини чуқур, ҳар тарафлама ўқиб-ўрганиб, у ҳақда ёзиш ҳуқуқини қўлга кiritган эди, дейиш мумкин.

Одатда, ёзувчи учун замонавий мавзуда асар ёзиш, тарихий мавзуда асар ёзишдан кўра осон, деб ўйлайдилар. Танланган воқеа-ҳодисалар ҳам, қаҳрамонлар ҳам, ҳаёт ва табиат манзаралари ҳам муаллифнинг шундоқ кўз ўнгида намоён бўлади. Тўғри айтгансиз, тарихий мавзуда ижод қилмоқ учун икки карра ёзувчи бўлмоқ керак. Тарихий асар ёзиш учун адиб қанчадан-қанча ёзма манбаларни, ўша замон турмуш тарзини, шарт-шароитини, тилини, урф-одатларини синчиклаб ўрганиши, энг муҳими, ўша муҳит ичига кириб яшаши шарт. Бунга эса ҳар кимнинг ҳам тоқати етавермайди. Эҳтимол, шунинг учундир, адабиётимизда замонавий мавзуда ёзилган асарларга қараганда тарихий асарлар камроқ.

Шунга қарамай, Сизнинг серқирра ижодингизда тарихий мавзу устунлик қилади, яъни олтмиш-етмиш фоиз асарларингиз буюк Туркистон салтанатининг шаклланиши, бу жараёнда муҳим роль ўйнаган

Амир Темур шахси ва фаолиятини бадиий таҳлил этишга бағишланган. Сиз аслида бу тарихий жараён билан ўтган асрнинг 70-йиллариданоқ қизиқа бошлаган эдингиз. Айтиш лозимки, тарихий мавзуга муносабатингиз билан ҳам тенгқурларингиз ичида ажралиб турар эдингиз. Бир неча шеърларингизда, юқорида эслаганингиз «Гумбаздаги нур» достонингизда, ҳатто «Боқий дунё» шеърый романингизда (ўз вақтида бу асарингиз ҳақида мақола ёзиб эълон қилгандим) ҳам Соҳибқирон образига мурожаат этгансиз. Кейинги йилларда яратилган икки китобдан иборат «Сарбадорлар», 4 китобдан ташкил топган «Улуғ салтанат» романларингиз эса адабиётимизнинг тарихий хазинасини янада бойитди. Охирги икки йил ичида Соҳибқиронга бағишланган икки шеърый асарингиз — «Авлиёнинг башорати» ва «Исмим Темурбекдир, Темурбек сўзум» номли ўзига хос достонларингиз эълон қилинди, ўқидим, ёқди, дўстим, бағоят мамнун бўлганимни айтиб ўтаман. Ҳа, сиз тарихни яхши биласиз. Шунча романлар ёзиб қўйдим, бўлар, демасдан, қутлуғ мавзуга садоқат кўргизиб келаётганингиз мақтовга сазовордир.

Ўйлаб қарасам, сиз «Темурнома»нингизни (бу ибора ногаҳон хаёлимга келди) яратиш учун муборак умрингизнинг эллик йилини она халқимизнинг XII асрдан то XX асригача бўлган 700 йиллик буюк тарихини ўрганишга, тинимсиз изланишга бағишлабсиз. Айниқса, «Улуғ салтанат» роман-эпопеяни тугаллашга 20 йилдан ортиқ вақт сарфладингиз. Жаҳон миқёсидаги қанчадан-қанча илмий, бадиий, тарихий манбалар, турли мамлакатларда сақланаётган ҳужжатлар, музей экспонатлари билан танишишингизга тўғри келди. Кўп йиллар Халқаро Амир Темур жамғармасида ишлаганингиз ҳам бу асарнинг ҳаққоний чиқишига ёрдам берди, деб ўйлайман.

Бир нарсадан ҳайратга тушдим. Бу — Соҳибқирон Амир Темур, жаҳонга машҳур сиймо бўлса, ки-

тоб ҳам шунчаки китоб эмас, адабиётимизда пайдо бўлган биринчи эпопея; боши-охири, эни-бўйи бир-бирига мутаносиб, ҳамма бадий талабларга жавоб бера оладиган, Амир Темур ҳаётининг бир даври эмас, балки бутун ҳаёти қаламга олинган асар! Ҳозирнинг ўзидаёқ эпопеянинг биринчи китоби турк тилига (2008, Стамбул) ва рус тилига (2015, Тошкент) таржима қилиниб нашр этилгани ҳам бежиз эмас. Қўрқмай, дадил, шижоат билан шундай катта мавзуга қўл урганингиз, ишга киришганингиз киши қалбида ижодкор сифатида сизга самимий ҳурмат туйғусини уйғотади.

Бу, чиндан ҳам, беадад меҳнат, бемисл изтиробларни бошдан кечирмак, демақдир. Буни холисанилло айтаётирман.

Эпопеяни яратиш жараёнида олиб борган изланишларингиз ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз? Умуман, Сизнинг тарихга бу қадар қизиқишингизга асосий сабаб нима? Амир Темур фаолиятининг илк давридан то вафотига қадар акс этирилган 6 китобни ярим асрлик изланишларингиз ҳосиласи, якуни десак бўладими?

**Жавоб.** Шундай деб қабул этиш ҳам мумкиндир.... Нима бўлганда ҳам, устозлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировлар, жаҳон адабиётининг улуғ вакиллари Виктор Гюго, Лев Толстой каби адиблар тажрибаларидан фойдаланиб қалам тебратаётганимни алоҳида таъкидлаб ўтаман.

Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо: «Бу ҳам қисмат!» деган иборани такрорлашни яхши кўраркан. Қисмат... Устод Ойбекни эслайлик. Қаранг, «Навоий» романи ғояси туғилган паллаларда адиб олдида жуда мураккаб муаммолар турарди. Биринчидан, ўтмишни идеаллаштириш, деган бало. Иккинчидан, ҳали ўзбек халқининг расмий тарихи ишлаб чиқилмаган эди, жумладан, Навоий даври ҳам. Учун-

чидан, «Навоий — сарой шоири» деган тамға қаттиқ амалда...

Буларнинг бари ўша пайтда ўтиб бўлмас тўсиқлар ҳисобланарди. Лекин Ойбек ўз ниятидан қайтмади — ҳам тарихий, ҳам бадий мантиққа суяниб, порлоқ тафаккур машъали билан фанорлари ўчирилган тарихимиз пучмоқларини ёритиб берди — гўзал ва зебо асар — «Навоий» романини ёзди, адабиётимиз қаддини баланд кўтариб қўйди! Бу ҳам бир қисмат эди...

Шуниси диққатга сазоворки, Ойбек ўзининг асари билан ўша давр расмий тарихини ёзишда тарихчиларга кўмак ҳам берди.

Менинг тарихга қизиқишимга келсак, бу ёшликдан, адабиётга илк қадам қўйган даврлардан бошланган. Болалигимда энам Хосият отин тарихий қиссалар ўқиб берарди.

Улар ичида эсимда қолганлари: Ҳазрат Али ва Биби Фотима тўйидаги ёр-ёрлар, «Маликаи Дилором» достони (унда малика Дилоромни шер олдига ташлайдилар, шер унга тегмайди, ёнаётган тандир ичига отадилар, қиз ўтда ёнмайди ва ҳ.к.), «Нуринома», Навоий ва Машраб ғазалларидан ҳам ўқиб берардилар. Олти ёшарлик пайтларимда Отинча энам қўшни қишлоқларга бориб аёллар даврасида «Мушкул кушод», «Биби Сешанба», «Мавлуди шариф» каби мажлислар ўтказар, ҳамиша мени етаклаб олардилар. Мен эманнинг китобларини дуррачага боғлаб елкамга кўтариб олардим.

Ҳамма мажлисларда бир четда ўтирардим. Қора чироқ ёруғида китоб ўқир экан, ҳаяжонли лаҳзаларда, энам кўзойнаги бурнининг учига келиб қолар, кўзойнак устидан кўнгиллари мутаассир бўлган аёлларга қараганларида кўзларида жиққа ёш бўларди... Қайтганимиздан сўнг, дуррачани шифтга осиб қўйишимни буюрар: «Китобларни ерга қўйиб бўлмайди, болам, китоб азиз!», — дердилар.

Учинчи синфда мен «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар» дostonларини кечалари оиламиз аъзоларини йиғиб ўқиб берардим. Отам, онам, қўшнилар киришиб, қизиқишиб эшитишарди.

Тўртинчи синфдалигимда Мухтор Авезовнинг «Абай» (отам сафардан олиб келиб берган эдилар, ўша йиллар асар ўзбек тилига таржима бўлганди) тарихий романини ўқиб чиқдим.

Еттинчи синфдалик пайтимда Ойбекнинг «Навий» романини катта қизиқиш билан мутолаа қилганман.

Тарихга қизиқишим ўша болаликда энамнинг китобларини кўтариб юришимдан бошланган бўлса керак. Кейинги воқеалар бу қизиқишни яна мустаҳкамлаб борганига шубҳа йўқ.

Москвада Адабиёт институтида кечган талабалик йилларимда тарихга қизиқишим яна ҳам кучайди. Ўзингизга маълум, талабалик ёшида одам узоқ мулоҳазаларга бориб ўтирмайди — табу қўйилган тарихимизга яна ҳам қаттиқроқ меҳрим тушиб қолди: аввал «Қадимги қўшиқлар» шеърий туркумини ёздим. Кейин «Машраб» (1966) дostonини битдим, у муҳокамалардан ўтиб эсон-омон эълон қилинди. Шуниси қизиқки, Машраб ҳақида адабиётда эмин-эркин фикр билдириш мумкин эмас, бирон жўяли асар ҳам ёзилмаган эди ўша йилларда (Ойбекнинг 1936 йилда ёзилган «Машраб» шеъри бундан мустасно).

Фикримча, Амир Темур ҳақидаги «Гумбаздаги нур», (1967) дostonи ижодимда кескин бурилиш бўлди. Шундан бошлаб Соҳибқирон Амир Темур мавзуси жозибаси мени ўзига маҳкам боғлаб олди, бошқача айтганда, севган ардоқлаган мавзуим, «айрилмас дард»имга айланди. Тарихимизнинг буюк шахслари ҳаётини, халқимиз тарихидаги ёруғ ва фожиали нуқталарни бадиий таҳлил қилиш, адабиётга олиб кириш муродим бўлди. Халқимизнинг улуғлигини оламга кўрсатиш, ундан фахру ифтихор ҳиссини туюш ор-

зуим эди. Бу халқ чиндан ҳам улуғ халқ-да! 1970 йил-даёқ «Шарқ юлдузи» журнали анкетасига берган жавобимда: **«Халқимизнинг бадиий тарихини яратишимиз керак»** деган сўзларни келтирган эканман. Ана шу халқимизнинг бадиий тарихини яратиш масаласи ҳозир ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Рост, кўп изланишлар олиб бордим. Тарихимиз қатлам-қатлам бўлиб ётибди, бир қатламни кўтариб, унинг қаърида яшириниб турган ноёб факт, далил, тушунчани қийинчилик билан оламан ва йўқотиб қўймаслик учун ёнимда турган хаёлий «сандиқча»га соламан. Кейин иккинчи қатламни кўтараман, кейин учинчисини... Шундоқ қилиб, кўп тарихий фактлар, воқеалар, номлар, шахслар... яъни асар учун зарур бўлган «хомашё» жамғарилади. Энди ундаги далиллар, фактлар, воқеаларни табиий равишда бири-бирига ройиш ҳолга келтириш керак, мутаносибликка эришиш (фактлар қайсар бўлади, бўйин эггиси келмайди, дейдилар-ку), пайдо бўлган тушунчалар эса умумтарих тушунчаларига мос келиши зарур. Узоқ изланишлардан сўнг топилган «мағиз», «қаймоқ», «фикр», «ғоя» ёки эссенцияни асар қаҳрамонлари «ўзлариники» қилиб қабул этадиларми ҳали, ёки рад қилишадими? Чунки қаҳрамонларингиз анов-манов эмас, жаҳоншумул шахслар! Улар қандай сўзлайдилар? Қандай мулоҳаза юритадилар?.. Бу ҳам майли, ҳали олдинда энг катта синов турибди: асарни ўқувчи яхши қабул қиладими, йўқми?..

Тарихий воқеалар, фактлар манбаларда ҳар хил келади, уларни бир-бирига қийинлаб, тўғриси топиш учун узоқ мулоҳаза юритиш лозим. Бир тарихий манбада янгилик топибоқ, унга суяниб дарҳол ижодий ишга киришиб кетиш номуносиб иш. Аввал ўша манбадаги янгиликнинг ўзини ёзувчи текшириб, ҳақлигига имон келтириши керак. Бу ерда тарихий мантиқ тушунчаси ёзувчига қўл келади. Умуман, тарихий асардагина эмас, барча асарларда ҳам мантиқ

бўлмоғи лозим. Бу — аксиома. (Тарихий мантиқ деган тушунча ҳақида қаралсин: Муҳаммад Али. Танланган асарлар. — Т.:, 2012. Иккинчи жилд, 301-бет.) Чунончи, ўзим эпопея устида ишлаш жараёнида, Гиёсиддин Алининг «Ҳиндистон газовоти кундалиги», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (бу икки китобни Соҳибқироннинг ўзи ўқиган), Испания элчиси Клавихонинг Самарқандга Амир Темур саройига саёҳати кундалиги, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Муъиниддин Натанзийнинг «Мунтахаби таворихи Муъиний» ҳамда Фасих Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий» каби китобларига кўп мурожаат қилдим. Буларда кўп фактлар бир хил, аммо талқинлар ҳар хил учрайди. Бу табиий. «Мужмали Фасихий» бир юз эллик йиллик (1300—1450) тарихимизни ўз ичига олган солнома китобдир. Унда муаллиф йилма-йил қисқача қилиб муҳим фактларнигина келтириб ўтади (масалан, фалон воқеа юз берди, фалончи туғилди, фалончи оламдан ўтди, фалон ерга юриш бошланди ва ҳ.к.), кенг шарҳлар бермайди. Бошқа китоблардаги фактларни бир-бирига қиёслагандан кейин, уни «Мужмали Фасихий» призмасидан ўтказаман. Бу мумкин қадар ҳақиқатни тиниқлаштиришга ёрдам беради.

**Савол:** Қарийб 130 йиллар давом этган мустамлакачилик даврида тарихимизга рўй-рост муносабатда бўлиш тақиқлаб қўйилган эди. Шукрки, мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз тарихини, хусусан, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва ҳаққоний ифодалашга имконият туғилди. Юқорида бу ҳақда ҳам сўз кетди. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб тарихнавис адибларнинг 4-тўлқини шаклланиб, шиддат билан ижод қилишга киришди. Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Навоий, Замахшарий, Ҳаким ат-

Термизий, Имом Бухорий, Машраб ва ҳоказо алломалар, Муқанна, Спитамен, Султон Маҳмуд Ғазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Таробий сингари тарихий шахслар, ватанпарвар аждодларимиз тўғрисида турли жанрларда талай асарлар яратилди. Булар орасида айниқса, Соҳибқирон Амир Темур шахсига бағишланган асарлар алоҳида ўрин тутади. Қисқа муддатда ўнлаб шеърлар, достонлар, драмалар, қисса ва романлар дунёга келди. Уларда Соҳибқироннинг қиёфаси, маданий-маънавий олами, сиёсий фаолияти, иш тутуми, бошқарув усуллари турли ракурслар орқали акс эттирилган. Албатта, ҳар қандай ижодкор асар ёзаётганида шу мавзу ва муаммо бўйича ўзидан олдин ёки бир пайтда яратилган адабий, илмий, публицистик асарлари билан танишишга эҳтиёж сезади. Сиз ҳам замондошларингиз яратган ўша асарлар билан танишдингизми, улардан нималарни ўргандингиз? Ёки...

**Жавоб.** Очиғини айтишим керак, Амир Темур ҳақида асар ёзаётганимда шу мавзуда ёзилган бошқа китобларни мутолаа қилишдан ўзимни йироқ тутдим, ҳеч қандай бадиий асар ўқимадим. Чунки бу кишини чалғитиб қўйиши, кўнглида туғилган фикрга шубҳа уйғотиши, умуман, ижодий ишга халал бериши мумкин. Бундан қочиш керак. Шуни тасдиқлайдиган бир мисолни келтирай. Бир адиб Амир Темур ҳақида роман ёзади, унда Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон образи тарихий шахс сифатида келтирилади. Садр Сулаймон, Самарқанд ҳокими аслида «Сарбадорлар» роман-дилогияси қаҳрамонларидан бири. Энг муҳими, у зинҳор тарихий шахс эмас, балки ёзувчи фантазияси туфайли яратилган бадиий тўқима образдир. Муаллиф «Сарбадорлар»ни ўқиб таъсирланиб кетгани оқибатида унга тарихий шахс дея қаттиқ ишониб қолган бўлиши мумкин, деган фикрдаман. Балки бу ёзувчининг ўша даврни чуқурроқ ўрганмагани оқибатидандир.



Лекин, китоблар ўқидим, адбатта, ўқишни тўхта-тиб бўлмайди. Фақат тарихий манбаларни, ҳужжатли асарларни, мавзудан бошқа бадиий китобларни ўқидим.

**Савол:** Эпопея туфайли ўнлаб янги адабий қаҳрамонлар адабиётимизга кириб келганини таъкидлаш жоиз. Қаранг, Амир Темур ҳарами, сарой маликалари, унинг ўғиллари, қизлари, келинлари, дўстлари... Биз уларнинг айримлари (Сароймулкхоним, Шохрух Мирзо, Гавҳаршодбегим, Халил Султон ва бошқ.) ҳақида оз-моз билардик. Бошқа жиҳати, эпопеяда тасвирланган воқеалар, шахслар, қаҳрамонлар кўлами, миқдори шу қадар кенг ва кўпки, ўқувчи уларнинг қайси бири тарихий ёки тўқима эканлигини, қайси манбадан олинганлигини билмайди. Бинобарин, асарингизда акс эттирилган факт ва рақамлар ҳамда воқеаларнинг ҳаёт ҳақиқатига мослиги ёки мос эмаслигини аниқлаш учун тадқиқотчи ҳам, ўқувчи ҳам қанчадан қанча тарихий манбалар, қўлёзмалар, чет элда чиққан китоблар, мақолалар, музей экспонатларидан хабардор бўлиши керак. Тўғриси айтганда, бу жараён ёзувчи учун ҳам осон кечмаган. «Амир Темур чамани» номли эссенгизни ўқиб, Америка Қўшма Штатларидаги Вашингтон университети кутубхонасида қандай манбалар борлиги билан қизиққаннингиз, ҳали бизларга маълум бўлмаган Амир Темур ҳақида XVII асрда инглиз тилида ёзилган икки китобдан нусха кўчириб олиб келганингиздан жуда таъсирландим. Ҳа, тарихий факт, рақамлар, шахсларнинг кўплиги ўқувчини чалкаштириб юбориши таяин. Бу мураккаб жараёндан холи бўлиш усуларингиз ҳақида ўртоқлашсангиз. Бу, шубҳасиз, тарихий мавзуда асар ёзишни ният қилган бошловчи адиблар учун ўрнак бўлармиди?

**Жавоб.** «Улуғ салтанат» эпопеясида образлар, персонажлар чиндан кўп. Биров юздан ортиқ дейди,

бирова уч юздан ошади, дейди. Аммо ўзим санаб кўрмаганман, аниқ билмайман. Бир санаб қўйишим керак.

Романдаги каттами-кичик ҳар бир образнинг пайдо бўлиши бош қаҳрамон Соҳибқирон Амир Темурга боғлиқ. Шунини айтиш керакки, бирон образ ўз-ўзича асарга кириб қолмаган, балки, унинг бош қаҳрамон Амир Темурга қанчалар кераклиги, бош қаҳрамоннинг бирон қиррасини очишга, образни нечоғлик нурлантиришга қанчалар хизмат қила олиши, қайси жиҳати билан асарга кўрк бағишлаши, бошқача айтганда, ўз мақсади ва унга юкланган вазифаси билан кирган.

Албатта, образларни адаштириб юбориш нохуш ҳодиса. Ёзувчининг хотираси мустаҳкам бўлиши керак. Мен ижод жараёнида ҳар бир қаҳрамоним билан бирга яшадим, десам муболаға бўлмас. Шу сабабдан ҳар бир образ яхши эсимда қолган, дейишим мумкин. Шунга қарамай, қайта-қайта назоратдан ўтказишга тўғри келди. Эпопеядаги кўп образлар тарихий шахслардир, лекин тўқима образлар ҳам талайгина. Асар қуруқ суяк бўлса, тўқима образлар эт, унга жонлик, руҳ бағишлаб туради.

Сиз, асарда шахслар, қаҳрамонлар кўлами, миқдори шу қадар кенг ва кўпки, ўқувчи уларнинг қайси бири тарихий ёки тўқима эканлигини, қайси манбадан олинганлигини билмайди, дедингиз. Тўғри. Аслини олганда, асар шундай бўлиши керак, агар ўқувчи образларнинг қайси бири тўқима, қайси бири тарихий шахс эканлигини ажрата олмаса, демак ёзувчи ўз асарининг ҳаётий чиқишига эриша олибди, дейиш мумкин. Энг муҳими, асарга ўқувчининг ишона олиши, ишончи. Аслини олганда, асарда тарихий образларнинг тўқима образга ўхшаб кетиши, ё аксинча, тўқима образларнинг тарихий образдай қабул қилинишига эришиш ёзувчининг энг ширин орзусидир.

**Савол:** Мени шаҳзода Муҳаммад Султоннинг ҳар жиҳатдан етук, бой пурмазмун ҳаёти диққатимни ўзига тортади. Ёрқин образ! Соҳибқироннинг суюкли набираси, салтанат валиаҳди! Бу, албатта, ёзувчининиг катта маҳорати меваси. Қаранг, у «Қуръони Карим»ни улуғ бобосига китобат қилиб бермоқчи. У салоҳиятли хаттот-да! Каломуллони кўчириш асносида, ўзида ҳам мусаннифлик ҳаваси пайдо бўлади ва шу муносабат билан у кундалик тутади. Кундаликни асарнинг энг ёрқин саҳифаларидан деб ҳисоблашга журъат этаман. У Муҳаммад Султон образини етуклаштиришда, асарнинг бўй-бастини тасаввур этишда катта аҳамиятга эга. Бу ҳақда, умуман, алоҳида, тўхталиш лозим-ку-я.

Ҳозирча асарингизда мактублардан жуда кўп фойдаланганингизга диққатни қаратмоқчиман. Очиғи, эпистоляр нутқ шаклларида бири бўлган мактублар бадиий нутқ муаммолари бўйича кўп йиллардан буён илмий изланишлар олиб бораётган мутахассис сифатида мени жуда қизиқтириб қолди. Биргина аёллар мактубининг ўзи уларнинг сурати ва сийратини аниқлашда муҳим кўзгу бўлиб хизмат қилади.

Кундошлар, овсинлар, қайнона-келинлар, дугоналарнинг ёзишмалари ҳар бири бир олам. Амир Темур хатлари эса алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маиший-ахлоқий, оталар ва болалар ўртасидаги муносабат каби ўнлаб соҳаларга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар махсус тадқиқотлар учун етарли материал бера олади. Айтингчи, уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий манбаларда берилганми ёки ғоявий ниятингизни ифодалаш учун тўқиганларингиз ҳам борми? Умуман, эпопеяда тарихий воқелик билан бадиий тўқиманинг мувозанати қай даражада?

**Жавоб.** Тарихий воқелик билан бадиий тўқима мувозанати ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар орасига аниқ бир чизиқ ўтказиш қийин, иккови бир-

бирига қоришиб кетган десак мумкин, лекин бу ерда тарихий мантиқ назариясига суяниб иш юритиш керак. Унинг маъноси: келтирилган воқеага, образга, ҳолатга, тушунчага ўқувчи ишонсин, уларнинг ҳаққонийлигига ўқувчида шубҳа уйғонмасин. Мен тарихий воқелик билан бадий тўқима мувозанатини тенг тутишга ҳаракат қиламан.

Ёзишмаларга келсак. Қадимдан ҳукмдорлар, таниқли арбоблар, аллома ва шоирлар, маликалар ўртасида мактуб ёзишлар жуда урф бўлган. Бу халқимизнинг яхши маънавий одатларидан ҳисобланади. Хўжа Аҳрор валий, Алишер Навоийлар ўз фаолиятларида бундан кўп фойдаланганлар. Масалан, Алишер Навоий шундай ёзган мактубларини йиғиб «Муншаот» (иншо этилган хатлар) номида китоб ҳам яратган.

Эпопеяда ҳам бу жанрдан унумли фойдаланилган. Тўғри иллагансиз, улар асарда гоъвий ниятни ифодалаш учун восита сифатида келтирилган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарларида Амир Темурнинг турли ҳукмдорлар билан ёзишмаларидан намуналар, борди-ю мактубнинг ўзи бўлмаса, унинг мазмуни келтириб ўтилади. Ундан ташқари, Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари олимларимиз томонидан эълон қилинган. Мен уларнинг барчасидан озми-кўпми фойдаланишга ҳаракат қилганман. Маликалар ёзишмалари, хусусан, Сароймулкхоним, Хонзода хоним мактублари, асосан, бадий тўқима маҳсулидир.

**Савол:** «Улуғ салтанат» эпопеясида аввалги романнингиз «Сарбадорлар» билан узвлар кўп учрайди. Айниқса, сарбадорларнинг «Тун салтанати» кўриқчилари шоиртабиат йигит Ахий Жаббор, Аббос баҳодир ва бошқаларнинг иштирок этиши, Амир Темур салтанатини мустаҳкамлашга сидқидилдан хиз-

мат қилиши ўқувчини ишонтиради. Зеро, Амир Темурнинг ўзи ҳам сарбадорлар ҳаракатига хайрихоҳ эди. Шу боис уларнинг вакили ҳисобланган Ахий Жабборга эътибор билан қарайди, қўллаб-қувватлайди, муҳим топшириқлар беради. Зийрак ўқувчи сезадики, кейинги тўрт китобнинг марказий қаҳрамони Амир Темур мўғул босқинчиларига қарши кураш, улуғ Турон, Туркистон салтанатини барпо этиш майдонига илк қадамини ана шу сарбадорлар билан бирга ташлаган. Шуларни ўйлаганимда, менда шундай истак пайдо бўлди: модомики, «Улуғ салтанат» «Сарбадорлар»нинг мантиқий давоми экан, уларни бирлаштириб, 6 китобдан иборат мукамал эпопеяни яратиш ниятингиз йўқми? Бу, менимча, XXI аср ўзбек адабиёти учун ҳам феноменал ҳодиса бўлармиди?! Нима дедингиз?

**Жавоб.** Шунга айтиш лозимки, бу китоблар аллақачон нашр қилинган бўлса ҳам, ҳали улар устида ишлаб келаман, гоҳ бир сўзни ўзгартираман, гоҳ бир воқеа киритаман, ё бир парча қисқартираман. Сизнинг таклифингиз жуда қизиқ. Авваллари ҳам шундай таклифлар билдирилган ҳоллар юз берган. Буни мулоҳаза қилиб келаман. Ўқувчилар бунга нима деркин? Балки, айтганингиздай «Сарбадорлар»ни ташқарида қолдирмай, «Улуғ салтанат» қўрғонига киришиб қўйиш адолатли қадам бўлар... Буни вақт кўрсатади.

**Савол:** «Шарқ» нашриёти томонидан «Улуғ салтанат» эпопеясининг тўрт китоби тўла нашр этилгандан кейин матбуотда ҳуқуқшунос олим А. Саидов, тарихчи олимлар Т. Ширинов, А. Бердимуродов, Н. Жумахўжа, ижодкорлардан Ҳ. Сатторий, З. Рўзиева, Т. Ҳайит, С. Умарова кабилар асар ҳақидаги дастлабки таассуротларини изҳор этдилар. Бироқ очиғини айтганда, академик Б. Назаровнинг «Улуғ салтанат» эпопеяси 1-жилдига ёзган сўзбошиси ва «Шарқ

юлдузи» журналининг 2015 йил 1-сонида эълон қилинган «Амир Темур тасвирот ва таассурот дунёсида», И. Ёқубовнинг «Умуммиллий дардлар залвори» («Ёшлик» журналининг 2015 йил 1-сонида) сарлавҳали мақолаларидан бошқа адабиётшунослар, айниқса, тарихчи олимларнинг таҳлилий чиқишлари бўлмади, шекилли. Бу ҳақда нима дея оласиз? Фақат Сизнинг асарингиз ҳақида эмас, умуман, ҳозирги адабий жараёни, хусусан, адабиётда тарихий мавзунинг ёритилиш даражасини таҳлил ва талқин этишда адабий танқиднинг фаолиятидан кўнглингиз тўляптими?

**Муҳаммад Али.** «Улуғ салтанат» эпопеяси ҳажман катта, (жанрни мавзунинг ўзи танлаганини айтиб ўтишни истардим) уни ўқиб чиқиш учун вақт керак, мағзини чақиб фикр қилиш учун фурсат лозим. Албатта, ҳозир адабий танқидчилик анчагина суст эканини танқидчиларнинг ўзи айтиб турибди. Доим илғорликка интилган адабий танқидчилигимиз яхши анъаналарга эга. Агар бадиий асарларимиз ҳақида истеъдодли мунаққидларимиз ва етук тарихчи олимларимизнинг таҳлилий мақолалари матбуотда эълон қилинса, бу бир томондан адабий жараёни теран ёритиб беришда, иккинчи томондан адабиётимизни кенг тарғиб этишда, энг муҳими, улуғ тарихимизга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатишга хизмат қилган бўлар эди.

**Йўлдош Солижонов.** Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!



## МУҲДАРИЖА

## I

Келажак бугундан бошланади .....	3
Амир Темур ва Алишер Навоий .....	10
«MAN — СИЗ УЧУН». Очерк.....	24
Навоий номини улуғлаган шаҳар .....	37
Адабиётга ғамхўрлик .....	49
Хотира — муқаддас, қадрият — улуғ .....	54
«Жондошгу содиқ дўст йўлдошинг бўлсин».....	60
Замонамиз қаҳрамони. Очерк.....	71
Самарқанд конференциясидан кейинги ўйлар.....	84
Инсонга меҳр керак, эътибор керак.....	91
Амир Темур ва унинг саркардалари.....	101

## II

Жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндаси .....	117
Маҳтумқули — сўзлар тили туркманнинг.....	127
Бердақ шоир ҳақида сўз .....	132
Икки буюк дарё .....	138
Пушкин шеърляти.....	144
Шеърлятимизнинг порлоқ юлдузи .....	149
Юракка Ваган суратини чизиб .....	158
Шоирнинг сози тинмайди .....	168
«Кўнгиллар ноласи...» .....	174
Бир сўзнинг ҳар хил ўқилиши .....	180
Француз тарихчисининг Амир Темур ҳақидаги асари.....	184

**III**

Унутилмас хотиралар .....	188
Шароф Рашидов туҳфаси .....	198
Маърифатпарвар олим.....	209
Ирмоқни оқимга айлантира олган ижодкор.....	213
Амир Темурнинг шонли авлодлари .....	216
Тарих, замон ва ёзувчи масъулияти .....	222



**Муҳаммад АЛИ**

## **ЁРҚИН КУНЛАР НАФАСИ**

*Очерклар  
Публицистик мақолалар  
Адабий мақолалар  
Сухбатлар  
Хотиралар*



*Муҳаррир Қутлибика Раҳимова  
Бағий муҳаррир Исломжон Азаматов  
Мусахҳиҳ Қутлибика Раҳимова  
Техник муҳаррир Елена Толочко  
Матн терувчи Гулчехра Азизова*

Лицензия рақами АИ № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 20 августда рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,60. Нашр табоғи 10,90. Адади 2000 нусха. Шартнома № 89 – 2019. Буюртма № 19.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чулпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

«AVTO-NASHR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100005, Тошкент, 8-март, 57.

*Agud va  
jamiyat*



*Cho'lon nomidagi  
nashriyot-matbaa ijodiy uyi*

ISBN 978-9943-5384-9-8



9 789943 538498

the 1990s, the number of people in the UK who are aged 65 and over has increased from 10.5 million to 13.5 million (19.5% of the population).

There is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. The Department of Health (1999) has set out a strategy for the care of the elderly, which includes a commitment to improve the health of the elderly population and to ensure that they receive the best possible care.

The aim of this paper is to review the current state of research on the health care needs of the elderly population and to identify areas for further research.

## Background

The elderly population in the UK is growing rapidly and is becoming increasingly diverse. This has implications for the health care system and for the way in which health care is delivered.

The elderly population is becoming increasingly diverse in terms of ethnicity, social class, and geographical location. This has implications for the health care system and for the way in which health care is delivered.

The elderly population is becoming increasingly diverse in terms of ethnicity, social class, and geographical location. This has implications for the health care system and for the way in which health care is delivered.

The elderly population is becoming increasingly diverse in terms of ethnicity, social class, and geographical location. This has implications for the health care system and for the way in which health care is delivered.

## Methods

A literature search was conducted using the following databases: Medline, PsycInfo, and Sociofile. The search terms used were: elderly, health care, needs, and research.

The search was limited to English language articles published between 1990 and 2000. The search identified 100 articles.

The articles were screened on the basis of their titles and abstracts. The full text of the articles was obtained for those articles that were deemed to be relevant to the research.

The articles were then read and the relevant information was extracted. The information was then synthesised and presented in the form of a narrative review.

## Results

The results of the literature search are presented in Table 1. The table shows the number of articles identified in each database and the number of articles that were deemed to be relevant to the research.

The results of the literature search are presented in Table 1. The table shows the number of articles identified in each database and the number of articles that were deemed to be relevant to the research.

The results of the literature search are presented in Table 1. The table shows the number of articles identified in each database and the number of articles that were deemed to be relevant to the research.

The results of the literature search are presented in Table 1. The table shows the number of articles identified in each database and the number of articles that were deemed to be relevant to the research.

## Discussion

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.

## Conclusion

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.

The results of the literature search indicate that there is a growing awareness of the need to address the health care needs of the elderly population. This is reflected in the increasing number of articles published on this topic.